


Маҳмуд ҲАСАНИЙ



ОБИҲАЁТ
ТОМЧИЛАРИ



Тошкент-2010

Маҳмуд ҲАСАНИЙ. Обиҳаёт томчилари.
Тошкент. «Fan va texnologiya», 2010, 296 бет.

МАҲДУМ ВОСИЛИЙ НОМИДАГИ МАЪНАВИЙ МЕРОС МАРКАЗИ

Шарқшунос олим ва иқтидорли шоир, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний юздан ортиқ таржима, табдил ва илмий асарлар муаллифи. У Ўз ФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари хазинасининг мудир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Маҳмуд Ҳасаний “Обиҳаёт томчилари” китобини отаси араб, форс ва туркий тиллар билимдони, фаннинг ҳар хил соҳаларига бағишланган 40 дан ортиқ китоблар муаллифи Маҳдум Восилий (Ҳасанхон Маҳдум ибн Муҳаммад Иброҳим, 1898-1979) га бағишлаган. Китобда одоб-ахлоқ масалалари бош мавзу сифатида туради. Ундаги публицистик ҳикояларда олим отасининг бошдан кечирган воқеаларини, олимлар орасидаги ўзаро муносабатларни, ўзи ва отаси атрофидаги кишиларнинг ибратли ҳаёти ва салбий нуқсонларини қизиқарли усулда баён қилган. Олим ҳар бир ҳикояни ўзининг ҳикматли тўртликлари орқали янада мароқли қилишга интилади.

**Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори
Ҳайдарбек Бобобеков**

**Тақризчи: филология фанлари номзоди
Сайфиддин Сайфуллоҳ**

ISBN 978-9943-10-347-4

**© Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
«Fan va texnologiya»,
нашриёти, 2010,**



МАҲДУМ ВОСИЛИЙ

Маҳдум Восилий (Ҳасанхон Маҳдум ибн Муҳаммад Иброҳим) 1898 йили Фарғона музофотига қарашли Мингтепа (Ҳозирги Марҳамат)нинг Қорабоғиш қишлоғида таваллуд топган. Унинг отаси Мулла Муҳаммад Иброҳим араб ва форс тиллари билимдони, ислом ҳуқуқшунослиги (фиқҳ)ни чуқур билган олим эди. Шунинг учун у Мингтепада бир неча вақт қозилик мансабида ишлаган. Муҳаммад Иброҳимнинг отаси Мулла Соҳибназар эса Қўқон хонининг муфтийси сифатида фаолият кўрсатган. Унинг отаси эса Худойдод Сўфи номи билан танилган тақводор киши бўлган.

Маҳдум Восилий дастлабки илмни ўз отаси Муҳаммад Иброҳим ва тоғаси Зиёвуддин Маҳдумдан олади. Сўнг эса акаси Муҳиддин Маҳдум (лақаби Бургут Маҳдум) бош мударрис бўлган Андижондаги мадрасада таҳсилни давом эттиради. 1919-1920 йилларда Бухорога бориб, то 1925 йилгача Мирараб мадрасасида ўқийди. Маҳдум Восилий ўзининг билимга чанқоқлиги ва иқтидорлиги билан мадраса илмларини пухта эгаллайди. Устозлари ва тенгдошлари орасида ҳурматга эга бўлади. Унинг устозлари ўша даврнинг машҳур олимлари Мулла Асвад Маҳдум, Хожа Умарча домла, Мулла Икромча домла, Бақохожа Эшон домла ва Мулла Ўроқ домлалар бўлган.

Бухорода мадрасада ўқишлар тўхтаб қолгач, Маҳдум Восилий Марҳаматга қайтади. Уламолар йиғинида ёш Восилий баҳсда барчани лол қолдиради. Аравон ноҳиясида бир мунча муддат қози бўлиб турган ва чуқур илмга эга бўлган Мулла Холмат қози Восилийни ўзига куёв қилади ва Биби Ҳамида исмли аҳли савод ёлғиз қизини Восилийга беради. Мулла Холмат қози 1937 йилда Тошкентда қатл этилган.

Орадан кўп ўтмай, қизил империя малайлари Восилийнинг кетидан тушадилар. Унинг акаси Муҳиддин Маҳдум Қашқарга қочишга мажбур бўлади ва ўша ерда вафот этади. Восилий ўзини яшириш учун Булоқбошида одамларнинг деворларини уриш ва

ғишт қуйиш билан машғул бўлади. Бироқ ҳукумат одамлари унинг уйига бостириб кириб, барча нарсаларини талон-тарож қилиб олиб чиқиб кетадилар. Восилий бу ердан ҳам кетишга мажбур бўлади ва Асака шаҳрига келиб, пиллакашлик корхонасида ишлайди. Бу ерда ҳам унинг уламолиги ошкор бўлгач, Марҳаматга кетади ва ўз опаси уйида бир неча муддат яшаб, сўнг Марҳамат қишлоғида кўним топади.

Восилий Марҳаматда қора экин бригадаси деган бригадда ишлайди ва ўз илмини доимо яширишга мажбур бўлади. Марҳаматда ҳам унга тинчлик йўқ эди. Умрининг охиригача таъйиқ остида яшайди. Бир гуруҳ малайлар у ҳақда тинимсиз туҳмат хатларини уюштириб, уни ўзгача фикрловчи сифатида кўрсатишга уринадилар. Бу ҳақдаги лавҳалар мазкур китобда келтирилган. У шеърларидан бирида нолиб:

*Ўқугон илмим мани жонимга ханжар бўлди-ку,
Бу гариб бошимни ханжар бирла янчар бўлди-ку,-*

деб ёзган эди. Ҳатто унинг шеърларини газетада босишга ҳам рухсат бермайдилар. Фақатгина мустақиллик туфайли Восилийнинг шеърларидан намуналар “Марҳамат илҳомлари” номи билан 2002 йили Тошкентда чоп этилди.

Восилий нотинч ҳаёт кечирганига қарамай, ижод билан то умрининг охиригача шуғулланди ва қуйидаги асарларни ёзди:

1. Качкўли Восилий ал-Марҳаматий (Восилий ал-Марҳаматийнинг “Качкўл” китоби).
2. Мажмаъ ут-таворих (Тарихий воқеалар мажмуаси).
3. Мажмаъ ул-адвия (Даволар мажмуаси).
4. Мажмаъ ул-масоил (Масалалар мажмуаси).
5. Бунён ул-банон фи унвон ул-баён (“Унвон ул-баён” китоби ҳақида бармоқлар тиклаган бинолар).
6. Муқаддимат ус-салот (Намоз муқаддимаси).
7. Рисолаи қимиз (Қимиз ҳақида рисола).
8. Мажмуаъ ул-ашғор (Шеърлар мажмуаси).
9. Шарҳ ва таржимаи “Атбоқ уз-заҳаб” (“Атбоқ уз-заҳаб”нинг шарҳи ва таржимаси).
10. Таржима ва шарҳи “Чилкоф” (“Чилкоф”нинг таржима ва шарҳи).

11. Шарҳи “Ҳизб ул-баҳр” (“Ҳизб ул-баҳр” китобининг шарҳи).
12. Масойили фикҳ (Фикҳий масалалар).
13. Мунтахаб ут-тибб (Тибий китоблардан сайланма).
14. Мажмаъ ул-оёт ва-л- аҳодис (Оят ва ҳадислар тўплами).
15. Масойил ул-амвот мина-л-кутуб ал-мўътабирот (Мўътабар китобларда баён қилинган ўликлар масаласи).
16. Баёзи Восилий.
17. Мажмаъ ул-мутафарриқот (Ҳар хил масалалар мажмуаси).
18. Мажмаъ ул-ҳикоёт (Ҳикоятлар мажмуаси).
19. Ҳадиқат ул-масоил (Масалалар боғи)
20. Таржимаи “Номи Ҳақ” ба забони туркий (“Номи Ҳақ”нинг туркий таржимаси).
21. Мажмаъ ул ахбор (Хабарлар мажмуаси)
22. Мажмаъ ул-адъиййати мин ал-оёт вал-аҳодис ва мин ақвол ил-машойих мин ал-кутуб ил-муътабарот (Муътабар китоблардан, ҳадис ва оятлардан танлаб олинган дуолар)
23. Заруриёти Маҳмудийа (Маҳмуд учун зарур нарсалар).
- 24.Калимоти қудсия машойих (Машойихларнинг қудсий калималари).
25. Китоб ул-васиййати жаноби Саййид Аҳмад тўра ибн Саримсоқхон тўраи Арабоний ал-Фарғоний (Жаноби Саййид Аҳмад тўра ибн Саримсоқхон тўра Арабоний ал- Фарғонийнинг васият китоби).
26. Китоб ул-мутойиба (Мутойиба китоби).
27. Мажмаъ ул-мутафарриқот мин ар-рақойиқ ваз-зарурийёт
28. Мунтахаб аз китоби Иршод ут-толибин (“Иршод ут-толибин” китобидан сайланма).
29. Олтин бешик тарихи.
- 30.Тарихи ҳазрати Офоқ алайҳир раҳма (Ҳазрати Офоқ алайҳир раҳмининг тарихи).
- 31.Тафриж уш-шиддат би-шарҳ ил-мунфарижа (Қийинчиликдан қутқарувчи “Мунфарижа” шарҳи).
32. Китоб ул-ҳаж мин ал-Ҳидоя фил-Муздалифа (“Ҳидоя”дан олинган Муздалифа ҳақидаги Ҳаж китоби).
33. Дукчи Эшон (шеърлар тўплами).
34. Масъалаи Олимхон тўра (Олимхон тўра масаласи).
35. Арз ул-аҳвол ила Нуъмон Қори ал-Хатиб (Нуъмон қори ал-Хатибга арзнома).

36. Ал-қавл ул-болиға фий имраат ис-солиҳа (Солиҳа аёллар ҳақида улуғ сўзлар).

37. Ҳоза ад-дафтар ли-ахина л-акрам Мулла Абдуррасул Махдум (Ҳурматли биродар Мулла Абдуррасул Махдум ҳақидаги дафтар).

38. Баён ул-ихтилож ва ват-таъбир (Аъзо учиши ва туш таъбири баёни).

39. Дафтар ут-тарих (Тарих дафтари).

40. Фил-меърож ваз-заҳрат фий Байт ил-муқаддас (Байт ул-Муқаддасдаги Меърож тарихи ҳақида).

41. Ҳозиҳи-д-дафтар фи таржимати муштаққоти рисолат ил-Муъиззий ли-Файзираҳмон (Файзираҳмон учун ёзилган ал-Муъиззий рисоласидани иштиқоқлар таржимаси дафтари).

42. Интибоҳ фи ҳалли иштибоҳ (Иштибоҳларни ҳал қилиш ҳақида огоҳлантириш).

43. Дуҳн ул-ожир (Ғишт ёғини тайёрлаш ҳақида).

44. Танбиҳ ул-ҳазарот фи таҳқиқ ил-ғафалот (Ғафлатларни тарқатиш ҳақида ҳозирларга огоҳлантириш).

45. Шаҳм ул-ҳанзал ва даво ул-айн маъхуз мин Уммон ут-тибб (“Уммон ут-тибб” китобидан олинган Абужаҳл тарвузининг эти ва кўз дориси).

46. Хонлар тарихи.

47. Дафтар фит-тибб (Табобат дафтари).

Юқорида зикр қилинган китобларнинг кўпчилиги араб тилида бўлиб, уларни тушуниш, таржима қилиш ва шарҳлаш чуқур араб тили билимини талаб қиларди. Восилий бу ишларнинг уддасидан чиқа олган. У ҳатто ўз фикрларини араб тилида насрда эмас, балки назмда ҳам ифодалай олар эди. Ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам араб тилини билган ва тушунган одамлар кўп бўлган, бироқ уларнинг ҳаммасидан ҳам асар қолган эмас. Қишлоқда, илм-фан марказидан узоқда туриб, илмий ижод билан, айниқса ўзи замондан нотинч бўлган ҳолда шуғулланиш ҳамманинг ҳам қўлидан келармаслиги, бунинг учун кучли ирода ва сабр-тоқат зарурлиги ҳисобга олинса, Восилийнинг жасорати ўз-ўзидан аён бўлади. Восилий тириклик пайтида ҳазиллашиб: “Сизлар менинг вафотимдан сўнг ҳали қишлоқда менга ҳайкал тиклайсизлар”, - деб қўяр эди. Унинг ижоди ўрганилса, халқ орасига ёйилса, ажабмаски

ҳазил қилиб айтганлари ҳақ бўлиб чиқса.

Ҳозирда Марҳамат туманида олим яшаган ҳовлида “Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос маркази” ишлаб турибди. Марказда олим томонидан йирилган ва тазйиқ сабабли бировларнинг уйида яширин сақланган 700 га яқин араб, форс ва туркий тилларидаги асарлар сақланмоқда.

Восилий 1979 йилда вафот этган. У яшаган кўча ҳозирда Маҳдум Восилий номига қўйилган.

Қўлингиздаги китобда Маҳдум Восилийнинг ўғли, тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмлари фонди мудир, 110 дан ортиқ илмий, таржима ва табдил китоблар муаллифи Маҳмуд Ҳасанийнинг отаси, отасининг дўстлари, ака-укалари, ўзи ишлаётган институтда юз берган айрим воқеалар ҳақидаги ҳикоялари ўрин олган. Бу ҳикоялар 2002 йилда “Тошкент оқшоми” газетасида босилиб чиққан ва Ўзбекистон радиоси орқали ўқиб эшиттирилган. Олим мазкур ҳикояларни қайта кўриб чиқиб, нашрга тайёрлаган ва уларни янада мароқли қилиш учун ўзининг ҳикматли тўртликлари билан безатган.

Китобдаги ҳар бир ҳикояда одоб-ахлоққа оид чуқур маъноли фикрлар келтирилади, ўтмишда ёзилган китоблар ҳақида фикр юритилади, ўсимликлар олами ҳақидаги қизиқарли ҳикоя ва тажрибалар баёни келтирилади. Китобнинг нашр этилиши ёшлар учун мустақиллик қадрини билиш, одоб-ахлоқ билан оро топиш, ота-боболар томонидан ёзилган асарлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, манбашунослик ва шарқшунослик масалаларидан огоҳ бўлишда ўз қимматига эга.

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, “Махпират” номли
Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганиш
институти директори.



ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳаёт - улуг мактаб. Бу мактаб ичида киши пишиб етилади, улғаяди ва тажриба орттиради. Ҳар нарсадан бир ибрат деганларидек, яхшидан, ибрат олади, ёмонларнинг феълени такрорламасликка интилади. Луқмони Ҳакимдан: “Одобни кимдан ўргандинг?” - деб сўраганларида: “Беодобдан, унда қандай ёмон нарса кўрсам, уни қилишдан қочдим!” - деган экан.

*Адаб билан одам иззат топади,
Обрўю шарафу хизмат топади
Адаб соҳиби-ла сўзлашган киши,
Руҳига дормону лаззат топади.*

Ҳикматларда: “Одоб аҳли билан ҳамсухбат бўлиш -гуллар ҳидини уфураётган тонг насимидан ҳам ширин” дейилади.


*Инсон азизлиги адаб туфайли,
Элда лазизлиги адаб туфайли.
Катта-кичик учун ёқимлилиги,
Ширин тамизлиги адаб туфайли.*

“Оталар сўзи” китобида ёзилишича, ота-онаси ўлган одамни эмас, одоби йўқ одамни етим демоқ керак.

*Беадаб эл ичра забун бўлади,
Дилида ечилмас тугун бўлади
Адабли кишининг ёронлари шод,
Юзи эса доим гулгун бўлади.*

Бир куни Букрот Ҳакимдан: “Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай?” - деб сўрадилар. У: “Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби”, - деб жавоб берди.

*Беадаб эл ичра доимо хордир,
Бир оғиз ширин сўз эшитмай, зордир.
Ҳеч кимга ёқмағай феълү атвори,
Кенг дунё унинг-чун бир умр тордир.*



“Ҳаёт энг яхши мураббийдир, - дейилади “Оталар сўзи” китобида, - мураббийси бўлмаган одамни ҳаётнинг ўзи тарбиялаб қўяди”.

Бу камина ҳам ҳаёт мактабидан сабоқ олар экан, ундаги ибратли дарсларнинг мазмунини қорозга тушириб, сиз азиз китобхон билан ўртоқлашмоқчи бўлди.

*Ҳаётни мен улуг бир ромчи дейман
Кўркам жамолини илҳомчи дейман.
Унинг ҳикматлари бир денгиз бўлса,
Ёзганим денгиздан бир томчи дейман.*

Ҳаёт мактабида кўрган - кечирганларимни Саъдий “Гулистон”и ва Жомий “Баҳористон”идаги ҳикоятларга тақлид қилиб ёзишга ҳаракат қилдим.

*Хайёмдек қўлида жом деб ўйлама,
Бедилдек сўз мулки ром деб ўйлама.
Қўлимдан не келса ҳаммасин ёздим,
Пухта бўлмаса-да, хом деб ўйлама.*

Унда хурматли қиблагўҳим Махдум Восилийнинг ҳамда ака-укаларимнинг ҳаётидан лавҳалар келтирдим, дўсту ёрлар ва ҳамкасбаларимнинг ҳаёт боғларидан гуллар тердим. Ҳар бир ҳикоятни ўз таълимдан қуйилиб чиққан назм дурлари билан безашга ҳаракат қилдим.

*Ёзганим тотликда гўё бол бўлса,
Оламнинг юзида мангу хол бўлса.
Жаҳонда бор экан одамнинг зоти,
Ўқилса, ёдланса, безавол бўлса.*

Донолар, дунёда ўзидан бирон ёдгорлик ёки яхши ном қолдириш - иккинчи ҳаёт, дейдилар. Шундай экан, шоиру олимлар ҳам ўз асарлари орқали иккинчи ҳаётни яшайдилар.

*Биров дейди: - Обру бу мол бўлармиш,
Моли борнинг оғзи нақ бол бўлармиш.
Яхши ном мен учун абадий бойлик,
Бу бойлик, айт, қачон завол бўлармиш.*

Олим ёки шоирнинг қаламидан чиққан ҳар бир сўз ўзи учун эмас, халқ учун бўлмоғи, одамларга манфаат етказмоғи шарт. Шоирнинг вазифаси эса назм жавоҳирлари билан халқни улуглаш ва унинг юрагига завқу шавқ бағишлаб, номини асрлар қаъри-

га қолдиришдир.

*Ўзганим “оз-оз”лаб, ёзганим ёзган,
Қаламимни созлаб ёзганим ёзган.
Нима ёзмай, қанча ёзмай барибир,
Халқимни эъвозлаб ёзганим ёзган.*

Юртимиз ва халқимиз ўзининг буюк орзусига, яъни истиқлолга эришди. Аллоҳнинг инояти билан ажиб замона бизга ўз жамолини кўрсатди.

*Ҳаётда бундан зўр замон бўлмагай,
Яхшилар кўп, унда ёмон бўлмагай.
Қадрига етмаса ҳар ким замонни,
Замонда ҳечқачон омон бўлмагай.*

Ўзбек халқи истиқлол туфайли яшарди, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлди, озод нафас олди, кучига куч қўшилди, шубҳасиз, у қуруқдан ҳўл, тошдан эса зар чиқарадиган даражага эришади.

*Ўзбегим ҳар хушкдан тар¹ пайдо қилур,
Осмонга қўл урса дар² пайдо қилур.
Олтин қўлин суртса тоғ ила тошга,
Тоғ ила тошлардан зар пайдо қилур.*

Ўзбек халқига ҳам, юртига ҳам ҳеч ким даҳл қилолмайди. Мамлакат юртбошиси айтгандек, ўзбек халқига Худонинг ўзи назар қилган.

*Билади ҳар кимки хабарин топган,
Ўзбегим Худонинг назарин топган.
Ҳар кимки ўзбекка қўлин кўтарса,
Албатта замона зарарин топган.*

Кексалар дуоси нишонга беҳато тегувчи ўқдир. Юртимизнинг барча отахон ва онахонлари ҳамиша дуода экан, мамлакатимиз равнақ топаверади. Улар бир оғиздан Аллоҳга илтижо қилиб, дейдилар:

*Тинчлигу тотувлик замонда бўлсин,
Юртимиз ҳамиша омонда бўлсин.
Халқимиз бахтиёр бўлсин ҳамиша,
Иқболу барака хирмонда бўлсин.*

¹ Хушк - қуруқ, тар - ҳўл.

² Дар - эшик.

Биз, шарқшунос олимлар учун истиқлол буюк йўлларни очиб берди. Маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихига оид истаган асар устида бемалол ишлайдиган бўлдик. Куръону ҳадислар юртимизга қайтди, олиму машойихлар қайта тирилди, чанг босиб ётган асарлар юзидан парда кўтарилди.

*Юртимга Худонинг саломи³ келди,
Қайтадан муқаддас Каломи келди.
Ислумни чин ислум айламоқ учун,
Ислумни кўтариб, Исломи келди.*

Халқимиз илм нури билан қалбини мунаввар қилиб, вужуди-ни маънавий бойлик билан бойитмоқда, комил инсон даражасига етиш учун меҳнат қилмоқда ва тер тўкмоқда.

*Ботирга мушқил ҳам ўта осондир,
Танбалнинг топгани вазу карсондир.
Ўзини ўйламай, элни ўйлаган,
Барчанинг наздида комил инсондир.*

Азиз китобхон! Ҳадисларда, мусулмон одам мусулмон одамнинг ойнасидир, дейилади. Мен, қўлимдан келганча, сиз учун ойна тайёрладим, шу ойнага назар солиб, ўзингизга оро берасиз ва феълу атворингиздаги айрим нуқсонларни унда кўриб, ойна юзидан маҳв этарсиз, деган умиддаман.

*Хомтоқдан ҳар бир ток камолга етар,
Бағри ҳаво олиб, шамолга етар.
Хомтоқ қилинмаса инсон феъли ҳам,
Фовлаб кетиб, охир заволга етар.*

Сўзни шу ерда мухтасар қилувчи шарқшунос дўстингиз ва хайрихоҳ биродарингиз Маҳмудхон Ҳасаний.

*Сўзингни одамлар малол топмасин,
Маъно жиҳатидан маҳол топмасин.
Сўз ёзсанг, шунчалар ўйланиб ёзки,
Ҳар бири минг йиллаб завол топмасин.*

³ Салом - тинчлик.

ОБИҲАЁТ ТОМЧИЛАРИ



ЭНГ БОЙ ОДАМ

Сухбатлашиб ўтирар эдик. Одамларга беминнат ёрдам, холис хизмат ва савоб ишлар ҳақида сўз кетар эди. Қиблагоҳим Махдум Восилий ёшликдаги бир воқеани эслаб, куйидагича ҳикоя қилдилар:

- 1919 йиллар эди. Уч киши - мен, мулла Мамаюсуф ва мулла Аҳмад Мингтепадан Бухоро томон йўлга чиқдик. Мақсадимиз Мирараб мадрасасида таҳсил олиш эди. Йигирма кун деганда Нуротага яқинлашдик. Кенг далада бир ўтов бор экан. Ўтов ичидан бир киши чиқиб кутиб олди. Кейинчалик билсак ўша киши шу ернинг бойларидан бири экан. Унинг қозоқ эканлиги кўриниб турарди.

Ҳақиқий одамлар миллат танламас,

Ўзи ўзи учун иллат танламас.

Сен у, мен бу, дея одамлар ичра,

Ширин ҳаётига зиллат¹ танламас.

Бойнинг одамлари ўриб қуритилган бедаларни ғарамга босаётган эканлар. Кун оғиб қолган бўлиб, тунни ўтказадиган жойимиз йўқ эди. Бойдан рухсат сўраб, унинг одамларига ёрдам бера бошладик.

Меҳнатдан одамзот одам бўлади,

Ишлари юришар, бардам бўлади.

Бировга етқазса қўли билан наф,

Ҳаёти хуш, ўзи илдам бўлади.

Шомда бойнинг ўтовига йиғилдик. Овқат асносида бой бизнинг ким эканлигимиз, қаёққа кетаётганимиз ҳақида суриштирди. Бухорога ўқишга кетаётганимизни айтдик. Кечаси ётиб, эрталаб турдик. Бомдодни ўқиб, нонушта қилдик ва жўнашга ҳозирландик. Шунда бой шеригим Мамаюсуфдан:

- Ёнингда қанча пул бор? - деб сўради.

- Отам беш танга берган, - деди у.

Бой Мулла Аҳмадга юзланиб:

- Сенинг отанг қанча пул берган? - деди.

¹ Зиллат хорлик.

- Уч танга, - деб жавоб берди у.

Бой мендан:

- Сенга қанча берган? - деди.

- Отам дуодан бошқа ҳеч нарса бермаган, - дедим.

- Сен ҳаммадан бой экансан, - деди у. Сўнг шерикларимга биттадан танга, менга эса уч танга инъом қилди.

Ҳалол бойлик топсанг, жуда аълодир,

Савоб ишлар қилсанг, яна авлодир.

Ҳақиқий бойликни қидирсанг агар,

Ҳақиқий бойлик бу - яхши дуодир.

ФИЛМИНДИ

Уч-ўрт киши қиблагоҳимнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Ич-каридан сариёғда пиширилган ва ёғлари томиб турган хунон овқати чиқарилди. Маза қилиб ейишга тушдик. Панжаларимиз орасидан ёғ оқиб тушар эди. Қиблагоҳим овқат асносида ҳикоя қилдилар:

- Мингтепадан Бухоро томон йўлга чиқиб, Нуротага етиб келдик. Кеч бўлиб қолган, борадиган жойимиз йўқ эди. Масжидга кириб, шомни ўқидик. Масжид имоми бизнинг мусофир эканимизни кўриб, уйига таклиф қилди.

Холис бўлса агар ниятинг,

Ғам тортмайсан асло фироқдан.

Ўз-ўзидан ризқу насибанг,

Етар сенга Шому Ироқдан.

Дастурхон ёзилиб, нозу неъматлар қўйилди. Сўнг бизга нотаниш бўлган бир таом келтирилди.

- Бу қандай таом? - деб сўрадик.

- Филминди, - деди уй эгаси.

Водий томонларда бундай таом бўлмас эди. Қорнимиз оч эди. Уй эгаси ейишга таклиф қилди. Таомга биринчи бўлиб мулла Аҳмад қўл чўзди. Филминдидан бир дона олиб, бир тишламани узиб олган эди, хамир ичидаги ёғ оғзидан оқиб, яхтагига қуйилди. Буни кўрган уй эгаси:

- Филминди ейишни билмас экансиз-да, - деди.

- Биз томонларда бундай таом бўлмайди, - деди мулла Аҳмад.

Уй эгаси филминдидан бир дона олиб, ейиш қондасини кўрса-

тиб берди. Яхшиямки, биз қўл узатмай турган эканмиз, бўлмаса биз ҳам мулла Аҳмаднинг аҳволига тушар эканмиз.

*Ҳар бир ишнинг қондаси бор,
Ҳар бир ишнинг сиру асрори.
Ўрганмаса жидду жаҳд қилиб,
Одамзотнинг кетар барори.*

ҚЎТИР

Бир куни меҳмонхонамизда қиблагоҳимнинг муҳлислари Фатхулла Махсим, Усуббек ва Қирғиз акалар билан ўтирган эдик. Фатхулла Махсим сўз очиб деди:

- Тақсир, ўғлимнинг қўлига сувли тошмалар тошиб кетди, қичишади, қашласа, қонаб кетяпти, давоси борми?

Қиблагоҳим ёдларига бир нарса тушгандек кулиб қўйдилар. Сўнг дедилар:

- Нуротада масжид имомининг уйида меҳмонда эдик. Суҳбат асносида мен яхтагим устидан у ер-бу еримни қашлаб қўярдим. Уй эгаси эътибор бериб турган экан, менга юзланиб:

- Нега қашиняпсиз? - деб сўради.

- Қўтир азоб беряпти - дедим.

- Бунинг энг осон давоси бизда, - деди у.

Қандай даво экан деган назар билан имомга тикилдим. Буни сезган имом:

- Нурота булоғига тушиб, бир марта чўмилсангиз тамом, бутунлай соғайиб кетасиз, - деди.

Иссиқда йўл босавериб, терлаб, ўзимиз ҳам чангюқи бўлиб қолган эдик. Яхтақларимиз ҳам кир бўлиб кетганди. Учовлон булоққа бордик. Чойхоначидан совун сотиладиган жойни сўрадик.

- Совун нега керак? - деди у.

- Либосларимизни ювиб олмоқчимиз, - дедик.

- Булоқ сувининг ўзи совун. Бир-икки чайқасангизлар кирдан асар ҳам қолмайди, - деди у.

Чўмилдик. Яхтақларни ювдик. Ҳақиқатан, совунсиз тоза бўлиб қолди. Уч кундан кейин эса баданимдаги қўтирдан асар ҳам қолмади.

*Банда учун Халлоқи олам,
Ҳар нарсага қўйган бир ҳикмат.*

*Қаловини топсанг ёнар қор,
Аммо бунга керакдир ҳиммат.*

Сўнг қиблагоҳим Фатҳулла Махсимга деди:

- Табобатда дорилар кўп, бироқ Аравон қишлоғининг юқори қисмида жойлашган ва гиёҳлар ўсмайдиган тақир тошдан иборат тоғ бор. Тоғдаги тошлар орасидан бир булоқ оқиб чиқади. Халқ уни Қўтирбулоқ деб атайди. Ўрлингизни шу булоқ сувида чўмилтирсангиз тезда тузалиб қолади.

- Бу булоқ сувида қандай хислат бор? - деди Махсим.

- Бу сувда олтингугурт таъсири бор, олтингугурт эса қўтир яраларини тузатиш хислатига эга, - деб жавоб бердилар қиблагоҳим.

*Тоза сувдир одамнинг жони,
Сувсиз ҳаёт йўқдир жаҳонда.
Ҳикмати кўп булоқ сувининг,
Дармон бўлар баъзан бир онда.*

ҚАРОҚЧИЛАР

Бир куни суҳбатда Фатҳулла Махсим:

- Махдум тоға, мадрасада ўқиётган вақтларингизда овқатни ким қилиб берад эди? - деб сўраб қолди.

- Э-э, овқатимизнинг тайини бўлмас эди, - деб сўз бошладилар қиблагоҳим. - Кўпинча қотган нонлар билан кун кечирар эдик. Ҳеч иложи бўлмай қолганда мен, мулла Мамаюсуф ва мулла Аҳмад мардикорлик ҳам қилардик. Мулла Мамаюсуф полвон эди, тўйларга бориб, кураш тушарди ва асло йиқилмас эди. Одамлар унга пул йиғиб беришар ва бу пул биз учун анча вақтгача етарди.

*Ҳар ёнга боқ, фикр айлагин,
Ҳар фикрингни бикр¹ айлагин.
Ҳаётингга чуқурроқ қара,
Топганингга шуқр айлагин.*

- Мамаюсуфнинг полвонлигидан бир лавҳа айтиб берайми? - дедилар қиблагоҳим. - Нуротадан Бухорога томон йўлга чиқдик. Кимсасиз ташландиқ ерлардан юриб, бир дарё бўйига етиб келдик. Кўприқдан ўтмоқчи эдик, кўприқнинг нариги томонида учтўртта отлиқлар турганини кўрдик.

¹ Бикр -ажойиб, асл, нодир.

- Сизлар шу ерда турунглар, - деди Мамаюсуф, - булар қароқчиларга ўхшайди.

Шундай деб кўприкдан отлиқлар томон юриб кетди. Кўприкнинг ўртасига етиб келганда отлиқлардан бири ҳам унинг олдига келди. Бир нарса ҳақида гаплашишди. Шу пайт Мамаюсуф икки қўлини отнинг қорнига қўйиб, бор кучи билан итарган эди, от эгаси билан бирга дарёга қулаб кетди. Буни кўрган бошқа отлиқлар қочиб қолишди. Кейин билсак, улар ростдан ҳам йўлтўсарлар экан, Мамаюсуфнинг полвонлиги туфайли улардан қутилиб қолганмиз.

*Лаззатлар неъмат-и алвондан чиқар,
Неъматга ношукр иймондан чиқар.
Бемору ночордан улуг иш чиқмас,
Мардона ҳар бир иш полвондан чиқар.*

НОС

Сухбатлашиб ўтирар эдик. Фатҳулла Махсим қиблагоҳимга деди:

- Фалончи одам аҳли илм бўлишига қарамай нос чекади. Ўтиришларда гиламнинг четини кўтариб, оғзидаги носини туфлаб ташлайди. Нос чеккан кишининг уриб синдир тишини, десак ҳам кор қилмайди.


*Ҳар ким элда агар чекар бўлса нос.
Бу иши ярамас одамларга хос.
Нос чеккан кишини кўрсанг аяма,
Қизиган тарбия темирини бос.*

Қиблагоҳим Фатҳулла Махсимнинг сўзларини эшитиб кулиб қўйдилар ва қуйидаги ҳикояни айтиб бердилар:

- Бизларни Мирараб мадрасасига қабул қилишди. Дарслар бошланди. Устозимиз мулла Асвад Махдум эди. Устоз нос хидлар эканлар. Ҳайратга тушдик. Улуғ уламо, каромати зоҳир авлиё, обрӯ-эътиборли одам ҳам нос хидлайдими?! Бу ҳол бизга ёқмаса ҳам, бироқ ҳеч нарса деёлмас эдик.

*Улуғ устоздаги ҳар яхши одат,
Шогирд учун ибрат, бахту саодат.
Бироқ устоз феъли номаъқул бўлса,
Бу феълдан шогирдга етар фалокат.*

- Орамизда туркистонлик мулла Очил деган бор эди. Ҳеч кимни



аяб ўтирмас, ҳақ гапни шартга айтиб қўяқоларди. Устознинг нос хидлаганини кўриб, асабийлашар ва ҳайрон қолиб, ёқасини тутар эди. Бир куни чидаб туролмади. Дарс асносида: “Устоз, нос хидлашингиз бизга ёқмаяпти, агар сиз шундай қилсангиз, шогирдларингиз шароб ичишга бошлайдилар”, - деди. Устоз: “Шундайми, майли носдан воз кечганим бўлсин”, - дедилар-да, нос халталарини мулла Очилга бериб, ташқарига ташлаб келишни буюрдилар. Мулла Очил қайтиб келгач, ундан: “Қаерга ташладингиз, ҳожатхонагами?” - деб сўрадилар. Мулла Очил: “Йўқ, ҳожатхонани булғамасин деб, том устига отиб юбордим!” - деди.

*Ҳар ким арақ ичса ёки чекса нос,
Бу иши иллатга бўлади асос.
Ифлос нарсалардан поклик етмайди,
Аксинча, руҳингни қилади ифлос.*

- Устоз мулла Очилнинг сўзларидан хафа бўлмади. Кулиб қўйдилар-да, дарсни давом эттирдилар. Мен ҳанузгача устознинг нос чекишининг сабабини тушунмайман. Уламолар тамаки чекиш, нос хидлаши, наша ва кўкнор истеъмол қилишни ёмонлаб келганлар ва бу бобда оддий одамларга ибрат бўлганлар. Қисқаси, шу кундан бошлаб устознинг бошқа нос ишлатганини кўрмадик.

*Фойдаси йўқ ёмон одатдан,
Ўзни тийиб кечганинг яхши.
Ёмон дея ном чиқаргандан,
Ёнмай туриб ўчганинг яхши.*

УСТОЗНИНГ ТАНБИҲИ

Сухбатлардан бирида халифа Ҳорун ар-Рашид даврида Шайх Буний томонидан ёзилган “Шамс ул-маъориф” китоби ҳақида сўз кетди. Қиблагоҳимга бу китоб Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Феруз буйруғи билан ўзбек тилига таржима қилингани ва унинг дастхат нусхалари Тошкентда Шарқшунослик институтида сақланаётгани ҳақида гапириб бердим.

- Кўп улуг иш бўлган экан, аммо бу китобнинг калити яшин-рин-да, - дедилар ва шу билан боғлиқ ҳикояни гапириб бердилар.

- Бухорода мадрасада кеча-кундуз такрор билан машғул эдим. Шерикларим мулла Мамаюсуф ва мулла Аҳмад тўйларга бори-

шар, айланиб келиш учун шаҳарга чиқишар, ҳар хил маросимлардан қолишмас эди. Мен эса бир парча қотган нонга сабр қилиб, фақат ўқир ва ёдлар эдим. Озиб кетганимдан қоқ суяк бўлиб қолгандим. Кўп ўқишимга сабаб бор эди. Менинг Бухорога кетишимга норози бўлган Андижон мадрасасининг мударрисси акам Бургут Махдумни илмда енгишим ва лол қолдиришим керак эди.

*Шубҳасиз, оламда полвон кучлидир,
Ёхуд элда соҳиб даврон кучлидир.
Бироқ барчасидан илм соҳиби,
Юраги лиммо-лим Уммон кучлидир.*

- Тийинлаб йиққан пулим бор эди. Масжид ёнида китобфуруш бўларди. Унда “Шамс ул-маъориф” китоби бор экан. Китоб араб тилида бўлиб, Мисрда чоп қилинган экан. “Олинг, - деди китобфуруш, - бу китоб сирли илмларнинг кони”. Аммо пулим етмас эди. Айтган баҳонинг ярмига берди. Келтириб, токчага қўйдим. Шу куни устоз мулла Асвад Махдум ҳужрага кириб қолди. Токчадаги китобни олиб кўраркан: “Мулла Сафо энг иқтидорли шогирдим эди, Ибн Синонинг “Ал-Қонун фит-тиб” (“Тиб Қонунлари”) китобини сотиб олиб, табибликка берилиб кетди ва илми чала қолди. Сиздан умидим бор эди, энди сиз ҳам дуохонликка берилиб кетмоқчимисиз? Бу китобнинг калити яширин, уни ўқиганингиз билан ҳеч нарса ҳосил бўлмайди”-дедилар. Сўнг китобни олиб чиқиб кетдилар. Яхшиямки шундай қилган эканлар, бўлмаса, мен ҳам илм олишдан чалғиб кетишим мумкин эди.

*Йўл юрдингми, ҳамроз керакдир,
Иzzат, ҳурмат, эъзоз керакдир.
Тўғри йўлдан тоймайин десанг,
Йўл бошловчи устоз керакдир.*

ШАШФОЛ ИЛМИ

Мулла Абдуғани сўфи ҳалол одам эди. Умр бўйи боғдорчилик билан шуғулланди. Қиблагоҳимга меҳр қўйган ва ихлосли эди. Суҳбатларда кўп қатнашар ва кўп савол берар эди. Саводи йўқ, мактабда деярли ўқимаган эди. Тили қотиб қолган, араб ҳарфларини жойидан чиқаролмас, бироқ ўрганишга ҳаракат қилар эди. Айниқса уни “айн” ҳарфи қийнар, уни томоқда талаффуз қилиш

керак эди. Абдуғани Сўфи уни уйда ҳам, ҳовлида ҳам, боғда ҳам тинимсиз “айн, айн” деб такрорлайверганидан икки ўғли ҳам “айн, айн” дейдиган бўлиб қолишган эди. Абдуғани сўфи бир куни кўчага чиқса, кўпгина болалар футбол ўйнар, ҳар бири тўп тепганда “айн, айн” деяётган эмишлар.

*Илм ўқисанг ёшликда ўқи,
Фикр тўла бошликда ўқи.
Қариганда ёдингда турмас,
Хотиралар тошликда ўқи.*

У бир куни қиблагоҳимдан:

- Нега авлиёликни таълим олмагансиз? деб сўраб қолди.

Қиблагоҳим жавоб бердилар:

- Одатда муллаваччалар мадраса илмларини эгаллаб бўлгач, баъзилари ҳатто эгаллаб бўлмай ҳам пирга қўл бериб, сўфийлик йўлига кириб кетадилар. Бундай ҳолат Абдулхолиқ Ғиждувоний, Занги Ота, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳдуми Аъзам, Хожа Аҳрори Валий, Бурҳонуддин Қилич Ўзгандий муридлари орасида ҳам юз берган. Биз ҳам талабалардан тўрт иши устоз мулла Асвад Маҳдум ҳузурига кириб, қўл олишини сўраганмиз. Ўқишимиз ҳали тугамаган эди. Устоз йиғлаб туриб, рад қилганлар. “Мен ҳали қўл олиш даражасига етмаганман, агар қўл олсам, Аллоҳ олдида жавобгар бўламан, сизларни ўз ўғлим деб қабул қиламан, аммо қўл ололмайман” деганлар.

*Пирлик даъвосини қилса ҳар киши,
Аммо шунга лойиқ бўлмаса иши.
Аллоҳ ҳузурда жавобгар бўлур,
Охират кунинда ортар ташвиши.*

- Аммо ҳозирги пайтда ўзини эшон ва пир деб эълон қилувчилар кўпайиб кетди, - деб давом этдилар қиблагоҳим. -Ваҳоланки, улар сўфийлик ҳақида тўлиқ билимга эга эмаслар ва валийлик босқичларини босиб ўтмаганлар, атрофига омий одамларни йиғиб, зиёфат ейишдан нарига ўтмайдилар.

*Ҳар ким эълон қилса ўзини эшон,
Каромат кўрсатса шунда сен ишон.
Қуруқ бўлса агар айтган сўзлари,
Омий эканига ушбудир нишон.*

Устоз мулла Асвад Махдум давом этиб дедилар:

- Мулла Мамаюсуфга шашғол илмини ўргатиб қўйдим. Унинг мадрасага келганига ўн йилдан ошди, аммо мадраса илmlарини эгаллай олмаяпти. Келажақда хор бўлиб қолмасин, деб шу илмни таълим бериб қўйдим.

*Ҳар кимда бўлмаса азар иқтидор,
Ўзни ўтга-чўққа ургани бекор.
Қобил бўлмаса гар илм ўқишга,
Ўзга касбни қилмоқ керак ихтиёр.*

КИМ ЎТКИР?

Марҳаматда мадрасани битириб келган учта киши бор эди. Булар менинг қиблагоҳим Махдум Восилий, мулла Мамаюсуф ва мулла Аҳмад эди. Мулла Мамаюсуф Шўрқишлоқда, мулла Аҳмади турк (орқасидан уни шундай деб аташарди) Равот қишлоғида яшар эди. Одамлар бу уч кишидан қайси бири илмда ўткирлигини билишни истар эдилар. Улардан қайси бирига бу ҳақда савол берилса кулиб қўяқолишар эди.

Бир куни ўтиришда мулла Мамаюсуфга шу савол билан мужоат қилиб қолишди. У тан олишга мажбур бўлди:

- Биз эшонликда Махдум Восилийдан олдиндамиз, илмда эса Махдум Восилий биздан олдинроқ, мулла Аҳмад эса бизнинг ўртамизда.

Бу сўз одамлар орасига тез тарқаб кетди ва савол бериш ҳам тўхтади.

*Одамнинг қалбини қийнаса савол,
Жавобин айтмасанг бўлади увол.
Илм қалъасига савол калитдир,
Савол билан илм топади камол.*

Қиблагоҳимнинг мухлисларидан Усуббек ака:

- Шашғол илми нима? деб сўраб қолди.

- Махсус тахта жадвалга тош ташлаб, айрим нарсаларни аниқлаш илми, - деб жавоб бердилар қиблагоҳим. Бир ҳикояни айтиб берай. Бир кекса мулланинг салласи йўқолиб қолибди. Чолу кампир қидириб тополмабдилар. Мулла шашғол илми билан ҳисобласа, қуйидаги гап чиқибди: “Салла даруни пахта, пахта даруни токча”, яъни салла пахта ичида, пахта токча ичида”. Мулла ток-

чадаги пахтани кавласа, салласи пахта ичида экан. Маълум бўлишича, мулла таҳоратга ўтиб кетаётиб, калласини токчага қўйган экан. Кампири эса унинг устига пахтани тўкиб юборибди. Қариликда хотира ҳам бузилади, ҳушёрлик ҳам камаяди.

*Қариликка етганда одам,
Бола каби бўлар ҳаёти.
Хотиралар бўлади барбод,
Кетар охир ҳаётнинг томи.*

ТЕЛБА

Уч талаба ичида шўрқишлоқлик Мулла мамаюсуф энг каттаси, мулла Аҳмад ўртанчаси, қиблагоҳим Махдум Восилий энг ёши эди. Бир куни қиблагоҳим шериги мулла Аҳмадни кўриб келиш учун Ровот қишлоғига отландилар. Мен ёш эдим ва мактабда ўқирдим. Мени ҳам олиб боринг, деб оёқ тираб туриб олдим. Пиёда йўл юриб, бир неча соатлардан сўнг мулла Аҳмаднинг уйига етиб келдик. Боғда экан, чақириб келишди. Қаршимизда тердан оқариб кетган пахтали пиджак, бошига телпак кийиб қулоқларини тушириб олган, соч-соқоллари ўсиб кетган бир киши пайдо бўлди. Унинг ташқи кўринишига назар солган одам телба деб гумон қиларди. Айни ёз жазирамасида бу ҳолда юриш таажжубли эди.

*Қалин кийим кийган бир одам,
Юзидан тер оқар эди “дув”.
Қўлу юзлар чангу кир эди,
Ойу йиллар кўрмагандек сув.*

Қиблагоҳим у билан кучоқлашиб кўришди. Токлар тагига жой қилинди. Суҳбат қизиди. Арабча китоблар ўқилди. Ётиб қолдик. Эрталаб нонуштадан сўнг уйга жўнадик. Йўлда қиблагоҳимдан:

- Бу одам телбами, нега ғалати кийиниб олган? деб сўрадим.

- Ҳукумат тазйиқидан кўрқиб, ўзини телбаликка солиб олган, - дедилар қиблагоҳим ва давом этиб дедилар. - Уни руҳоний домла деб орқасидан одам қўйишган. Ўзини яшириш учун либосини ўзгартириб олган. Аммо катта токзор барпо қилиб, шу боғда ишлайди ва тирикчилигини ўтказди.

Мулла Аҳмаднинг эҳтиёт бўлишида ҳикмат бор экан. 1950 йилда Сталин репрессияси бошланди. Мулла Аҳмадга телба деб

тегмадилар. Қиблагоҳим колхозда қора экин бригадасида ишлагани ва раҳбарлардан мухлислари бўлгани учун қутилиб қолдилар. Аммо мулла Мамаюсуфнинг аҳволи танг бўлди. Ҳеч ерда ишламай эшонлик қилгани ва қўл олгани учун қамаладиган бўлди. Қирғизистоннинг Новқот қишлоғига қочди. Қидирувчилар бу ерга ҳам етиб боришди. Тоққа қочди, аммо қаҳратон қишда тоғ йўллари музлагани учун, сирғаниб кетиб, тиззасини синдириб олди ва қўлга тушди. Сўнг бир муддат қамоқда ўтириб чиқди. Ҳар уч шерик мустақилликни кўрмай, тазйиқ остида яшаб, оламдан ўтиб кетдилар.

*Шум тузумнинг қаттол дастидан,
Қанча одам ўлиб кетдилар.
Озодликни орзу айлашиб,
Кўнгли гамга тўлиб кетдилар.*

ОТА НАСИҲАТИ

Ҳурматли қиблагоҳим Маҳдум Восилий касалга чалиниб қолдилар. Ўзлари умр бўйи ёзган “Мажмаъ ул - адвиййа” (“Даволар мажмуаси”) китобини варақлаб, дардларига даво излар эдилар. Даво нишонга тегмас, дард эса азоб беришни қўймас эди. Қиблагоҳим менга насиҳат қилиб

- Ўғлим, соғлигингизга ҳушёр бўлинг, табобат қоидалари ҳақида кўпроқ ёзинг, тиббий китоблардан ҳифзи сиҳҳатга оидларини таржима қилиб, нашр қилдилинг, токи одамлар ўз саломатликларига эътибор берсинлар, саломатлик қадри бемор бўлганда билинар экан дедилар.

Мен уларнинг сўзларидан таъсирланиб, мана бу рубоийларни ёздим:

*Аллоҳим, айши хуш каромат айла,
Қувватим кам қилма, валломат айла.
Нима қилсанг қилгин, розиман, бироқ,
Эл ичра ҳамиша саломат айла.*

*Давлату мол бари сиҳҳат ичрадир,
Қадру камол бари сиҳҳат ичрадир.
Сиҳҳатинг бор бўлса, шодлигинг ҳам ёр,
Яхши аҳвол бари сиҳҳат ичрадир.*

*Неъматинг бор бўлса фақирман дема,
Ёнда нигор бўлса фақирман дема.
Неъмату нигорнинг борлигидан ҳам,
Сихҳатинг ёр бўлса фақирман дема.*

Бу рубойларни қиблагоҳимга ўқиб бердим. Улар хурсанд бўлиб, дардларини бироз унутгандек бўлдилар ва “Баракалла ўғлим, ёзаверинг” деб дуо қилдилар.

ЎРОҚ

Эсимда бор, қиблагоҳим Махдум Восилӣ: “Ўғлим, илм (а-ланд тоғ, унга чиқиш қийин, нодонлик чуқур ғор, тушиш осон, чиқиш қийин”, деган эдилар. Сўнг давом этиб: “Нодонликнинг давоси илмдир, илм ўқинг, бу йўлда муҳмалликка йўл қўйманг. Нодон одам нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам зарар еткази-ди”, - деган эдилар.

*Илмдан юракнинг кўри кўпаяр,
Ақлу онг, идрокнинг зўри кўпаяр.
Нодонлик ўрогим, ўришга тушса,
“Ўриш”дан пешона “шўри”¹ кўпаяр.*

“КЎЗ”

Таътилда Марҳаматга бордим. Қарасам, қиблагоҳим бир кўзойнак устига яна бир кўзойнакни кўйиб ўқир, бу ҳам етмагандек, яна лупа орқали қарар эдилар.

- Дада, нима бўлди? - деб сўрадим.

- Фалончи меҳмон бўлиб келган эди, - дедилар дадам, - кўзойнак-сиз ўқиётган эдим. У: “Тақсир, шунча ёшга кириб, кўзойнак тутмай ўқийсизми?”- деди. Юрагим “шиғ” этиб кетди. Ўша кундан бошлаб, кўришим пасая бошлади.

*Ҳар сўзни сўз дема, сўзда сўз бордир,
Ҳар ўзни ўз дема, ўзда ўз бордир.
Кўзингга тикилиб турса-да кўзлар,
Ҳар кўзни кўз дема, кўзда кўз бордир.*

Бу пайтда қиблагоҳим етмиш тўққиз ёшда эдилар. Алломан

¹ Бу ерда мақлуб санъати бўлиб, “Ўриш” сўзи ҳарфларининг ўринлари ўзгартирилса “шўри” сўзи ҳосил бўлади.



Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб” номли араб тилидаги асарини ҳам таржима, ҳам шарҳини тугатиб, “Унвон ул-баён” номли китобни аввал форс-тожик тилига шарҳи билан таржима қилган, сўнг ўзбекча таржимасини бошлаб юборган эдилар.

*Ҳикматли ҳар сўзки, жаҳонда бордир,
Аёнда мавжуду баёнда бордир,
Қидириб, овора бўлма уларни,
Барчаси “Унвон ул-баён”да бордир.*

“Унвон ул-баён” китоби бошидан-охир ҳикматли сўзлардан иборат араб тилидаги дурлар хазинаси эди. Араб тилининг сўз мулки, тил бойлиги мазкур ҳикматларда жамланган бўлиб, уларни тўғри таржима қилиш ва тагига етиш учун араб тилини юқори даражада билиш керак эди. Бир куни Мисрдаги Ал-Азҳар университетини тамомлаб келиб, диний бошқармада кўп йиллар ишлаб, сўнг Академиянинг Шарқшунослик институтига ўтган, кекса олим Шоикром қори акага: “Менинг қиблагоҳим бу асарни таржима қилганлар” деганимда: “Мен бу асар бўйича талабаларга кўп йилдан буён дарс бераман, бироқ кўп жойларини чиқаролмайман” деган эдилар.

*Китобим, дур тўла жаҳоним ўзинг,
Мужаллал ҳур тўла жаҳоним ўзинг.
Қалбимни илмдан ёритай десам,
Илоҳий нур тўла жаҳоним ўзинг.*

Қиблагоҳим ўз шарҳига “Бунён ул-банон фи унвон ул-баён” (“Унвон ул-баён” ҳақида бармоқлар тиклаган бинолар”) деб ном қўйган эдилар. Асардаги матнларни алоҳида кўрсатиш учун қизил пламастердан фойдаланган бўлиб, кўзлари яхши кўрмагани учун яхтаklarининг олди томонига ранг тегиб, қонга ўхшаб қолганди. Бирор киши бу ҳақда гапирса: “Бағримни қон қилиб ёзпман” дердилар.

*Не бўлса жаҳонда бари топилар,
Ошқору пинҳонда бари топилар.
Ажойиб ҳикматлар қайдадир десанг,
“Унвон ул-баён”да бари топилар.*

Қиблагоҳимдан:

- Кўз тегиши борми? - деб сўрадим.

- Ҳа, бор, - дедилар дадам, - Расулаллоҳдан бу борада мубо-
рак ҳадис келган. Улар: “Ал-айну ҳаққун”, яъни “кўз солиш бор
наrsa” деганлар.

Қиблагоҳим “Унвон ул-баён”ни ўзбек тилида тугатиб қўйиш-
ни кўп орзу қилганлар. Кўзларини жарроҳлик йўли билан давола-
тиш учун Андижонга бордилар. Бироқ, юраклари бардош берма-
ди. Касалхонада оламдан ўтдилар. Бир ёмон одамнинг кўзи шун-
ча катта зарарни бунёд қилди.

*Кўзлар бор, мисоли меҳригиёдир,
Кўзлар бор, дардингга боқса даводир.
Кўзлар бор, жонингга ором багишлар,
Кўзлар бор, мил¹ тортмоқ унга раводир.*

“ШАМС УЛ-МАЪОРИФ”НИНГ КАЛИТИ

Қиблагоҳим ҳикоя қилган эдилар:

- Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил кўрардим. Бир
куни бозорга чиқиб, китобфурушлар растаси олдидан ўтиб қол-
дим. Китобларга назар солдим, бир китоб ёқиб қолди. Унинг номи
“Шамс ул-маъориф” (“Билимлар қуёши”) эди. Китоб бошдан-оёқ
кучли ва ўткир дуолар тўпламидан иборат эди.

*Дуолар конидир “Шамс ул-маъориф”,
Одамлар жонидир “Шамс ул-маъориф”.
Улуғ инсонларнинг улуғ изжоди,
Томирда қонидир “Шамс ул-маъориф”.*

Йиғиб юрган барча пулимни аямай, китобни сотиб олдим.
Хужрамга келиб, уни мутолаа қила бошладим. Асар “Минг бир
кеча” китобининг қаҳрамони халифа Ҳорун ар- Рашид даврида
улуғ олим Шайх Буний томонидан ёзилган эди. Бу китоб халифа
Ҳорун ар-Рашидга тақдим қилинган, у ўз олимларини йиғиб, асар-
ни текширтиради. Уламолар уни тарқатишни манъ қиладилар.
“Унда буюк дуолар бор экан, китоб тарқалса, одамлар ўқиб, ҳаёт-
ни издан чиқариб юборадилар” дейишади.

¹ Мил - кўзни кўр қилишга ишлатиладиган нина.



*Кўнлаб уламонинг кўзи гувоҳдир,
“Шамс ул-маъориф”нинг сўзи гувоҳдир.
Бу азиз китобга ҳатто халифа,
Ҳорун ар-Рашиднинг ўзи гувоҳдир.*

Китоб муаллифи халифанинг хузурига келиб, асардаги дуолар калити яширин эканлигини, ишончли қўллардан ишончли қўлларга ўтишини исботлаб беради. Шундан сўнг, уни тарқатишга рухсат берилади.

*Сирлар хазинаси “Шамс ул-маъориф”,
Дурлар ганжинаси “Шамс ул-маъориф”.
Илм осмонига чиқайин десанг,
Бу осмон зинаси - “Шамс ул-маъориф”.*

Асарда нафақат ердаги жонли ва жонсиз жисмларга, балки осмондаги юлдузу сайёраларга ҳам таъсир ўтказа олишни ўргатадиган дуолар мавжуд эди. Бироқ унинг калитини топиш керак эди. Калити эса устозим улуг мударрис, валиюллоҳ, қирқ марта тўлиқ чиллада бўлган Мулла Асвад Махсумнинг қўлида эди.

*“Билимлар қуёши” улуг қуёшдир,
Асрлар ўтса ҳам элга йўлдошдир.
Ажойиб дуолар борлиги билан,
Ўқиган одамга доим қўлдошдир.*

Бухорода амирлик қулаб, Ургутга келган эдик ва Эшони Урғутийнинг мадрасасида таҳсил кўрар эдик. Устоздан “Шамс ул-маъориф” калитини сўрадим. “Ҳали эрта, аввало билим олинг” дедилар устоз. Орадан бир - икки ўтгач, Ургутдаги ўқишлар ҳам тўхтаб қолди. Устоз мени чақириб: “Уйланмаган бўйдоқ йигитга “Шамс ул-маъориф” калитини бериб бўлмайди, тез бориб уйлаиб келинг” дедилар.

*Уйланса одамнинг руҳи босилар,
Тўфони пасаяр, Нуҳи босилар.
Ҳаётга чуқурроқ қарайди одам,
Ноласи камаяр, “уҳи” босилар.*

Мингтепага¹ жўнадим. Акам Муҳйиддин Махдум Андижондаги мадрасанинг бош мударриси эдилар. Илм-фанда ҳеч ким

¹ Мингтепа - ҳозирги Марҳаматнинг эски номи.

уларнинг олдига тушолмагани учун уларга Бургут Махдум деб лақаб қўйишганди. Уйланиш учун келганимни акамга ҳам, бошқа қариндошларга ҳам айтолмас эдим.

Бахтдан бўлиб, бир куни Аравоннинг собиқ қозиси Мулла Холмат уламоларни меҳмонга чақириб қолди. Бу пайтда улар Булоқбошида яшар эканлар. Аравон, Мингтепа ва унинг атрофидаги уламолар йиғилган эди. Илмий баҳс ва мунозара авж олди. Араб тилидаги бир жумлани ечолмай қолдилар ва сарфу наҳвдан баҳс кетди. Масала ечилмагач, акам Бургут Махдумга ҳавола қилишди. Акам ҳам ожиз эди, менга ҳавола қилдилар. Мен бу масалани олдиндан ҳал қилиб турсам-да, одоб сақлар эдим. “Кофия”нинг оддий қоидаси орқали ечиб бердим. Барча менга тан берди ва кўп мақтадилар. Аравон қозиси акам Бургут Махдумга:

- Бисотимда покдоман бир қизим бор, укангизга раво кўрмоқдаман, - дебдилар.

Тез орада тўй бўлди ва мен Булоқбошига бориб, у ерда имомлик қила бошладим. Маҳалла оқсоқолига, менга пул керак, Бухорога бориб келаман, дедим. Орадан 3-4 ой ўтиб қолди. Охири йўлга чиқдим. Хаёлимда “Шамс ул-маъориф” ва унинг калити эди.

*Олимлар йўлдоши эди бу китоб,
Қийналса кўлдоши эди бу китоб.
Ҳар китоб бўлса гар билимлар ойи,
“Билимлар қуёши” эди бу китоб.*

Пиёда йўл юриб, бир ойга яқин деганда Бухорога етиб келиб, устоз эшигини тақиллатдим. Устозимнинг аёллари чиқиб, мени ичкарига бошладилар. Шунча йиллар ўқиб, устознинг аёллари бирор марта ҳам олдимизга чиққанларини кўрмаган эдик. Меҳмонхонага кирдим. Устозимнинг аёллари чой, нон ва шўрвада қайнаб пишган катта гўшт бўлагини олдимга қўйдилар. Мириқиб ичдим ва едим. Устозимнинг аёллари яна эшик олдида пайдо бўлдилар ва битта тасбиҳ ҳамда устознинг ҳассаларини менга узатдилар.

- Шуларни устозингиз сизга бериб қўйишни сўраган эдилар.
 - Ўзлари қанилар? - деб сўрадим.
 - Оламдан ўтдилар, кеча йигирмаларини қилдик.
- Устимдан бир челак совуқ сув қуйиб юборилгандек бўлди.

Томоғимга бир нарса тиқилиб, кўзимдан ёш оқа бошлади.

- Ўладиган кунлари, - давом этди аёллари, - намози асрга яқин вақт эди. Бироз мизғиб олмоқчиман, ҳаётимда бир марта бўлса ҳам, намозни қазо қилмаганман. Ухлаб қолсам, уйғотиб қўярсиз, деб устларига жойнамозни ёпиб, уйқуга кетдилар. Аср вақти бўлгач, елкаларидан туртиб, уйғотмоқчи бўлдим. Қарасам, бутун гавдалари билан қимирлар эдилар. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин, жон берган эканлар. Ётишларидан аввал: “Шогирдим Ҳасанхон Махсум йўлда келяпти, келгач, шуларни бериб қўйинг” деб тасбиҳ билан ҳассани бердилар. Менинг ҳатто нега ўзингиз бермайсиз, дейиш хаёлимга ҳам келмабди...

Эртасига устознинг қабрини зиёрат қилдим, сўнг Мингтепа томон йўлга чиқдим.

Қиблагоҳим бу ҳикояни, ўрни келиб қолганда, кўп марта айтиб берар эдилар. Биз ҳар гал:

- Нега тезроқ бормагансиз? Етиб борганингизда катта мартабага эришган бўлардингиз. Ўзингиздан ўтган экан, - деб афсусланиб гапирардик.

Қиблагоҳим эса:

- Тасбиҳ билан ҳассаларини қолдирганлари ижозат берганларидан, - деб бизларни юпатардилар.

Ҳар бир сирли ишнинг хариди бордир,

Ҳар бир улуг эрнинг муриди бордир.

Ёдласам, ўқисам бўлди-да, дема,

Дуо хазинадир, калиди бордир.

ТОВУҚ ШЎРВА

Қиблагоҳим ишлаб ўтирган хонага кирган киши китоблар оламига кириб қолгандек бўларди. Марҳамат қишлоғининг 6-кўчасида жойлашган ҳовлимизнинг меҳмонхонаси қиблагоҳимнинг китоб тасниф қиладиган хоналари эди. Бу хонага нафақат Ўзбекистондан, балки бошқа республикалардан олимлар ёки оддий илм аҳллари келишар, суҳбатлар бўлар, кўплар билмаган нарсаларини сўраб билиб кетишарди.

Бир куни Марғилондан Мавлавий Ҳиндустоний домла билан бирга бир гуруҳ муллаваччалар келишиб, Бедилнинг бир байти-

ни шарҳлаб беришни сўрашибди. Байт бундай эди:

*Ҳеч чизе беҳайуло қобили суврат нашуд,
Одаме ҳам неш аз он одам шавад бузина буд.*

Маъноси:

*Дунёда ҳеч нарса материясиз шаклни ололмайди,
Одам ҳам одам бўлишдан аввал маймун эди.*

Қиблагоҳим бу байтнинг маъноси бошқача эканини, бу ердаги “бузина” маймун эмаслигини мисолу далиллар билан тушунтириб берибдилар. Улар қиблагоҳимга “Унвон”ни форс-тожик тилига эмас, балки ўзбек тилига таржима қилганларида кўплар фойда олган бўлар эди, дебдилар. Қиблагоҳим шунда: “Умрим кифоя қилса, шундай қиламан, кифоя қилмаса, Тошкентда ўғлим Маҳмудхон бор, ўша қилади” дебдилар.

Бир куни “Унвон”нинг қиблагоҳим форс-тожик тилида шарҳ ва таржима қилган “Бунён ул-банон”идан “Ёшлик” журнали учун мақола тайёрлаётган эдим, катта акам Абдулҳай Махсум эшикдан кириб келдилар. “Бунён ул-банон”дан баъзи ҳикматларни ўқиб бердим.

- Шундай ажойиб ишнинг охирига етмаслигига “кўз” сабабчи бўлди, - дедилар акам афсусланиб.

- Наҳотки кўзда шунча қувват бўлса? - дедим акамга.

- Бир одам “гап”да биз билан қатнашади,- дедилар акам. - Отини айтмай кўя қолай. Ундан ҳаммамиз кўрқамиз. Кечагина у биродаримиз Акрамга ўзи айтиб берибди. Онаси билан айвонда ўтирган экан. Шу пайт онасидан: “Она, товуқ шўрва ичасизми?” деб сўрабди. Онаси: “Бўлмаган гапни гапирма, товуқ шўрва қаёқда?” дебди. У: “Ҳозир товуқ шўрва бўлади-да” деб, айвонга яқин келиб қолган товуққа тикилиб қараган экан, товуқ маст каби гандираклаб, охири йиқилибди. Дарҳол сўйиб, шўрва тайёрлашибди. Бундай мисоллар элда кўп, - деб кўшиб қўйдилар акам.

*“Кўзи” бор қўй ила кўзини ейди,
Покиза одамнинг “бўз”ини ейди.
Яхши кишиларни қулатиб охир,
Бу кўзи бир куни ўзини ейди.*

— *www.ziyouz.com* —

САВОДСИЗ ЖИНЛАР

Марҳаматда қиблагоҳим Махдум Восилийнинг Усуббек деган мухлиси бор эди. Отамиз ўтгандан сўнг у менга қалин биродар бўлиб қолди, ваҳоланки у мендан йигирма ёшга катта эди. Бироқ биз тенгдошлардек дўст бўлиб кетгандик. Охири пайтда Усуббек акада ўзгариш пайдо бўлди, қандайдир дуоларни ўқир ва “одамларим” бор, дер эди. У бошқаларга кўринмайдиган одамлари билан сўзлашар ва уларнинг айрим гапларини яқинларига етказарди.

Бир куни у менинг олдимга келиб:

- Бавосилнинг кучли давоси исириқ экан, “одамларим» айтди, - деб қолди.

- Йўқ, улар хато қилишибди, - дедим унга.

- Ий-э, - деди у бироз асабийлашиб, - сиз менинг одамларимдан ҳам яхшироқ биласизми? Исириқнинг бавосилга дори эканини қиблагоҳингиз Махдум Восилий дадамиз ҳам ҳикоя қилиб берганлар.

Мен унинг нимага ишора қилаётганини сездим. Воқеа бундай бўлган эди. Қиблагоҳим Махдум Восилий 1920 йилларда Бухородаги Мирараб мадрасасида таълим олаётганда даврнинг улуғ мударриси ва авлиёси мулла Асвад Махдум домла шундай ҳикоя қилган экан:

- Яқин биродарим, саксон ёшли мулла Али бавосилга чалиниб, еб-ичшдан қолди. Ўлар ҳолатга етганда, ўғилларидан илтимос қилиб, ўзини фалон мақбаранинг ёнига элтиб ташлашни сўрабди. Болалар ота илтимосини бажо келтирибдилар. Ҳаво ғоятда иссиқ бўлиб, мақбара атрофида дарахтлар йўқ экан. Ҳолсизланган бемор мулланинг юз-бўйинларини офтоб уриб, куйдириб юборибди. Кун оққанда бир киши эшакка миниб келибди, қуръон ўқиб, авлиёга бағишлабди. Сўнг эшагига миниб, жўнашдан аввал бемор муллага қараб: “Биродар, бу ерда нима қилиб ётибсиз?” дебди. Бемор аҳволини айтиб, шу улуғ жойда ўлмоқ истаги борлигини баён қилибди. Эшакдаги одам: “Нега янтоқ ишлатмайсиз?” дебди. Бемор: “Шунча даволар кор қилмади, янтоқ нима қилиб берарди?” деб ўйлабди, сўнг ҳар эҳтимолга қарши: “Қандай истеъмол қилинади?” деб сўрамоқчи бўлиб, кўзларини очса, эшакли киши ғойиб бўлган экан. Ўғиллари келгач, уларга воқеани айтибди, уйига олиб кетишларини буюрибди. Бемор янтоқ ишла-

тиб, тузалиб қолибди.

Ҳурматли қиблагоҳим Махдум Восилий устозидан эшитган бу ҳикояни хотиралар дафтарига ёзиб қўйган эканлар. Бу ҳақда устози мулла Асвад Махдум домлага ҳам гапириб берибдилар. Орадан 3-4 кун ўтгач, дарс асносида бир қария кириб келибди. Шунда мулла Асвад Махдум домла қарияга қараб:

- Биз шунча йил илм ўқидик, шунча йил дарс айтдик, аммо бирорта одамнинг китобига тушмадик. Сиз дарс айтмасангиз ҳам китобга тушибсиз, номингиз тарихда қоладиган бўлибди. Бунинг учун битта қўй суйсангиз ҳам арзийди. Мана бу мулавачча сизни китобга ёзибди, - деб қиблагоҳим томон ишора қилибди.

Қария:

- Ўзим ҳам шунинг учун келганман, айтинг, қайси куни, қайси соатда қўй сўяй? - деб сўрабди.

Мен Усуббек акага қараб:

- Жинларингизнинг менчалик билимдон эмаслигини исботлаб берайми? - дедим.

- Исботланг! - деди у.

Уйга кириб, қиблагоҳим ёзган “Мажмаъ ул-адвия” (“Даволар мажмуаси”) китобини олиб чиқдим ва шу воқеани ундан топиб, ўқиб бердим. Унда янтоқ ҳақида сўз кетарди.

Усуббек ака мулзам бўлиб қолди ва ўзича гулдираб:

- Наҳотки “одамларим” хато қилган бўлсалар? - деди.

- Жинларингиз менчалик билимга эга эмасликларига ишондингизми? Ким олимроқ экан? - деб уни баттар уялтирдим ва давом этдим. - Қўлингизда менинг “Табобат хазинаси дурдоналаридан” номли китобим бор, унда менинг рубоийларим берилган, уларни сиз аввал ўқигансиз, наҳотки мана бу рубоий ёдингиздан кўтарилган бўлса:

Бог ажиб манзара кашф айлаган чоқ,

Қарасам, гулзорга чиқибди янтоқ.

Бир тепсам, силкиниб, фарёд кўтарди:

Бавосил дорисин топтама, аҳмоқ!

- Ҳа, сиз ҳақ экансиз, - деди Усуббек ака ва охири жинлари мендан билимдонроқ эмаслигига иқроф бўлди.



ХОТИРА ДОРИСИ

Ҳурматли қиблагоҳим Махдум Восилий шундай ҳикоя қилган эдилар:

- Бухорода Мирараб мадрасасида таҳсил кўрар эдик. Ичимизда бир туркистонлик йигит бўлиб, хотираси ҳаддан ташқари бузилган эди. Бир куни у дарсда ўз даврининг буюк уламоси ва замона авлиёси бўлган устозимиз мулла Асвад Махдум домлага шикоят қилди. Устоз унга:

- Исириқ истеъмол қилинг, - деб буюрдилар. Сўнг мана бу ҳикояни айтиб бердилар.

- Бир куни олдимга бир кампир аёл келди ва жинлар тоифаси мен билан суҳбатлашмоқчи экани ҳақида хабар берди. “Мен улар билан қандай гаплашаман?” - деб сўрадим. Кампир: “У ёғини менга қўяверинг, сиз рози бўлсангиз бас”, - деди. Жинлар билан намози асрда менинг ҳужрамда учрашмоқчи бўлдик. Белгиланган вақтда кампир кириб келиб тўшакка ўтирди ва болишга бош қўйди. Кўзлари юмуқ ҳолда жинларнинг сўзини менга етказиб турди.

Малум бўлишича, мен дарс айтаётганимда жинларнинг фарзандлари ҳам яширинча кириб, дарс тинглашар экан. Кечқурун дарс ҳақида ота-оналарига гапиришганда оталарида ҳар хил саволлар пайдо бўлар экан. Жинлар кампирнинг оғзи орқали керакли нарсаларни сўрадилар. Тўлиқ жавоб олганларидан сўнг:

- Энди сизда савол бўлса, бизга беринг, - дейишди.

Мен саволим йўқлигини айтган эдим, улар:

- Бўлмаса, бизда сизга айтадиган бир маслаҳат бор, сиз мударрисиз, сизда хотира яхши бўлиши керак. Агар исиріқ уруғини истеъмол қилсангиз, аввало хотирангиз яхши бўлади, сўнг эса соч-сақолингиз оқармайди, - дейишди. Шундан сўнг мен исиріқ уруғини истеъмол қиладиган бўлдим.

Қиблагоҳим давом этиб дедилар:

- Ҳикоядан сўнг мен устозимнинг соч-соқолларига диққат қилдим, олтмишдан ошган бўлсалар ҳам, соч-соқолларида бирор-та оқ йўқ эди. Хотиралари ҳам мустаҳкам эди.

Меҳримиз бор сенга, азиз исиріқ,

Хислатлар ёр сенга, азиз исиріқ.

*Гуркириб ўсавер бахтимиз учун,
Далалар зор сенга, азиз исириқ.*

Қиблагоҳимнинг ҳам хотиралари жуда мустаҳкам эканини билардим. Қиблагоҳим: “Куввати ҳофиза, яъни хотиранинг ўткирлиги ярим давлат” дер эдилар. Бир кун улардан:

- Дада, сиз ҳам исириқ истеъмол қилганмисиз? - деб сўрадим.

- Ҳа, қилганман, - деб жавоб бердилар. - Бироқ бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Устозга айтсам: “Сизга иссиқлик қилибди, бошни оғритса, унда иссириқни уч кун узум сиркасида ивитиб қўйилади, сояда қуритиб, 3-4 донадан ичиб юрилади ёки сарёгда қовуриб, истеъмол қилинади” дедилар. Мен узум сиркасида ивитиб, истеъмол қилганман.

*Исириқ, багрингда улуг кучинг бор,
Дорию дармонга тўлуғ кучинг бор.
Барчанинг сеvimли маҳбубидирсан,
Иллатни ҳайдовчи қутлуғ кучинг бор.*

НАФСИНИНГ БЕЛИГА ТЕПГАН КИШИ

Марҳаматдаги отамерос ҳовлимизга тез-тез дўстлар йиғилиб, суҳбатлашиб турардик. Бир куни китоб шинавандалари бўлган ажойиб кишилар йиғилиб қолишди. Ёши катта бўлса ҳам, менга дўст бўлиб қолган Усуббек аканикига одам юбордим ва мажлисга таклиф этдим. Келмади. Бошқа куни келмаганининг сабабини сўрадим. Деди:

- Нафсимнинг белига тендим, ўтсам, ош ейман, ўтмасам, нафсимнинг хоҳишига зарба берган бўламан, дедим.

Мен унга ҳайрон бўлиб қараб турдим. Сўнг дедим:

- Ҳа, нафсининг физоси овқат, у яхши ейишни, яхши ичишни хоҳлайди ва бундан шод бўлади. Аммо руҳнинг физоси ҳам борку. Донолар, руҳнинг физоси илм, суҳбат ва китоб деганлар. Йиғилганларнинг ҳаммаси илм аҳллари эди. Уларнинг суҳбатларидан руҳингиз физо олар эди-ку. Руҳ физо олса, кучаяди, бундан иймон, эътиқод мустаҳкам бўлади, илм доирангиз кенгайди. Афсус нафсини овқатдан қийтариман деб, дўстлар дийдоридан, руҳ физосидан маҳрум бўлибсиз ва катта ютуқдан бебаҳра қолибсиз!

Усуббек ака лом-лим деёлмай қолди. Шундан сўнг суҳбатимизни бирор марта ҳам тарк этмайдиган бўлди.

*Дўстлик меҳнатига қилмасанг бардош,
Ҳақиқий дўст бўлмас сенга ҳеч бир бош.
Дарахтга бир боққин қишга чидагач,
Охири баҳорга бўлади йўлдош.*

ТОВУҚНИНГ ҚИЧҚИРИШИ

Бир куни Марҳаматда қиблагоҳим Махдум Восилий хузурида суҳбат куриб ўтирардик. Хонага Усуббек ака кириб келди. Бу содда деҳқон одам суҳбатни бўлиб:

- Тақсир, бир хўрозим бор, кечаси билан қичқириб чиқади, саҳарда намозга уйғотади, - деди.

- Жуда яхши-да, ҳадиси шариф бўйича, хўроз фаришгани кўрган-да қичқиради, эшак Шайтонни кўрганда ҳанграйди, - дедилар.

*Тунлари тинимсиз қичқириб хўроз,
Ғафлат бандасига қилар эътироз.
Дейди: - Умринг ўтар сув каби равон,
Ҳаёт йўлларига назар сол бироз!*

- Тақсир, эшагим кўпинча бемаврид ҳанграб жаҳлимни чиқаради, у шайтонни кўрар экан-да, унда эшакдан воз кечиб, далага ҳайдаб юборсаммикин? - деди Усуббек ака.

Қиблагоҳим унинг соддалигидан мириқиб кулдилар, сўнг:

- Эшакни эмас, Шайтонни ҳайданг, - дедилар.

- Шайтонни кўрмасам, уни қандай ҳайдайман? - деди Усуббек ака.

- Аъувзу биллаҳни айтсангиз, Шайтон сиздан минг қадам узоққа қочади, эсингиздан чиқдимми? - дедилар қиблагоҳим.

*Эшак ҳанграб нега оҳ-воҳ қилади,
Қалбни бузиб, дилни сиёҳ қилади?
Ундай дема, Шайтон ёнингга келса,
Ҳанграб, сени ундан огоҳ қилади.*

Усуббек ака пешонасига бир уриб, “ҳа-я” деб қўйди-да, сўнг:

- Тақсир, хўроз ҳақида сўз бошлаганимнинг сабаби бор, - деди.

- Ҳозир адирдаги боғимдан уйга келсам, мокиён товуқларимдан бири хўрозга ўхшаб, қичқириб юборди. Бунинг сабабини билиш учун хузурингизга чопиб келдим.

- Дарҳол уни сўйинг, - дедилар қиблагоҳим, - хотин уйда ҳук-

мрон бўлишга интилса, товуқ хўроз бўлиб қичқиради.

Буни қиблагоҳим ҳазиллашиб айтдиларми ёки ростми, билмадим. Усуббек ака товуқни сўйиб, дарҳол олиб келди. Қиблагоҳимнинг олдига кириб турадиган қўшни йигитлар ва жиянчаларим дарҳол қозон осиб, шўрва тайёрладилар. Барчамиз ундан мириқиб ичдик.

*Хўрознинг ҳолига керакмас баён,
Одамлар билади, недир, мокиён.
Товуқ тухум тугиш ўрнига ногоҳ,
Хўроз бўлай деса ҳолати аён.*

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг ҳузурига ҳар хил табиблар келиб туришарди.

*Ҳозиқ табиб жонга ҳабиб¹ бўлади,
Ҳабиб бўлса жонга табиб бўлади.
Нодон табиблардан Худо асрасин,
Нафаси ўлимга қариб² бўлади.*

Уларнинг ичида мулла Юсуф табиб, Мирза табиб, Шокир табиб, мулла Абдужаббор табиблар бўлар эди. Улар қиблагоҳимдан ҳар хил гиёҳларнинг, доривор моддаларнинг хосиятларини сўраб келишарди. Қиблагоҳим табиб эмас эдилар, бироқ уларда Ибн Синонинг араб тилидаги “Ал-қонун фи-т-тибб” асари, Ибн ан-Нафиснинг “Муъжаз ул-Қонун”, яна “Тибб ур-раҳма”, “Тибб ун-набий”, “Жомиъ ул-фавойид” “Шифо ул-Асқом”, Муҳаммад Хусайннинг “Махзан ул-адвия” китоблари бор эди. Қиблагоҳимнинг ўзлари ҳам синовдан ўтган, эшитган, кўрган дорилари ҳақида “Мажмаъ ул-адвиййа” (“Даволар мажмуаси») номли китоб ёзган ва уни ёзишда давом этар эдилар.

*Ҳар бир тиббий китоб - битта хазина,
Ҳар битта сўзлари гўё лавзина.³
Оҳиста магзини чақиб боролсанг,
Улуғ табобатга бошлар бир зина.*

¹ Ҳабиб- дўст, меҳрибон.

² Қариб - яқин.

³ Лавзина - бодом магзидан тайёрланадиган доривор ширинлик.

Айниқса, Юсуф табиб қиблагоҳимнинг хузурларига кўпроқ келарди. Одатда у турли ўсимликларнинг хосиятлари ҳақида сўраб, қиблагоҳим “Махзан ул-адвиййа”дан ўқиб берардилар.

Юсуф табиб ўсимликларнинг хосиятларини бармоғи билан санаб ўтирар, бироқ кўпайиб кетгач, эсидан чиқариб қўйиб, яна қайтадан сўраб эди. “Махзан” форс тилида бўлиб, Юсуф табиб уни ўқий олмас эди.

*Табибда бўлмаса агар зўр савод,
Қандай қилиб тибни қила олсин ёд.
Хотира ёшликда яхши бўлса ҳам,
Ёш ўтиб, қаригач бўлади борбод.*

Бир куни Юсуф табиб қиблагоҳимнинг хузурига ўн етти ёшли бир қизни олиб келди. Қиз “Доъ ус-саълаб” (“Тулки касали”)га учраб, қоп-қора қошлари бўтунлай тўкилиб кетган эди.

- Унга тошбақа ўтини суртган эдим, барибир фойдаси бўлмади, - деб шикоят қилди табиб.

- Қош қўяман деб, кўз чиқарибсиз-да, - дедилар қиблагоҳим, тошбақа ўтини мўй чиқармаслик учун суртилади.

*Табибнинг кўп бўлар нозу нагмаси,
Ўзини мақташдан ўтмас ҳаммаси
Исонинг нафаси жон киргизарди,
Жонни чиқаради бунинг нафаси.*

Бу воқеа устида кўшнимиз Қирғизвой ака ҳам бор эди. У кўп вақтгача бу воқеа ҳақида истеҳзо билан гапириб юрди.

*Тан уйи табибдан обод бўлади,
Соғлигинг ҳар лаҳза зиёд бўлади.
Нодон табибларга ишона кўрма,
Соғлигинг бир умр барбод бўлади.*

ОНА

Менинг волидайи муҳтарамам Биби Ҳамида ибрат олса арзийдиган аёллардан эди.

*Эй она, васфингга тил камлик қилур,
Мадҳия сўзлари мубҳамлик қилур.
Барибир мингдан бир қарзин узолмас,
Бу ўглинг қанчалик илдамлик қилур.*

Онамиз Аравон музофотининг қозиси мулла Холматнинг қизи бўлиб, оталари қатагон туфайли 1937 йилда Тошкентда қатл этилган эди. Онамиз Аравонда отин ойи қўлида “Устоди аввал”, “Муаллими соний”, “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Шоҳи Машраб”, “Навоий”, “Сўфи Оллоёр”, “Чоркитоб”, “Хўжа Ҳофиз” ва “Мирзо Бедил”ни ўқиган эдилар. Айниқса, “Қасидаи Бурда”ни оталаридан ёдлаб олган бўлиб, уни тез-тез ўқиб турардилар. Абул Маъноний, яъни “Маънолар отаси” лақабини олган Мирзо Бедил девонининг бош ғазалини такрорлашни яхши кўрардилар.

*“Маънолар отаси” Мирзо Бедилдир,
Шоирлар каттаси Мирзо Бедилдир.
Оқилу доною фозилу олим,
Ҳаммаси, ҳаммаси Мирзо Бедилдир.*

Отамиз мулла Ҳасанхон Махдум (Махдум Восилий) ёш муллавачча сифатида Бухородан қайтиб, Аравондаги уламолар йиғинида барчани, ҳатто Андижондаги мадрасанинг бош мударриси, акаси Бургут Махдумни баҳсларда енгган эдилар. Аравон қозиси мулла Холмат бисотидаги афифа қизи, ўн олти ёшли Биби Ҳамидани отамизга раво кўрган экан. Онамиз 63 ёшгача отамиз билан яшаб, 1974 йили оламдан ўтдилар.

*Дунёда ҳар бир зот она билан шод,
Ҳар тирик мавжудот она билан шод.
Она бўлса олам шодликка тўлар,
Еру ҳам коинот она билан шод.*

Онамиз шарму ҳаё маъдани эдилар.

*Дорилар давоси ила ўлчанур,
Китоблар маъноси ила ўлчанур.
Одамнинг обрўйин ўлчайин десанг,
Обрўйи ҳиёси ила ўлчанур.*

Биз, оила аъзолари тўпланиб қолсак, дастурхон устида давра қуриб ўтирар эканмиз, онамиз ўзларини ғоятда боҳас тутардилар. Секин-аста сурилиб- сурилиб, ҳаммамиздан пастга тушиб олардилар. Катта акам Абдулҳай онамизга: “Нега бундай қиласиз, биз онадан юқори ўтирамизми?” - дер эдилар.

*Ҳаёлик уятчан тутар ўзини,
Без қилиб турмайди асло юзини.
Номозшомгулга боқ қуёшни кўргач,
Уялиб, тезгина юмар кўзини.*

Онамиз ёш йигитчалардан, бизнинг тенгдош дўстларимиздан ҳам тортинар, уялар, рўмолларининг учини оғизларига тишлаб, уялаётганликларини билдирмасликка ҳаракат қилар эдилар.

*Олим бўлса элга зиёси бўлсин,
Табиб бўлса хозиқ давоси бўлсин.
Аммо, комил инсон бўлайин деса,
Авалло, аввало ҳаёси бўлсин.*

Онамизни маҳалла аёллари ҳар хил ўтиришларга зўрлашиб олиб кетишар, Қуръон ёки бошқа шеърий асар ёки дostonлардан ўқиб беришни илтимос қилишарди. Онамизни ҳаё босар, ўқиганлари бўлиниб-бўлиниб чиқар, уятдан терга фарқ ботар эдилар. Кўпинча менга: “Ўғлим, ўқийтсам нафасим етмай қолади, хаяжон ва уялишдан ёд нарсалар ҳам эсимдан чиқиб қолади” - деб арз қилардилар. Мен эса: “Ўқийтганда гўёки ҳеч ким йўқдек тасаввур қилиш керак” - деб қўярдим.

*Чин аҳду садоқат ҳаёси борда,
Ҳақиқий саъодат ҳаёси борда.
Ҳаёсиз кишида латофат бўлмас,
Ҳақиқий латофат ҳаёси борда.*

Онамизни отамиз жуда ҳурмат қилар эдилар. Онамизнинг исмлари Биби Ҳамида бўлса-да, отамиз уларни Тилло деб чақирардилар. Бизлар катта бўлганимиздан кейин, отамиз биздан ҳаё қилиб, онамизни тўлиқ Тилло деёлмай, “Ло” деб чақирадиган бўлган эдилар. Акамлар ҳам катта бўлиб бола-чақалик бўлганларида эса умуман Тиллони ҳам, “Ло” ни ҳам ташладилар. Ҳеч ким йўқ пайтдагина онамизни Тилло деб чақирардилар.

*Инсоннинг тугамас дунёси - ҳаё,
Йўлини ёритар зиёси - ҳаё.
Ҳар киши бахтига чора қидирса,
Чоранинг аълою авлоси - ҳаё*

*Ҳаё - саодатга йўлловчи машъал,
Ҳаё - фарогатни мўлловчи машъал.
Номусу иззатнинг асоси ҳаё,
Ҳаё - йиқилганни қўлловчи машъал.*

Маҳалла аёллари онамизни яхши кўрар эдилар. Онамиз уларни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олар, аёллар учун дастурхонлари доимо очиқ, аёлларга қандай ёрдам зарур бўлса, қўлидан келганча ёрдамлашар, ўзи емаса ҳам, уларга берар, ҳечқачон ҳеч нарсаларини аямас эдилар. Аллоҳ отамизни ҳам, онамизни ҳам ўз раҳматига олган бўлсин:

*Пок ёмғир бу - абри Найсондан¹ келур,
Муҳаббат хайр ила эҳсондан келур.
Бировдан яхшилак кутмоқчи бўлсанг,
Яхшилик ҳаёли инсондан келур.*

*Саодат конини ҳаёдан изла,
Шарафу шонини ҳаёдан изла.
Ҳаётнинг лаззату ширинлигини,
Бахтиёр онини ҳаёдан изла.*

ИГИР ҚИЁМИ


Қиблагоҳим Махдум Восилий: “Ибн Сино уч нарсага тан берган экан, шулардан бири игир қиёми”, - дер эдилар. Ибн Синонинг “Ал-қонун фи-т-тиб” ва Муҳаммад Хусайннинг “Махзан ул-адвиййа” китобларидан игир ўсимлигининг хосиятлари ҳақида ўқиб, уни топишга бел боғладилар ва унинг дарагини Хоразмдан топдилар. Сўнг у ерга отландилар. Хоразмдан игирнинг кўчатларини олиб келиб, Марҳаматдаги ҳовлимизга экдилар.

*Гиёҳлар ичида улуги игир,
Балогат бобида булуги² игир.
Бадандан дардингни ҳайдаш бобида,
Беҳисоб хислатга тўлуги игир.*

Бироқ уни игир деб берган киши адашган экан. Бошқа ўсим-

¹ Абри Найсон - апрелдаги булут, апрелдаги ёмғир суви энг тоза сув бўлиб, табобатда ишлатилган.

² Булуғ - камолга етиш.



лик бўлиб чиқди. Кейинги йили яна Хоразмга бордилар ва энди ҳақиқий игирни олиб келдилар. Игир сувни севар экан. Ариқлар бўйида гуркираб ўсди. Маҳалладагилар ҳам ундан кўчат қилдилар. Тез орада игир ўсимлиги Марҳаматга тарқалиб кетди.

*Қидирсанг даволар кони игирда,
Оламнинг хурсандлик они игирда.
Даволар жонини қидирсанг агар,
Давонинг энг кучли жони игирда.*

Ибн Сино баён қилган игир қиёмини қиблагоҳим тайёрлашга киришдилар. Ибн Сино игир қиёмини хотирани мустаҳкамлашга тенгги йўқ даво, деб ёзган экан. Эҳтимолки, Ибн Сино ёшликда уни кўп истеъмол қилгандир ва шунинг учун ҳам, фавқулодда хотира эгаси бўлгандир.

*Дунёнинг тариху айёми бордир,
Бедилу Саъдию Хайёми бордир.
Хотиранг ногаҳон панд бериб қолса,
Ғам ема, игирнинг қиёми бордир.*

Қиблагоҳим қуритилган игир томирларини махсус усуллар билан юмшатиб, асал билан бирга қиём тайёрлашни бизга таълим бердилар. Улар, кучли хотира ярим давлат, дер эдилар. Қиблагоҳимнинг айтишларича, игир иштаҳани очади, заҳарларни кесади, баданга ўрнаб қолган совуқликларни ҳайдайди, кўзни равшанлаштиради, пешоб ҳайдайди, кишини хурсанд қилади, айниқса, унинг қиёми хотирани мустаҳкамлайди. Игирни араблар табобатида “важи туркий” дейдилар, унинг энг кучлиси Хоразмда бўлади, дер эдилар қиблагоҳим. Кейинчалик игир ҳақида маълумотларни мен барча тиббий китобларда мавжудлигини ва уларда игир хосиятлари эҳтирос билан ёзилганини кўрдим.

*Одамнинг иззати хотира билан,
Оламнинг лаззати хотира билан.
Нуқсонсиз меҳнату бенуқсон ҳаёт,
Муносиб хизмати хотира билан.*

Қиблагоҳимнинг вафотларидан сўнг, орадан йиллар ўтиб, игир қиёми ёдимга тушиб қолди ва уни тайёрлаб, истеъмол қилишга ва фарзандларимга ҳам едиришга аҳд қилдим. Тайёрлаган игир қиёмим аччиқ чиқиб қолди. Қиблагоҳим ўзлари ёзган “Мажмаъ

ул-адвиййа” (“Дорилар мажмуаси”) китобларида, агар игир қиёми аччиқ ва тахир чиқиб қолса, истеъмоли қийин бўлса, унга қайтадан сув ва асал солинади, деб ёзган эканлар. Бу ишни бир неча марта такрорладим, барибир аччиқ бўлаверди. Шунда мен игирни кўп солиб юборганимни сездим.

*Игирдан иштаҳа бўлади равон,
Қарилар ёшариб, бўлар навжувон.
Юрганда, турганда чарчамас асло,
Писанд бўлмас унга тоғу тош, довон.*

Яна унга тоза асал солиш керак эди. Тоза асалим тугаб қолаётгани учун солмадим ва уни шундоқ қолдирдим. Эртаси куни қайнатам Абдурашид ва қайнонам Мунаввархон - чолу кампир келиб қолишди. Игир қиёми ҳақида хабар топишди. Аччиқроқ чиқиб қолди, емаяпмиз, дедим унга. Бизга беринг, биз еймиз, дейишди улар. Бериб юбордим. Бир ойдан кейин Аравонга борсам, чолу кампир қиёмни еб тугатишибди.

- Аччиқ нарсани қандай еб битирдиларингиз? - деб сўрадим.

Қайнотам:

- Сиз ҳали ёшсиз, хотирангиз жойида ва дорига муҳтож эмасиз. Агар сиз ҳам биз каби кексайиб, хотира қадрини билганингизда эди, бундан заҳарроқ бўлса ҳам еб юборардингиз! - дедилар.

Мен қайнотамнинг бу сўзидан ўзим учун катта ибрат ва панд олдим.

*Қуввайи ҳофиза¹ улуг неъматдир,
Неъматлар ичида тўлуг неъматдир.
Неъматлар ҳаммаси қутлугу бироқ,
Хотира баридан қутлуг неъматдир.*

МИННАТ

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг дадалари мулла Муҳаммад Иброҳим Мингтепа (ҳозирги Марҳамат)нинг қозиси бўлган эканлар. Уларнинг ҳаётлик даврларида тожикистонлик уч муллавачча йигит Афғонистонда таҳсил олиб, ўз юртларига қайтаётган эканлар. Йўллари Мингтепага тушиб қолибди. Мулла Муҳаммад Иброҳим уларнинг етук муллалар эканини кўриб, Мингтепада олиб

¹ Қуввайи ҳофиза - эсда сақлаш қобилияти

қолишга ҳаракат қиладилар. Уларга муносиб қизлардан топиб, уйлантириб кўядилар. Муллаваччалардан бири бўлмиш Мулла Хўжага ўз қизини беради. Бу қиз қиблагохўмининг опаси бўлиб, бизга амма эдилар. Аммамиз ўз давридаги аёллар эгаллаши зарур бўлган илмларни эгаллаган бўлиб, айниқса хатлари жуда чиройли эди.

Бизнинг аждодоаримиздаги эркаклар ё олим, ё шоир ёки авлиёлар бўлган экан. Дадамнинг бобоси ёзган фикрҳага оид араб тилидаги бир асар бизгача етиб келган. Дадамнинг дадалари эса яхшигина шоир бўлган эканлар. Аммамизда ҳам, уларнинг эрлари Мулла Хўжада ҳам уламолик ва авлиёлик қоришиб кетган эди. Аммамиздан қолган ягона ўғли Исҳоқжон ака ҳозир Марҳаматнинг Янги қишлоқ мавзеида яшамоқда. Исҳоқжон ака бошқа қариндошларга нисбатан менга яқинроқ ва меҳрибонроқдир.

*Жаҳон ичра қариндошинг эрур хўб,
Қариндошла еган ошинг эрур хўб.
Қариндошинг кўзу қошдир сенинг-чун,
Қара, қандоқ кўзу қошинг эрур хўб.*

Исҳоқжон акага форс ва араб тилида ёзилган бир кўлёзма асар отасидан мерос қолган бўлиб, оилада бу китобни “Думалоқ китоб” деб атардилар, негаки у жуда энсиз, лекин қалин эди. Исҳоқжон ака ота ва онаси каби бу китобни ҳеч кимга кўрсатмас ва ўқишга ҳам бермас эди. Бунинг сабаби, биринчидан, китобни йўқолиб кетишидан қўрқиш бўлса, иккинчидан, унда сирли илмлар ёзилган эди. Мана шу илмлар туфайли Исҳоқжон ака руҳлар билан мулоқотга киришар ва керакли ахборотларни олар эди.

*Дунё бамисоли бир сирли водий,
Водийни билмоққа керакдир ҳодий.¹
Ҳодийсиз бу йўлга кирса ҳар киши,
Адашиб, туну кун бўлади нодий.²*

Исҳоқжон ака “Думалоқ китоб”и билан Марҳаматдан Андижонга, Андижондан Тошкентга йўл босиб келар, китобдаги ўқиёлмаган ёки тушунолмаган ерларини менадан ўқитиб билиб олар эди. Унинг шунча йўл босиб, Тошкентга овора бўлиб келиши менга қизиқ туюларди. Бир куни унга:

¹ Ҳодий - раҳнамо.

² Нодий - нидо қилувчи.

- Марҳаматда ҳам бу китобни ўқиёладиган одамлар бўлса керак, шунча азият чекиб, Тошкентга келишнинг сабаби нима? - дедим.

- Бунинг бир неча сабаблари бор, - деди Исҳоқжон ака, - аввало, ҳеч ким уни сизчалик тушунтириб беролмайди, бошқа томондан, борди-ю уни ёт одамларнинг олдига кўтариб борсам, улар аҳли савод бир одамнинг фарзанди чаласавод экан, деб устимдан кулишади ёки китобдаги сирли илмлардан воқиф бўлишади. Энг асосийси бошқа томонда, улар менга ёрдам беришлари мумкин, бироқ қуни келиб, бу ёрдамларини миннат қилишади, Исҳоқжон мен туфайли шу даражага етди, дейишади ва менга тама кўзи билан қарашади.

Дедилар: - Хом ема, қорнинг оғритар,

Аччиққа берилма, бағринг оғритар.

Дедим: - Нима есанг егин-у миннат -

Мевасин емаки, боринг оғритар.

- Сиз-чи, - давом этди Исҳоқжон ака, - сиз менинг қариндошимсиз, биз бир-биримизнинг айбларимизни ёпамиз, бошқаларга ошкор қилмаймиз. Қариндошчилик туфайли бир-биримизга беғараз ёрдам берамиз ва буни ҳечқачон миннат қилмаймиз.

Жаҳонда сенга ҳамдам ҳам қариндошдир,

Синиқ қалбингга малҳам ҳам қариндошдир.

Агар олам санга бўлса қоронгу,

Чарогон қилгучи шам ҳам қариндошдир.

Орадан ярим йилча ўтгач, Марҳаматда бир гуруҳ одамларнинг орасига тушиб қолдим. Уларнинг каттаси бир одамни тинимсиз чайнар, қачонлардир “Қанз ул-Ҳусайн” номли китобдан бир дуони ёзиб берганини, у мазкур дуо туфайли обрў-эътибор қозонганини, энди эса бурни кўтарилиб, ўзини менсимай қўйганини миннат қилиб гапирарди. Шу пайт Исҳоқжон аканинг миннат юкини кўтармаслик учун Тошкентга овора бўлиб келгани, миннат ҳақида айтган гаплари ёдимга тушди ва унинг бу борада ҳақ эканини ҳис қилдим.

Миннат яхшиликнинг йўлини тўсади,

Меҳру муҳаббатнинг ипин узади.

Яхшилик қилдингми, гапирма уни,

Гапирсанг, ўртада араз ўсади.

ЁЛҒОННИ РОСТ ҚИЛИШ

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг мухлисларидан бири ва менга яқин акахон бўлиб қолган Усуббек ака бир қизиқ қилиқ чиқариб олди. У уйимизда бўлган ҳар бир меҳмондорчиликда қатнашар ва ҳовли ишларида доимо ташаббус кўрсатарди. Бир йили таътилга борсам, қиблагоҳим афсусланиб: “Усуббек кўп алдайдиган бўлиб қолди-да, одам юборсам, бораман, дейди, аммо келмайди” - деб қолдилар.

*Ёлгон сўздан обрў тўзон бўлади,
Умр гулзорлари хазон бўлади.
Алданган кишидан кўра алдови,
Алдовчига кўпроқ зиён бўлади.*

Мен у пайтда қиблагоҳимнинг сўзларига унчалик аҳамият бермаган эканман. Улар оламдан ўтиб, ўзим бир неча йил Марҳаматда яшадим.

*Карвон борар манзил сари оҳиста,
Кетмоқда ҳаммаси нари оҳиста.
Кеча онам кетди, бугун-чи отам,
Билинмай кетмоқда бари оҳиста.*

Қиблагоҳимдан сўнг, Усуббек ака менга суяниб қолган эди. Бироқ ёлгон гапириб, мени ҳам алдашда давом этарди.

*Ёмоннинг ишонган қуроли алдов,
Бахт дея ўйлаган хаёли алдов.
Бировни алдаса кўнгли шод бўлар,
Билмаски, обрўнинг заволи алдов.*

Бир куни уни чақиртириб келдим. Орада жиддий сўз бошланди: - Усуббек ака, - дедим унга, - ҳадиси шарифда: “Ёлгон иймонни қирқади” дейилган. Сиз бизларни тинимсиз алдаяпсиз. Ахир, ваъдага вафо марднинг иши, дейилган-ку! Ёки шер изидан, мард сўзидан қайтмайди, деган мақол ҳам бор.

*Кишида бўлмаса ваъдага вафо,
Оқибат ишлари бўлади наво.
Ваъдага вафоси бўлмаган эрни,
Жазо бирла қилмоқ керак мудово.¹*

¹ Мудово - даволаш.

Ваъда бериб, ваъдада турмайдиган, хиёнаткор одамни улуғ ула-
молар ҳам, азиз машойихлар ҳам, оддий инсонлар ҳам қоралайди.

*Хиёнатдан бошинг кетар бир куни,
Дарё мисол ёшинг кетар бир куни.
Ўзим дема, яна эл назаридан,
Қавму қариндошинг кетар бир куни.*

Сизни фақат мен эмас, атрофимиздаги биродарлар ҳам “ёлғон-
чи, алдовчи, хиёнатчи” деб атамоқдалар. Ўз обрў-эътиборингиз
ҳақида ўйласангиз бўларди!

*Хиёнат тинчликни емирур олов,
Ёмонлик ўтига мисоли қалов.
Қайда у юзини кўрсатса ногоҳ,
Юраклар кул бўлиб, куяди лов-лов.*

Мен гапириб бўлгунча Усуббек ака бошини қуйи осилти-
риб, кўзларини юмиб, жимгина эшитиб ўтирди. Сўнг бошини
кўтарди.

- Ука, - деди у, - мен шу ёшгача ҳали бировдан гап емаган-
ман ва бундан кейин ҳам емайман. Хурматли қиблагоҳингизнинг
ўзлари: “Ёлғонни ростдек гапириш керак” деганлар.

Гап нимада эканини шунда англадим. Қиблагоҳимнинг ҳузу-
рида бир неча жиянларим араб тилида дарс ўқир ва қуръон тило-
ватини ўрганар эдилар. Кўпинча улар уялиб ёки сир босиб, бил-
ган нарсаларини ҳам дадил айтолмас эдилар. Шунда қиблагоҳим
уларга: “Бизнинг Бухородаги устозимиз Мулла Асвад Махсум,
водийликлар мулойим ва уятчан бўладилар, бухороликлар эса
дадил. Водийликлар билганини ҳам тўлиқ айтиб беролмайдилар,
одам шу даражада дадил ва қўрқмас бўлиши керакки, агар ёлғон
гапираётган бўлса ҳам, ўзини гўёки рост гапираётгандек тутмоқ
керак” - дер эдилар. Бу билан жиянларни дадиллика даъват қилар-
дилар. Иккинчи синф маълумотига эга бўлган содда Усуббек ака
уни бошқача, яъни ёлғон гапириш мумкин экан, деб тушунибди.
Натижада нафақат бизни, балки қиблагоҳимизнинг ўзларини ҳам
алдаб юрган экан.

*Ёлғон сўзда марди майдонлик ёмон,
Ростлик турганида ёлғонлик ёмон.*

*Ҳаммасидан кўра зарар бобида,
Ёмондан ёмони -нодонлик ёмон.*

Мен Усуббек акага бу гапнинг мазмунини узоқ тушунтирдим. Нотўғри тушунганини тан олди. Ҳеч кимдан гап емаган Усуббек ака бугун мендан еди. Бироқ менинг дўстларча айтган гапимдан хафа бўлмади. Шундан сўнг унинг ҳаётида ёлғон ва алдовни кўрмадим.

*Ёмон иш - ўзингни оқлай билмаслик,
Инсонлик одобин сақлай билмаслик.
Ёмондан ҳам ёмон битта иш борки,
Дўст билан душманни фарқлай билмаслик.*

ВАҚТ ҚАДРИ

Ҳурматли қиблагоҳим Махдум Восилий вақтни жуда қадрлар эдилар. Умрларининг охирида китоб ёзишга берилиб кетиб, бекорчи меҳмонлардан безиллаб қолгандилар. Умрим беҳуда сарф бўлди, деб афсус чекардилар.

*Дунё аро тигиз нарса вақтингдир,
Алдаб ўтар гиз-гиз нарса вақтингдир.
Ҳаётингда азиз нарсалар кўп-у
Ҳаммасидан азиз нарса вақтингдир.*

Улар бизга: “Ал-вақту сайфун”, яъни “вақт қиличдир”, қилич қанчалик тез ва ўткир бўлса, вақт ҳам шундай тез ўтувчидир. Ундан унумли фойдаланмоқ умр саройини фойда ва савобга тўлдирмоқдир,”- дер эдилар.

*Фойдасиз вақт ўтса, умр харобдир,
Ундан на фойдаю ва на савобдир.
Фафлатда вақтингга бепарво бўлма,
Вақтинг қиличдан ҳам тезу шитобдир.*

Қиблагоҳимни кўпинча ҳар хил маросимларга таклиф қилишарди. Улар маълум соатни белгилар ва ўша соатга шай бўлиб турардилар. Ўн-ўнбеш дақиқа кутардилар, борди-ю машина бундан кеч қолса, ҳайдовчига қаттиқ танбиҳ берардилар.

*Обрўнинг асоси ҳиммат демишлар,
Ҳиммтни энг улуғ неъмат демишлар.
Вақтингни тежашга ҳимматни қарат,
Вақтни олтидан қиммат демишлар.*

Улар бировни кутаётган бўлсалар, келишилган соатда барча ишларини йиғиштириб, кўчага мунгазир бўлиб ўтирардилар. Атрофдагилардан ҳам вақтга рию қилишни қаттиқ талаб қилардилар.

*Хотиранг тилиннга ҳикоя бергай,
Асабинг таниннга ҳимоя бергай.
Вақтингни шу қадар ганимат билки,
Лаҳзалар умрингга ниҳоя бергай.*

Қиблагоҳим оламдан ўтган вақтларида, мен Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик ва узумчилик институтида қадимий кўлэзма асарлар асосида қишлоқ хўжалик тарихини ёритиш бўйича илмий тадқиқот ишени олиб борар эдим. Менга уйда ишлашга рухсат берилган эди. Бундан фойдаланиб, ота чироғи ўчиб қолмаслиги учун, отамерос ҳовлида бир йилча оилам билан истиқомат қилдим. Биродарларнинг баъзилари умуман вақтга рию қилмас эдилар. Қиблагоҳимнинг суҳбатларида энг кўп бўлган киши Чекобод қишлоғида яшовчи Фатҳулла Махсум эди. Бир куни у айтилган вақтдан жуда кеч келди, қаттиқ танбиҳ бердим. У:

- Бироз кеч қолса, нима бўлади? - дейди ҳайрон бўлиб.
- Нима бўларди, одам кутишдан ўлади! - дедим унга.

*Азоблар замони - узоқ кутмоқлик,
Юраклар зиёни - узоқ кутмоқлик.
Дунёда кўп ёмон жазолар бор-у,
Жазонинг ёмони - узоқ кутмоқлик.*

Бир куни яқин қариндошларимнинг уйида эдим. Кўчадан бир қизнинг овози келди. Сал ўтмай қариндошимнинг олдида қизи кирди ва соат бешга фалончининг уйига таклиф қилаётганларини айтди. Қариндошим:

- Бешга ўтамиз деб кўявер, олтиларга борамиз, - деди.

Мен бу сўздан ҳайратда қолдим, ахир соат бешда улар интизор бўлиб кутишади-ку, бешда ўтамиз деб, олтида бориш одамни алдаш-ку, - дедим. Яна бу ҳақда бир қанча сўзларни гапириб юбордим.

- Қишлоқчилик-да, - деди қариндошим парво қилмай.

*Қонинг қайнаб кетар узоқ кутишдан,
Ғазаб қийнаб кетар узоқ кутишдан.
Дунёда энг азиз нарса асабдир,
Асаб айнаб кетар узоқ кутишдан.*

Бир куни яқин биродарим Исҳоқжон акани кўриш учун катта акам Абдулҳай Махсум билан бирга бордик. Қурилиш қилаётган экан. Ишини ташлаб қўйиб, олдимизда узоқ ўтирди. Қариндошимизни чақириб келиш учун одам юборди. Ҳозир бораман, депти. Тўрт соат кутдик. Шом бўлди. Исҳоқжон акадан рухсат сўрадик, қариндошимиз ҳозир келиб қолади, деб кетишга қўймас эди. Охири келди. Дуойи фотиҳадан сўнг:

- Бола - чақаларни буғдой ўришга солиб қўйгандим, ўрдик, боғладик, бир чеккага жойладик, шундан сўнг ювиндим, таҳорат қилдим, асрни ўқидим, юракни хотиржам қилиб, секин келялманда! - деди у бепарволик билан.

Унга:

- Сиз-ку, юракни хотиржам қилибсиз, биз эса сизни кутаве-риб, юрагимизни ишдан чиқариб олдик! - дедим. Исҳоқжон ака пиқ этиб кулиб юборди.

*Шод яша, кулгию тарабни сақла,
Оила, насл ила насабни сақла.
Дунёда гам кўрмай яшайин десанг,
Авалло, аввало асабни сақла.*

Бу борада айниқса акахон биродарим Усуббек ака биринчи ўринда экан. Энг кўп дакки еган ҳам у киши бўлди. Усуббек ака айтилган вақтдан бемалол бир соат, бир ярим соат кечикиб келар, уни кутавериб, асабинг адои тамом бўларди.

*Саломат борлигинг асаб туфайли,
Иқболи ёрлигинг асаб туфайли.
Асаб ишдан чиқса, юз берар охир,
Бир умр хорлигинг асаб туфайли.*

Бир куни унга жуда қаттиқ тегдим.

- Ахир, наҳотки сизга қиблагоҳим ибрат бўлмасалар, улар вақтга қаттиқ риоя қилардилар-ку! - дедим.

- Шаҳарда яшаб, жуда тор бўлиб кетибсиз! - деди у менга.

- Қишлоқда яшаб, ҳаддан ташқари кенг бўлиб кетибсиз! - дедим унга.

*Латифу нозикдир асабнинг тори,
Бу торни узади одамнинг тори.*

*Торларим узилмай турсин дейилса,
Янграсин ҳамиша шодликнинг тори.*

Ойлар ўтса-да, Усуббек ака вақтга риюя қилишни удалай олмас, аммо бошқа биродарларим қатъий изга тушиб қолган эдилар. Улар энди кутдирмасдан ўз вақтида келардилар.

*Кутиш кайфиятнинг борин бузади,
Ғазабу жаҳлнинг бозин¹ тузади.
Асаб тори шундай нозик бир торки,
Кутиш - асабларнинг торин узади.*

Бир куни зиёфат ташкил қилган эдим. Яқин биродарим Усуббек ака аввалроқ келиб туриш ўрнига, яна кечикиб келди. Ун а:
- Бизлар айтилган соатга боришда улуг одамларнинг сўзларига итоат қиламиз, сиз нимага итоат қиласиз? - дедим жаҳлим чикиб.

- Ақлимга итоат қиламан, - деди у.

- Демак, ақлингиз чириб, ишдан чиқибди, у сизни бир куни гўрга тиқади, - дедим унга.

Зиёфатдан сўнг унинг аразлаб қолгани маълум бўлди. Бироз вақт олдимга келмай юрди. Кейин яна яқинлашиб кетдик. Айтилган вақтда келадиган бўлди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, бир куни соат учга меҳмон чақирадиган бўлдим. Усуббек акага хабар қилдим. Адирдаги боғида экан. Етиб келиб, меҳмонхонага кирди. Орқасидан кираётган эдим, Фатҳулла Махсум:

- Усуббек ака, вақтида келадиган бўлиб қолибсиз-ку! - деб қолди.

Усуббек ака мени кўрмай:

- Маҳмудхон хафа бўлмасин деб вақтида келдим-да, бошқа пайтда нима қилишни ўзим биламан! - деди.

Билдимки, Усуббек ака мен билан бўлган муомалада вақтга риюя қилаётган, бошқалар билан ўша-ўша аҳволда экан. Пайғамбаримиз ўз даврида одамларга қарата: “Сизлар жар томонга қараб кетяписизлар, мен сизларни қутқармоқчи бўлсам, мени ҳам тортиб кетмоқчи бўласизлар” деган эканлар. Мен кўлимдан келганча уриндим, амал қилмаса, ўзига қийин, дедим-да, асабимни бошқа бузмадим.

¹ Бози - ўйин.

*Қўлингдан шодлигу тараб² кетмасин,
Бойлигинг ҳар томон қараб кетмасин.
Майли, нима кетса, кетсин-у бироқ,
Ҳечқачон, ҳечқачон асаб кетмасин.*

ИЛЛАТНИНГ ЧОРАСИ

Сентябр ойларининг охири эди. Марҳаматга бордим ва пада-ри бузругворимни ҳовлимиздаги анор дарахтлари орасидан топдим. Анор меваларини кузатиб турган эканлар.

- Аччиқ анорларни нега эккансиз? - дедим қиблагоҳимга. - Уларни барибир ҳеч ким емайди-ку!

- Керак бўлади, ўғлим, - дедилар қиблагоҳим. - Бир вақтлар аччиқ анор менинг жонимга оро кирган.

*Аччиққа аччиқ деб қарама зинҳор,
Аччиқ бўлса ҳамки бир хислати бор.
Қара, баданингга ором берувчи,
Дорилар барчаси аччиқликка ёр.*

- 1920 йиллар эди, - деб ҳикояларини бошладилар қиблагоҳим. - Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил кўрардик. Мен кундан-кунга озиб-тўзиб кета бошладим. Сиркам сув кўтармас, ҳеч ким ва ҳеч нарса менга ёқмас эди. Дўстлар салом берса, қўпол салом берди дердим, бермаса, бермади деб хафа бўлардим. Дарс асносида сеvimли устозимиз мулла Асвад Махдум менга тикилиб-тикилиб қараб кўярди. Бу ҳам менга ёқмас эди. Бир куни тажанг ҳолда дарсда ўтирган эдим, устоз олдиларига чақирдилар. Бир парча қоғозга ниманидир ёзиб, қўлимга тутқаздилар.

- Фалон жойда Бухоро амирининг табиби бор. Ҳузурида одам кўп бўлади. Бир йўлини қилиб, хатимни унга кўрсатсангиз, сизни навбатсиз қабул қилади, - дедилар.

Мен ўзимни касал эканимни билмас эдим. Ҳайрон бўлиб, табиб ҳузурига бордим. Табиб иш билан ташқарига чиққан эди, хатни қўлига тутқаздим. Ўзи билан бошлаб ичкарига олиб кирди. Юмалоқ бир дорини ичишга буюрди.

² Тараб - хурсандчилик

- Бу “Ҳабби муфарриҳ“,¹ - деди у, - ҳозирча шуни ичиб ту-
ринг, қолганини кейин айтаман!

*Табиб бўлса агар моҳиру ҳозиқ,
Даво билан жонга бўлади озиқ.
Нодон табибларга яқинлашмаки,
Жонга озиқ эмас, бўлади қозиқ.*

- Бироз вақт ўтгач, - деб давом этдилар қиблагоҳим, - олам
кўзларимга кенг бўлиб кўрина бошлади, дунё бутунлай ўзгача
эди, табиб ҳам, одамлар ҳам ёқимли ва чиройли эдилар. Жоним
шу даражада роҳат топа бошладик, бу ҳолатимнинг шукрона-
си сифатида йиғлаб юборай дедим. Табиб дори таъсир қилганини
сизди шекилли, устознинг ҳурмати учун текинга яна бир неча
ҳабби муфарриҳ берди. Сўнг деди:

- Сизнинг дорингиз бу ҳабби муфарриҳлар эмас, бошқа нар-
са. Ҳозир бозорга бориб, ярим қоп аччиқ анор, ярим қоп ширин
анор сотиб оласиз. Битта аччиқ анорни сиқиб, сувини косага со-
ласиз, битта ширин анорни сиқиб, аччиқ анорнинг сувига қўша-
сиз. Ҳар кун эрталаб ва кечқурунда ичасиз. Сизда сафро галаба
қилиб, қонни куйдириб, савдога айлана бошлаган экан. Яна бир-
икки кун юрсангиз, у сизни йиқитар эди.

*Сафройинг кўнайса хору зор қилар,
Ғам ила қайгуга гирифтор қилар.
Ширин-аччиқ анор қўлингда бўлса,
Сафронинг кучини тору мор қилар.*

- Табибнинг айтганини қилдим, - деб давом этдилар қиблаго-
ҳим. - Натижада тез орада аҳволим яхшиланди. Аста-секин ўзим-
га кела бошладим. Бинобарин, ҳар бир одам ўз ҳовлисига бир
неча туп ширин ва аччиқ анордан экиб қўйса, зарар қилмайди, -
дея сўзларини тугатдилар қиблагоҳим.

*Иллатга ҳушёр бўл, армон бўлгуси,
Дарахтлар кўнайса, ўрмон бўлгуси.
Сен оддий санаган ҳақир ашёлар,
Жонингга кучли бир дармон бўлгуси.*

¹ Ҳабби муфарриҳ - шодлантирувчи ҳаб дори.

ЭШОНИ РЎЗАДОР

Ўқувчилик йилларим эди. Қирғизистоннинг Новқат туманида яшовчи, ёши етмишларга яқинлашиб қолган бир киши қиблагоҳимнинг ҳузурига тез-тез келар ва бир неча кунлаб меҳмон бўларди. Қиблагоҳим бу кишини Эшони Рўзадор деб атардилар. Бунинг сабабини сўраганимда, қиблагоҳим:

- Бу одам йил ўн икки ой рўза тутиб, риёзат чекади ва узоқ йиллардан бери бу одатини тарк қилмайди, - деган эдилар.

*Одамзот етилар риёзат чекса,
Нафси ҳам “тутилар” риёзат чекса.
Риёзатдан яна қанчалаб савоб,
Номига битилар риёзат чекса.*

Эшони Рўзадор субҳидан аввал турар, таҳорат олиб, ибодатга машғул бўларди. Қиблагоҳим эса улардан аввал туриб, сув тайёрлаб қўярдилар. Уйда волидамиз эса саҳарлик учун овқат ҳозирлаш билан банд бўлардилар. Биз ҳам беихтиёр уйқудан уйғониб кетардик. Бир куни қиблагоҳимдан:

- Эшони Рўзадорнинг рўза тутишидан мақсади нима? - деб сўрадим.

- Унинг сойим уд-дахр ва қойим ул-лайл¹ бўлишдан мақсади қалбини очиш бўлса керак, - дедилар қиблагоҳим.

- Қалбини очиш нима? - сўрадим яна.

- Авлиёликка етишиш, - дедилар қиблагоҳим. - Бироқ, Эшони Рўзадор бу борада андак хатога йўл қўймоқдалар. Риёзат чекиб, авлиёликка интилган одам овқатни кам ейиши керак, бу одам серовқат, серовқатлик қалбни очилишига эмас, ёпилишига сабаб бўлади.

*Таним омон бўлсин десанг кўп ема,
Иллат ниҳон бўлсин десанг кўп ема.
Қалб уйи очилиб, кечаю кундуз,
Сирлар аён бўлсин десанг кўп ема.*

- Кам еса камқувват бўлиб қолмайдами? - сўрадим яна қиблагоҳимдан.

- Тариқат ва тасаввуф йўлидаги одамга кам ейиш буюрилади.

¹ Сойим уд-дахр - умр бўйи рўза тутувчи, қойим ул-лайл - тунларни ухламай ўтказувчи.

Чунончи, бу йўлнинг шиори “Қиллат ул-маном, қиллат ул-калом ва қиллат ут-таом”дир, яъни кам уклаш, кам гапириш ва кам ейишдир. Ҳадиси шарифда: “Ал-жуъу таомуллоҳи”, яъни очлик Аллоҳ инъом қилган таомдир, дейилади. Бадан иморати хароб бўлгач, яъни кишининг бадани озгин бўлгач, руҳ иморати тикланади, яъни инсон руҳи кучая бошлайди, руҳ кучайса, у барча нарсани англайдиган ва барча нарсага таъсир ўтказа оладиган ҳолга етади.

*Ақлингни қуввати руҳингга боғлиқ,
Жонингни ҳурмати руҳингга боғлиқ.
Соғлом фикрлашу саломат юрмоқ,
Иймоннинг давлати руҳингга боғлиқ.*

- Эшони Рўздор бу гапларни билмайдими? - сўрадим қиблагоҳимдан.

- Йўқ, - дедилар қиблагоҳим, - унинг арабий ва форсий сзводи йўқ. Энг ёмони - устози йўқ. Машойихлар: “Ман лайса лаҳуш-шайхуҳу фа-ш-шайхуҳуш - Шайтону”, яъни кимнинг устози бўлмаса, бас унинг устози Шайтондир, деганлар. Устози йўқ шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дегани ҳам шунга ишорадир. Устозсиз бу йўлга кирган одам адашади.

Орадан бир йилча ўтгач, Эшони Рўздор яна қиблагоҳимнинг ҳузурига келди. Мен ҳам хизматда эдим. Қиблагоҳим:

- Эшони Рўздор энди ошкора адашибди, - дедилар. - У менга:” Шунча йил рўза тутдим, шунча йил ибодат қилдим, энди менинг ҳеч бир гуноҳим қолмади, шубҳасиз, жаннати бўлдим”- деди. Ваҳоланки, ҳеч ким ўзини жаннатиман деб айта олмайди. Инсон бир оғиз сўз билан барча савобидан маҳрум бўлиши ёки диндан чиқиб қолиши ҳеч гап эмас.

- Сиз унга тушунтириб қўймадингизми? - деб сўрадим қиблагоҳимдан.

- Тушунтирдим, - дедилар қиблагоҳим. - Бироқ ўз раъйларича иш тутадиган бундай кишилар бировнинг гапига қулоқ солмайдилар ва ўзларининг хато фикрларини тўғри деб, маҳкам туриб оладилар. Шунинг учун уларга айтилган гаплар кўпинча бекор кетади.

*Барчадан дономан дейди такаббур,
Илмда дунёман дейди такаббур.*

*Аслида қилмиши кўрга ўхшайди,
Валекин бийноман¹ дейди такаббур.*

Орадан кўп йиллар ўтиб кетган эди. Бир гал Тошкентдан Марҳаматга қиблагоҳимни кўргани борганимда Эшони Рўзодор ҳақида сўрадим.

- Охирги марта Тожикистоннинг қайсидир тоғи этагидаги хилват қишлоқ гўристонида яшаётганини кўришган экан, шундан сўнг ундан ҳеч қандай хабар бўлмади, - дедилар қиблагоҳим.

*Сўфи доим соҳиб ниёзлик қилар,
Қалбини тозалаб,пардозлик қилар.
Бироқ илм билан қуролланмаса,
Шайтон келиб унга устозлик қилар.*

“ТОРТИШ” КУЧИ

Ҳаётда кўп марталаб гувоҳ бўласан, баъзи ота-оналар фарзандларининг бошига кулфат тушгандагина кўзлари очилади. Фарзанди ўғирлик қилади, талончилик билан шуғулланади, кашанда бўлади, ароқхўрга айланади, ёмон одамларга қўшилиб, ёмонликларни барпо қилади. Ота-она бунинг учун қайғуради, қамоққа тушган фарзандини қутқариш учун бор-шудини сарфлайди ёки фарзандини қарғайди ва ундан воз кечади. Бироқ буларнинг ҳаммасига ким сабабчи экани ҳақида ҳечқачон ўйламайди ва ўзини айбдор санамайди.

*Фарзандким, ёмондир, сабаби кимдир?
Эл учун зиёндир, сабаби кимдир?
Чаёндек ниш урмоқ ва ё чақмоқда,
Заҳарли илондир, сабаби кимдир?*

Нашриётлардан бирида ишлайдиган бир одамни биламан. Ўзини ҳаммага одил ва парҳезгар қилиб кўрсатади. Ўзини тутишига ва сўзларига қараб тезда унга мойил бўлиб қоласан. Бироқ муаллифларнинг қалам ҳақиға хиёнат қилишини, ана-мана деб алдаб юриб, охири еб кетишини кўрганингдан сўнг, ундан бутунлай юз ўгирасан. Кунлардан бир кун уни кўриб қолдим, шикоят қилиб, йиғлаб юборди. Ўғли бир неча ёмонларга қўшилиб, ўғирлик қилибди, қўлга тушиб, қамалибди. Ота ҳаром егач, бола

¹ Бийно - кўрувчи.

қаёқдан ҳалол есин?! Агар боласи отасига тортган бўлса нежаб?!

*Номарднинг емиши ҳаром бўлади,
Ҳароми кўнглига ором бўлади.
Валекин билмаски, огир азобда,
Уқбода¹ дўзахга хиром бўлади.*

Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасига тортмай иложи йўқ. Ота кашанда бўлса, боласи ҳам кашанда бўлади. Ота ароқхўр бўлса, боласи ҳам худди шундай бўлади. Қисқаси, қуш уясида кўрганини қилади.

Эсимда бор, эллигинчи йиллари Марҳамат қишлоғи электрлаштирилмаган, газлаштирилмаган, кўчалари ёзда чанг, қишда лой бўларди. Ҳаммом, кинотеатр йўқ эди. Бизлар кечқурунлари нима қилишимизни билмас эдик. Бирорта маҳаллада тўй бўлиб қолса, тун бўйи ўша ерда йиғилиб ўйнардик. Бир куни маҳалламизда уйлантириш тўйи бўлиб қолди. Болалар йиғилган эди. Улардан бири: “Юринглар гузарга борамиз, папирос топиб чекамиз” деб қолди. Мен ҳам ёлғиз қолишни хоҳламай, уларга қўшилиб жўнадим. Болалар магазиндан бир қути папирос сотиб олиб чека бешладилар. Орқага қайтганимизда қоронғи тушган эди. Кўча қопқоронғи, бунинг устига лой ҳам эди. Ярим йўлга етганимизда папиросни тутатган болага “бир тортай, бир тортай” деб болалар ёпишиб кетишди. Мен ҳам қизиқиб кетиб: “Бир тортай” деганимни биламан, шу он кимдир қулоғим аралаш юзимга шапалоқ тортиб юборди. Сўнг “ҳу, аҳмоқ” деди. Бу қиблагоҳимнинг овозлари эди. Қоронғида танимаган эканман.

*Ўқнинг тўғрилиги камонга боғлиқ,
Хуррам яшамогинг замонга боғлиқ.
Дўстлар яхши бўлса, сен ҳам яхшисан,
Ёмон бўлмоглигинг ёмонга боғлиқ.*

Тўйга ҳам бормай, уйга кирдим ва кўрпа остига кириб, отамнинг қайтишини кутиб ётдим. Катта жанжал бўлиши турган гап эди. Бирор соатдан сўнг отамнинг оёқ товуши эшитилди ва уй эшиги очилди. Хонада қирқинчи фонар нимқоронғи қилиб қўйилган эди. Эшикнинг очилишидан волидамиз уйғониб кетдилар.

- Маҳмуд қани? - деб сўрадилар қиблагоҳим.

¹ Уқбо - охират куни.

- Ётибди, - дедилар волидамиз.

- Гузарда папирос чекиб юрган экан, шапалоқ тортиб юбордим, - дедилар жаҳл билан қиблагоҳим.

- Маҳаллада карнай-сурнай билан тўй бўляпти, Маҳмуд гузарда нима қилади, адашиб бошқа болага шапалоқ тортибсиз-да, - дедилар волидамиз.

Мен бундан даҳшатлироқ воқеа бўлишини кутиб ётардим, яъни қиблагоҳим бостириб келиб, мени яна сазойи қилишлари ёки яхшилаб уришишлари мумкин эди. Волидамизнинг сўзларидан сўнг, аста эшикни ёпиб, қайтиб кетдилар. Бу пайтда қиблагоҳим меҳмонхонада ўзлари ёлғиз ётар, кундузлари ишлар ва одамлар билан суҳбат қурар эдилар. Мана, ҳозир ёшим етмишга яқинлашиб қолибдики, ўша шапалоқ тортиш кучи ҳамон ўз кучини йўқотмаган, яъни ҳаётим давомида шу битта танбиҳ билан умримни чекмай ўтказмоқдаман.

Бир лаҳза чекмасдан турмас кашанда,

Чекмаса, ишга қўл урмас кашанда.

Кўпинча навқирон қолади, чунки -

Қарилик юзини кўрмас кашанда.

САЁҲАТ

Қиблагоҳим Махдум Восилий тез-тез саёҳатга чиқиб турардилар. Ҳадисда, саёҳат қилинглари, соғланасизлар, дейилган дер эдилар.

Керак бўлса кимга соғлигу роҳат,

Ҳаётидан тилар бўлса фароғат.

Умри узоқ бўлар, бадани соғлом,

Қилиб турса гоҳо-гоҳо саёҳат.

Қиблагоҳим Ўзганга кўп марта саёҳат қилган эдилар. Бу ерда даҳбедлик Махдуми Аъзамнинг аждодлари Қилич Бурҳонуддин Азизнинг файзосор мақбараси бор эди. Қиблагоҳим бу мақбарани зиёрат қилиб, сўнг мухлислари уйда меҳмонда бўлардилар.

Узоқ тарихларга эгадир Ўзган,

Кўнгилни ўзига эгадир Ўзган.

Тўйиб нафас олмоқ учун бағрида,

Юрагим орзуга эгадир Ўзган.

Қиблагоҳим Обшир ота ва Новқотнинг Саҳобасида кўп бўлардилар. Улар бизга: “Саёҳатдан муддао-қуруқ саёҳатнинг ўзи эмас, балки Худонинг қудратини тамошо қилишдир, агар шундай ният қилинса, ҳақиқатга тўғри бўлади”, - дер эдилар. Саҳоба ва бу ерга келган илк араб лашкарлари ҳақида сўзлаб берардилар.

*Араблар шамолдек елган эмишлар,
Ажойиб бу жойни билган эмишлар.
Арабнинг жанговор қўшини ичра,
Саҳобалар бирга келган эмишлар.*

Ёзги таътиллار пайтида кўпинча қиблагоҳим билан мен ҳам Новқотнинг тепасидаги Шанқўл тоғларига саёҳатга чиқар эдим. Бизни биродаримиз Фатхулла Махсум олиб борарди. Бу ер бодом, зира, арча дарахтлари билан қопланган, ўт-ўланлар ўсиб ётган, тоғ орасидан ҳайқириб анҳор оқиб ўтадиган жой эди. Бу ерда қирғиз Ашур ова ўтовиди меҳмон бўлиб, қимизхўрлик қилардик.

*Сайр қилар жойинг доим бог бўлсин,
Саёҳатга чиқар жойинг тоғ бўлсин.
Юз йиллардан ортиқ яшайин десанг,
Аччигланма, вақтинг доим чоғ бўлсин.*

Қиблагоҳим ўтовларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланувчи қирғизларнинг илтимосига кўра “Рисолайи қимиз” (“Қимиз ҳақида рисола”) асарини ёзган эдилар. Унда қимизнинг пайдо бўлиш тарихи, тайёрлаш усули ва шифобахш хусусиятлари ўз ифодасини топган эди. Рисолада “Туркистон тарихи” номли китобдан олинган қимиз ҳақида шеър ҳам бўлиб, унинг бошланиши куйдагича эди:

*Қимиздир ошларнинг оши, ҳамма неъматларнинг боши,
Муқаввийдур, мусамминдур, мукаллим айлаюр носи.*

Мазмунни:

*Қимиз овқатларнинг овқати, неъматларнинг аълоси,
Кувват берувчи, семиртирувчи ва одамларни
гапиртирувчи.*

Бир йили бир қанча кишилар билан бирга Шанқўлга жўнадик.

*Фароғатнинг таги саёҳатдадир,
Саёҳатчи доим фароғатдадир.
Саломатлик ҳамдам саёҳатчига,
Саёҳатчи доим саломатдадир.*

Бизни олиб боришга мутасадди бўлган киши қиблагоҳимга билдирмай, ўзга шаҳарлик кишиларни ҳам таклиф қилибди. Қимиз ичиб ўтирганда ҳам суҳбатимиз қовушмади. Ўтириш совугандан совиб борди. Шаҳарликлардан бири қиблагоҳимга тинимсиз саволлар берар, баъзи масалаларда тортишар, дам олишга келган кишиларнинг энсасини қотирарди. Кечаси ётиб қолиб, эртасига кечқурун қайтмоқчи эдик. Кимнингдир юраги сиқилиб, тунда қайтиш ҳақида оғиз очган эди, қиблагоҳим дарҳол рози бўлдилар. Тўрт соатга яқин юк машинасида йўл юриб, уйга етиб келдик. Кузовда бўлганимиз учун шариллаб ёққан ёмғирдан ҳаммамиз шалоббо ҳўл бўлиб кетгандик.

*Ёмонни йўлатма асло ёнинга,
Шерик қилакўрма ошу нонинга.
Айрилмагин бироқ кишидан зинҳор,
Жони тўғри келиб қолса жонинга.*

АВЛИЁЛИК

Қиблагоҳим бизларга улуғ уламолар ва машҳур машойихларнинг ҳаёти ҳақида кўп ҳикоя қилардилар. Бизларни авлиёларнинг кўрсатган кароматлари ва ғайри табиий қобилиятлари қизиқтирар, мўъжизавий олам сирлари ўзига ром этар эди.

*Қанчалаб ўтибдир улуғ валийлар,
Илму маърифатга тўлуғ валийлар.
Тасаввуф байрогин баланд кўтарган,
Босган қадамлари қутлуғ валийлар.*

Биз ака-укалар қиблагоҳимизнинг ҳам авлиё бўлишларини, кашфу кароматлар кўрсатишларини, йўқ нарсаларни бор қилиб қўйишларини жуда хоҳлар эдик. Бироқ, қиблагоҳимиз бўшади дегунча муккаларидан кетиб, китоб ўқишга машғул бўлардилар.

Кунлардан бир кун катта акам Абдулҳай Махсум қиблагоҳимни астойдил қистовга олмоқчи бўлди.

- Дада, сиз авлиёларнинг барча қондаларини биласиз, улуғ ула-

мосиз, араб ва форс тилларини мукаммал биласиз, кеча-кундуз китоб ўқийвериш ўрнига авлиёликка уринсангиз бўлмайдими!

Қиблагоҳим қизиқиб китоб ўқиётган бўлсалар керак, акамнинг халақит берганидан жаҳллари чиқдими:

- Нима, сизга юрагимни ёриб, ичини кўрсатайми?! - дедилар.

Акам бошқа индаёлмай қолдилар.

Кейинчалик ўзим тасаввуф нима, авлиёликдан кўзланган мақсад қандайлигини ўқиб англаганимдан кейин, билдимки, бу соҳадаги энг улуғ иш авлиёликни билдирмаслик, кароматфурушлик қилмаслик, ўзининг илмини туну-кун ошира бориб, бошига келган барча кулфатларга чидаш, одамларга қўлидан келганича яхшилиқ қилишдан иборат экан.

Авлиё сирини яширар эмиш,

Туну кун қувватин оширар эмиш.

Ўзгалар сиримни билмасин дея,

Одамлар ихлосин туширар эмиш.

Мен одамлардан қиблагоҳимнинг баъзи кароматларини эшитиб юрардим, бироқ ўзим айнан кўрмаган эдим, негаки умримнинг кўп қисми қиблагоҳимдан узоқда, Тошкентда ўтар эди. Бир йили таътил пайтида Марҳаматга бордим. Китоблардан ўқиб олган усулим бўйича қиблагоҳимнинг авлиёлик қувватини синаб кўрмоқчи бўлдим. Бир неча биродарлар доирасида гаплашиб ўтирар эканмиз, қалб орқали қиблагоҳимнинг қалбларини ўзимга торта бошладим. Бундай ҳолни Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобидан ўқиган эдим. Бунинг тафсилоти шундайки, Хожа Аҳрори Валийнинг яқин дўсти Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ўз шогирди Шамсуддин Муҳаммад Раважий билан бир дўстиникига боради. Улар айвонда фикран гаплашиш билан банд бўладилар. Раважий нарироққа бориб, бир тунка устига ўтиради ва бекорчиликдан нима қилишни билмай, ўз пирининг қалбини торта бошлайди. Шунда пири: “Шамсуддин, жим ўтир, халақит берма,” деб пўписа қилади.

Авлиё гапирар - даҳон керакмас,

Ёки унга махсус макон керакмас.

Лаҳзада фикрини еткиза олгай,

Бунинг-чун соату замон керакмас.

Қиблагоҳим гапириб ўтирган ҳолларида елкамга оғир юк ташладилар. Форс тасаввуф адабиётида бунини “бор андохтан” (“юк ташламоқ”) дейилади. Бунга тазкираларда мисоллар кўп бўлиб, Хожа Аҳрори Валий ҳаётидаги бир воқеа бунга кифоя бўлади. Тошкентда меҳмон бўлиб турган Мавлоно Низомуддин Хомуш бир нарсадан хафа бўлиб, ёш Хожа Аҳрори Валийнинг елкасига юк ташлайди. У тезлик билан Шайх Хованди Таҳур мақбарасига бориб, унинг руҳига фикран илтижо қилади. Шайх Хованди Таҳур унинг елкасидаги юкни олиб, Низомуддин Хомуш устига отади. Шу кунини бу юкни кўтаролмаган Низомуддин Хомуш вафот этади. Бу воқеа Али Сафийнинг “Рашаҳот”ида батафсил келтирилган. Мен қиблагоҳим ташлаган “юк”ни кўтаролмай, табора ерга кириб борардим. Охири ўзимни у ёқ-бу ёққа ташлаб, фикримни чалғитиб, юк остидан чиқиб кетдим.

Раво юклар бордир, нораво юклар,

Бири даво, бири бедаво юклар.

Авлиёнинг юки ҳаммадан оғир,

Ташламасин ногоҳ авлиё юклар.

Бу ҳолатнинг ростдан қиблагоҳим томонидан бўлган-бўлмаганига тўлиқ ишонч ҳосил қилолмаган эдим. Бошқа кунини меҳмонхонага кирсам, беш-олти киши бор экан. Қиблагоҳим оташин бўлиб, ўзига душманчилик қилиб юрган бир одам ҳақида сўзлаётган эканлар. Бўш жойга келиб ўтирдим. Қиблагоҳимнинг газаб билан гапираётганларини кўриб, ичимда: “Уларнинг газаби жуда ўтқир-да” дедим. Сал ўтмай, қиблагоҳим ҳалиги одамнинг ёмонлигини исботлаш учун, Қуръон оятини келтирдилар, бироқ “Аъувзу” ёки “Бисмиллаҳ”ни айтмадилар. Ичимда: “Қиблагоҳимнинг газаблари шу даражада кучлики, ҳатто муқаддас Қуръон оятига ҳам газаб асносида “Аъувзу”ни айтмайдилар” деб ўйладим. Шу пайт қиблагоҳим сўзларини охирига етқизмасдан тўхтаб қолдилар. Бошимни кўтариб, уларга қарардим. Қиблагоҳим менга қараб: “Уламо одам ваъз ўқийётганда оятга “Аъувзу” ёки “Бисмиллаҳ” айтмаса ҳам бўлаверади” дедилар ва сўзларини охирига етқаздилар. Ўтирганлар ҳеч нарса сезишмади, сезсалар ҳам, орага суҳбат учун дахли бўлмаган жумланинг тушиб қолганига ҳайрон бўлиб қолавердилар. Мен шундан сўнг қиблагоҳимда авлиё-

лик борлигига тўлиқ ишондим ва мулла олдида тилингни, авлиё олдида дилингни тий, мақолига қаттиқ амал қиладиган бўлдим.

*Сўзлашда ой ила йилингни тийгин,
Беҳуда қол ила қилингни¹ тийгин.
Авлиё олдида дилингни тийсинг,
Мулланинг олдида тилингни тийгин.*

УЛАМОНИНГ НОЛАСИ

Қиблагоҳим Махдум Восилий покдомонлик ва ҳақ сўзликни ёқтирадиган олимлардан эдилар. У Марҳамат қишлоғида яшовчи катта-кичikka одоб-ахлоқ ўргатар, покликка даъват қилар ва танбиҳ берар эдилар. Бир неча фосиқлар эса: “Биз домланинг қўл остида эмас, домла бизнинг қўл остимизда бўлиши, биз нима десак, шуни қилиши керак,” - дер эдилар. Бора-бора уларнинг адоватлари кучайиб, душманга айландилар ва Асакада жойлашган Давлат Хавфсизлик қўмитаси аъзоларини ишга солиб, қиблагоҳимни обрўсизлантириш ва қамашгача олиб бориш йўлини излай бошладилар. Тухматомиз маълумотларни тайёрлаб, Андижон вилоятининг газетаси “Коммунист”да “Характеристика” деган фельетон эълон қилдилар. Фельетонда асосан қиблагоҳимнинг тумор ёзгани, одамларга дам солгани айб сифатида келтирилган эди. Фельетон муаллифи журналист Муҳаммаджон Абдукаримов эди.

Ҳар ойда бир-икки марта юмалоқ хатлар ёзилиб, текширувлардан ўтаверган қиблагоҳим бу фельетондан кейин жуда азоб тортдилар. Фельетон текширилди ва фактлар барибир тасдиқланмади. Қиблагоҳимнинг баъзи бир дўстлари ўша пайтда Марказий Комитетнинг биринчи секретари И.Усмонхўжаевчи арз қилдилар. Усмонхўжаев фактларни текшириб, нотўғри бўлса, фельетончини жазолаш ҳақида оғзаки кўрсатма берди. Фосиқлар ва қўмита аъзолари факт йиғиш учун Аравон, Чекобод ва Марҳаматдан қиблагоҳим дам солган одамларни қидириш ва улардан ёзма маълумот олиш учун жон-жаҳдлари билан ишга киришиб кетдилар.

Ўша пайтда Аравон Жомий мачитининг имоми Расулқори деган киши эди. Фосиқлар ва қўмита аъзолари Расулқорининг уйи а бориб, қиблагоҳимнинг тумор ёзгани ҳақида тилхат беришни, акс ҳолда қамалишини айтиб кўрқитадилар ва тилхат ёздириб олади-

¹ Қолу қил - сўзлашув.

лар. Расулқори чаласавод мулла бўлиб ҳар жума куни ўқиладиган маърузасини қиблагоҳимга ёздириб олар эди. Ўша пайтда биз ҳам Расулқорига учрашиб, воқеани билдик ва у бизга ҳам туморни кўрмагани ҳақида тилхат ёзиб берди. Бу воқеалар кейинчалик нима билан тутагани ҳақида қизиқмадик. Бироқ фосиқлар Усмонхўжаевдан қаттиқ танбиҳ олганликлари ҳақида эшитдик.

Қиблагоҳим бу воқеадан қаттиқ озор чекдилар. Барча нарсани тақдирга йўйиб, қўл қовуштириб ўтираверган қиблагоҳим, бу гал қўлга қалам олдилар ва М.Абдукаримовни шеър орқали қаттиқ дуойибад қилдилар. Бу шеърни бир йилгача ўтиришларда ўқиб бериб юрдилар. Оқсоқоллар эса беихтиёр фельетончини қўл очиб, дуо қилиб, қарғар эдилар. Қиблагоҳим оламдан ўтганларидан кейин шеърда нимайки ёзган бўлсалар, ҳаммаси юзага чиқди, М.Абдукаримов эл ичида расвоийи жаҳон бўлди. Мана ўша шеър.

*Манга мухбир бўғувчи, ўргатувчи ҳам хазон бўлсин,
Бу қилган тухмати доим ўзига бир чаён бўлсин.*

*Боши оғриқ ўралсин миясига қўймайин чандон,
Бузилсин фикри доим маслаҳатда чун хазон бўлсун.*

*Бўсин шал икки пути, юрмасун ҳечам фасодига,
Қурусун икки қўли, ёзмасун ёлгон, гарон бўлсун.*


(Ҳақиқатан ҳам М. Абдукаримов шал бўлиб, қўли ва оёғи ишламай қолди ва ёзиш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлди. Бир қанча вақт тўшакка михланиб ётиб, кейинчалик яна соғайиб кетди).

*Манга бул кун қилар наф деб қиган тадбирлари доим,
Ўролиб ўзига бирдан ҳамиша кўб зиён бўлсин.*

*Қиган ҳийлалари ошкор бўсун ҳамма холойиқга,
Хижолатдан ҳамиша ранги рўйи заъфарон бўлсин.*

(Ҳақиқатдан ҳам, М. Абдукаримовнинг ҳийлалари ошкор бўлди. Унинг Андижондан ташқари, яна Ўшда ҳам хотини бор экан. Сир очилиб, уни партия сафидан ҳайдаганлар).

*Ҳамиша кулфату гам, чирканатлар тўпланиб доим,
Кеча-кундуз маишат ўрнига ўлгунча нон бўлсун.*



*Бўсун зиндон ўзига нойўриг ёзган сиёҳдони,
Сиёҳи қон бўлиб, тутган қалам тиги сунон бўлсун.*

*Ғарибу бенавосан, Восилий, узма умидингни,
Адолатни шамоли юрсуну душман сомон бўлсин.*

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, етук уламо, эътиқодли инсон, Бухородаги Мирараб мадрасасида узоқ йил таҳсил олган, араб ва форс тиллари билимдони, адабиёт, табобат, шариат, тарих, одоб-ахлоқ бўйича 40 дан ортиқ асарлар муаллифи Махдум Восилийнинг дил оғриғи М.Абдукаримовга таъсир қилмай қолмади. Ислом шариатида етук уламога туҳмат қилган ва уни ҳақоратлаган одамнинг хотини талоқ, ўзи эса кофир бўлади, дейилган. М.Абдукаримов ва унинг фосиқ дўстларини ҳали у дунё азоби ҳам кутмоқда.

*Уламо одамга ҳар ким бўлса “оқ”,
Бир умр бадбахтдир, ишлари чатоқ.
Шариат бўйича бундай номарднинг,
Ўзи кофир бўлар, хотини талоқ.*

ТАФТИШЧИ ЧОЛ

Ўтмишдошлар Қуръони Каримдаги: “Унзур ила осори раҳмати роббика кайфа йаҳйал арза баъда мавтиҳа” (“Сен Парвардигорингни меҳрибонлик ишларига қарагинки, у қандай қилиб ўлган ерни яна тирилтирди”) оятининг фармони бўйича, саёҳатга чиқишар, қишдан сўнг ухлаётган ердан қандай ажойиботлар униб чиқишини тамоша қилишар экан. Қиблагоҳим ҳам саёҳатга чиққанимизда бу оятни кўп такрорлар эдилар.

Отадан қолган одат сифатида бир гуруҳ дўстлар Ўзган сафарига отландик. Абдулҳай акам: “Тошкентда сиқилиб қолган бўлсангиз керак, бир айлантириб келаман” - деб қолдилар. Соат ўнбирларда Ўзганга етиб келиб, қилич Бурҳонуддин Азизнинг қабрини зиёрат қилдик ва бозорга ўтдик. Бозор ичидаги чойхонада Марҳаматдан келиб қолган бир ҳамюртимиз чойхоначи бўлиб ишларди. У ўрнида йўқ бўлиб, бизни танимайдиган кичик ўғилчиси ишлаб турган экан. Баланд дарахтлар остига ўрнатилган барча сўрилар бозорчилар билан банд эди. Четроқда фақат битта катта сўри бўш бўлиб, унда бир оқсақол киши ёлғиз ўтирарди.

*Унда ўтирарди ёлғиз оқсоқол,
Соқоли оппоғу фаришта мисол.
Уни кўриб ҳурмат уйғонди дилда,
Улуғ авлиё деб айладик хаёл.*

Бошқа бўш жой бўлмагани учун, чолнинг олдига таъзиму тавозеъ билан бориб, ўтиришга рухсат сўрадик. Чой, нон, асал, узум, қанд-қурсларни дастурхонга тузадик. Оқсоқол биз билан баҳузур овқатланишга тушди. Орадан бир-ики пиёла чой айлангач, оқсоқол Усуббек акага юзланиб:

- Сен намоз ўқийсанми? - деди сўради.
- Ҳа, - деди Усуббек ака.
- Рўза тутасанми? - деб сўради яна.
- Ҳа - деди Усуббек ака.

Шундан сўнг оқсоқол Фатҳулла Махсумга, ундан кейин Абдулхай акамга шу саволларни берди. Улардан ҳам “ҳа” жавобини олгач, шу саволларни менга ҳам берди.

*Оқсоқол синарди ҳар биримизни,
Номозу рўзада тадбиримизни.
Йўқ десак, урушиб қўймоқчимиз,
Билмоқчи бўларми ё сиримизни.*

Мен оқсоқолга:

- Сизни бу ерга ўтқизиб қўйиб, одамларнинг намоз ўқиши ва рўза тутишини текширасан, дейишганми? - дедим.

Оқсоқол жавоб бермади. Сал ўтмай, яна Усуббек акага қараб:

- Қаердан келгансизлар? - деб сўради.
- Марҳаматдан, - деб жавоб берди Усуббек ака.
- Нима мақсадда келдинглар? - деди оқсоқол.

Усуббек ака содда эмасми, саёҳатга келдик, дейиш ўрнига, қилич Бурҳонуддиннинг зиёратига келдик, деди.

Оқсоқол:

- Шунча йўл босиб, зиёратга келдингларми? Уйда Қуръон ўқиб қўйса ҳам бўлаверади. Ҳали ўқиган Қуръондан ўликка фойда борми - йўқми, ким билади, - деди.

Мен оқсоқолга:

- Бундан минг йил аввал Хоразмда мўътазила деган мазҳаб тарқалган эди. Унинг тарафдорлари қабр азоби йўқ, ҳисоб-китоб

йўқ, руҳларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, қилинган хайру эҳсон ва ўқилган қуръондан ўликка наф тегмайди, авлиёлик ёлғон, деб даъво қилганлар. Хоразмшоҳ бу тоифани қириб ташлаган эди. Минг йилдан сўнг уларнинг қолдиқлари Ўзгандан чиқиб қолганига ҳайронман, - дедим.

Оқсоқол тез дуо қилди-ю, туриб, жўнаб қолди.

- Унга бекор қаттиқ тегдингиз, - деди акам.

- Ҳозир атеизм даври бўлса, намоз ўқийман, рўза тутаман, деб гапирадиган вақтми,- дедим акамга. - Ҳатто уйингда қанча пулинг бор, деб сўраса, айтиб юбормасаларингиз, деб қўрқиб тургандим.

- Рост айтасиз, танимаган бир одамга сўрайверса “ҳа” деб жавоб бераверибмиз, - деди Фатҳулла Махсум.

Усуббек ака:

- У кўнглида кири йўқ, оқсоқол одам эди, бекорга хафа қилдиларингиз, эҳтимол бирорта авлиё ёки Хизр бўлиши ҳам мумкин, - деб қолди.

*Ҳурматга лойиқдир оқсоқол киши,
Ўйлаб қилмоқ керак қилу қол¹ киши.
Кексалик Худодан етган бир неъмат,
Бу ёшга етмасдир эҳтимол киши.*

Шу пайт таниш чойхоначи келиб қолди. Бу ер гавжум, дам олиб бўлмайди, деб бизни боғдаги чойхонасига олиб кетди. Бир катта бидонда қимиз олдириб келди.

*Ажойиб хислатлар кони қимиздир,
Сутларнинг ичида хони қимиздир.
Неъматлар кишига жон багишлагай,
Аммо, неъматларнинг жони қимиздир.*

Қўй ёғи, қўй гўштида тайёрланган девзира паловидан мириқиб едик.

*Қозонлар ҳамиша оловда бўлсин,
Лаганлар доимо яловда бўлсин.
Нима бўлса бўлсин, аммо девзира
Думба ёғи билан паловда бўлсин.*

¹ Қилу қол - сўзлашув.

Кечга томон машинага ўтириб, йўлга тўшдик. Катта кўча ёнида жойлашган автобуслар шоҳбекати олдидан ўтаётганимизда, Фатҳулла Махсум бирдан:

- Ий-э, анови ётган чол ҳалиги оқсоқол эмасми? - деб қолди ва машинани тўхтатди. Ҳаммамиз қарадик. У ҳақиқатдан ҳам ўша чол бўлиб, қаердадир отиб олган ва автобусга чиқмоқчи бўлиб, шу ергача келган, бироқ етолмай, тошлар устида хурракни бемалол отаётган эди. Одамлар унинг икки ёнидан ўтишар, бироқ эътибор беришмас эди.

Биз йўлда кетаётиб, ўзимизча хулоса қилдик. Демак, бозордагилар ҳам бу алкаш чолни таниганлари учун сўрида у билан бирга ўтиришмаган экан. Бизлардан намоз ўқишимизни сўрагани эса, ароқ ичамизми - йўқми, билмоқчи бўлган экан.

*Ёшларнинг ишини қилса оқсоқол,
Унга умр ҳайф, ҳайфдир соқол.
Ёшларга ҳар ишни қилса ярашар,
Аммо, қаридингми, қариликда қол.*

ВРАЧ

Бир куни Марҳаматда катта акам Абдулҳай Махсумнинг уйига бордим. Ғоятда хафа бўлиб ўтирган экан. Сабабини сўрадим. Қизи овғриб қолган экан, колхоз касалхонасига олиб борибди. Шифокорлар хонасини очса, бир врач отилиб чиқиб, акамнинг елкасидан итариб орқасига қайтарибди. “Чой ичгани кўясизларми-йўқми?” деб бақириб берибди.

- Мен ўша врачдан хафа эмасман, у мени танимайди, - деди акам ўқиниб, - у билан ўзимизнинг укашонимиз, кўз ўнгимизда катта бўлиб, шифокор даражасига етган ҳамқишлоғимиз ўтирган экан. Агар қабул қилмаса ҳам, ўрнидан туриб, бироз кутиб туринг, Абдулҳай ака, деса бўлмасмиди? Йўқ, турмади ҳам, бирор нарса демади ҳам! Ахир мен ҳам кичик одам эмасман-ку, колхозда бош ҳисобчиман!

- Ака, хафа бўлманг,- дедим юпатиб, - демак ҳамқишлоғингиз ўзидан кетибди ва бурни кўтарилиб қопти. Бундай одамлар эл назаридан тезда қолади ва бирор кулфатга дучор бўлади!

*Врач заҳар бўлса эговланар жон,
Илон заҳари-чи, эл учун дармон.
Заҳар тили билан чақса гар врач,
Ундан яхшироқ-да заҳарли илон.*

НОН

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг хузурларига кўплаб одамлар келар, ҳар хил саволларни бериб, суҳбатлашиб ўтиришар эди. Қиблагоҳим баъзан вақтларидан қизғанар эдилар. Умр бекорга ўтмоқда, ҳали ёзадиган китобларим кўп, дердилар. Уларнинг хузурда кўпроқ Чекобод қишлоғидан бўлган бир дўстларининг ўғли Фатҳулла Махсум бўларди.

Бир куни мен ҳам бор эдим. Фатҳулла Махсум қиблагоҳимдан:

- Нон ҳақида ҳам ҳадис борми? - деб сўраб қолди.

*Беақлнинг олтин жони бўлармиш,
Могу дунё танда қони бўлармиш.
Нон бўлмаса танга ундан не фойда,
Оқил учун бойлик нони бўлармиш.*

- Ҳа, - дедилар қиблагоҳим, - Расулаллоҳ: “Акриму-у-хубза”, яъни “Нонни эъзозланглар” деб буюрганлар.

*Неъматлар ичида улуги нондир,
Севимли, тўйимли, қутлуги нондир.
Неъматлар ҳаммаси яхши-ю, бироқ,
Баридан хислатга тўлуги нондир.*

- Баъзилар паловнинг устидаги гўштни ноннинг устига қўйиб, пичоқ билан майдалайдилар, шундай қилса бўлаверадими? -деб сўради Фатҳулла Махсум.

- Йўқ, - дедилар қиблагоҳим, - нон азиз бўлгани учун унинг устида гўштни тўғраб бўлмайди.

*Нон билан одамзод ўсару ўзар,
Дўстлигу юксалиш йўлини тузар.
Неъматлар фаровон бўлса кўп яхши,
Бироқ нон бўлмаса аридек тўзар.*

- Бироқ, - деб давом этдилар қиблагоҳим,- гўшт қўйиб тўғралган нонни шундоқ қолдирмай, ўша онда ейилса баҳарнав мумкин

бўлади.

Шу пайт Бобохуросон қишлоғида яшовчи қиблагоҳимнинг мухлисларидан Ориф Махсум кириб келди. Бу кишининг отаси 1898 йилги Андижон кўзғолонининг асосчиси Дукчи Эшоннинг бевасига уйланган эди. Дуойи фотиҳадан сўнг, Фатҳулла Махсум яна саволини давом эттирди.

- Тақсир, бир киши нонни пичоқ билан кесиб бўлмайди, деб айтди, шу тўғрими?

- Ҳа, бу ҳам ноннинг азизлиги туфайли, - дедилар қиблагоҳим, - нонни синдириб ейиш керак.

Доннинг азизлиги бу нон туфайли,

Ноннинг азизлиги бу дон туфайли.

Дону ноннинг элда қўлма-қўллиги,

Деҳқон деган азиз инсон туфайли.

Шу пайт Ориф Махсум ейиш учун нонни қўли билан синдирган эди, ушоқлари дастурхонга тушди, у ушоқларни олиб, оғзига солиш ўрнига бармоқлари билан бир четга тўплаб қўйди. Бунга назари тушган қиблагоҳим:

- Ҳадисларда айтилишича, ҳар ким дастурхондаги нон ушоқларини териб еса, авлодидан жинни ва тентаклар чиқмас экан, - дедилар.

Ориф Махсум дарҳол нон ушоқларини олиб, оғзига сола бошлади.

Ноннинг ушоғи ҳам ноннинг ўзи-ку,

Нонимиз баданда жоннинг ўзи-ку.

Нонимиз бўлмаса жонимиз ҳам йўқ,

Жон эса худди шу ноннинг ўзи-ку.

Ориф Махсум ҳам гапга аралашди.

- Тақсир, бу йил дон ҳар йилгидан кўп бўлади, деҳқонларимиз файратдалар.

Деҳқоннинг меҳнати донга айланар,

Дон эса уйингда нонга айланар.

Қўлингда бир лаҳза нонинг бўлмаса,

Гам билан юрагинг қонга айланар.

- Омадларини берсин, - дедилар қиблагоҳим, - деҳқонлар дунёда кўп савоб топадилар, уларнинг меҳнатидан нафақат одамзод, балки қушлар ва қурту қумурсқалар ҳам фойдаланади.

*Бировнинг мақсади нон учун кураш,
Бировнинг мақсади жон учун кураш.
Ҳаққоний ва аъло мақсад деҳқонда,
Деҳқоннинг мақсади дон учун кураш.*

- Тақсир, - деди яна Ориф Махсум, - қотган нон ҳақида сўрамоқчи эдим.

- Қотган нон ҳам нон, уни шўрвага солиб ейилса нақадар ёқимли бўлади, талқон қилиб еса ҳам бўлади, - дедилар қиблагоҳим.

*Нон юмшоқ-қаттиқми, барибир нондир,
Қуввати ўзгармас, лаззатга кондир.
Шунинг-чун ҳар икки томонидан ҳам,
Ўқисанг, ўзгармас бир хилда “нон”дир¹.*

- Тақсир, қотган нонни сигирга берса бўладими? - сўрағида давом этди Ориф Махсум.

- Сутининг ҳурмати учун берса бўлади, - дедилар қиблагоҳим.

- Эчкигачи? - яна сўради Ориф Махсум.

- Сути учун берса бўлар, - дедилар қиблагоҳим.

- Эшакка берса бўладими, эшак ҳам инсон учун меҳнат қиладими-ку? - деди Ориф Махсум.

Қиблагоҳим:

- Бизнинг китобда эшак ҳақида гапирилмаган, - дедилар, сўнг Фатҳулла Махсумга юзланиб: - Махсум, машинангиз борми, Ориф Махсумни уйига элтиб қўйинг, - дедилар ва “Омин, Аллоҳу акбар” деб дуо қилиб юбордилар.

Ориф Махсум ташқарига чиққач:

- Эҳ, эсим қурсин-а, нима қилардим эшак ҳақида сўраб, ахир эшагим йўқ-ку, пайғамбаримиз ҳам: “Кўп савол беришдан тийинлинглар” деган эканлар, - деганича Фатҳулла Махсумнинг машинасига ўтириб, жўнаб кетди.

*Сўзларинг одамга малол бўлмасин,
Пишиқ бўлсин, пухта, маҳол бўлмасин.
Сўрасанг, ўйланиб-ўйланиб сўра,
Ичида беҳуда савол бўлмасин.*

¹ Нон сўзи терсидан ўқилса ҳам “нон” бўлишига ишора.

ТУШ

Қиблагоҳим махдум Восилий туш таъбирига катта эътибор берар эдилар. Ўтмишда туш таъбири ҳақида ўнлаб китоблар ёзилган. Исломда тушларнинг башоратли ва башоратсиз бўлиши ҳақида ихтилоф йўқ. Абу Хурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у деди: “Расул алайҳис салом бемор бўлиб қолганларида ёронлари ғамгин бўлиб, уларнинг олдиларига келдилар ва дедилар: “Сиз бизга яхши ишлардан хабар берар эдингиз, энди эса, Худо ўзи асрасин, ажал келиб қолса, бизга ким хабар беради, дин ишида қандай чора кўриш ҳақида қаердан хабар топамиз?” Расул алайҳис салом: “Вафотимдан сўнг ваҳй келиши тўхтайди, аммо башорат тўхтамайди” - дедилар. “Башорат нима?” - деб сўрашди. Расулulloҳ: “Яхши одамнинг туш кўриши ёки унинг ҳақида бошқа одамнинг туш кўриши”, - дедилар. Яна Расулalloҳ: “Туш пайғамбарликнинг қирқ олти улушидан бир улушдир”, - дедилар.

Ўтмиш уламолари туш таъбирини осонгина билиш учун махсус қўлланма китоблар туздилар. Уларнинг ичида машҳури арабча “Татийр ул-маном” асаридир.

*Туш кўрсанг, кундузи ё шом ичида,
Ё тунда туш кўрсанг ором ичида.
Ортиқча ғам ема ёки шод бўлма,
Таъбири “Татийр ул-маном” ичида.*

Форсча туш таъбирномалари ичида Тафлисийнинг “Комил ут-таъбир” асари ўз мукамаллиги билан ажралиб туради.

*Туш кўрсанг, шу замон таъбирин қидир,
Яхшими ё ёмон, тадбирин қидир.
Таъбирга муаббир¹ бўлмаса агар,
Тафлисий “Комил ут-таъбирин” қидир.*

Тафлисийнинг ёзишича, Расулulloҳ кўпинча саҳобалардан қандай туш кўрганларини сўрар ва уларнинг тушларини таъбир қилиб берар эканлар.

*Уламо аҳли кўп пок тадбир эди,
Туш борки, уларда бир таъбир эди.*

¹ Муаббир - таъбирчи

*Таъбирга бепарво бўлмаки, Расул -
Саҳоба аҳлига муаббир эди.*

Одамларнинг ҳаётида кўплаб башоратли тушлар бўлади. Бироқ таъбир илмини билмагани ёки қўлида таъбирномалар бўлмагани учун тушларига эътибор бермайдилар.

*Айрим тушдан кўзда нам пайдо бўлур,
Кеча-кундуз ўйлаб, гам пайдо бўлур.
Башорат юз берар айрим тушингдан,
Аммо, бундай тушлар кам пайдо бўлур.*

Мен қиблагоҳим Махдум Восилийнинг вафот қилишларини олдиндан тушда кўрган эдим. Воқеа бундай бўлган эди.

Қиблагоҳимнинг кўзлари кўрмай қолиб, жарроҳлик йўли билан очиш учун Андижонда касалхонага ётқизган эдик. Уч-тўрт кун ўтгач, инфаркт бўлиб қолдилар. Даволаш тугагандан сўнг, яна кўзларини операция қиладиган бўлишди. Бир куни кечаси туш кўрдим. Қиблагоҳим Марҳаматдаги уйимизда ҳаётлик пайтларида ҳечқачон киймаган зарбоф тўнда, бошларида чиройли салла ва оёқларида янги маҳси, қўлларида қамчи билан турибдилар. Бироқ юзларида даҳшатли ғзаб бўлиб, бу ғзаб бизларга ҳам таъсир қилиб, кўрқиб турган эмишимиз. Улар: “Кўр қори келиши керак эди, келмаяпти”, - деб шиддат билан кўчага чиқиб, уйга кирар эдилар. Кўр қори нариги маҳаллада яшайдиган Одил қорининг лақаби бўлиб, бу қори туғма кўр эди ва бизнинг ёшлик пайтимизда ўлиб кетган эди.

Уйқудан уйғондим, ярим кеча эди. Дилим хира тортди. Ўлиб кетган кўр қорининг кўр бўлиб қолган дадамнинг олдига келиши ва уларни қаёққадир олиб кетиши кераклиги дилимга ваҳима солди. Кечаси соат бирда эшик қўнғироғи жиринглади. Очдим. қўшнимиз: “Акангиз Марҳаматдан телефон қиляптилар”- деди. Чопиб чиқдим, акам:

- Дадамиз оламдан ўтдилар, тез етиб келишга ҳаракат қилинг!
- дедилар.

Маълум бўлишича, эртаси куни қиблагоҳимни иккинчи марта кўз операциясига олиб чиқишлари керак экан. Бироқ юраклари яна панд бериб қолибди. Қўшним машинаси билан бизни ярим кечада аэропортга олиб чиқиб қўйдилар. Биринчи рейс билан Ан-

дижонга учиб кетдик.

Таъбирномаларда ёзилишича, яхши ва ёмон тушларга садақа бериш лозим. Яхши тушга яхшилиги учун, ёмон тушга эса ёмонлигини қайтариш учун садақа берилади. Зотан, ҳадисларда айтилишича, садақа ўлимдан бошқа барча нарсани қайтаради, садақа Худойи таъолонинг ғазабини сўндиради.

*Туш кўрсанг, бадрақа¹ лозим бўлади,
Рухингга тафриқа² лозим бўлади.
Яхшими-ёмон туш, Расул сўзича,
Гадоёга садақа лозим бўлади.*

Қиблагоҳим тирик пайтларида бу фақирга, Тафлисийнинг “Комил ут-таъбир” китобини ўзбек тилига таржима қилинса, хўб яхши бўлар эди-да, деган эдилар. Ота орзусини бу фақир ўзига вожиб санаб, ўша асарнинг бир қисмини таржима қилиб, 1991 йили “Меҳнат” нашриёти орқали чоп қилдирган эди. Шу кунларда эса катта ҳажмли бу китобни ўзбек ва рус тилларига тўлиғича таржимасини амалга оширдим. Китоб “Мовороунаҳр” нашриёти томонидан чоп этилди.

*Тушлар замирида башорат бордир,
Бўлгуси ишларга ишорат бордир.
Айрим тушларингда шодликлар бўлса,
Айрим тушларингда шарорат³ бордир.*

Улуф муаббирларнинг таъкидлашларича, инсон қандай туш кўришига қарамай, бу тушларни яхшига таъбир қилиши лозим. Бошқаларнинг тушини фақат яхшиликка йўйиши керак. Акс ҳолда, яхши тушнинг таъбири тескари бўлиб чиқиши мумкин экан.

*Туш кўрсанг, ёмон, деб ўйлашни қўйгин,
Ёмонни яхши де, шодликка тўйгин.
Қандайин туш кўрсанг, кўргину бироқ,
Кўрилган тушларни яхшига йўйгин.*



¹ Бадрақа - йўлга солувчи.

² Тафриқа - паришонлик.

³ Шарорат- ёмонлик.

ИНСОН - ЖОМИЪИ АСРОР¹

Ўш вилоятининг Аравон ноҳиясига қарашли Чекобод қишлоғида қадрдон биродаримиз Фатҳулла Махсум истиқомат қилади. Бу одамнинг боболари бизнинг боболаримиз билан, дадалари дадаларимиз билан дўст бўлганлар. Фатҳулла Махсум ҳам менинг катта акам Абдулҳай Махсум билан ака-укадек бўлиб кетган.

*Инсон яшай олмас жаҳонда дўстсиз,
Ким ҳам яшай олур дармонда дўстсиз.
Дўстликни авайлаб асрай олмаган,
Бир умр ўтади армонда дўстсиз.*

Фатҳулла Махсумнинг ўнта фарзанди бор. Бу парҳезгар ва ҳалол одам бир ўзи ишлаб, уларни вояга етказган ва ҳалол яшаш йўлларини ўргатган. Фарзандларининг ичида Зайнобиддин деган ўғли бўлиб, у мenden ўн ёшлар чамаси кичик бўлса-да, мени ўзига дўст деб билади ва ҳурматимни ҳамиша жойига қўяди.

*Дўстлик шевасини ким адо қилгай,
Дўстга яхшиликни муддао қилгай.
Жони керак бўлса ногоҳ дўстига,
Юзта жони бўлса юз фидо қилгай.*

Зайнобиддин Чекобод Жоме Масжидининг имом хатиби бўлиб, элни тўғри йўлга ундайди ва амри маъруф қилади. Айни пайтда қассобчилик ҳам қилади. Давлатдан ер сотиб олган бўлиб, деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Асалари боқади ва улардан ҳам яхшигина фойда олади. Тўрт-беш фарзанднинг отаси. Икки марта Ҳаж амалини адо қилган. Ўз вақтида закот ҳам бериб туради. Қисқаси, ўта меҳнаткаш ва баракатли одам. Аллоҳ уни янада баракатли қилсин.

*Кўнгилга келмаса малол меҳнатдан,
Ризқинг кўпаяди ҳалол меҳнатдан.
Косиб² кишиларни севади Аллоҳ,
Охиратинг бўлмас завол меҳнатдан.*

Ҳар гал таътилга чиқиб, Марҳаматга борсам, Зайнобиддин етиб келиб, мени ўз уйига олиб кетади. Яқин одамларни ҳам ча-

¹ Жомии асрор - барча сирларни ўзида жам қилувчи.

² Косиб - касбу ҳунар билан шуғулланувчи.



қириб, катта зиёфат беради. Менга, акамга ва бошқа биродарларга бошдан-оёқ сарпо инъом қилади ва отаси Фатхулла Махсум билан бирга аҳволимиздан доимо бохабар бўлиб туради.

*Дўстлар аҳволидан олмасанг хабар,
Дўстман деганларинг бари бесамар.
Дўстларда тан иккита, бироқ жон битта,
Жон битта бўлмоққа богла сен камар.*

Зайнобиддиннинг бизга нисбатан меҳрибонлиги ва садоқатининг иккинчи ва энг муҳим томони ҳам бор. Буни у қуйидагича баён қилади:

- Тўққиз ёшда эдим. Тобим қочиб қолди. Уч-тўрт кундан сўнг икки оёғим ишламай қолди. Шифокорларни чақирдик. Бирортаси жўяли бир сўз айтолмади. Дадам мени машинага ўтқизиб, қиблагоҳингиз Ҳасанхон Махдум ҳузурига олиб бордилар. Дадам менинг жонсиз икки оёғимни осилтириб кўтарганича, қиблагоҳингиз ҳузурига олиб кирдилар. “Нима бўлди?” - деб сўрадилар қиблагоҳингиз. Дадам воқеани тушунтирдилар. Қиблагоҳингиз қандайдир дуони ўқиб, бир неча марта дам урдилар. Сўнг: “Ана энди ўрнингиздан тураверинг” дедилар. Мен: “Оёғим ишламайди, туролмайман” дедим. Қиблагоҳингиз: “Йўқ, йўқ, тураверинг, ишлайди” дедилар. Ҳаракат қилдим. Қарасам, оёқларим аввалгидек ишляпти. Ирғиб, ўрнимдан турдим. Мана, ҳозиргача оёғим ҳеч безовта қилаётгани йўқ.

Мен бу воқеага ишонқирамай, бир куни бу ҳақда Фатхулла Махсумдан сўрадим. У ҳам бу воқеани айнан шундай ҳикоя қилиб берди. Ҳа, тасаввуф китобларида инсонни “жомии асрор” деганлари ҳақиқатан бежиз эмас экан. Аллоҳ ўзининг ҳар бир бандасига бир хислат ато этар экан.

*Ҳар зотни соҳиби осор³ дейдилар,
Аллоҳдан кўп хислат нисор дейдилар.
Агар ишонмасанг китобларга боқ,
Инсонни “жомии асрор” дейдилар.*

³ Соҳиби осор - таъсир кўчига эга киши.

ҲАР СЎЗНИНГ ЖАВОБИ БОР

Марҳамат қишлоғи ўзининг тузилиши, кўчаларининг кенглиги, бир хилда узунлиги, аҳолисининг кўплиги билан вилоятдаги бошқа қишлоқлардан ажралиб туради. Бу кўчаларни Дўкчи Эшоннинг 1898 йилги кўзғолонидан сўнг оқпошшонинг одамлари чизган бўлиб, ҳар бир кўча рақам билан аталар эди. 1950 йилларда Марҳаматда уламолар кўп эди. 2-кўчада Тожик домла, 3-кўчада Мукаррам қори, 4-кўчада Конибодом қори, 5-кўчада Одил қори, 6-кўчада Хўжамберди қори, 7-кўчада Қирғиз домла, 8-кўчада Мирзакарим сўфи, бундан ташқари ҳар кўчада етук мулла ва қори бўлмаган ўнлаб аҳли савод кишилар бор эди. Айниқса, шоира Увайсийнинг чевараси Жаҳон Отин кўплаб эркак ва аёлларни ўқитган ва саводли қилиб қўйган экан.

*Илм аҳли ширин ҳаётнинг нахли¹,
Улардан кенг жаҳон шоду фараҳли.
Маънавий меросни сақлаб қолдилар,
Жафолар чекса ҳам уламо аҳли.*

Бироқ бу илм аҳллари кўрқиб-қалтираб яшар эдилар. Уларга турли йўллар билан ҳужум қилинар, минбарлардан туриб танқид ўти остига олинар, иложи борича обрўсизлантиришга уринилар эди. Шундай ҳужумлардан бири 1958 йилда уюштирилди. Бунга баҳона Қирғиз домланинг қўшни аёл билан фаҳш устида қўлга тушиши бўлди. Ўша пайтда ўзи ўқитувчи бўлса ҳам, бироқ мақолалари ва шеърлари билан ноҳия газетасида мунтазам чиқиб турувчи Кўчқор Тешабоев бир калтабин ўқитувчини ёнига олиб, “Чуви чиқди” номли танқидий мақола эълон қилди. Мақолада Марҳамат қишлоғида яшайдиган барча муллаларга тош отилган бўлиб, улар турли сўзлар билан ерга урилган эди.

*Қаллобга бу дунё тор бўлмай қолмас,
Ғам ила кулфатлар ёр бўлмай қолмас.
Ҳар киши дунёда назардан қолса,
Оқибат эл ичра хор бўлмай қолмас.*

Қиблагоҳим ўша пайтларда “руҳоний домла” деган ҳужумга учрамаслик ҳамда бола-чақаларни боқиш учун колхознинг шо-

¹ Наҳл - дарахт



ликорлик бригадасида ишлар, кечалари эса ижод билан шуғулланиб, ўзларининг “Качкўли Марҳаматий” номли китобларини ёзар эдилар. Мақола муаллифлари қиблагоҳимга ҳам ҳар қил сафсата сўзлари билан тош отган эдилар. Мақола чиққан куннинг эртасига қиблагоҳимга мухлис бўлган аҳли илмлардан бир қанчалари йиғилишиб, афсус чекдилар. Бу ҳақда сўз очганларида, қиблагоҳим:

- Эътибори йўқ бу мухбирдан хафа бўлмаса ҳам бўлади. Отаси Теша, ўзи Кўчқор экан, бунақа одамлардан яхшилик кутиш мумкинми? - дедилар. Сўнг орқасидан мана бу байтни ўқидилар, бу байт ўша ондаёқ миямга жойлашиб қолган бўлиб, ҳамон ўчмай келмоқда:

*Отанг сени Теша экан, Кўчқор дея от кўйибди,
Агар одам бўлганигда отинг кўчқор бўлармиди?*

Орадан йиллар ўтиб, мен ўша мақола муаллифи билан яқин таниш бўлиб кетдим. У қиблагоҳимнинг етук уламо эканини билгач, ўз қилмишидан кўп хижолат бўлиб юрди. Бироқ энди кеч, отилган ўқни қайтариб бўлмас эди.

*Дунёнинг рост ила ёлғони бордир,
Баъзан жазо, баъзан омони бордир.
Айтилган сўз, дема, ўтди-ю кетди,
Саволу жавобли замони бордир.*

ДОНО ХОЛВОЙ

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг Холвой сўфи деган яқин биродари бўларди. Холвой сўфи жуда зийрак, доно ва ақлли киши эди. У: “Ўтирган жойимда мингта одамни бошқараман” деб мақтаниб кўярди. У ҳақиқатдан ҳам маҳалладаги барча маросимларни бошқарар ва ҳеч кимни хафа қилмай, барча ишни аъло даражада адо қиларди. Одамлар ундан ҳар соҳада маслаҳат олишар эди. Қиблагоҳим бу киши ҳақида: “Ҳар бир иши ҳикматли” деб кўярдилар.

*Ҳикмат - ўзбекчада донолик демак,
Ҳар бир ишга ақлан ошнолик демак.
Ҳикматли одамнинг ишлари создир,
Демак, унинг умри маънолик демак.*

Холвой сўфи овқатнинг бир томчисини оғзига солиб, унинг

тайёрланиши, ҳатто ёқилган ўтинигача айтиб бера олар, мевачевалар парваришидаги нуқсонларгача билар эди. Дамлаб келинган чойдан бир хўплаб, анчагина жим қоларди. Шунда қиблагоҳим: “Холвой сўфи ютилган чойнинг қаергача боришини ва чойнинг нави, кучли-кучсизлигини текширяпти” деб қўярдилар. У чой қандай дамланган, тозами-нотозами айтиб берарди. Чиндан ҳам, бу одам бошдан оёқ ҳикматлар кони эди.


*Маърифат осмону ҳавоси ҳикмат,
Норасо қалбларнинг шифоси ҳикмат.
Камолга етмоқни кўзласа ҳар ким,
Қуввати, мадади, давоси ҳикмат.*

Холвой сўфи қиблагоҳим билан маросимларга бирга борар, келтирилган таомни тотиб кўриб, қиблагоҳимга ундан оз ёки кўп ейишни тавсия қилар эди. Қиблагоҳим ҳазил қилиб: “Холвой сўфи шўрва ёки маставадан сўнг ош ёки бошқа овқат бўлишини олдиндан биледи” - дер эдилар. “Қандай биледи?” - деган савол бўларди. “Агар шўрва ёки мастава озроқдан қуйилса, демак орқасидан бошқа овқат бўлар экан, борди-ю, тўлатиб қуйилса, бошқа овқат бўлмас экан, у пайтда дуойи фотиҳа қилиб, тезроқ туриш мумкин экан” - дер эдилар. Қиблагоҳим: “Холвой сўфи бировнинг уйига меҳмонга борса, хонтахтани бироз кузатиб туриб, сўнг жой танлаб ўтиради” - дер эдилар. “Нима учун?” - деб сўрашарди. “Чунки, - дер эдилар қиблагоҳим, - хонтахтанинг қайси томони пастроқ бўлса, ўши томонига лагандаги ошнинг ёғи оқиб тушар экан, Холвой сўфи эса қўй Ёғини яхши кўради”.

*Доно одам ишнинг кўзини билар,
Ўзга билан бирга ўзини билар.
Ҳар бир ишда қандай муомала-ю,
Ҳар кимсага айтар сўзини билар.*

Бироқ, куни келиб, Холвой сўфининг донолигига путур етди, катталарнинг ичида ҳам, кичикларнинг ичида ҳам кулги бўлиб қолди.

*Эл ичида “тулки” бўлганинг ёмон,
Ё бировнинг мулки бўлганинг ёмон.
Ҳаммасидан ёмон бир иш бор ногоҳ,
Одамларга кулки бўлганинг ёмон.*



Бунинг тафсилоти шуки, Марҳамат ҳали газлаштирилмасдан аввал, қиблагоҳим кўчма газ жиҳозини сотиб олиб, меҳмонхона ҳужрасига ўрнатиб қўйдилар. Унда чой доим қайнаб турар, қиблагоҳимнинг яқинлари чойни ўзлари дамлаб, чойхўрлик қилардилар. Бир куни қиблагоҳим меҳмонлар билан гаплашиб ўтирган эканлар, чой тугаб қолибди. Холвой сўфи чой дамлаб келмоқчи бўлибди. Шунда қиблагоҳим: “Газни ўчиришни биласизми?” - деб сўрабдилар. Холвой сўфи: “Шуни ҳам билмасам, нима деган одам бўламан” деб чиқиб кетибди ва чой дамлаб кирибди. Сал ўтмай, кўшнимиз Қирғизвой ака кириб келибди. Қараса, ҳужра ичи газ билан тўлган эмиш. Дарҳол эшик ва деразаларни очибди. Газни текширса, газ бор овози билан вишиллаб чиқаётганмиш. У қиблагоҳимга:

- Тақсир, ҳужра газга тўлиб қолибди, кимдир газни очиб қўйибди! - дебди.

Қиблагоҳим Холвой сўфидан:

- Биродар, газни ўчирганмидингиз? - деб сўрабдилар.

- Ҳа,- дебди Холвой сўфи.

- Қандай қилиб ўчирдингиз? - сўрабдилар қиблагоҳим.

- Албатта пуфлаб-да! -деб жавоб берибди Холвой сўфи.

Ўтирганлар роса хохолаб кулишибди. Қиблагоҳим:

- Э, Холвой биродар, шунча донолигингиз ва урушда қанча юртларга бориб келганингизга қарамай, газни ўчиришни билмабсиз, донолигингиз қайда долди! - дебдилар.

Бечора Холвой сўфининг то ўлгунча боши маломатдан чиқмади. Айниқса, кўшнимиз Қирғизвой ака уни ҳоли жонига қўймас, қиблагоҳим Холвой сўфини доно деб мақтасалар, у: “Сўфининг донолиги қайга борарди” деб хижолатга солар эди.

Оқил дилга ҳикмат эсо қилар эмиш,

Нодон хижолатдан ёқилар эмиш.

Ақлингга ортиқча магрур бўлмаки,

Яхши от ҳам бир кун қоқилар эмиш

ЧИЛЛА

Қиблагоҳим ўз тоғаси Зиёвуддин Махдум ҳақида кўп ҳикоя қилар эдилар. Ўз даврининг барча мадраса илмларини эгаллаган бу зот Мингтепа (ҳозирги Марҳамат)да камтарона ҳаёт кечирган эканлар.

*Авалло ҳар кимга илм керакдир,
Чуқур тажрибаю билим керакдир.
Бироқ комил инсон бўлайин деса,
Илм билан бирга ҳилм¹ керакдир.*

Қиблагоҳим Зиёвуддин Махдумнинг чиллага киргани ҳақида куйидагича ҳикоя қилган эдилар:

- Мен тўққиз ё ўн ёшлар атрофида эдим, яъни 1910 йиллар эди. Тоғам катта тайёргарлик кўриб, Ширмонбўлоқдаги тоғда жойлашган чиллаҳонага йўл олдилар. Қирқ кунга етадиган озик-овқат тайёрладилар. Озик-овқатлари озроқ майиз, ёнроқ ва бодом мағизлари эди. Чиллада фақат шуларни оз-оздан истеъмол қилинар экан. Чилла, яъни қирқ кунда маънавий, руҳий ва жисмоний тозаланиб, қандайдир Илоҳий хислатларга эга бўлиб чиқишни орзу қилган эканлар. Менинг Бухородаги устозим Мулла Асвад Махдум қирқ марта чилла ўтирган эканлар.

*Чилладан баданлар пок бўлгусидир,
Иллатлар бағри ҳам чок бўлгусидир.
Қирқ сонидо бордир кўп ажиб ҳикмат,
Чилла тут, сенда не бок бўлгусидир.*

- Тоғамнинг чилладан чиқиб, уйга келганларини эслайман. Соч-соқоллари ва тирноқлари ўсиб кетган эди. Кун бўйи ўзини тартибга келтириш билан овора бўлдилар. Кейин эса улардан ғайритабиий нарсалар содир бўла бошлади. Тоғам кеннойимга: “Овқатни икки коса кўпроқ қилинг” дер эдилар. Овқат пишишига албатта иккита меҳмон келар эди. Улар кўпинча менга: “Жиян, кўчага чиқиб тур, иккита ёки битта меҳмон келяпти, кутиб ол” дердилар ёки аксинча: “Бир ёмон одам келяпти, мени йўқ деб айтиб юбор” дер эдилар. Айтганлари тўғри чиқарди.

*Покдомон одамга жаҳон аёндир,
Аллоҳ мададкордир, пинҳон аёндир.
Кўнгилдан не кечса билиб туришар,
Нима фойда, нима зиён аёндир.*

- Бир кун и аравага солиб, бир кишини олиб келдилар, - дея ҳикояларини давом эттирдилар қиблагоҳим. - У киши тоғамга кўп

¹ Ҳилм - юмшоқлик, маданият билан муомала қилиш.

тавба-тазарру қилдилар. Тоғам уни кечирганини айтди. Аравадаги кишини қайтиб олиб кетишди. Биз бу воқеанинг сирини тоғамдан эмас бошқалардан эшитдик. Маълум бўлишича, аравадаги киши шароб ёки бўза ичган, маст ҳолда тоғамнинг олдида оғзидан боди кириб, шоди чиқиб кетаётган экан. Одамлар: “Эй номард, четга чиқ, домла келяптилар” дейишибди. У эса тоғамни ҳақорат қила бошлабди. Зум ўтмай, бадмаст ерга ағдарилиб тушиб, бир неча кун беҳуш ётибди. Ўзига келиб, воқеани эслабди. Ўша куни кўчада тасодифан бир киши пайдо бўлиб: “Домлани ҳақорат қиладиган ҳали сенми?” деб, мушт билан бошига туширган экан. Суриштириб кўришса, уни урган одамни атрофидагилар кўришмаган экан.

Қиблагоҳим бу воқеани айтар эканлар, ўтирганлардан бири: “Бу ишни домланинг муаккали қилган” деди. Замонавий китобларни ўқиб юрган бир киши эса: “Бу мускул кучини масофага юбориш” деб ўзича ҳукм чиқарди. У бўлса ҳам, бу бўлса ҳам, аслида бу чилланинг хосияти эди.

*Ҳар киши нафсини чун горат этар,
Рухлар оламини зиёрат этар.
Нафсининг уйини қулатиш билан,
Бузилган руҳ уйин иморат этар.*

ДУОНИНГ БАРАКАТИ

Бир куни қиблагоҳим ҳузурларига чақириб, дедилар:

- Ўн уч ёшлар атрофида эдим, демак бу 1913 йиллар бўлади. Бир куни кўча чангитиб, болалар билан қувламачоқ ўйнардик, ногоҳ эшикдан тоғам Зиёвуддин Махдумнинг боши кўринди. Қипқизариб кетган, юзларидан қандайдир даҳшат аломатлари кўринарди. Мени, бу ёққа кел, деб қўллари билан имладилар. Орқаларидан меҳмонхонага кирдим. “Ўғлим, - дея сўз бошлади тоғам, - шундай замонлар бўладики, кулфат кўрмаган одам кам қолади. Сенга бир дуони ўргатиб қўймоқчиман, ҳозир ёдлашинг ва ўқишинг шарт эмас. Сенга дуо бераман, яъни ўқишга рухсат бераман. Катта бўлгач, уни албатта ўқиб юр”.

*Улулар билганни билмайди киши,
Бу сўзга эътибор қилмайди киши.
Киши гар олимлар сўзига кирса,
Кулфатдан багрини тилмайди киши.*

Шундай деб, ёнларида турган китобни очиб қўлимга бердилар ва бошидан ўқи, деб буюрдилар. Бир неча қатор ўқигач, тўхтатдилар ва менга дуо бердилар. Бу Абул Ҳасан аш-Шозалийнинг “Ҳизб ул-бахр” (“Денгиздек чуқур дуо”) номли асари эди. Уни мана шу ёшимгача ҳар куни бир мартадан ўқидим. Биринчи жаҳон уруши бўлди. Орқасидан босмачилар, кулоқлар даври бўлди, 1937 йилги Сталин қатағонлари, иккинчи жаҳон уруши, 1950 йилдаги янги қатағонлар, дин ва диндорларга ҳужумлар бўлди, бироқ бирортасида ҳам кулфат қурмадим. Ўғлим, сизга ҳам уни таълим бериб қўймоқчиман, замона фитналаридан омонда бўласиз!

*Оталар фарзандга чун роҳат тилар,
Ҳаётида доим фароғат тилар.
Ташвишда қолишни хоҳламас асло,
Икки олам учун саодат тилар.*

- “Ҳизб ул-бахр” нима ва уни ким ёзган? - деб сўрадим қиблагоҳимдан.

- Ҳозир ҳаммасини айтаман, - дедилар қиблагоҳим. - Ҳизб ул-бахр бу - дуолар жамланган бир денгиздир. Унинг ижодкори Абул Ҳасан Шозалий 657 ҳижрий, 1256 йил мелодийда вафот этган. Унинг ватани Искандария бўлган. Унинг бир қанча асарлар ёзгани маълум. Ўта тақводор одам бўлган ўз даврининг кутби эди. Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот” китобларида ул зотнинг таржимайи ҳолини келтирганлар. У ерда ёзилишича, Шозалий бир гал риёзатга қўл уриб, саксон кун очлик азобини тортади ва энди менда Илоҳий қувватлар жилва қила бошлайди, деб ғурурга берилади. Ногаҳон у турган ерга яқин ғордан нуроний бир аёл чиқиб келади ва унга: “Саксон кун риёзат чекиб, Худога нозу карашма қилмоқдасан, менинг туз тотимаганимга олти ой бўлди” дейди.

Менинг кўнглимда бу ҳолга инкор пайдо бўлганини ҳис қилган қиблагоҳим:

- Бизга бу сирлар қоронғи. Ибн Сино “Китоб уш-Шифо” аса-

рида шогирдига қарата: “Эй шогирд, бир одам узоқ вақтлар овқат емабди, десалар, бунинкор қилмагинки, агар одам қатъий ҳолда овқат емайман деса, ошқозон ишдан тўхтайдди, деган. Хуллас, риёзатчини Аллоҳ ўзи овқатлантиради. Шунинг учун ҳадиси шарифда: “Ал-жуъу таомуллоҳи”, яъни очлик Аллоҳ инъом қилган таомдир, дейилади.

Тиббда кўрдим, унда шундай битилар,

Ҳар кимса иллатга ногоҳ тутилар.

Очлик билан агар давосин қилса,

Иллатнинг домидан тезда қутилар.

Қуръон оятлари ва тилаклардан иборат олти варақли “Ҳизб ул-бахр”ни тезда ёдлаб олдим ва ҳар куни аср вақтида бир марта ўқишни ўзимга доимий одат қилдим. Уни баъзи манбаларда “Ҳизб ул-аср” (“Асрда ўқиладиган дуо”) ҳам дейилар экан. Худога шукрлар бўлсинки, мана, ҳозир ёшим етмишга яқинлашиб қолди, ҳеч кимдан кулфат кўрмадим, одамлар орасида иззат ва ҳурматим бор. Бироқ ҳасад туфайли менга туҳмат тошларини отганларнинг бир қанчаси оёқдан кетдилар. “Бу дуони кимки ўқиб юрса, душманларга ўқ бўлиб қадалаверади” деган эдилар қиблагоҳим, чиндан ҳам унинг тўғрилигини кўрдим. Кейинчалик қиблагоҳимнинг ёзган китоблари билан танишиш жараёнида кўрдимки, улар бу дуога “Шарҳи Ҳизб ул-Баҳр” (“Ҳизб ул-Баҳорга тушунтириш”) деб алоҳида китоб ҳам ёзган ва унда мазкур ҳизбнинг хосиятлари, ўқиш ва фойдаланиш йўллари мукаммал баён қилган эканлар.

Вазифали бўлса агар ҳар киши,

Ул одамнинг бўлмас асло ташвиши.

Атайлабдан дуо ўқимаса ҳам,

Қадалади сенга дамнинг ниши.

ТУТҚАНОҚ

Ўқувчилик йилларим эди. Ҳовли томонимиздан бир киши тўннинг этагини орқага қайириб, ичига қовун ва тарвуз солиб, қиблагоҳимга олиб келарди. Унинг исми Мулла Исо бўлиб, қариб қолганига қарамай, деҳқончилик билан шуғулланар экан.

*Дунёда улуг иш деҳқоннинг иши,
Ҳалол меҳнат қилар ёз ила қиши.
Катаю кичикнинг кўнглини олар,
Неъмат етиштирмақ ёлғиз ташвиши.*

Бир куни қиблагоҳимдан Мулла Исо ҳақида сўраб қолдим.
- Менинг талабаликдаги дўстим, - дедилар қиблагоҳим. - Ан-
дижондаги Жоме мадрасасида бирга дарс ўқиганмиз. У пайтда
менинг акам Мўйдин Махдум, уни одамлар Бургут Махдум дейи-
шарди, мадрасада бош мударрис эдилар. Бир куни лой кўчадан
дарсга кетаётган эдик, Мулла Исонинг тутқаноғи тутиб қолди ва
кўча ўртасидаги лойқа сувга орқаси билан думалаб тушди, ти-
пирчилайверганидан либослари лойга бўлганиб кетди. Ўзига кел-
тириб, мадрасага етказдим. Акам Бургут Махдум уни тезда Мин-
гтепа (ҳозирги Марҳамат)га тоғам Зиёвуддин Махдумнинг олди-
га олиб боришни буюрди.

*Иллатлар ёмондир, сози бўлмайди,
Кичигу каттаси, ози бўлмайди.
Иллатни тезгина олдини олгин,
Бунга фақат нодон рози бўлмайди.*

- Уни отга миндириб, тоғамнинг ҳузурларига олиб бордим, -
деб давом этдилар қиблагоҳим. - Эшикдан киришимиз биланоқ
ҳали мен ҳеч нарса демасдан, тоғам қўлини унга қарата бигиз
қилиб силтадилар ва баланд овозда “бўлди” дедилар. Қайтариб
олиб кетдим. Мана, ҳозир Мулла Исо етмишдан ошди, бирор
марта тутқаноғи тутган эмас. Мулла Исо Андижондаги илми би-
лан қолиб кетди, мен эса ўқишни Бухорода давом эттирдим.

*Илмга интилган олий бўлади,
Парвозда муборак болий¹ бўлади.
Юраги нур ила лиммо-лим тўлиб,
Нодонлик юкидан холий бўлади.*

- Бироқ, тутқаноқ унинг бир ўғли ва бир қизида пайдо бўлди,
- деб давом этдилар қиблагоҳим. - Қизи йигирма ёшларида тутқа-
ноқ сабабли оламдан ўтди. Ўғли эса ҳамон шу иллат билан оғриб
юрибди. Баъзан дўстимиз Холвой унга: “Зиёвуддин Махдумнинг

¹ Муборак болий - муборак қанотли.

руҳига бир қўй сўйиб Худойи қилиб юборсангиз, болаларингиз ҳам бу иллатдан озод бўлиб кетармиди” деб ҳазиллашиб қўярди.

Ҳар бир одам бир олам дегандек, инсон ҳақиқатан ҳам, сирларга тўладир. Агар у ўзини таниса, ҳақиқий қудрати нимадан иборат эканини англаб етса, улуғ ишларга қодир бўларди. Зиёвуддин Махдумнинг бир ишораси билан Мулла Исонинг тузалиши, жуда оғир бўлган иллатдан бир умр фориф бўлиши бунга далил эмасми? Ҳа, ҳақиқатан ҳам Умар Хайём бекорга айтмаган:

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи, гавҳари ҳам биз.²*

АБДУЖАББОР ТАБИБ

Саккиз ёшларда эдим. Кенг ҳовлимизда ўрик дарахтлари кўп эди. Кўпчилиги энгашиб ўсган бўлиб, мен уларнинг устида ҳеч нарсани ушламай, тик туриб юра олар эдим. Ўрик танасидан янги ўсиб чиққан елимни яхши кўрардим. Уларни йиғиб, икки кўлимнинг орқа панжасига ёпиштириб олардим. Кўчага чиқиб, ўртоқларимга кўз-кўз қилар ва уларни ялинтириб, битта-биттадан берардим.

*Олам аро, эй дўст, ёшлигинг создир,
Қарилик қиш бўлса, ёшлигинг ёздир.
Ёшинг ортган сайин ташвишинг ортар,
Ёшликда шодлик кўп, гам эса оздир.*

Бир куни ўйимизга эркак ва аёл меҳмонлар келишди. Раҳматли волидам Биби Ҳамида: “Ўғлим, кел, ош е” деб чақирдилар. Унамадим. Ўриikka тирмашиб чиқиб, ён томонга тўғри ўсган катта шохдан ҳеч нарсани ушламай юриб кета бошладим. Бир ёнга тойиб кетиб, орқам билан ерга қуладим. Ўнг қўлим тагимда қолди. Нафасим чиқмай қолди. Бунни опам Маърифатхон кўриб турган эканлар, додлаб, меҳмонхонага қиблагоҳимиз ҳузурларига чопиб кирибдилар. Ошга энди қўл урган беш-олти эркак устимга юғуриб келдилар. Ичида Абдужаббор табиб ҳам бор эди Гавдамни

² Ш. Шомухамедов таржимасидан.

бошдан-оёқ ушлаб чиқиб, ҳаммаёғи сор, деди. Сўнг мендан:

- Қаерингиз оғрияпти? - деб сўради.

- Қўлимнинг елка қисми, - дедим. Дарҳол битта товуқ тухумини илитиб, лат еган жойимга суртиб, қўлимни чорси билан бўйнимга осиб қўйди.

Абдужаббор табиб синиқ-чиқиқни соладиган моҳир табиб эди. Ноҳия марказидаги асосий касалхонага келтирилган, бирор ери сингган ёки чиққан беморларни шу табибга жўнатишар эди. Табиб уларни бир зумда даволар, баъзан биз ҳам бунинг гувоҳи бўлардик.

*Адаб учун киши адибга муҳтож,
Меҳрибон дўстгаю ҳабибга муҳтож.
Аммо оғир дардга дучор бўлганда,
Ҳаммадан аввалроқ табибга муҳтож.*

Бир куни қиблагоҳим Абдужаббор табибни хотирлаб қолдилар ва дедилар:

- Бир куни ҳовли томонимиздан Абдужаббор табиб ҳовлиқиб кириб келди. Ранглари оқариб, ўзи дағ-дағ титрар эди. “Махсум, - деди у менга, - Қирғиз яна пахтага ҳайдаб келяпти, тоқатим тоқ бўлди, ҳозир уни отиб ташлайман, кейин нима бўлса бўлаверсин”. Ҳақиқатан ҳам, табибнинг узун енглари учидан тўппончанинг учи кўриниб турарди. Мен уни бундай қилмасликка, оқиба-ти ёмон бўлишига кўндирган эдим.

*Ҳазаб одамзодни хор қилар бир кун,
Бу ёруғ оламни тор қилар бир кун.
Ҳазоби кетганда қилган ишига,
Охир пушаймонлик ёр қилар бир кун.*

- Табибни ҳам пахтага ҳайдашармиди? - деб сўрадим қиблагоҳимдан.

- Ҳа, у пайтда сиз жуда ёш эдингиз, - дедилар қиблагоҳим, - Сталин тирик йиллар эди, колхознинг партком котиби Қирғиз деган киши эди, эшикма-эшик юриб, каттаю-кичикни пахтага чиқишга мажбур қиларди, ҳамма ундан кўрқарди, қаматиб юбориш билан таҳдид соларди. Моҳир ва кекса табибни ҳам далага чиқиб, пахта теришга мажбур қилишарди. Кексалар эшикларига тамба қўйиб, уйда бекиниб ўтиришга мажбур бўлишарди.

*Оҳ, оғир замонлар ўтди-ю кетди,
Бераҳм ёмонлар ўтди-ю кетди.
Меҳнаткаш хилқимни эзган, қийнаган,
Тўхмату гумонлар ўтди-ю кетди.*

Бир минг тўққиз юз эллик учинчи йили табиб оламдан ўтди. Мен ўша пайтда учинчи синфда ўқирдим. Бир йилдан сўнг табибнинг хотини ва икки ўғли Марҳаматдан кўчиб кетдилар. Эштишимча, табибнинг бир ўғли ота касбини давом эттириб, Қува шаҳарида шифокорлик билан шуғулланаётган экан.

ОҲ, АЖИБ ЗАМОНЛАР...

Қиблагоҳим Махдум Восилий қонхўр Сталин даврида ҳам, ундан кейинги қизил империя даврида ҳам китоб йиғиш, топган пулларига еб-ичиш ўрнига араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзма ва тошбосма китобларни сотиб олиш билан шуғулланар эдилар. Бўш вақтлари фақат китоб ўқирдилар ва китоб ёзардилар.

*Қўлёзма асарлар кўзимиз нури,
Унда мужассамдир маънолар дури.
Доно боболарнинг доно ҳикмати,
Қалбимиз кўрию кўнгил сурури.*

- Бир минг тўққиз юз элгинчи йиллар эди, - деб ҳикоя қилган эдилар қиблагоҳим. - Колхозда партия ходими Исомиддин деган бўлар эди. У ҳам кексаларни пахта теримига чиқишга мажбур қиларди. Бир куни “Ҳаёт ул-ҳайвон” (“Ҳайвонларнинг ҳаёти”) номли арабча китобни ўқиб ўтирган эдим, бирданига хонага икки киши бостириб киришди. Бири Исомиддин эди. “Мана, руҳонийнинг аҳволини қара, пахтага чиқиш ўрнига, Куръон ўқиб ўтирибди, - деди шеригига ва тез юриб келиб, “мана Куръонингга” деб, китобни тепиб юборди. Китоб уйнинг бурчагига учиб тушди ва иккига бўлиниб кетди.

*Китобни хор қилган хор бўлар охир,
Қарор топар жойи нор¹ бўлар охир.
Китобни эъозлаб, кўзингга суртки,
Илму дониш сенга ёр бўлар охир.*

¹ Нор - олов.

Шундай деб, бир китобни кўрсатдилар. Муқоваси қайта ёпиштирилган эди. Ўша китоб ҳозиргача уйимизда сақланиб турибди.

Бир минг тўққиз юз етмиш тўртинчи йили иш жойимдан таштилга чиқиб, Марҳаматга бордим. Қиблагоҳим арабча, форсча, туркийча китобларини бўлиб-бўлиб омбухонага, офилхонага, томга ва подвалга яшираётган эканлар.

- Нима гап? - деб сўрадим.

- Ҳукумат муллаларнинг уйига кириб, китобларини олиб чиқиб кетаётган экан, бекитиб ташлаяпмиз, - дедилар қиблагоҳим.

Онамиз яшайдиган янги уй ёнига ошхона қуришаётган экан. Қиблагоҳимга:

- Шу ошхонани китобхона қилиб қўяйлик, устига “Шарқшунос олим М.Ҳасанийнинг кутубхонаси” деб ёзиб қўямиз, ҳукумат одамлари теголмайди, - дедим.

- Йўқ, ошхона даркор, - дедилар қиблагоҳим, - баҳорга соғомон чиқолсак, ҳовлининг нариги бурчагига меҳмонхона ва ёнига китобхона қурдириб, устига сиз айтгандек қилиб ёзиб қўямиз, - дедилар.

Менинг ташаббусим билан фундамент учун тоғдан тош ташиб келдик ва баҳорда қурилишни бошлаб юбормоқчи бўлдик. Бироқ қиблагоҳим баҳорга чиқолмадилар. Декабр ойида вафот этдилар.

Дунёда гадолик ёмондир, ёмон.

Ё бағри адолик ёмондир, ёмон.

Ёмондан ёмонроқ бир ёмон борки,

Отадан жудолик ёмондир, ёмон.

Ота вафотидан сўнг уйимизнинг деворларига китоб жавонлари ўрнатиб, ҳар бир китобга махсус рақамлар қўйдим. Кутубхоналардаги каби карточкалар ёзиб, яшикчаларга жойлаштирдим. Орадан ярим йилча ўтгач, маҳалламизда бир умр қиблагоҳимга душманлик қилиб келган бир мулла мен ҳақимда махсус идорага: “Фалончи отасининг диний китобларини кутубхона қилиб, одамларга фойдаланишга бермоқда, ўзи ҳам ёшларни йиғиб, диндан дарс айтмоқда” деб ахборот берибди. Мен бу хабарни эшитиб, бир кечада китобларни уч қисмга бўлдим. Биринчи қисми дунёвий ёки аниқ фанларга бағишланган бўлиб, уларни бир маҳалла нарида яшовчи қадрдон биродаримиз Усуббек аканикига элтиб

қўйдик. Диний илмларга бағишланган бир қисмини катта акам Абдулҳай Махсумникига элтиб, чинордан қилинган иккита катта сандиққа жойлаб, сандиқни офилхонага элтиб қўйдик. Унча аҳамиятли бўлмаган қисмини ўз жойида қолдирдик. Яшиқчалардаги карточкаларни ёқиб юбордик. Ҳозирги кунларда ўша меҳнатларим учун ҳамон жоним ачийди. Китобларни мустақиллигимиздан сўнггина ўз жойларига олиб келиб, қайтадан жойлаштириб қўйдим. Ҳозир улардан кўнглим тинч.

*Тинчлик замон келди, Аллоҳга шукур,
Дорул-омон келди, Аллоҳга шукур.
Истиқлол қуёши чарақлаб чиқиб,
Жонга дармон келди, Аллоҳга шукур.*

ҚИЙҒИР ДОМЛА

Ёш бола эдим. Чанг кўчада болалар билан ялангоёқ ўйнаб-ўйнаб, охири чарчаб, ҳовлига кирдим. Қарасам, қиблагоҳим меҳмонхона айвонида керосин билан ёнадиган қирқинчи лампа чироқни ҳафсала билан артиб, ёғ қўяётган эканлар. Ичкаридан нотаниш эркакнинг йўталгани эшитилди.

- Дада, меҳмон келдими? - деб сўрадим.

- Ҳа, қийғир домла келдилар, - деб жавоб бердилар қиблагоҳим.

- Й-йэ, қийғир қушнининг номи - ку, қийғирак деган шамол қийғир келганда бўлади деган эдингиз-ку, - дедим қиблагоҳимга.

Бу пайтда ҳаво айниган бўлиб, секин эсаётган шабада бирдан қаттиқ шамолга айланди.

- Ана, қийғир домла шамолни қўзғатиб юборди, - дедилар қиблагоҳим.

- Дада, қаттиқ шамолни Худо қўзғотади деган эдингиз, нима, қийғир домла Худоми? - дедим мен ҳайрон бўлиб.

Қиблагоҳим мириқиб кулдилар. Сўнг мени ичкарига бошлаб кирдилар. Меҳмонга салом бериб, югуриб бориб кўришдим. Қиблагоҳим:

- Биродар, ўғлим сизни Худоми деб сўраяпти, - дедилар ва бўлиб ўтган гапни тушунтирдилар. Қийғир домла ҳам ҳузур қилиб кулди.

Шундан сўнг мен қийғир домла ҳақида ҳеч нарса эшитмадим ва нима учун қийғир деб ном қўйилгани ҳамон менга қоронғу.

*Бола ҳали мургак ниҳолнинг ўзи,
Осмон узра гўё ҳилолнинг ўзи.
Барча нарсани у билмоқни бўлар,
Бошдан-оёқ тўла саволнинг ўзи.*

ЛАҚАБ

Ёшликда шундай воқеалар ҳам бўладики, бирор нарсага ақлинг етмай, хатога йўл қўясан ва бу ҳолат умрингни охиригача хотирангдан ўчмай қолади.

*Ҳар ишда шошмогинг ёшликда бўлар,
Дарёдек тошмогинг ёшликда бўлар.
Мақсадлар эшиги очиқ турса ҳам,
Девордан ошмогинг ёшликда бўлар.*

Бир куни уйимизга уламолар меҳмон бўлиб келишди. Қиблагоҳим мени чақириб:

- Еттинчи кўчадаги Қирғиз домлани чақириб келинг, - дедилар. Қўлимда чўзма, чўнтагимда лойдан қилинган ва қушларга қарши отиладиган соққачалар билан йўлга тушдим. Гоҳ чопиб, гоҳ секинлаб, Қирғиз домланинг эшигига етиб келдим. Кўча дарвозаси ичкаридан берк экан. Овозимнинг борича “Қирғиз домла тоға” деб қичқиравердим. Эшик орқасидан кимнингдир шарпаси сезилди, бироқ эшик очилмади. Қаттиқроқ қичқиравердим. Бирдан эшик очилиб, домланинг разабнок юзи кўринди. Қўрқиб кетдим ва меҳмон келгани ва қиблагоҳимнинг йўқлаётганини айтиб орқага қайтдим.

Қайтиб келиб, ҳовлига кирсам, қиблагоҳим қўлларида чойнак билан меҳмонхонага кириб кетаётган эканлар. Мени кўриб:

- Домлани айтиб келдингизми? - деб сўрадилар.

- Ҳа, - дедим.

- Нима деб чақирдингиз?

- Қирғиз домла тоға деб чақирдим, - дедим.

- Ҳу, аҳмақ, - дедилар қиблагоҳим пўписа қилиб. Қочиб ичкарига кирдим. Волидам Биби Ҳамида аҳволимни кўриб:

- Нима бўлди? - деб сўрадилар.

Воқеани тушунтирдим. Волидам кулдилар. Сўнг:

- Домланинг лақаби қирғиз, чунки у қирғиз миллатидан, одам-

лар унинг орқасидан қирғиз домла дейдилар, ҳузурида ҳеч ким уни қирғиз домла деб атамайди, - деб тушунтирдилар.

*Дунёда кўп ёмон нарса лақабдир,
Бефойда ва зиён нарса лақабдир.
Ёмон лақаб тўқар эътиборингни,
Фитна кўзгар гумон нарса лақабдир.*

ОНА СОҒИНЧИ

Ўртанча акам Муҳаммадхон Андижон тиббиёт олийгоҳидан ҳарбий хизматга олинган эди. Ундан тез-тез хат келиб турса-да, волидамиз Биби Ҳамида соғинч ўтида куяр, ўғлини тез-тез тилга олиб: “Ҳозир у нима еяётган экан, касал бўлиб қолмадимикан?” дердилар. Баъзан кўз ёши ҳам қилиб олардилар. Отамиз уларга таскин бериб, тез орада хизматни бажариб келиб қолишини айттар эдилар.

Қиблагоҳим бир куни волидамизнинг йиғлаб ўтирганларини кўриб, тасалли берувчи мана бу ғазални ёзиб, волидамизга ўқиб берган эдилар:

*Ҳарбийга кетган ўғил, келгай омонда, гам ема,
Хизмати ўтмоқда соз тинчлик замонда, гам ема.*

*Ҳар йигитга қирқ хунар оздир мақолин эслагин,
Қирқ хунар олсин ўғил ушбу жаҳонда, гам ема.*

*Ёш йигитлар отишу ётишни билса бу фазл,
Бошимизга тушса иш турмас ниҳонда, гам ема.*

*Икки йил ўтар-кетар қошингга келгай тўлишиб,
Барча соғинчлар яна кетгай шу онда, гам ема.*

*Ўғлимиз ерга қаратмас шер каби қалби билан,
Марду майдонлик кўпиргай тоза қонда, гам ема.*

*Восилийнинг пандини маҳкам тутар ўғлинг мудом,
Қайтажаск олдинга шавкат бирла шонда, гам ема.*

АЛИХОН СОҒУНИЙ

Ўрта мактабнинг олтинчи синфида ўқир эдим. Мактабдан келсам, волидамиз Биби Ҳамида: “Меҳмонхонада тошкентлик меҳмон ўтирибди, даданг йўқлар, чой олиб кир, сандалга чўғ қилиб бер” дедилар. Дастурхон ёздим, гўзапоядан чўғ тушириб, сандалга босиб бердим. Меҳмон қиблагоҳимнинг китобларини ва рақлар, китобдан кўз узмас эди. Чойга таклиф қилдим. Бироз гаплашиб ўтирдим. Қиблагоҳим ҳам келиб қолдилар. Меҳмон билан кучоқлашиб кўришдилар.

- Ўғлингиз қобил бола экан, чой дамлаб берди, сандалга чўғ қилиб, оёғимни иситди, - деди меҳмон мени мақтаб.

Меҳмон ўша кеча ётиб қолди. Кетгач, қиблагоҳимдан унинг ким эканини сўрадим.

- Алихон тўра, - дедилар қиблагоҳим. Сўнг уларнинг таржимаи ҳолини гапириб бердилар. Мен Тошкентда ўқишга келганимдагина ўша меҳмоннинг машҳур Алихон Соғуний эканини билдим.

Ўзаро бир-бирин қидирса инсон,

Дўстлик ришталари боғланар осон.

Қидирсанг, ётлар ҳам қариндош бўлур,

Қидирмасанг, қардош ёт бўлар шу он.

1970 йил эди. Боёвутда пахта теримида эдик. Ўша пайтда “Тошкент оқшоми”да Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Муҳсиний” асарини эълон қилаётган эдим. Таҳририятда таржималарим тугаб қолганини билардим. Уч кунга рухсат сўраб, юк машинасида Тошкентга жўнадим. Мен билан бирга олим Талъат Солиев ҳам йўлга чиққан эди. Талъат ака мендан:

- Қаердан бўласан? - деб сўрадилар.

- Марҳаматдан, - дедим мен.

- Марҳаматда бир гузар бор, гузарда катта қайроғоч дарахти бор, тепароқда Ҳасанхон Махдум деган бир уламо киши яшайди, ўша кишини танийсанми? - деб қолди Талъат ака.

- Танийман, у одам ҳамон ҳаётлар, - дедим мен ва ўша киши менинг қиблагоҳим Махдум Восилий эканини айтмадим, негаки мени руҳонийнинг ўғли дейишларидан қўрқардим.

- Мен бундай олим кишини кам кўрганман, - деди Талъат ака.
- Биз институтга китоб сотиб олиш учун Абдулла ака Жувонмар-

диев билан Андижонга борган эдик. У ердан Бобур фармонини қўлга киритдик. Шаҳарда ҳеч ким ўқиб беролмади. Сўнг Марҳаматга бордик. Ҳасанхон Маҳдум борлигини айтишди. Маҳдум шолиторда шоли ўтаб юрган экан. Машина юбориб, олдириб келишди. Фармонни шариллатиб ўқиб, тушунтириб берди.

*Ҳақиқий зўр олим дурга ўхшайди,
Бағрингни иситар кўрга ўхшайди.
Оламни зулумот қопласа ногоҳ,
Йўлингни ёритар нурга ўхшайди.*

Сўнг Ҳасанхон Маҳдум Алихон Соғунийга бир хат ҳам ёзиб берди.

- Қандай хат? - қизиқиб сўрадим.

- Ҳасанхон Маҳдумнинг қўлида тарихга оид қимматбаҳо асар бор экан, уни Алихон Соғуний вақтинчалик фойдаланишга олиб кетган экан. Биз ҳам ўша асарни кўрмоқчи бўлдик. Хат қилиб бердилар,- деб тушунтирди Талъат ака.

Мен Тошкентга келиб, эртаси куни институтга чиқдим. Мақсадим “Ахлоқи Муҳсиний”ни олиб, “Оқшом” учун янги таржима маламат қилиш эди. Қўлёзмалар фондига кўтарилдим. Орқамдан Талъат ака ҳам чиқиб қолдилар.

- Эй ёлғончи аҳмақ, - дедилар Талъат ака менга, - сен ўша Ҳасанхон Маҳдумнинг ўғли экансан-ку, нега буни яширдинг? Уйга келиб, дадангни хатини топиб, диққат қилиб қарадим. Бу уламонинг исми Ҳасанхон, Маҳмуднинг фамилияси Ҳасанов, демак Маҳмуд бу ўша кишининг ўғли экан-ку, дедим.

Талъат ака барчани сенлаб гапирар, қўпол сўзларни ҳам ишлатиб юбораверар эди. Биз бунга ўрганиб кетган эдик.

- Узр, Талъат ака, айбдорман, - дедим мен.

*Суврат бор эди-ю сийрат йўқ эди,
Сийрат бўлса ногоҳ суврат йўқ эди.
Ўзни яширмоққа мажбур эдик биз,
Ошкора қилмоққа журъат йўқ эди.*

Қиблагўҳим ўшанда Алихон Соғунийнинг қилган насиҳатларини айтиб бергандилар. Соғуний шундай деган эканлар:

- Биродар, етук уламо экансиз, давлат ишларида ишламасдан, қандай қилиб шу кунларгача омон юрганингизга ҳайрон-

ман. Кўпни кўрган одам сифатида сизга бир маслаҳат бермоқчи-ман. Сиёсатга аралашманг. Одамлар дам солдиришга келса, дам солинг, бироқ тумор ёзманг, тумор ашёвий далил, душманлар қўлига тушса, ўзингизга қарши ҳужжатга айланади.

Бироқ қиблагоҳим Алихон Соғунийнинг насиҳатларига амал қилолмадилар. Аравон ноҳиясининг имом хатиби Расул қори ҳар жума намози учун қиблагоҳимга маъруза ёздириб кетарди. Бир гал келиб, бир қариндошига тумор ёздириб кетди. Шундан сўнг тумор ёзиш тез-тез такрорланиб турди. Расул қори билан бирга отам ҳузурларига келадиган нариги маҳаллалик бир мулла бу ҳақда отамнинг душманига хабар қилибди. Душман эса Асакада жойлашган Давлат хавфсизлик қўмитасига хабар қилибди. Отамни тумор ёзувчи домла сифатида таъқибга олишди. Бу эса отамнинг саломатлигига қаттиқ таъсир қилди. Иймонсиз Расул қорининг ўзи тумор ёздиргани ҳақида давлат идорасига тилхат ёзиб берган экан.

*Катталар сўзига ким қилса амал,
Ишлари доимо бўлур мукаммал.
Улуғлар узоқни кўра олурлар,
Ақлининг нуридан барча мушқил ҳал.*

МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИҚДАН...

Падари бузругворимнинг ҳузурларига мухлислари тинимсиз келиб-кетиб туришарди. Уларнинг ҳар бирлари ўз ризқларига яраша дастурхондан тамадди қилиб кетардилар. Бир куни Бобохуросон қишлоғидан бир киши келиб қолди. Суҳбат асносида отам жиянларимдан бирига:

- Ичкарига киринг-чи, овқат бормикан, - дедилар. Жияним қайтиб келиб:

-Овқатга энди уринмоқчи бўлиб туришган экан, - деди.

Меҳмон овқатга турмади. Рухсат сўраб, чиқиб кетди. Қайтиб кирганимизда қиблагоҳим мана бу байтни ўқидилар:

*Ҳар касиро дар азал ризқи муқаддар кардаанд,
Вар баройи ҳар каси кори муқаррар кардаанд.*

Сўнг байтни тушунтиришга киришдилар:

- Яъни, Худойи таоло ҳар бир банда учун тақдири азалда ризқ белгилаб қўйган, у мана шу ризқни ейди. Ҳар бир киши учун

эса бир ишни муқаррар қилиб қўйган, у ҳаётда ўша иш билан машғул бўлади. Аммо ризқни кенгайтириш Аллоҳнинг қўлида, чунончи, Қуръони Каримда: “Инналлоҳа йарзуқу ман яшоу би-ғайри ҳисоб”, яъни Аллоҳ хоҳлаган бандасига ҳисобсиз ризқ ато қилади” дейилади.

- Бу байт кимники? - деб сўрадим.

- Муъиниддин Чиштийники, - дедилар қиблагоҳим. - Бу зот Баҳоуддин Нақшбанддан аввалроқ Чиштийя деган тариқатга асос солган. Бу тариқат Ҳиндистон, Ироқ, Эрон ва Афғонистонда кенг тарқалган.

Бошқа куни яна одатдагидек Усуббек ака, Қирғизвой ака, акам Абдулхай ва мен қиблагоҳимиз ҳузурда ўтирган эдик, Чекобод қишлоғида яшовчи Фатҳулла Махсум келиб қолди. Қиблагоҳим ҳузурга тинимсиз одамлар келиб-кетиб туравергани учун уларнинг ҳар бирига овқат тайёрланавермас эди. Фатҳулла Махсум келган вақтда кун асрга яқинлашиб қолган, кечки овқат ҳали тайёр бўлмагани маълум бўлса-да, қиблагоҳим жиянимни ичкарига киргизиб, овқатдан хабар олиб чиқишни буюрди. Кечки овқатга энди уринишаётган экан. Махсум кетмоқчи бўлди.

- Эҳ афсус, овқат емай кетаверасизми? - дедилар қиблагоҳим.

Шу пайт муллаваччалардан бири бир товоқ манти кўтариб кириб қолди.

- Ҳай, ҳай, ажойиб иш қилдингиз-да, - дедилар қиблагоҳим хурсанд бўлиб. - Махсум қуруқ кетаверадими, деб хижолат бўлиб турган эдик.

Сўнг мана бу байтни ўқидилар:

*Ҳар кас зи хони қисмати худ ризқ меҳурад,
Аз камбизоати хижил аз меҳмон мабош.*

Яъни, ҳар ким қисматида ёзилган ризқни ейди. Эй мезбон, камбағаллик туфайли меҳмонга едиролмадим, деб хижолат бўлма, дейилган деб тушунтирдилар қиблагоҳим. Сўнг дедилар:- Махсумнинг қисматида манти ейиш бор экан, демак ризқи улур экан.

- Бу кимнинг шеъри, - деб сўрадим мен.

- Бобо Соибники, - дедилар қиблагоҳим. - Кўп улур шоир-да, - деб қўшиб қўйдилар.

Ўтирганлардан бири:

- Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан, деган мақолга мос бўлди-да, - деб қўйди.

*Бошга нима этар, билмайди киши,
Қандай савдо ўтар, билмайди киши.
Кеча-кундуз меҳнат қилару бироқ,
Нима насиб этар, билмайди киши.*

УМР АФСУСИ

Падари бузругворимнинг Мирзамат сўфи деган кекса бир дўстлари бўларди. Икки марта уйланган, бироқ фарзанд кўрмаган эди. Мирзамат сўфи ҳаётда ҳалол яшаган, қўл меҳнати билан кун кўриб, кексайган эди. Қиблагоҳим китоб ўқисалар ёки яхши ҳикматларни айтиб берсалар, сўфи тинимсиз йиғлайверар эди. Шунинг учун уни Сўфи лақаби билан аташарди.

Бир куни Сўфи қиблагоҳим ҳузурида ўз умри ҳақида гапириб, тинимсиз йиғлайверди.

- Тақсир, умрим ҳам поёнига етиб қолди, ҳаётда бирорта яхши иш қилолмадим. Каттаю кичикка нафим тегмади. Орқамдан дуою фотиҳа қиладиган фарзандларим йўқ. Дўстларим ва биродарларим билан уришсам уришганмаки, бироқ уларнинг эсларида қоладиган бирорта яхшилик қилолмаганман. Дунёдан ўтишим билан уларнинг ҳам ёдидан кўтарилиб кетаман...

Сўфи сўздан тўхтади, бироқ елкаларини силкитганича, хўнграб-хўнграб йиғлайверди. Қиблагоҳим бошларини қўйи осилтирганича унинг сўзларини эшитиб ўтирардилар. Сўнг бошларини кўтариб:

- Э биродар, мунча қайғурасиз, тақдир қалами нимани ёзган бўлса, шуни кўрмай илож йўқ. Мана бу шеърга қулоқ солинг, - дедилар ва Бобо Соибнинг мана бу байтини ўқидилар:

*Ёрони рафтаро ба некуий кунанд ёд,
Гар умр зуд мегзарад дилгарон мабош.*

Яъни, дўстлар кетган дўстни яхшилик билан ёдга оладилар, агар умринг тез ўтиб кетган бўлса, сиқилаверма. Кўрдингизми, Ислом шариасти кетганларни яхшилик билан тилга олишни буюради. Фарзандларингиз бўлмаса, дўстларингиз бор, дўстларин-

гизнинг болалари бор, мусулмонлар қиладиган дуолардан барча ўлганларга насиба етади.

*Банда бўлсанг Ҳаққа нидо керакдур,
Тавба шарбатидан даво керакдур.
Тириклардан тамаъ қилур ўликлар,
Демак ўликларга дуо керакдур.*

Орадан кўп ўтмай, Мирзамат сўфи оламдан ўтди. Шу куни қиблагоҳимнинг зиёратларига Самарқанддан иккита тақводор ва тариқат йўлидаги муллалар келиб қолишди. Муллалардан бири Сўфининг жаноза номозини ўқиди.

Бошқа куни бир гуруҳ киши билан қиблагоҳимнинг ҳузур-ида ўтириб, Мирзамат Сўфига дуою фотиҳа қилдик. Қиблагоҳим шунда:

- Биродаримиз Сўфи тақводор, ҳалол, қалби тоза, ибодатли киши эди, Аллоҳ унинг жанозасига ўзининг севган қулларини Самарқанддан етқизиб келди! - дедилар.

*Аллоҳ севганини гамда қолдирмас,
Зиёда қилади, камда қолдирмас.
Чин дилдан Ҳақ учун йиғласа киши,
Бир умр кўзини намда қолдирмас.*

ДУКЧИ ЭШОННИНГ БЕВАСИ

Қиблагоҳимнинг Ориф Махсум деган дўстлари бўларди. Бу одам Марҳаматнинг Бухоросон деган қишлоғида яшарди. Бир куни қиблагоҳимдан:

- Бухоросон нима дегани? - деб сўрадим.

- Бу сўз аслида Бобойи Хуросоний бўлган, халқ уни бузиб, Бухоросон ёки баъзилар Бобохуросон дейдилар, - деб жавоб бердилар қиблагоҳим.

- Бобойи Хуросоний ким бўлган? - деб сўрадим яна.

- Буни ҳеч ким билмайди, - дедилар қиблагоҳим. - Бу зотнинг тарихи ёзилган эмас, номидан кўриниб турганидек, у пойтахти Ҳирот бўлган Хуросон мамлакатидан келиб қолган. Бухоросонда унинг катта мақбараси мавжуд, одамлар ул зотнинг қабрини авлиё деб тавоф қиладилар.

*Кўп зотлар ўтганки, исми номаълум,
Қабри қай жойдаю жисми номаълум.
Азиз деб қабрни тавоф қилурлар,
Муллами ё валий, қисми номаълум.*

Ориф Махсум қиблагоҳимнинг ҳузурларига келиб, эртадан кечгача ўтирар, баъзан ётиб қоларди. қиблагоҳим баъзида:

- Ориф Махсум кўп бемалол одам -да, хоҳлаганча ўтираверадди, китоб ёзишдан қолдирыпман ҳам демайди, - деб қўярдилар.

*Одам бўлса, ҳушёр бўлгани яхши,
Фаҳму фаросатга тўлгани яхши.
Фойдами ё зарар, буни билмаса,
Одам бўлганидан ўлгани яхши.*

Ориф Махсум қиблагоҳим билан суҳбатда тўлқинланиб кетса, “ейбоғу” деб қўярди. Қиблагоҳим авваллари бу сўзга эътибор қилмай юрдилар. Охири бир куни:

- Ейбоғу деганингиз нима ўзи? - деб сўрадилар.

- Билмадим, - деди Ориф Махсум.

Суҳбатда ҳозир бўлган қўшнимиз Қирғизвой ака:

- Бу ўрисча сўз бўлса керак, - деди.

Бир икки уй тепада немислар билан бўлган жанглarning охиригача қатнашган Абдуҳошим исмли қўшнимиз бўларди. Қиблагоҳим Абдуҳошим акани чақиртириб келдилар ва ейбоғу нима деганини сўрадилар.

- Бу - “ей боғу” деган ўрисча сўз, яъни Худо ҳақи деганга ўхшаган, - деди Абдуҳошим ака.

Қиблагоҳим бу сўзни эшитиб, мириқиб кулдилар ва Ориф Махсумдан:

- Бу сўзни қаердан ўрганиб олгансиз? - деб сўрадилар.

- Немислар билан бўлган жанглarda ўрислар бу сўзни кўп ишлатар эдилар, миямга жойлашиб қолган, - деб жавоб берди Ориф Махсум.

Бир куни қиблагоҳим қаергадир отланиб турган эканлар, қаергалигини сўрадим.

- Ориф Махсумни бир кўриб келай, соғиниб қолдим, - дедилар қиблагоҳим.

*Дўстни дўст тутолсанг, дўстлиги ортар,
Қадрига етолсанг, дўстлиги ортар.
Дўстингдан ногаҳон нуқсон юз берса,
Баҳридан ўтолсанг, дўстлиги ортар.*

Мен у пайтда тўртинчи синфда ўқир эдим. Мени ҳам олиб боринг, деб эркалик қила бошладим. Қиблагоҳим ўзлари билан олиб кетдилар. У пайтда Марҳамат билан Асака ўртасидагина автобус қатнади. Бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа бориш учун йўловчи машиналарга ўтириш керак эди. Қиблагоҳимни бутун Марҳамат аҳли танир, кўчага чиқсалар, пиёда қолмас эдилар.

Қиблагоҳим Ориф Махсум билан узоқ суҳбатлашдилар. Мен зерикиб, ҳовлини айландим, кўчага чиқдим, уйга кирдим, гоҳ суҳбатда ўтириб, гоҳ турдим. Суҳбатдан ёдимда қолгани қиблагоҳим билан Ориф Махсумнинг бир кампир ҳақида сўзлашганлари бўлди. Қиблагоҳим билан то йўловчи машина учрагунча пиёда кетдик. Йўлда қиблагоҳимдан:

- Сизлар гапирган кампир ким эди? - деб сўрадим.

- Биз Дўкчи Эшоннинг кампири ҳақида гаплашдик, - дедилар қиблагоҳим. Мен қиблагоҳимдан Дўкчи Эшон ҳақида эшитгандим. 1898 йили оқпошшога қарши кўзғолон кўтарган ва тарихга Андижон кўзғолони номи билан кирган воқеанинг қаҳрамони Дўкчи Эшон эди. Қиблагоҳим Дўкчи Эшон ҳақида китоб ёзаман деб, маълумотлар йиғиб юрганини ҳам билардим. Дўкчи Эшон айна пайтда шоир ҳам бўлиб, у “Иброт ул-гофилийн” номли шеърый ҳикматлар ёзган эди. Мен кейинчалик “Пандлар” номи остида бу ҳикматларнинг бир қисмини нашр ҳам қилдирдим.

Мен қиблагоҳимдан:

- Дўкчи Эшоннинг кампири борми? - деб сўрадим қизиқиб.

- Ҳа, бор, - дедилар қиблагоҳим, - мана шу Ориф Махсумнинг ўғай онаси Дўкчи Эшоннинг хотини бўлади. Дўкчи Эшон қўлга тушиб, Андижонда қатл этилганда, хотини қаровсиз қолади. Ориф Махсумнинг отаси унга уйланиб, бевани ўз ҳимоясига олади. Ориф Махсумнинг отаси ҳозир йўқ, ўлиб кетган, аммо кампир ҳамон тирик.

- Мен ўша кампирни кўрдим, - дедим қиблагоҳимга, - ичкарига айланиб ўтсам, айронда сўрида ўтирган эканлар.

- Табаррук аёлни кўрибсиз, - дедилар қиблагоҳим.

Кейинчалик билсам, Ориф Махсум бу аёл ҳақида ҳеч ким билмаслигини хоҳлар, ҳукуматдан қўрқар экан. Бу ҳақда кейинчалик “Сиз билган Дўчки Эшон” номли китобда Ориф Махсум ва унинг ўғай онаси ҳақида тўлиқ маълумотлар эълон қилинди.

*Халқини ўйлаган Дукчи Эшондир,
Ҳақ сўзни сўйлаган Дукчи Эшондир.
Қўлга қурол олиб, озодлик куйин,
Баралла куйлаган Дукчи Эшондир.*

КЕКСА СУЛТОН ВА ҚАРИЯ ВАЗИРНИНГ ТОЛИБИ ИЛМГА ЭҲТИРОМИ

Бир куни қиблагоҳим Махдум Восилий сўз орасида толиби илмларнинг қадру қиммати жуда баландлиги ҳақида ҳикоя қилдилар.

- Расулаллоҳ ҳадислари бўйича, - дедилар қиблагоҳим, - толиби илм илм ўрганиш қасдида ҳали оёқ кийимини киймасдан аввал гуноҳлари марфират қилинади. Китобларда толиби илмга қилинган яхшилик, хайру эҳсон ва садақа барча яхшиликлардан авзал ва савоблироқдир.

*Одам бўлсанг комил- илм қидиргин,
Илм қилгай омил¹ - илм қидиргин.
Битта илм билан чекланиб қолма,
Барча фанга шомил² - илм қидиргин.*

Қиблагоҳим шундай деб, кекса подшоҳ ва қария вазирнинг бир толиби илмга кўрсатган эҳтиромли ҳақидаги ҳикояни айтиб бердилар.

Султон Санжарнинг қўлига яра чиққан экан. Табиблар унинг давосидан ожиз қолибди. Мавлоно Абулфазл Кирмоний ёш толиб илм экан. У Султон Санжарга:

- Фалон китобда ўқидим, сизга фалон нарса даво бўлади, - дебди.

Тажриба қилишибди. Султон тезда даво топибди. Султон уни чақириб:

¹ Омил - амал қилувчи

² Шомил - ўз ичига олувчи

- Бизнинг ҳузуримизда бўлишга сен учун рухсат, - дебди.

Султон бир куни овга отланибди. Толиби илм Абулфазлга ҳам бир отни ҳозирлатибди. Ов майдонига етиб келишган вақтда Са-рахс шаҳри томондан гарду губор кўтарилибди. Султон Санжар-нинг лашкари қуролларини ҳозирлаб, жангга шай бўлибдилар.

Шу пайт Султон Санжар йиғлашга тушибди. Вазири Низом ул-Мулк:

- Эй султони ислом, сизнинг йиғлашингиз лашкарнинг кўнглини синдиради, сиз қанчалаб яхшиликлар ва тоатлар соҳиби-дурсизки, ҳеч қандай душман устингиздан зафар тополмайди, - дейди.

Султон:

- Менинг йиғлашим душман туфайли эмас, душман ҳужум қилса, мана бу толиби илм жанг қилишни билмайди, шундай илм эгаси мабодо жангда ҳалок бўлса, Худо олдида нима деб жавоб берурман, деб йиғламоқдаман.

Элга фойда золим одам ўлими,

Яхши ўлса будир алам ўлими.

Аммо олам аро олим ўлмасин,

Олимнинг ўлими-олам ўлими.

Орадан шу гаплар ўтиб турганда ўнта отлиқ от чоптириб келиб, пиёда бўладилар ва бошларини ерга қўйиб:

- Биз ҳаммамиз сиз Султонимизнинг қулларимиз, Румнинг уч йиллик молу хирожини келтирдик,- дейдилар.

Султон хурсанд бўлиб, шикордан шаҳарга қайтишни буюради ва Низом ул-Мулкка:

- Биз ҳар гал овга чиққанамизда оху ва қулонларни сайд қилар эдик, бугун бойликни овладик, бу эса шу толиби илмнинг муборак қадами туфайли бўлди,- деди. Сўнг толиби илм мавлоно Абул-фазлни чақириб:

- Бу отлар, қурол-аслаҳалар ва юкларнинг барчаси сеники!- дейди. Лашкарга эса толиби илмга берилган нарсалардан истаганларини сотиб олишга рухсат беради. Мавлоно катта бойликка эга бўлиб, китобхона қурдиради ва илмни ривожлантиради. Султон Санжардан эса оламда яхши ном қолади.



ЛУҚМОННИНГ ПАНДИ

Қиблагоҳим Махдум Восилий ҳикматли сўзлар, чиройли шеърлар ва ибратли ҳикоятларни ўқиш, мағзини чақиш ва уларни тўплаб, ёзиб қўйишга ўч эдилар. Улар тез-тез Пайғамбаримиз алайҳис саломнинг: “Ҳикмат мусулмон одамнинг йўқотган нарсасидир” деган ҳадисларини такрорлар эдилар.

Ҳикматдан одамзод комил бўлгуси,

Ақл ила донишга ҳомил бўлгуси.

Ҳикматга доимо амал қилганлар,

Тажриба бобида омил бўлгуси.

Қиблагоҳимнинг “Қачкул ал-Марҳаматий” деган китоблари бўлиб, унда Луқмони Ҳакимнинг қуйидаги ҳикматлари “Ҳайрат ул-фуқоҳо” китобидан олиб, ёзиб қўйилган экан:

“Луқмони Ҳаким кексайган пайтида ўғлининг қўлидан тутиб, тоғ устига олиб чиқди” сўнг:

- Уч марта ўнгу сўлга қара, қани, нимани кўрар экансан, - деди.

- Эй ота, ҳисобсиз қум ва адоқсиз гиёҳларни кўряпман, - деди ўғли.

- Сен уч мартаба қараганингда кўрган нарсаларингдан мен ўнта панду ҳикматни кўриб турибман, - деди Луқмон. - Бироқ менинг умрим охирига етиб қолди, сен менинг барча ҳикматларимни ўрганиб, тагига етолмайсан. Аммо билган барча ҳикматларимни тўртта жумлага жойлаштирдим. Иккитаси шуки, уни доимо ёдингда тутасан ва эсингдан чиқармайсан. Яна иккитаси шуки, эсингдан чиқарасан ва ҳечқачон эсламайсан. Аввало Яратувчи ҳамда ўлимни доимо ёдда тутасан ва ҳечқачон эсдан чиқармайсан. Бировга яхшилик қилсанг ва биров сенга ёмонлик қилса, унутасан, ҳечқачон эсламайсан. Мана шуларни қилсанг, Луқмоннинг барча панду ҳикматларига амал қилган бўласан!

- Эй фарзанд, яна нонни нонхуришсиз¹ емаки, зиёнкорлардан бўласан. Ҳар ҳафта янги кийим кийгинки, баданингга фойдаси бор. Ҳар гал аёлга яқинлик қилсанг, у бокира қиз бўлсинки, бундан зиён топмайсан.

Ўғил деди:

¹ Нонхуриш - нон ўтказиш учун қўшиб ёйиладиган нарсалар.

- Эй бузургвор ота, буни қилиш учун кўпгина бойлик керак, менинг эса бойлигим йўқ, буни қандай эплай оламан?

Ота деди:

- Эй ўғил, ҳар вақт оч қолганинг қотган нон истеъмол қилсанг, сенга шундай фойдалар етадики, гўё нонни нонхуриш билан егандек бўласан! Либосингни ҳар ҳафта ювиб кийсанг, гўё янги либос каби танангга фойда беради. Аёлга узоқ-узоқда яқинлик қилсанг, гўё бокира қиз билан суҳбатдош бўлгандек бўласан!

*Ўзингни ҳамиша ибода тутгин,
Меҳрингни одамга зиёда тутгин.
Ёмон нарсалардан ичу танингни,
Кечаю кундузи озода тутгин.*

АХАВАЙН

Марҳамат қишлоғининг 5-кўчасида икки ака-ука яшар эди. Акасининг оти Мулла Муҳаммад Сиддиқ бўлиб, одамлар уни Мулла Мамасидиқ дейишарди. Укаси эса Мулла Муҳаммад Мусо бўлиб, қисқача Мулла Мамадмусо дейишарди. Раҳматли қиблагоҳим уларни “Ахавайн” дер эдилар. Ахавайн сўзи араб тилида “икки ака-ука” дегани эди.

*Ердан оқиб чиқар булоқ айн¹ дир,
Ёмон хислат одам учун шайн² дир.
Оилада бўлса акаю ука,
Араб лугатида “ахавайн” дир.*

Ахавайнларнинг акаси ўта муғомбир, укаси эса ҳаддан ташқари содда бўлиб, қиблагоҳимдан кўп дакки еб юрарди. Ахавайнларнинг акаси қиблагоҳимдан араб тилини ўрганар, укаси эса форсий китоблардан таълим оларди.

*Илм ўқиб, ҳар ким ололса таълим,
Оқибат ҳаётда бўлар муаллим.
Илмни ҳилмга қўшолса агар,
Комил инсон бўлар, вужуди ҳалим.*

Ёзги таътиллардан бирида Марҳаматда эдим. Бир куни меҳ-

¹ Айн - булоқ.

² Шайн - ёмон.

монхонамизга чиқсам, айвонда ахавайнларнинг укаси ўтирибди.

- Дадангиз қайлула³ қилаётган эканлар,кутиб ўтирибман, -деди у.

- Нима ишингиз бор эди? - деб сўрадим.

- Саъдийнинг “Тулистон”ини ўқиётган эдим, бир жойини чиқаролмай қолдим, сўрагани келган эдим, - деди.

- Қани, ўқинг-чи, - дедим унга.

- Нима, сиз тушунасиэми? - деди у ҳайрон бўлиб. Сўнг ўқмй бошлади. Мен нотўғри ўқиган жойларини тўғирлаб, таржимасини айтиб бердим. У шу кундан бошлаб менга қаттиқ ихлос қила бошлади.

Бир куни катта акам Абдулҳай Махсум:

- Ахавайларнинг укаси меҳмонга таклиф қилиб кетди, - деб қолдилар.

- Мен бормайман, сал мазам йўқроқ, - дедим.

-Сизга жуда ихлос қилиб қолган,бормасангиз хафа бўлади,- дедилар акам.

Расулаллоҳнинг, даъват қилинган жойга боринглар, ҳадиса шарифининг тақозоси бўйича, меҳмонга борадиган бўлдим.

Бўйнингга бу ёмон феълни олмагин,

Ўзгалар хонига кўзни солмагин.

Даъват қилинмаган жойга борма-ю

Даъват қилингандан асло қолмагин.

Қиблагоҳим, акам ва мен машинага ўтириб, Мамадмусонинг уйига бордик. Қариндошлари ва баъзи кўшнилари ҳам бор экан. Ҳаммамиз ўн киши бўлдик. Маълум бўлишича, Қорақўрғон қишлоғидан мулланинг учта дўсти ҳам келиши керак экан. Сал ўтмай, машина овози эшитилди ва уч киши ўрнига яна ўн киши кириб келди. Хонада жой етишмай қолди, дарҳол айвонга ҳам жой қилишди. Мамадмусо жуда асабий эди. Сабабини сўрадим.

- Уч киши бўлиб борамиз дейишган эди, ўн киши бўлиб келишибди, мен зиёфат таомларини фақат ўн кишига мўлжаллаган эдим, йигирма кишини қандай хурсанд қиламан?! - деди.

Ҳамма келиб бўлган, бироқ ахавайннинг акаси Мулла Мама-сидиқ кўринмасди.

- Мулла қани? - деб сўрадилар қиблагоҳим Мамадмусодан.

- Одам юбордим, кўшним касал, деб келмаяпти, - деди у.

³ Қайлула - чарчоқни ёзиш учун бироз мизғиб олиш.

- Яна одам юборинг, келиб, бирпас ўтириб кетсин, - дедилар қиблагоҳим.

Бироздан сўнг Мамасидиқ тоға кириб келди. Бир пиёла чой ичди-ю:

- Қўшним оғир ётибди, ҳадисда, қўшнинг кофир бўлса ҳам, яхшилиқ қил, дейилган, мен бошида турмасам бўлмайди, - деб омин қилди-ю шарт ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Мен келган меҳмонларга разм солдим, барининг турқи хунук, юзларида нур йўқ, дастурхондаги сомсалардан ва мевалардан бир йил оч қолган одамдек ейишар ва қиблагоҳимга сиёсатга мос келмайдиган саволларни беришар эди. Айниқса, ёнимдаги одамга диққат қилдим, юзидан ва ўзини тутишидан замонавий одамга ўхшар, бироқ муллаваччалар каби қўйлагини шими ичидан чиқариб, осилтириб олган, пешона сочларини дўпписи остига яшириб олганди. Қўлидаги сумкасини олдига, дастурхон устига қўйиб қўйгани учун бемалол овқатланишига халақит берарди. Унинг нариги ёнида ўтирган марҳаматликлардан бири:

- Биродар, сумкангизни орқангизга ёки мана бу токчага қўйсангиз бўлмайдимиз? - деди-да, уни олиб қўймоқчи бўлди. Ҳалиги киши "йўқ, тегманг!" деб сумкасига ёпишди.

Келган меҳмонлар, худди келишиб олгандек, навбатма-навбат қалтис саволлар беришарди. Қиблагоҳим уларнинг саволларига:

- Мен ўзим тўқиб айтаётганим йўқ, китобда ёзилган нарсаларни айтаяпман, - деб силлиқина жавоб берар эдилар.

Орадан қанчалаб савол-жавоблар ўтгач, меҳмонлардан бири:

- Тақсир, сиздан роса эшитдик, энди навбатни ёш шоғирларингизга ҳам беринг, улар ҳам бирор нарса дейишсин, - деб қолди.

Қиблагоҳим:

- Ёшлар ҳам фурсати келгач гапиришар, - дедилар-да, ёнларидан дафтар олиб, замонани мадҳ қиладиган ғазалларидан иккитасини ўқиб бердилар. Сўнг: - Шунча гаплашдик, вақт ҳам кеч бўлиб қолди, - дедилар ва омин қилиб, ўтиришга яқун ясадилар.

*Қоида ва қарор меҳмонда бордир,
Кетмоққа ихтиёр меҳмонда бордир.
Меҳмонга борганда узоқ ўтирма,
Чегара ва меъёр меҳмонда бордир.*



Орадан икки кун ўтгач, кичик акам Муҳаммадхонни ўша давр райкомига чақиритди. У ерда райком вакили, ички ишлар ходими ва хавфсизлик қўмитасининг одами бор экан.

- Дадангиз уй маҳбуси қилинди, - дейишибди улар акамга, - чунки дадангиз дин тарғиботи билан шуғулланмоқда.

Шундай деб, магнитофонни қўйишибди. Унда Мамадмусоникида бўлган суҳбат тўлиқ ёзиб олинган экан. Ўша куни ёнимда сумка ушлаб ўтирган одамнинг сирини ўшанда билдим.

Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, ахавайннинг акаси Мамасидиқнинг ҳам сири ошкор бўлди. Хавфсизлик қўмитасининг Марҳамат қишлоғидаги махфий вакили бўлган Ҳожи домла унга:

- Эртага Мамадмусоникида ўтириш бўлади, Ҳасанжон Махсум қўлга тушиб, қамалади, сиз борманг! - деган экан.

*Катта фойда филнинг оғзи¹ да бордир,
Манфаатлар юртнинг божиди бордир.
Ҳожидурман, деса биров, алданма,
Фитна-фасод аксар ҳожиди бордир.*

Бу Ҳожи билан қиблагоҳимнинг оралари яхши эмас эди. Уларнинг ораларида узоқ йиллик адоват мавжуд эди. Бунинг асл сабаблари Марҳаматда маълум ва машҳурдир.

*Дарахтлар кўпаяр, аста бог бўлар,
Касаллар тузалар, охир соғ бўлар.
Ҳажга ҳам борса-ю ўзни тиймаса,
Қиёматда иши кўп чатог бўлар.*

Шунинг учун Мамасидиқ тоға, қўшним касал, деб баҳона қилган экан, аслида касал бўлмаган экан.

Кўп ўтмай Марҳаматда, Ҳасанжон Махдум уй маҳбуси қилинди, кимки унинг уйига борса, бирга қамалади, деб овоза тарқатдилар. Қиблагоҳимнинг ҳузурига одамлар келишдан кўрқиб, оёғини тийдилар. Фақат, қиблагоҳимнинг бир неча жонажон дўстларигина кўрқмай келишар, қиблагоҳим билан суҳбатлашиб, дилларини ёзиб кетишарди.

*Гуноҳкор ҳар кимса оловдан ўтар,
Қилмиши ҳақида сўровдан ўтар.*

¹ Ож - фил суяги.

*Дўстни синамоқчи бўлсанг азарда,
Дўстинг оғир кунда синовдан ўтар.*

Шу воқеадан сўнг мен ахавайнларнинг кичигини ёмон кўриб қолдим. Бир куни қиблагоҳим билан товоқдаги ошга энди қўл уза-тиб турсак, Мамадмусо эшикдан кириб келиб қолди. Ош устида уни қаттиқ хафа қилдим.

- Ахир, ўша одамларнинг ёмон эканини билиб туриб, нега қиблагоҳимга рўпара қилдингиз?! - дедим.

- Ҳа, уларни бузуқ ва айниган тоифа ёки пайпоққа масҳ тор-тувчилар дейишади, бироқ мен улар билан ёшлиқдан таниш эдим. Бизни Махдум домла билан учраштириб қўй, сўрайдиган нарсаларимиз бор, дейишди. Мен, шояд, суҳбатдан сўнг ўз йўллари-дан қайтсалар, деб орзу қилгандим.

Мен бу содда одамни кун бўйи урушсанг ҳам фойда йўқли-гини билиб, индамай кўя қолдим.

*Сайру саёҳатга гулшан яхшироқ,
Дўстлик учун кўнгли равшан яхшироқ.
Нодон бўлса азар дўстим деганинг,
Ундай дўстдан оқил душман яхшироқ.*

ЧОРА

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг Абдумуталлиб исмли яқин дўстлари бор эди. Гавдали ва қизил юзли бу одам доимо хуррам ва хушчақчақ юрар эди. Хафагарчилик нималигини билмасди. Бу одам кирган жойга шодлик ҳам кириб борарди. Аҳли савод бу одам кўпинча қиблагоҳимни ҳар хил қизиқ гаплар билан кулдирад эди.

*Шодон одам сени шодон қилади,
Ширин сўзи била хандон қилади.
Қўпол одамлардан нарироқ юрки,
Бир сўз билан дилинг хуфтон қилади.*

Қиблагоҳим бир куни замона етқизган фитналардан ғамгин бўлиб ўтирган эдилар.

*Бу чархи фалакнинг ишлари кўндир,
Жонингга санчилур нишлари кўндир.
Баҳорда гул каби очилай десанг,
Пажмурда қилувчи қишлари кўндир.*

Тасодифан Абдулмуталиб тоға келиб қолди. Лабидан табас-
сум аримас эди.

*Табассум йўлингдан домни қувади,
Ёмонлик қилувчи хомни қувади.
Ғамгинлар қалбини чарогон қилиб,
Хийралик берувчи шомни қувади.*

Қиблагоҳим:

- Мулла, сиз нега ҳеч хафа бўлмайсиз? - деб сўрадилар.

- Хафа бўлмасликнинг битта чораси бор, - деб жавоб берди
Абдулмуталиб тоға, - бу чора хафа бўлмасликдир. Одамлар мени
хафа қилмоқчи бўлишса, кулиб туравераман, натижада уларнинг
ўзлари юмшайдилар ва охири кечирим сўрайдилар. Бунинг акси
бўлганда ҳам, мен уларни касалга йўйаман, соғ бўлганда ғазабни
ни сочмас эди, аслида уларга раҳм қилиш керак, деб ўйлайман.
Шундай восита билан ўзим учун хафагарчиликка йўл бермайман.

- Ажойиб йўлингиз бор экан, - дедилар кулиб қиблагоҳим.

*Оқил ғам келса ҳам кулиб туради,
Шоду хуррамликка тўлиб туради.
Ёвуз душман уни хафа қилолмай,
Ич-ичидан куйиб, ўлиб туради.*

Абдулмуталиб тоға қиблагоҳимдан бир неча ой кейин, 1970
йилда оламдан ўтди ва ўзининг васиятига мувофиқ қиблагоҳим-
нинг оёқ томонига қўйилди.

*Дарахтдан куч олиб, барглар жўшади,
Табиат ҳуснига ҳусн қўшади.
Ногоҳ ерга тушса ҳақорат қилманг,
Дунёда неки бор ерга тушади.*

АВРОД

Абдулла Қодирий ҳикояларидан бирида “масжиддагилар
“Аврод” ўқиб чиққунларича” деган жумлани ишлатади. Аврод
сўзи араб тилидаги “вирд” сўзининг кўплик шакли бўлиб, “тилак-
лар, такрор ўқиладиган дуолар” деган маънони билдиради. Ма-
читларда ёхуд хоналарда ўқиладиган аврод дейилганда, одатда,
Саййид Али Ҳамадонийнинг (1313-1384) “Авроди фатҳийа” (“За-
фарга етқизувчи тилаклар”) номли асари назарда тутилади. Ме-

нинг қиблагоҳим Махдум Восилий “Аврод” ўқишни умрининг охиригача тарк қилмаган эдилар.

Улар эртабки намозни меҳмонхонада ўқиб бўлгач, бизнинг олдимизга кирар, иссиқ сандалда ўтириб, “Аврод” ўқишни бошлар эдилар. Мен эсимни таниганимдан то Тошкентга ўқишга келгунимга қадар қиблагоҳимдан “Аврод”ни эшитганман. Саййид Али Ҳамадонийнинг ўнбеш варақдан иборат бу рисоласи менга тўлиқ ёд бўлиб қолган эди.

*“Вирд” сўзи кўпликда “аврод” бўлади,
“Аврод”дан қалб уйи обод бўлади.
Одамнинг хулқини тозалар “Аврод”,
“Аврод” бўлса, гамлар барбод бўлади.*

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ал-унс” китобида ёзишча, Саййид Али Ҳамадоний Шарқ ислом оламини уч марта пиёда кезиб чиқиб, даврининг 1500 та олим ва фозиллари билан учрашган ва улардан оз-оздан бўлса ҳам илм таълим олган экан. Ҳамадонийнинг бизгача “Захират ал-мулук” (“Подшолар захираси”), “Сийар ат-толибийн” (“Толибларнинг сийрати”), “Мин ҳож ал-орифийн” (“Орифларнинг тўғри йўли”), “Мақомоти сўфийя” (“Сўфийлар ҳолати”), “Даҳ қоидаи сўфийя” (“Сўфийликдаги ўн қоида”), “Дарвишийя” (“Дарвишлик ҳақида китоб”), “Ҳафт водий” (“Етти водий”), “Рисолаи футувват” (“Футувват ҳақида рисола”) асарлари етиб келган.

*Маънавий барҳаёт бир улуг зотдир,
Тасаввуф бобида соҳиб оётдир.
Улуғлар наздида барча асару,
Дилга қувват берар, оби ҳаётдир.*

Саййид Али Ҳамадоний етук шоир ҳам бўлиб, шеърятда Алоий таҳаллуси билан ажойиб ғазаллар битган. У буюк ватандошимиз Нажмуддин Кубро тариқатида бўлиб, Кубравия йўлида асарлар битган. Муборак қабрлари Тожикистоннинг Кўлоб шаҳрида бўлиб, катта зиёратгоҳлардан биридир.

*Кимки қабр аҳлин зиёрат қилар,
Бир лаҳза дуою тиловат қилар.
Руҳлар бўлар ундан шод ила хандон,
Аллоҳ тўғри йўлга ҳидоят қилар.*

Бир куни институтда иш кабинетимда ўтирган эдим. Дилим қаттиқ оғриган, юрагимга қил сиғмас эди. Гарчи номи олим бўлса ҳам, аслида ўта золим бир киши арзимаган бир иш учун дилимни хуфтон қилиб чиқиб кетган эди. Қаттиқ хафа бўлганимдан ўша такаббур олимдан қандай қилиб ўч олиш ҳақида ўйлар эдим.

*Қўполу такаббур бўлса ҳар олим,
Уни олим дема, у беҳад золим.
Илм билан ҳилм¹ бирга бўлмаса,
Уни олим демас аҳли аволим².*

Шу пайт хонамга араб ва форс тиллари бўйича етук мутахассис, Араб мамлакатларида кўп йил таржимон бўлиб ишлаган Файзиҳўжа Маҳмудов кириб келди. У билан истамайгина кўришдим. Йигит қўлидаги рисолани менга узатди-да:

- Кўрганмисиз? - деб сўради.

Бу Саййид Али Ҳамадонийнинг 1995 йилда Душанбеда бошилган “Рисолайи футувват” номли асари ва унга ёзилган тадқиқот эди. Истар-истамас китобни очдим ва кўзим олимнинг мана бу шеърига тушди:

*Ҳар ки моро ёд кард, Эзид мар уро ёр бод,
Ҳар ки моро хор кард, аз умр бархурдор бод.*

*(Кимки бизни ёдга олса, Аллоҳ унга ёр бўлсин,
Кимки бизни хор қилса, умридан фойдалар кўрсин).*

*Ҳар ки андар раҳи мо хоре фиканд аз душманий,
Ҳар гуле к-аз боги васлаш бишкуфад бехор бод.*

*(Ҳар ким душманлик қилиб, йўлимизга тикан
ташласа,
Унинг висол богида етилган гули тиконсиз бўлсин).*

*Ҳар ду олам нест моро бо касе гарду губор,
Ҳар ки моро ранжа дорад, роҳаташ бисёр бод.*

¹ Ҳилм - ҳалимлик.

² Аҳли аволим - олам аҳллари.

*(Икки оламда ҳеч кимга бизнинг душманлигимиз йўқ,
Кимки бизни хафа қилса, унга роҳат кўпроқ бўлсин).*

Бу фазални ўқигач, ҳалиги золим олимдан ўч олиш нияти кўнглимдан бутунлай чиқиб кетди ва кўтарилиб кетган қон босимим пасаяётганини ҳис қилдим.

ЛАҲЗА

Қизим Ферузахонга бир иш буюрган эдим:

- Хўп, дада, бир онда бажариб келаман, - деди.

- Йўқ, - дедим унга ҳазиллашиб – бир он кўплик қилади, бир лаҳзада бажариб кел.

- Бир лаҳза сиз учун шунчалик қимматлими? - деди қизим менга жавобан.

- Ҳа, қизим, - дедим унга, - шундай лаҳзалар бўладики, бу лаҳзалар номингни минг йилларга олиб кетади.

Сўнг унга мана бу тўртликни ёзиб бердим:

Дилга тонг солувчи лаҳзани қидир,

Ақлу онг солувчи лаҳзани қидир

Номим минг йил қолсин, десанг, минг йиллик,

Йўлга бонг солувчи лаҳзани қидир.

УНОБИ

Мева-чевалар ва уларнинг шифобахш хосиятлари ҳақида тўртликлардан иборат шеърий китобча тайёрлаётган эдим. Тўртликларни танишларимга ўқиб бериб, фикрларини сўрардим.

Бир куни бир муносабат билан катта акам Абдулҳай Махсимникида қариндошлар йиғилдик. Узоқ суҳбатлашиб ўтиргач, оёқларни ёзиш учун ташқарига чиқдик. Ҳовлида иккита катта уноби, яъни жилонжийда шиғил-шиғил мева қилиб, пишиб ётарди. Остига бордик ва мевасидан олиб едик. Шунда мен қариндошларга қараб:


- Мана бу тўртликни ким менга тушунтириб беради? - дедим ва ўқидим:

Оқиш барглар аро қизил уноби,

Қарасам, турибди чиқиб хуноби.

Сўрасам дер: - Нега одамлар мени,

Кўрганда қочади оғзин таноби?



Эшитганлар бироз жим қолипди. Акамнинг бешинчи синфда ўқийдиган ўғли Муҳаммадхофиз биз билан бирга эди. У:

- Дадамнинг қон босимлари кўтарилганда, қовоқларини солиб, бизни уришаверадилар. Онам дарҳол уноби ивитмасидан ичирадилар. Шунда жаҳллари кетиб, оғизларининг таноби қочади, - деди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик. Бу сўзда тўртликнинг мазмуни ўз ифодасини топган эди.

РИЗҚ ТИЛАГАН ДЎСТ

Бойлик - яхши нарса. Аммо уни қўлга киргиши қийин. Шунинг учун ҳам, эртақларда бойлик аждаҳо остида ётгани тасвирланади. Бойлик бор жойда аждаҳо бўлади. Аммо Тангри баъзи одамларнинг ризқини улуғ қилади, ҳалолдан улуғ ризқ беради. Бунга Қуръони Карим ояти далилким, айтилади: “Инналлоҳа йарзуқу ман йашау биғайри ҳисоб”, яъни “Аллоҳ хоҳлаган бандасига ризқини беҳисоб берур”.

Бир куни бойлик ва ризқ тилаётган дўстимга қараб:

- Биродар, ризққа қўшиб, соғлиқ тилагин, саломат бўлсанг, ҳамма нарсанг бўлади, - дедим.

Дўстим:

- Аксинча, бой бўлсанг, ҳамма нарсанг бўлади, ҳатто соғлигинг ҳам жойида бўлади, - деди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, дўстимни учратиб қолдим. Бойу бадавлат яшар эди. Аммо оёғи ишдан чиқиб, тушакка михланиб қолганди.

У менга қараб:

- Айтган сўзларинг ёдимда, одам бориға қаноат қилиб, саломатлигини ўйлаши керак экан. Саломатлик бу - туман бойлик экан, - деди.

*Бадан иллатидан, Худойим, асра,
Сихҳат қиллатидан,¹ Худойим, асра.
Тўшакка михланиб қолмоқ дарди-ю,
Хорлик зиллатидан,² Худойим, асра.*

¹ Қиллат - озлик.

² Зиллат - хору забунлик.



ЖАННАТ ОНАЛАРНИНГ...

Улар оилада икки ўғил, икки қиз эди. Ота-она уларни уйлик-жойлик қилди. Ота оламдан ўтди, она қолди. Онаизор гоҳ ўғил-никида, гоҳ қизларникида яшай бошлади. Охири иллатга чалинди. Ўғилу қизлар ўзаро келишиб, онасини қариялар уйига топширишди.

Кунлардан бир куни Абдураҳим бобо икки ўғилни учратиб қолди. Насиҳат қилиб деди:

- Ўғилларим, ўзларингга тўқ, бекаму кўстсизлар. Онани қариялар уйига юборибсизлар, бу қандай гап? Ахир китобларда, она рози - Худо рози, дейилган-ку! Ҳадиси шарифда, жаннат оналарнинг оёғи остида, дейилади...

Бобо сўзларини тугатолмади. Ўғиллар:

- Биз ҳаммамиз ишдамиз, уларга ким қарайди? - дейишди ва жўнаб қолишди.

Орадан кўп ўтмай она оламдан ўтди. Қизи онани машинага жойлаб акасиникига юборди. Акаси укасиникига жўнатди. Укаси бошқа синглисиникига юборди. Охири кичик сингил онани дафн этди.

*Худойим, наслимдан хорлик етмасин,
Маҳбуби васлимдан хорлик етмасин.
Сихҳат давлатидан жудо бўлганда,
Фарзанди аслимдан хорлик етмасин.*

СИҲҲАТ ВА ДАВЛАТ

Хурматли қиблагоҳим Махдум Восилийдан кўп эшитган эдим. Улар бизга қарата дердилар:

- Аллоҳдан сиҳҳат ва давлат сўрамоқ лозим. Сиҳҳати бор одам давлатга ҳам эга бўлса, бу улуғ иш. Аммо сиҳҳати бўлсаю, давлати бўлмаса, бу ҳам кўрқинчли эмас. Сиҳҳати бор одам меҳнат қила олади, ризқига ярашасини топади. Аммо, давлати бўлсаю, сиҳҳати бўлмаса, бу офир дарддир. Аллоҳ таъоло Қуръони Каримда: “Лаин шаккартум лаазиданнакум”, яъни “сизлар мен берган неъматга шукр қилсаларингиз, уни яна зиёда қиламан”, - деган. Ҳадиси шарифда: “Ал-ҳамду ала-н-ниъмати амонун ли-завалиҳа”, яъни неъматга шукр қилиш шу неъмат йўқ бўлишининг олдини олади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда бу ҳолатни кўп кўрдик: сиҳҳати бор одам, сабр билан шуқр қилиб, хотиржам яшади. Давлати бор одам сиҳҳатини йўқотиб, катта пул сарфлади, бироқ уни тополмади.

*Аллоҳ, суврат берсанг, сийрат ҳам бергил,
Аллоҳ, қувват берсанг, гайрат ҳам бергил.
Аллоҳ, сиҳҳат берсанг, давлатни ҳам бер,
Аллоҳ, давлат берсанг, сиҳҳат ҳам бергил.*

УМРНИНГ УЗОҚЛИГИ

Аъзамхон табибнинг юзга кирган онаси бор эди. Табибнинг дунёда дарду гами фақат онаси эди. Қаерда бўлмасин, онаси ҳақида ўйлар ва онаси ҳақида гапирарди:

*Онажон, кўнглимда меҳру моҳ ўзинг,
Фарзандга бегараз хайрихоҳ ўзинг.
Одамга молу мулк бу шоҳлик эмас,
Ҳар ким фикр қилса асли шоҳ ўзинг.*

Бир кун табибдан:

- Ёшингиз саксон олтига етибди, аммо ҳамон йигит кабисиз, шунча ёшда соғлом бўлишингиз, умрингизни эса дўстларингизга нисбатан узоқ бўлишининг сири нимада? - деб сўрадим.


- Онамни ҳурмат қилишим ва эъзозлашимда, - деб жавоб берди табиб.

Ҳадисда кўриб қолдим, унда шундай дейилган эди: “Кимки ота-онасига яхшилик қилса, унга шодликлар бўлсинки, Аллоҳ унинг умрини зиёда қилгай”.

*Онани шод қилган сиҳҳатга етар,
Уни ношод қилган иллатга етар.
Онани рози қил жаннат қидирсанг,
Кимки рози қилса, жаннатга етар.*

САРВИҚАД БЎЛМОҚ

Донолар, соғлом танда – соғлом ақл, дейдилар. Тани соғ одамнинг, демак ақли соғ бўлади. Таннинг соғлом бўлмоғи учун эса жисмоний меҳнат ва ҳаракат лозим.



*Агар танда фикринг соглом эмасдир,
Демак, билки, танинг соглом эмасдир.
Сог “лом”ни¹ қидирсанг, соглом эмассан,
“Лом”га боқ жаҳонда соглом эмасдир.*

Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобида ёзилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртта халифаси бўлиб, улардан бири Алоуддин Ғиждувоний эди. У жуда кексайиб қолган чоғида Хожа Аҳрори Валийнинг ҳузурига келади. Қарияда юрак иллатли бўлиб, юрагининг гурс-гурс уриб туриши ташқаридан қараганда ҳам сезилиб турар экан. Ёши юзга бориб қолган бу шайхга Хожа Аҳрори Валий жисмоний меҳнат билан шуғулланишни буюради.

*Ҳаётинг йўлига иллат садд² бўлур,
Иллатли гўёки ҳарфи мадд³ бўлур.
Алифдан⁴ ибрат ол, алифдек киши,
Иллатдан озоду сарвиқад бўлур.*

ЯХШИ НОМ

Донолар, яхши ном - бу иккинчи ҳаётдир, дейдилар. Яхши ном қолдирган киши минг йиллар ўтса ҳам, тириклар қаторида яшайверади. Бунга ҳаётда минглаб мисоллар мавжуд: Ибн Сино, Беруний, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Жомий, Навоий... қисқаси яшашдан мақсад одамларга яхшилик қилиш ва яхши от қолдиришдир.

*Нурга олиб чиқай дея отимни,
Машаққат сарига солдим отимни.
Туну кун эл учун яхшилик қилиб,
Эл аро қолдириб кетдим отимни.*



¹ Бу ерда арабча “лом” харфига ишора қилинмоқда, “лом” харфининг шакли эгклиги соғлом эмаслигига далил бўлади.

² Садд - тўсиқ.

³ Ҳарфи мадд - арабчада алиф устига қўйиладиган ётиқ холдаги белги.

⁴ Алиф - араб алифбосидаги тўғри чизиқли ҳарф.

ХОТИРЖАМЛИК

Хотиржамлик инсон учун буюк нѣматдир. Замона тинч, болачақа, қариндош уруғлар омон, саломатлик жойида, маишатинг юриб турган бўлса, бундан ортиқроқ яна нима бўлиши мумкин?

*Ҳаётда асосинг хотиржамликдир,
Дилда меҳри хосинг хотиржамликдир.
Давлату сиҳҳату обрую иззат,
Душмандан қасосинг хотиржамликдир.*

Сен хотиржам бўлсанг, хешу таборинг ҳам хотиржам. Аммо хотиржамлик осонлик билан қўлга келмайди, меҳнату сабр, ирода керак. Кўнгли оқ ва ахлоқи соз одамлар бошқалардан хотиржамроқ яшайди.

*Ҳаётинг сурурли хотиржам бўлсанг,
Кўнгил уйи нурли хотиржам бўлсанг.
Оила ободу хешларинг шодон,
Дўстларинг гурурли хотиржам бўлсанг.*

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Қаршилиқ бир йигит билан танишиб қолдим. Исми Фарҳод бўлиб, катта амалда эди. Маълум бўлишича, унинг буйрагида тош бўлиб, уч марта жарроҳлик амали ўтказилган экан. Ҳар галги амалдан сўнг яна тош йиғилаверар экан. Тўртинчи марта амал ўтказилиши олдидан менинг “Табобат хазинаси дурдоналаридан” китобимни ўқиб қолибди. Унда кўрсатилган усул бўйича, доривор ўсимликларларни истеъмол қилиб, тошдан қутилибди. Ҳар йили бир марта тош йиғилар ва худди шу усул билан қутилиб кетиб, жарроҳлик амалидан озод бўлар экан.

*Ҳаётнинг болини сиҳҳатдан қидир
Давлату молини сиҳҳатдан қидир.
Ҳаётда кўп яшаб, лаззатин тортган,
Чеҳраи олини сиҳҳатдан қидир.*

У мени қидириб топди ва қўйнимни совғаю туҳфалар билан тўлдириб юборди. “Сиз менинг халоскорим, табибимсиз, сизнинг китобингиз бўлмаса, ўн марталаб жарроҳлик амалини бошимдан кечирардим. Ҳаётда нимаики топсам, тенг ярми сизники”, - дерди у.

Бир куни умр йўлдошим: “Дадаси, у нима берса олаверманг, олмоқнинг бермоғи бор, дейди халқимиз, бир куни уларнинг ҳаммасини қайтариш керак бўлиб қолмасин”, - деди. Ростдан ҳам у билан орамизга совуқчилик тушди. Асабийлашиб: “Берган нарсаларининг ҳаммасини қайтараман” дедим. Бироқ бунга имкониётим йўқлигини эслаб, умр йўлдошимнинг сўзлари ёдимга келди.

*Дилнинг дилдан бир кун қолмоғи бордир,
Дўстнинг дўстга қовоқ солмоғи бордир.
Одамлар не берса олавермагин,
Бермоқнинг бир куни олмоғи бордир.*

Унинг далада қўйлари кўп эди. Бир қўйни тандир кабоб қилиб, қоғоз қутига жойлаб менга юборибди. Хат ёзиб юбордим ва барча қилган яхшиликларини имкони тўғилди дегунча қайтаришимни айтдим. У жавобида: “Сиз мен учун идеал одамсиз, мен ҳаётда сиздан яхшироқ ва олийжаноброқ одамни кўрмадим, урсангиз ва сўксангиз ҳам, остонангиз бизнинг жойимиз”, - деб ёзибди. Охирида эса ўзим ёзган мана бу тўртликни илова қилиб қўйибди:

*Яхшилик йўлида ўзардан қолма,
Улфатлик йўлини тузардан қолма.
Улуғлар кўнглини олишга интил,
Назрдан қолсанг ҳам, назардан қолма.*

ГҲРИСТОН

Оққўрғонга тўйга борган эдим. Эрталабда хатми Қуръон ўқилди. Мен шеригим билан оқсоқоллар ичига кириб қолибмиз. Бу ердаги маҳалла масжидининг имоми ширк ҳақида узоқ гапирди ва қабрларни зиёрат қилиш ҳам ширк, деб эълон қилди.

- Қабристонга бориш мумкин эмас экан-да, - дедим унга.

- Ҳа, мумкин эмас, - деди у.

- Ундай бўлса, мана бу ҳадисни қандай тушунса бўлади? - дедим ва: “Зурул кубура фа-иннаҳу тузаккирукумул охирата” деб ўқидим. Мулланинг араб тилидан хабари йўқ экан. Гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди. Мен ҳадис мазмунини: “Қабрларни зиёрат қилинглр, улар сизга охиратни эслатади” деб таржима қилиб бердим. Орқасидан: “Иза таҳаййартум фил-умур фастаъийну минал кубур”, яъни “Ишларда хайронликда қолсанглрингиз қаб-

рдагиларни восита қилиб, кўмак сўранглар” деган ҳадисни ҳам тушунтириб бердим.

*Гўристон ичидан гоҳо гузар қил,
Фикр мажлисини бунда тузар қил.
Шунча манманлигу дабдаба нима,
Ўликлар ҳолига бир дам назар қил.*

Мулла жуда мулзам бўлиб қолди ва бошқа ҳеч нарса демади. Ўтириш тугаб, ташқарига чиқдик. Хайр-хуш олдидан бошқа бир мулла олдимга келиб:

- Китобларда: “Ли-кулли Фиръавнин Мусо”, яъни “Ҳар бир Фиръавнга қарши Мусо бор” ёки “Ҳар бешаиро шери”, яъни “Ҳар бир чангалзорнинг шери бор” дейилади. Сиз ўша муллани бошладингиз, унинг мазҳаби бузуқ, нойўриқ оқимдаги киши, ўта муттаҳам, биз у билан тенг бўлишдан кўрқамиз, - деди ва кўлимни қаттиқ сиқиб қўйди.

КЕТАРГА КЕТАР ЙЎЛ ЯХШИ

Қаршилиқ укаҳоним Фарҳод бизникида бир неча кун меҳмон бўлиб турди. Иши битгач, эрталаб йўлга тушадиган бўлди. Унинг кетиши қатъий бўлиб, бошқа бир кун ҳам меҳмон бўлиб қололмас эди. Шунга қарамай, яна бир кун қолишини сўрадим. У кўлига дипломатини олар экан, ўқиди:

*Ҳар қачон мақсадга етар йўл яхши,
Меҳнату машаққат битар йўл яхши.
Меҳмонни қолинг, деб қистайвермагин,
Нечунким, кетарга кетар йўл яхши.*

Иккимиз ҳам кулиб юбордик, негаки бу мен ёзган шеър бўлиб, Фарҳод уни ёдлаб олган экан, ўзимнинг шеърим билан ўзимга жавоб бериб, қолишдан қутулди.

ОТИБ ҚОЛСАНГ-ЧИ

Ёзги таътилда Марҳаматга бордим. Менинг келганимни шаҳар бош прокурори эшитиб қолибди. Уйига таклиф қилди. Меҳмонда ёш жувон ҳам бор эди. Исми Муаттар экан. У мендан:

- Мусо Туркистонийни биласизми? - деб сўраб қолди.

- Ҳа, ҳатто унинг “Туркистон фожиаси” китобига масъул муҳаррир ҳам бўлганман, - дедим.

Муаттарнинг чеҳраси ёришиб кетди. У ҳаяжонини ҳеч бо-
солмасди. Билсам, у Мусо Туркистонийнинг авлоди экан. Мусо
Туркистоний аҳли илм, маърифатпарвар кишилардан бўлиб, Ан-
диджонда туғилган, қизил империя таъқиби остида чет элга ҳиж-
рат қилиб, Араб давлатларида яшаб қолган эди. У русия инқило-
би, советларнинг ур-йиқити, босмачилик даври ҳақида “Туркист-
тон фожиаси” номли китоб ёзиб, нашр қилдирган эди. Бу китоб-
ни таниқли тарихчи олим Сайфиддин ҳожи Жалилов кириллга
табдил қилган ва мен масъул муҳаррир сифатида устидан кўриб
чиққан эдим. Асар “Фан ва турмуш” журнали Бош муҳаррири-
нинг ўринбосари Комил Холмуҳаммедов томонидан нашрга топ-
ширилган, бироқ унинг босилиб чиқишига рухсат берилмаган эди.
Муаттарга шуларни гапириб бердим. У барибир хурсанд эди.

- Мен Мусо Туркистонийни ҳеч ким билмаса керак деб ўйла-
гандим, - деди у. Сўнг менга бир шеър ўқиб берди. Шеър менга
жуда ёқди.

- Кимники? - деб сўрадим.

- Ўзим ёзганман, ёқдимми? - деди у.

Кейин менга яна бир неча шеърларини ўқиб берди. Ҳаммаси
одоб-ахлоқ ва ҳикматни ўз ичига олган шеърлар эди.

- Ҳозир ҳам ёзиб турасизми? - дедим унга.

- Ташлаб қўйганман, - деди у.

Ташлаб қўйгани ҳақида қайта-қайта афсусланиб гапирган
эдим, менинг жиддий гапирганимни сезиб, дадиллаша бошлади.

- Сиз менда ишонч уйғотдингиз, албатта давом эттираман, - деди у.

Улар менга шарқ қўлёзмалари, маънавият масалалари, инсон-
даги сирли психологик жараёнлар, табобат, тасаввуф, авлиёлар
ҳақида кўплаб саволлар беришди. Кетишга шайланар эканман,
қулоғимда Муаттарнинг ёқимли шеърлари жаранглар ва мен улар-
нинг таъсирида эдим. Муаттарнинг олдидаги дафтарни олиб, ха-
ёлимга келган мана бу тўртликни ёзиб қўйдим:

*Ҳикмат дарёсига ботиб қолсанг-чи,
Фикр қаймоғидан тотиб қолсанг-чи.
Ширин қаламингдан инжулар сочиб
Ётиб қолгунингча отиб қолсанг-чи.*

Муаттар тўртликни ўқиб, кулди ва “хўп” дегандек бош силкиди.

ЭСЛА ГОҲИДА

Мансабдор бир қариндошимнинг онасини кўргани борган эдим. Тасодифан, бошқа ерда турадиган ўша мансабдор ўғли ҳам келиб қолди. Иши кўплигини баҳона қилиб, қайтишга шошилди. Унинг давлати ошиб-тошиб кетгани, босар-тусарини билмай қолгани менга маълум эди. Она қайтаётган ўғлидан пул сўради.

- Сен кампир хотин пулни нима қиласан? - деди ўғли.

- Еб-ичишга керак, ўғлим, - деди она.

- Ўзинг ишлатмай, бола-чақаларингга тарқатиб юборасан, деди у, сўнг минг сўм пул чиқариб берди.

Мен уни кузатиб қўяр эканман:

- Она ўзи ишлатадими, бировга бериб юборадими, барибир онага пул керак, шу пуллари топишингизга сабаб бўлган ва сизни гўдакликдан шу ҳолатга етказган она эмасми? - дедим.

Мансабдор қариндошимнинг қошлари чимирилди, индамасдан машинага ўтирди-ю жўнаб қолди.

Қадди камонингни эсла гоҳида,

Ёшлик овонингни¹ эсла гоҳида.

Шунчалик қад кериб юрганинг кимдан,

Гўдак замонингни эсла гоҳида.

ХАРОБА ДЎСТ

Тадбиркор дўстлар орасида энг хароби у эди. Дўстларга дедим:

- Сизлар бой, у эса камбағал. Дўст-дўстни қўлламайдими?

- Унда одамгарчилик йўқ, - дейишди улар. - Устига ўта хасис ва яхшилиқни билмайди.

- У билан дўстликни ё узиш ёки қўллаш керак, яхшилиқ қайтмаганда ҳам номайи аъмолга савоб ёзилади, - дедим.

Дўстлар қўллаб юборишди. Ўртага пул ташлаб унга беришди ва тижорат учун ўзлари билан чет элга олиб кетишди.

Дўст дўстлари билан бир неча марта чет элга чиқиб келгач, ўзини тутиб олди. Кейин эса дўстларини огоҳлантирмай ўзи чиқадиган бўлди. Секин-аста дўстларидан узоқлаша бошлади.

- Ана, унинг аҳволини кўринг, - дейишда дўстлар менга. - Ёмонга яхшилиқ қилиш ёмонлигига шерик бўлиш билан тенгдир.

¹ Овон - вақт, пайт.

Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Бир тўртлик ёздим, машинада унинг уйи ёнидан ўтиб кетаётиб, ўғлини кўриб қолдим ва у орқали тўртликни уйига киритиб юбордим. Тўртлик мана бу эди:

*Ҳолинг хароб эди, бир эслаб кўйгин,
Багринг кабоб эди, бир эслаб кўйгин.
Давлат кимлар билан бўлди муяссар,
Сабаб аҳбоб¹ эди, бир эслаб кўйгин.*

АЛКАШ ДЎСТ

Тошкентда бир Т. исмли дўстимиз бор эди. Ишга доим кеч келарди, келганда ҳам ичиб келарди. Ўртага олдик ва таъна тошларини отдик.

- Дўстларим кўп, - деди у. - Улфатлар сероб, юз-юз қилайлик деб туриб олишади. Кўнгил бўш, юзидан ўтолмайман.

Йиллар ўтди. Ичмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Охири ишдан ҳайдалди.

Бир куни уни бозорда кўриб қолдим. Соқоли ўсган, либоси хароб, оғзида сигарета, тишлари сарғайиб кетган, оёғида зўрға турар эди. Унга мана бу тўртликни муносиб кўрдим:

*Барчага туну-кун дилкаш бўлибсан,
Кўнгли бегубору бегаиш бўлибсан.
Дўстларнинг дилини огритмайин деб,
Охири, қарасам, алкаш бўлибсан.*

Ҳадисларда “Умму-л-хабоис”, яъни “Ифлосликлар онаси” дейилган ароқнинг қора қилмишини кўриб, бу сўз замирига назар солдим. Араб тилида ароқ дегани томирни англатади. Демак:

*Арақ , бора-бора адо қилгуси,
Одамлар ичида расво қилгуси.
Арақ сўзи араб тилида “ томир”,
Демак, у томирдан жудо қилгуси.*

ҲИКМАТ ЛАЗЗАТИ

Бир куни дўстлар билан суҳбатлашиб ўтирардик. Орадан беҳуда сўзлар ўта бошлади. Шунда мен:

¹ Аҳбоб - дўстлар.

- Келинлар, ҳикматли сўзлардан ўқиб, ақлимиз санди-
ғини маъно жавоҳирлари билан тўлдирайлик, - дедим ва Барзан-
жийнинг араб тилида ёзган “Ал-Муқаттатоф” (“Сайланма ҳикмат-
лар”) китобини оча бошладим. Шунда дўстларимдан бири:

- Ҳикматингни йиғиштир, кулишиб, чақ-чақлашиб ўтирайлик,
- деб қолди.

Бошқалар эса:

- Ўқи, ўқи, - дейишди.

Дуч келган саҳифани очиб ўқидим. Мана бу ҳикмат чиқди:
“Тумов одам гул ҳидини билмагани каби аҳмоқ одам ҳикмат лаз-
затини билмайди”. Ўтирганлар кулиб юборишди, ўша дўст эса
қаттиқ мулзам бўлди.

*Гўзаллик дунёси ҳикмат ичида,
Лаззатнинг асоси ҳикмат ичида.
Бузилган фъел ила айниган хулқнинг,
Энг ўтқир давоси ҳикмат ичида.*

ДЎСТ ШИКОЯТИ

Дўстлардан бирини роят хомуш ва асабий ҳолда кўрдим. Дар-
газаб, юзлари қип-қизариб кетган эди. Аҳволини сўрадим ва бу
рубойини ўқидим:

*Хурсанд бўл, шод яша, очилиб гулгун,
Кўнгилда бўлмасин гинаю тугун.
Гулга боқ тугунин ёзган эди у,
Гулзорни яшнатиб турибди бугун.*

Унинг фигони кўкка чиқди. Акасидан шикоят қилиб кетди.
Айтишича, акаси кўп ичар, уйида жанжал кўтаргани етмай, ука-
сининг олдига келиб, бўлар-бўлмас гапларни айтар экан. Ўлиб кет-
ганига ўттиз йилдан ошган отасининг меросини талашар, пул та-
лаб қилар, ҳаромхўрликка даъват қилар экан.

- Эл олдида мени шарманда қилди, - деди у пешонасига уриб.
- Қўшним бор, акамдан меҳрибон, ишларимнинг яхшиланишида
ёрдамини аямайди, йўл кўрсатиб, насиҳат қилади. Бирор мушки-
лот юз берса унинг олдига бораман ва маслаҳатини оламан. Айт-
гинчи, қайси бири менга ака, унисими ё бунисими?

Унга дедим:

*Ҳар ким дилишод қилса ўша акангдир,
Фикринг обод қилса ўша акангдир.
Адашган кунингда ҳақ йўлга солиб,
Ғаминг борбод қилса ўша акангдир.*

ҲАСИСНИНГ ОВҚАТИ

Умр йўлдошим Ҳимоятхон билан узоқда турадиган бир қариндошимизникига меҳмонга бордик. Ниятимиз қариндошлик ипи узилиб кетмаслиги эди. Қариндошнинг ниҳоятда хасис эканини билардик. Малол келмасин деб, икки кило гўшт, икки кило гуруч, ўнта нон, қанд-қурс сотиб олдик. Ош қилиб берди, еб қайтдик. Кетаётиб ёш болаларига музқаймоқ учун пул бердим.

Орадан ўн кунча ўтгач, эшитиб қолдик: бизнинг меҳмон бўлиб борганимиз ва бизни меҳмон қилиш учун ёнидан беш юз сўм пул кетгани ҳақида бир кишига гапирибди. Буни эшитиб, уникига яна боришдан бутунлай тавба қилдик.

*Тарсаки нодоннинг шафқатидан соз,
Бепарво бўлгани диққатидан соз.
Товуқ тугиб миннат қилса гам ема,
Миннати хасиснинг овқатидан соз.*

СУВ ВА ДАРАХТ

Мен у олимни яхши билардим. Ўрта бўйли, сочлари оппоқ серҳаракат киши эди. Олимлар шаҳарчасида тўй, маърака-маврид бўлса ҳаммадан олдин чиқиб турар, одамларни бошқариб боришга ҳаракат қиларди. Бир куни қўшним Ўринбой акага:

- Шу киши савобталаб яхши одам-да, барча ўтиришлардан қолмайди, дафн маросимларида астойдил қатнашади,- дедим.

- Бунинг сабабини билмайсизми? - деди қўшним.

- Йўқ, сабаби ҳам борми? - деб сўрадим.

- Сабаби бор-да,- деди қўшним ва давом этди. - Бу киши русча тарбия олганлар, фалон институтининг директор ўринбосари бўлиб ишлар эдилар. Ҳеч ким ҳечқачон унинг бирор маросимга аралашганини кўрган эмас эди. Барчамиз уни маломат қилардик. Бир куни тўқсонга кирган онаси тасодифан вафот қилиб қолди.

Нима қилишни, кимнинг олдига боришни билмай гаранг бўлиб қолди. Маҳалла бундан хабар топиб, дафн маросимини уюштириб юбордик. Маърака-мавридларини ўтказиб бердик. Шундан сўнг маҳаллага аралашадиган бўлиб қолди. Маҳаллада яна шунга ўхшаган бир-иккитаси бор. Улар молим бор, давлатим бор, амалим бор, ҳеч кимга ишим тушмайди деб ўйлайдилар. Аммо, бошига иш тушганда кўзи мошдек очилади.

Бу сўзларни эшитиб турган бошқа кўшним:

- Балиқ сувсиз яшаёлмаганидек, одам ҳам одамсиз яшаёлмайди, - деб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, “Ҳикматнома” китобида: “Инсон инсон билан тирик ва барҳаёт” дейилади:

*Бир дарахт қурибди, оҳ, шўрпешона,
Бошида кўшдир, ери - кошона.
Сўрасам дер: - Танда сувинг бўлмаса,
Шудир ўлимингга олий нишона.*

УЛУҒ ТОҒ

Улуғ шарқшунос ва манбашунос олим, академик Убайдулла Каримов оғир касалликдан сўнг вафот этдилар. Уларнинг шарқшунослик фанига қўшган ҳиссалари нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам машҳур эди. Олим Абу Али ибн Синонинг “Ал-қонун фи-т-тибб” (“Тиб қонунлари”), Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана фи-т-тибб” (“Таоботда доришунослик”), Абу Бакр Розийнинг “Китоб сирр ул-асрор” (“Сирлар сири ҳақида китоб”)ларини таржима ва тадқиқ қилган, бошқа рисола ва китоблари ҳамда юзлаб мақолалари фанимиз тараққиётига қўшган улуғ ҳиссаларидан эди.

Олимнинг қизи Сурайё ҳам отасининг изидан бориб, таобатга оид қўлёзма асарларда доривор моддаларнинг ишлатилиши борасида докторлик диссертациясини тугатмоқда эди. Убайдулла Каримовнинг вафотига ҳаммадан кўра қаттиқ куйган ва ўртанган ҳам Сурайё бўлди. Чунки отаси Сурайёга нафақат ота, балки меҳрибон устоз ҳам эди.

*Улуғ олим кетди ушбу оламдан,
Ёзган китоблари қолди жаҳонда.
Унинг ишларини давом эттирар,
Доною оқила қизи бу онда.*

Биз Сурайё ҳузурида унинг отаси ҳақида эмас, балки китоблари ҳақида ҳам сўз очолмас эдик. Сўз очдик дегунча унинг кўзларидан ёш оқа бошлар эди.

Бир куни Сурайё олдимга кириб қолди. “Сайдана”даги бир масала хусусида сўз очдим. Қарасам, Сурайёнинг кўзларида ёш ҳалқалаяпти. Короз - қаламни олиб, мана бу тўртликни ёздим ва унинг олдига қўйдим:

*Бунчалар гам чекиб, куйманг Сурайё,
Тақдирга тан беринг, барча ўлади.
Иложимиз йўқдир сабр қилмасдан,
Агарчи “Улуг тоғ” бугун қулади.*

Сурайё шеърни ўқиб, бош силкиди ва “ҳа” дегандек кулиб қўйди.

РОЗ ВА ЗОР

Дўстлардан бири бошқа бир дўст устидан шикоят қила бошлади. Айтишича, оилада бўлиб ўтган бир иш ҳақида унга бир сир айтган экан, у эса бошқаларга тарқатиб юборибди.

- Нима қилишимни билмайман, - зорланар эди у, - ундан воз кечайми, яхшилаб уришиб, сўкайми!

- Фойдаси йўқ, - дедим унга - Сирни тарқатиб улгурипти. Бунга ўзинг айбдорсан, синамай туриб одамга сир айтиб бўлади-ми. Ўзинг асрай олмаган сирни бошқалар асрай олмаса, таажжуб қиладиган жойи йўқ. Сенинг аҳволинг “роз ва зор” ни эслатади.

- У нима экан?

- Эшит, - дедим ва мана бу тўртликни ўқидим:

*Чин дўстинг қаторда норга айланар,
Сирингни фош қилмас, ёрга айланар.
Синамай, дўст, дея сирингни айтма,
“Роз” нинг акси, қара, “зор” га айланар.*

- Роз - сир дегани, - тушунтирдим унга, - мақлуб санъати бўйича “роз”ни терсидан ўқисанг “зор” бўлади. Демак, розингни синалмаган кишига айтсанг “зор”инг чиқади.

- Сен ҳам ўлганнинг устига тепган қилдинг, - деди у ва индамай чиқиб кетди.



ИККИ ШОГИРД

Кўз олдимизда икки шогирд бир устознинг этагидан тутдилар ва олимлик даражасига етдилар. Иккинчиси эса кўп ўтмай докторлик диссертациясини ҳам ёқлади. Унга офаринлар ўқидик. Шу пайт биринчи шогирд ичимизда эди. Ҳасад ўтида ёниб деди:

- У хушомадгўй ва лаганбардор, машинасида устозни у ёқбу ёққа олиб юриб, ёқлаб олди.

Орамызда дангал гапирувчи киши бор эди. Унга қарата деди:

- Машинаси билан олиб юрган бўлса, устозга яхшилик қилибди, бироқ устоз ўз ишини йиғиштириб қўйиб, унга докторлик диссертациясини ёзиб бермайди-ку. У йиғитни жуда яхши биламиз, одобли-ахлоқли, устозини ғоятда ҳурмат қилади. Бир варақ нарса ёзган бўлса ҳам, устозига ўқиб бериб, маслаҳат олади. Сенчи? Сен устоздан қочиб юрасан, бирор иш буюрмаса эди деб, юрагинг пўкиллаб туради. Укаҳон, қобилият бу бошқа нарса, кимда қобилият ва чидам бўлса, у доимо юқорилаб кетаверади.

Шогирд бу кишининг сўзларини лаблари учиб, зўрға эшитди, тан олиш ўрнига “э-э” деб қўлини силтаб, чиқиб кетди.

Чой қандга қўшилди, лаззатли бўлди,

Дон ерни ўнди-ю, қувватли бўлди.

Ойга боқ, қуёшнинг ортидан юриб,

Одамлар наздида иззатли бўлди.

К И Т О Б

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига бағишланган “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” (“Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўллари”) номли асарни форсийдан ўзбекчага ағдараётган вақтим эди. Тунда бошимни китобга қўйиб ухлаб қолибман. Умр йўлдошим аста уйғотди ва ҳазил қилиб:

- Китобга қулофингизни босиб ётибсиз, китобдан овоз келаетганмиди? - деди.

- Бўлмасамчи, биласизми, қандай овоз эди?-дедим-да, мана бу тўртликни ўқидим:

Уйкуга бош қўйдим, ёнимда китоб,

Китобдан ногаҳон келди бир хитоб:

*“Эй инсон, гафлатнинг бандаси бўлма,
Умр оз,сув каби ўтади шитоб”.*

ГАПНИНГ РОСТИ

Дўстлар билан бир чойхонада палов қилдик.

Иштаҳа кўпирар, қаршимда палов,

Гўё мен овчи-ю палов эса ов.

Чанг солсам, палов дер:- Сихҳатни ўйла,

Йўқса, сен ўтинсан, мен эса олов.

Ўтирганларнинг ҳаммаси таниш бўлиб, фақат семиз бир кишигина таниш эмас эди. Кейин уни ҳам таниб олдим. Менинг қадимий табобат тарихига оид ўнлаб китобларим чиққанини эшитган бу киши арз қила кетди:

- Қон босимим бор, биродар, баъзида жуда қийнаб юборадим, бошим оғриб, баъзан айланади ҳам. Бошим айланганда бирор нарсани ушлаб қолмасам, йиқилиб тушай дейман. Нафасим сиқилиб, баъзан ҳаво етишмайди. Сиз деярли табиб экансиз, бир ёрдам берворинг, нима қилсам экан?

Шу пайт ўртага қўй ёғи, қўй гўштида қилинган палов келтирилди. Мен у кишига,ошдан кейин гаплашамиз, дедим.

Шоша етиб келдим очиқиб шомга,

Оҳ палов! Етибман ҳузур, оромга.

Палов дер: - Шошилма, меъёрни ўйла,

Йўқса, ҳар бир доним айланар дом¹га.

Семиз киши инқиллаб-синқиллаб олдинга энгашар, паловдан совундек-совундек қилиб оларди. Ҳаммамиз бас қилганимизда ҳам семиз ҳамон ейишда давом этар эди. Охири лаганга чой қуйиб, чайқаб, ичиб юборди.

Бироз дам олиб, бир-икки пиёла чой айлангандан сўнг семиз киши менга қараб:

- Қани, гапиринг, фақат ростини айтаверинг, ийманиб ўтирманг, - деди.

- Ростини айтаверайми? - дедим.

- Ҳа-да,-деди семиз киши.

¹ Дом - тузоқ.



- Ҳадисларда: “Раъсу кулли доъин ат-тухма”, яъни барча иллатларнинг боши кўп ейишдир, дейилган. Ҳаддан ортиқ кўп ейиш, биринчидан, саломатликка путур етказди, иккинчидан, кўзга хунук кўринади, - дедим.

Мен унинг қаттиқ хафа бўлишини кутгандим. Бироқ у хафа бўлмади, отангизга раҳмат, деб елкамга уриб ҳам қўйди. Унга бу гапни биринчи бўлиб мен айтмаганимни сездим. Бу қабилдаги сўзларни у кўп одамлардан эшитгани, аммо нафсини тиёлмаслиги маълум бўлди.

*Чумоли бениёз дейишар доим,
Кам ейди, умри соз дейишар доим.
Хўрозни қарагин тинимсиз ейди,
Шундан уни “хўроз”¹ дейишар доим.*

ТАКАББУР

Академия институтларидан бирида фан доктори, кўпгина асарлар муаллифи, қобилиятли олимлардан бирининг номини мухбир аъзоликка кўрсатишди. Ўтмади. Шу институтда номзодлик диссертациясини ёқлаган, бироқ докторлик ишини маромига етказиб ёзолмаган бир олим ҳам бор эди. У шу даражада манман ва такаббур эдики, дунёда унингдек билимдон одам йўқ эди. Бор-йўғи бир-иккита рисолагина чоп қилдирган эди. У ўзининг қуруқ ва баландпарвоз гаплари билан одамларнинг кўнглини оғритарди. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда: “Ат-такаббуру маъал мутакабир садақатун”, яъни такаббурга такаббурлик қилиш садақа бериш билан тенгдир, дейилади. Садақанинг эса юзлаб хислатлари баён қилинган. Ҳикматларда эса, энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча, гердайганга гердайгин бошинг кўкка етгунча, деб бежиз айтмаган.

Ўша кунларда ўша манманни учратиб қолдим. Менга деди:

- Мана, фалончининг номзодини мухбир аъзоликка қўйишди, ўтмади, менинг номзодимни қўйганларида ўтиб кетардим.

“Тавба,- дедим ичимда, одам ҳам ўзига шунчалик бино қўядими, ҳали докторликни ёқламаган ва жиддий бир иш эълон қилма-

¹ Форс-тожик тилида хўр -е, оз-очкўз, яъни “е, очкўз деганини билдиради.

ган одамни мухбир аъзоликка сайлаш у ёқда турсин, хатто ном-
зодини ҳам қўймайдилар-ку”.

*Тумшугин кўтариб юрар такаббур,
Ўзича ҳаёти зиё тўла нур.
Одамлар ортидан афсус чекишар,
Бечора ҳаётдан ўтмоқда деб гўр.*

Шунинг учун ҳам “Ҳикматнома”да айтилади: “Хўш, такаб-
буриликдан кишига бирор манфаат етадими? Аксинча, такаббур
одам ўзининг ширин ҳаётини аччиққа айлантиради, обрў-эъти-
борини елга совуради”.

*Думин гажак қилиб, гердайиб чаён,
Қарасам, шайланиб турибди, шу он -
Дедим: - Муддаонг не? Деди: - Сўрама,
Чаённинг мақсади ҳаммага аён.*

НОК

Марҳаматда мактабда бирга ўқиган дўстимникига бордим.
Ноклари фарқ пишган экан. Узиб келди. Мени “ол, ол” деб қистай
бошлади. Ейишга унча рағбат қилмаётганимни кўриб, жавондан
бир митти китобчани олди ва варақлай бошлади. Бу мен нашр
қилдирган “Табобат уммонидан томчилар” китоби эди. Китобдан
Саййид Муҳаммад Ҳасрат қаламига мансуб бўлган “Тухфайи
Ҳусайний” қисмини очди. Ўқишдан аввал деди:

- Ўзинг яхши биласан, дўстим, нок кони фойда, Ибн Сино ҳам
уни мақтаган. Ўзинг чиқарган мана бу китобда, қара, нима дейилади:

*Сафою латофат ичра, боққин, нок,
Лабини шакарга суртмиш тарабнок.
Шоҳамруд сўрасанг баридан хуштар,
Ранги соз, сувлари мисоли шакар.
Буриштириб, боғлар моддани ҳар он,
Чанқовни бадандан қувар у равон.
Меъдага куч ила қувват берар нок,
Буриштириш кучи дард бағрига чок.*

- Ана, кўрдингми, - деди дўстим завқланиб, - емайдиган
бўлсанг, ҳозир Ибн Синони олиб чиқиб, ундан ҳам ўқиб бераман.

- Йўқ, йўқ, керакмас, - дедим унга. - Нокни қанчалик мақта-санг ҳам кам. Ҳозир уни кони фойда дединг, - дедим-да, миямга лоп этиб келган фикрдан қувониб кетдим ва мақлуб санъати бўйича қоғозга мана бу тўртликни туширдим:

Қарасам, боғда нок, товланар юзи,

Дедим: - Хислатинг айт, боғнинг юлдузи.

Деди: - Номим ёз-у терсидан ўқи,

Не чиқса, худди мен ўшанинг ўзи.

Тўртликни унга ўқиб бердим. Сўнг, маъносини топ-чи, дедим. У тўртликнинг охиридаги терсидан ўқишга диққатини жалб қилди, сўнг қувонганича “кон” деди.

- Ҳа, - дедим унга, - мақтасанг ҳам, мақтамасанг ҳам нок доридармоннинг конидир.

Шундай деб нокдан бирини олдим. Қарс этиб тишлаб, ейишга киришдим.

САЛОМ

Бир танишимнинг бошқа таниши билан оралари бузилиб қолганини эшитдим ва ундан бунинг сабабини сўрадим. Арзимаган сабаб экан. Танишимнинг таниши ундан аразлаб қолибди ва уни кўрганда тескари қараб олар эмиш.

- У билан алоқа тикланишини хоҳлайсанми? - дедим.

- Албатта,- деди у астойдил. - Бу ҳолдан кўнглим жуда хира.

- Бўлмаса, уни кўрганингда салом бер, чунки салом орани яхшилайти. Ҳадисларда, салом ўзаро муҳаббатни оширади, дейилган.

Буюк бир қувватга эгадур салом,

Эгилмас бўйинни эгадур салом.

Юракдан гинаю аразни қувиб,

Муҳаббат уругин экадур салом.

АНОР

Бир неча дўст гурунглашиб ўтирардик. Дўстларимиздан бири каттароқ амалда бўлиб, биз билан камроқ учрашадиган бўлиб қолганди. Ҳарқалай бу гал мажлисимизга келди. Дўстлардан шадлодроғи унга танбиҳ бериб, тумшуғи кўтарилиб кетганликда айблади.

*Танқиддан одамнинг занги кетади,
Сохта бўёгининг ранги кетади.
Чангюқи бўлганда пўстакни қара,
Яхшилаб қоқишса чангги кетади.*

Дўстимиз ўзини айбдор деб ҳисобладими ёки гапирувчининг сўзлари оғир ботдими, қип-қизариб кетди. Шунда ўтирганлардан бири:

- Қўй, кўп қийнама, қара бечора қизариб кетди, - деб қолди.
- Қўявер, қизарса-пишади, - деди у.

*Танқиду танбеҳдан дилга гаш тушар,
Қизарар, бўзарар, юрак ачишар.
-Йўқ, йўқ, ундай дема, анорга қара,
Аввал хом эди, сўнг қизариб пишар.*

ОФИР ЮК

Ишхонадаги дўстларимдан бири ғазаб билан гапираётган экан. Аста келиб, елкасига қўлимни қўйдим, сўнг:

- Юкни ташла! - дедим.
- Нарн тур, - деди у жаҳлидан тушмай, - ўзим ўлай деб турибман-у, сен ҳазил қиласан.
- Ўлмагин деб юкингни ташла, деяпман-да.
- Қанақа юк?! - бадтар жаҳли чиқди уни.
- Ўқимаган экансан-да, бир ҳақимдан: “Дунёда энг оғир юк қайси юк?” деб сўрабдилар. “Ғазаб юки” деб жавоб берибди у. Биродар, ғазаб асабнинг кушандаси ва юракнинг эгови. Одамнинг ақли ғазабини босишда билинади. Ҳақимлар: “Жанг майдониди душманни енгган паҳлавон эмас, ғазабини босолган паҳлавондир” деганлар. Кел, бугун бир паҳлавонлигингни кўрсат!

У тезда ғазабдан тушди ва лабларида табассум кўринди.

*Асабга давонинг аълоси - кулги,
Асорат қолдирмас шифоси - кулги.
Асабга дорию гиёҳ излама,
Гиёҳу дорисиз давоси - кулги.*



ЧУМОЛИ

Бу йигитни яхши танирдим. Янги ишга келганда мулойим, беозор ва камтар эди. Кеча-кундуз меҳнат қиларди. Кейинчалик ўзгара бошлади. Кийинишлари бошқача бўлиб қолди. Тагида машина пайдо бўлди. Саломи ҳам камайди. Биз катталарни назар-писанд қилмайдиган бўлиб қолди. Кейин билсам тадбиркорлик билан шуғулланиб, дўкон очган экан.

Бир куни ишга келсам, коридордан шовқин-сурон эшитиляпти. Бир ходимдан:

- Нима гап? - деб сўрадим.

- Фалончи манман тумшуғидан илинибди, - деди у.

- Аввал наша билан қўлга тушган экан, бугун эса бировнинг қизини йўлдан ургани учун хотини жанжал қилиб келибди.

- Бошқа ходим хулоса қилди:

- Асли унинг паймонаси тўлиб қолган эди, паймонаси тўлганда шундай бўлади.

Манманлик инсонга зарардир бот-бот,

Ўзингни наст олу чиқар яхши от.

Кўрдингми, чумоли кўп камтар эди,

Ўлгиси келганда чиқарди қанот.

ОЛИМЛАР

“Ҳикматнома” номли китобни чоп қилдирган эдим. Ўғлим Абдусамад уни varaқлар экан:

- Дадажон, мана бу ерда: “Олим одам икки марта яшайди” дебди, қандай қилиб икки марта яшайди? - деб сўраб қолди.

- Олимлар китоб ёзадилар, ўлганларидан сўнг китобларини одамлар ўқийди, номлари доимо тилда бўлади. Мана, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Аҳмад Яссавий, Жомий, Навоийлар ҳамон бизлар билан яшамоқда. Демак олимнинг ёзган асари унинг иккинчи умридир. Сен ҳам олим бўлиб, китоб ёзсанг, икки марта яшайсан, китобинг орқали одамлар билан сўзлашасан, - дедим.

Олим ўз асрининг ёрқин офтоби,

Икки тилда сўзлар, икки хитоби.

Бир тили оғизда, узоқ яшамас,

Бошқаси боқий бу - ёзган китоби.

ТЎЙ

Марҳаматда бир калтабин кишини кўрдим. Ўғлига суннат тўйи қилмоқчи экан.

- Тошкентга бориб, фалон хонандани олиб келиб, шундай тўй қилайки, тўйдан сўнг гадоё бўлиб қолсам ҳам майли,-дерди у.

Худди шундай қилди. Унинг аҳдидан хабардор бўлган кишилар тўй куни чойнак, пиёла, лаган, ейиш-ичишдан нимаки кўлга кирса, ҳаммасини талаб кетдилар. Бечора тўй соҳиби эрталаб кўшнисиникидан битта чойнак ва иккита пиёла олиб чиқиб чой ичди.

“Оқ қиров” беҳисоб мўйга¹ йиғилди,

Хаёлим ҳаммаси ўйга йиғилди.

Қанча мол топдим-у ҳузур топмадим,

Қанча топмай бари тўйга йиғилди.

АСАР

У асар ёзди. Асарини ҳаммага мақтади. Нашриётларга олиб борди. Ҳеч ким босмади. Асар бошдан оёқ ишқий можаролардан иборат эди. Қуруқ сафсата, пардасиз гаплар. У нашриёт ходимларини порахўрликда, одамларни эса тушунмасликда айблади.

Асар халқ ичига таралса асар,

Мукаррам бойлик деб қаралса асар.

Асрлар ўтса ҳам башар дилидан

Жой олиб, йўқолмай туролса асар.

БЕМОР ДЎСТ

Дўстимиз касал бўлиб қолди. Унга-бунга дардини айтди. Униси бу давони, буниси у давони тавсия қилди. Ким нима деса, айтганини қилаверди. Охири қон босими ошиб кетиб, касалхонага тушди.

- Нима еган эдингиз? - сўрабди ундан шифокор.

- Мумиё ичган эдим, бошдан-оёққача кўй думбасининг ёғини суртган эдим, дизинфекция қилади деб, озроқ спирт ичгандим, - дебди дўстимиз.

- Музга чеснокни кўшиб, сутга балиқни аралаштириб, қалам-пирга мурчни солиб емабсиз-да, - дебди шифокор кесатиб.

¹ Мўй- соч.

- Э, шунақами? - дебди дўстимиз чиппа-чин ишониб. - Ҳозир ўғлимга айтаман, айтганларингизни олиб келади.

*Адаб емай туриб, ўзинг адиб¹ бўл,
Жонингга меҳрибон, мунис, ҳабиб бўл.
Табибга ишониб бепарво бўлма,
Авалло ўзингга ўзинг табиб бўл*

АЧЧИҚ СЎЗ

Ошхонада ишлайдиган дўстимиз бор эди. Унинг ҳаромхўрликка ошкоро берилиб кетганини кўрдик. Ёши каттароғимиз унга қаттиқ насиҳат қилди.

- У билан алоқани узаман, - деб қолди бир куни дўстимиз, - жонимни оғритди ва кўнглимни синдирди.

- Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради, - дедим унга. - Дори аччиқ бўлади, аммо дардни даволайди. Унинг аччиқ сўзлари тагида шифо ётибди.

*Уйда ёлғиз қолиб, арчардим пиёз,
Кўзим ачиб, сўкиб юбордим бироз.
Пиёз кулиб дейди: - Наҳот билмасанг,
Аччигим даво-ку, эй ақли саёз.*

ХОТИРАСИ БУЗИЛГАН ЙИГИТ

Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультети талабалари эдик. Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида истиқомат қилардик. Наманганлик Одил деган йигит бешинчи, биз эса учинчи курсда эдик. Одилнинг ҳамхоналари унинг устидан доимо шикоят қилишарди. Айтишларича, ҳамхоналар кечқурун дарс тайёрлашга ўтирганларида, Одил ухлар, ҳамхоналар уйқуга ётганда, Одил дарс тайёрлашга ўтирар экан. Араб тили бўйича тонгга қадар дарс қилиб, сўнг бироз мизғиб олар, эрталаб уйғонса, ёдлаганлари бутунлай эсидан чиқиб кетар экан.

Ёзга келиб, давлат имтиҳонлари бошланди. Одил араб тилидан имтиҳонга қаттиқ тайёрлана бошлади. У ғам-вахимада қолган эди. Бир куни менга хотирасининг бузуқлигидан шикоят қилди. Мен унга:

¹ Адиб - адаб берувчи.



- Хотиранинг дориси - исириқ уруғи, - дедим ва уни қандай истеъмол қилиш йўлларини тушунтириб бердим.

*Одамни хор қилар бузуқ хотира,
Кўнгилни тор қилар бузуқ хотира.
Дўстлар таънасига мубтало қилиб,
Қайгуга ёр қилар бузуқ хотира.*

У Эски шаҳарга бориб, бозордан бир даста исириқ харид қилибди. Хонага келиб, исириқ уруғини йиғиб олибди. Шериклари дарсдан келиб қарашса, хонанинг ичида исириқ уруғлари сочилиб ётган экан. Одил, одатдагидек, шериклари уйқуга кетгач, ўрнидан туриб, дарс тайёрлашга шайланибди. Хотирасини яхшилаб олиш учун исириқ уруғидан бир сиқимини ичиб юборибди. Эртаси куни давлат имтиҳонига бориб, араб тилидан саволларга жавоб берай деса, ҳеч нарса эсига келмабди. “Араб тили дарслиги” (“Учебник арабского языка”) китобининг муаллифи, кекса домла Б.Холидов имтиҳон олаётган экан. Икки қўйиб берибди. Одил кеча-кундуз тайёрлангани ва эсида қолмаётганини айтса-да, фойдаси бўлмаган экан, ўзини тутолмай, домлага тарсаки тортиб юборибди. Домла стулдан ерга қулаб тушибди.

Мен эртаси куни Одилни кўриб қолдим. У менга таъна қилиб:

- Кечаси исириқ уруғидан ичиб, ўлиб қолишимга оз қолди, - деди у.

- Нима бўлди? - деб сўрадим.

- Бир сиқимини ичиб юбордим ва дарс тайёрлашга тушдим. Сал ўтмай, орқам қизиб кета бошлади. Орқамда печка йўқ эди-ку, деб ўйлайман, қарасам, баттар қизиб боряпман, яна орқамга қарайман, печка йўқ. Тонггача қизиб ўлишимга оз қолди, - деди у.

- Ахир, мен сизга уч-тўрт донадан истеъмол қилинади, деб айтган эдим-ку, - дедим унга.

- Мен биратўла хотирам ўсиб кетсин деб ўйлаган эдимда, - деб жавоб берди у.

- Ўлиб қолмаганингизга шукур қилинг, - дедим унга.

У бундан сўнг исириқ уруғини истеъмол қилиб юрдими-йўқми, билмайман. Бироқ кейинги йили ўқишни битиролмай кетиб қолганини эшитдим.

*Орзую армоним, исмон-исириқ,
Фойдаси хирмоним, исмон-исириқ.
Уругу танаю тутуни бирлан
Дорию дармоним, исмон - исириқ.*

МАЙИЗ

Кўпқаватли уйлардан бирида турадиган қўшни аёлни хасисликда айблашарди. Маърака-маврид қилиб қолса, ҳозирлаган овқати шу даражада бемаза бўлардики, ўтирганлар бир хўплаб қайта ичишмас эди. Ўзи бировниқига борса, дастурхондаги қанд-курс, мева-чевалардан чўнтагига тиқар эди. Қизиғи шуки, оиласи бадавлат, болаларининг топиш-тутиши яхши эди.

Кунлардан бир куни эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Хотиним эшикни очди. Аёл овози эшитилди. Хотиним қайтиб кирганда қўлида газетага ўроғлиқ бир нарса бор эди.

- Ким? - деб сўрадим.

- Беҳзода опам, - деди хотиним.

Бу ўша хасис аёл эди. Хотиним газетани хонтахта устига қўйди. Унда майиз бор эди. Биз хотиним билан ҳайрон бўлиб бир-биримизга қарадик.

- Бу аёлнинг саховат дарёси нега жўшиб кетди экан? - дедим хотинимга.

- Сизни ҳурмат қилади, - деди хотиним фахрланиб - домимиздаги энг ёш ва аҳил она деб мақтайди.

Ўроғлиқ газетанинг қоғозлари шитирлай бошлади. Эр-хотин диққатимизни майизга қаратдик. Майиз ичидан майда қуртлар ўрмалаб чиқиб, ҳар томонга тарқала бошлаган эди.

Номарднинг қалбида дарди бўлмайди,

Аҳмоқнинг ичида марди бўлмайди.

Хасису бахилнинг ҳолати аён,

Одамлар ичида қадри бўлмайди.



НИСЁННИНГ ЗАРАРИ

Биз Абдулла ака Носиров билан кўп йил бирга ишлаган эдик. У киши Шарқ қўлёзмалари билимдони, йирик библиограф олим бўлиб, институт ходимлари Абдулла акани “жонли қомус” дер эдилар. Мен у киши билан суҳбатлашиш учун ҳузурларига кирар ва ҳар гал янги бир маълумотларга эга бўлиб чиқардим.

*Абдуллака тирик қомус эдилар,
Илмгоҳга ору номус эдилар
Хазинага келган ҳар бир одамга,
Йўлни ёритувчи фонус эдилар.*

Бир куни олдиларига кирсам:

- Нисён нима? - деб сўраб қолдилар.

- Унутиш касали, - деб жавоб бердим.

- Баракалла, бу иллатнинг давоси нима? - деб сўрадилар. Елкамни қисдим. Ўзлари жавоб бердилар: - Хотира бузилишининг кучли давоси топилмаган, бироқ унинг бир давоси бор: бу - оддий қоғозу қалам. Қиладиган ишларингизни қоғозга ёзиб, кўзойнак қутисига солиб қўясиз. Хат ўқиш зарур бўлганда кўзойнакка эҳтиёж тушади, қутини очасиз, кўзингиз ёзувингизга тушади.

Сўнг, бироз жим қолди ва қўшиб қўйди:

- Хотираси бузилган, паришонхотир киши ўзидан кўра бировга кўпроқ зарар етказди.

Кекса кишилар тажрибага бой бўлишади. У пайтда бу устознинг сўзларига унча аҳамият бермаган эдим. Орадан бир неча йил ўтгач, бир воқеа юз берди-ю, Абдулла аканинг ўша сўзлари ёдимга тушди. Бунинг тафсилоти шуки, ходимлардан бири билан Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” китобини форсийдан таржима қилиб, “Тошкент оқшоми” газетасида эълон қилаётган эдик. Асарнинг форсий қўлёзмаси ўша ходимнинг қўлида эди. Бир соатга олиб турдим. Қайтараётганимни қайта-қайта таъкидлаб қўлига бердим. Орадан бир ойча ўтгач, у киши олдимга кириб:

- “Ахлоқи Муҳсиний” ни олган эдингиз, таътилга чиқяпман, фондга топшириш керак, қайтариб беринг! - деб қолди.

Унга қайтариб берганимни қанча тушунтирмайин, олганим йўқ, деб туриб олди. Исботлашнинг иложи йўқ эди.

Бир неча кун хижолатда юрдим. Еб-ичганим татимас эди.

Битта қўлёманинг йўқолиши бир асарнинг дунёдан изсиз ўчиши билан тенгдир. Қайғу-ғамда қўлёмалар фондига чиқдим. Фонд ходимларига воқеани айтиб бердим. “Хабаримиз бор” дейишди улар. Қўлёманинг ўрнини қараб кўришди. Қўлёмза жойида эди. Маълум бўлишича, у киши барча китобларини топшириш учун фондга олиб чиққанда ходимлар қарзлар китобидаги “Ахлоқий Муҳсиний”ни ўчирмай туриб, жойига қўйиб юборишган экан.

*Ҳаётдан ношод одамдан қочгин,
Иши зулму бедод одамдан қочгин.
Кимдан аввал қочмоқ керакдур, десанг,
Хотираси барбод одамдан қочгин.*

ЎЗУВЧИ ВА ОЛИМ

Акахон биродарим, ёзувчи Саъдулла Сиёвни қидириб наشريётга борган эдим. Унинг олдида машҳур ёзувчилардан бири ўтирган экан. Бу одам билан юзма-юз учрашмаган эдик. Мени таниб мақташга тушди.

- Сиз Шарқ маданияти хазинасини очиб бериб, улуғ ишлар қиляпсиз, - деди у.

- Сизнинг ишларингиз меникидан улуғроқ, - дедим унга, - қанчадан-қанча роман, қисса ва ҳикояларингиз босилляпти, халқ мириқиб ўқияпти.

- Тўғри, - деди у, - лекин менинг асарларимни юз марта ўқиса ҳам, бирор киши дардига дармон тополмайди. Сизнинг табобатга онд таржима асарларингиздан бир қаторини ўқиса ҳам, ўзига азоб бераётган иллатига даво топади ва жони ором олади. “Табобат хазинаси дурдоналаридан” деган китобингизга ўзингиз ёзган рубойларни ҳам киритибсиз, чакки чиқмабди. Унда ҳам кони фойда. Янгоқтикон ҳақидаги рубойингиз менинг ёдимда қолган.

Шундай деб, ўқишга тушди:

*Бог ажиб манзара кашф айлаган чоқ,
Қарасам, гулзорга чиқибди янтоқ.
Бир тепсам, силкиниб, фарёд кўтарди:
- Бавосил дорисин топтама, аҳмоқ!*

- Мана шу рубойининг ўзи битта беморга йўлланма бўлади, унинг дарддан фориғ бўлишига сабаб бўлади.

- Тўғри,- дедим унга, - менинг ёзганларим беморнинг жисмидаги бирор дардга даво бўлиши мумкин. Сизнинг асарларингиз эса одамларга руҳий дармон бўлади. Жисм касаллигидан кўра руҳий касаллик ёмон. Демак, сиз ҳам одамларни руҳий томондан даволаётган экансиз.

Орага Саъдулла Сиёев аралашиб, баҳсимизга якун ясади:

- Демак ҳар икковингиз ҳам халқ учун фойдали иш қилаётган экансиз, икковингизга ҳам омад ёр бўлсин!

*Элнинг дарди билан куйсагина жон,
Ўша жондан чиқар ҳақиқий инсон.
Нонга боқ, тандирда ўзини ёққач,
Уни олқишлайди жумлаи жаҳон.*

ТАЪЗИМ

Дунёда оқкўнгил ва беғараз одамлар борки, сенинг қилаётган ишингга тўғри баҳо берадилар ва сени бу йўлда илҳомлантирадилар. Уларнинг сўзини эшитгач, руҳинг кўтарилади ва қанотингни янада кенгроқ ёзасан.

“Табобат уммонидан томчилар” номли китобимнинг чиқиши муносабати билан “Медицина” (ҳозирги Ибн Сино) нашриётига борган эдим. Бўлим бошлиғи Марҳамат Муслимовнинг олдига кирдим. Унинг хузурида сочлари оппоқ, қорачадан келган, гавдали бир киши ўтирган экан. Зикрилла Эгамбердиев деб таништирди Марҳамат ака. Мен бу одамнинг табобатга оид асарларини мактаб ёшидан буён билардим. Зикрилла ака кейинчалик ёзган ҳар бир китобларида менинг нашр қилдирган таржима асарларимдан кенг фойдаланар эдилар. Кўрганымдан хурсанд бўлиб кетдим. Бўлим бошлиғи мени ҳам таништирган эди, Зикрилла ака ўрнидан ирғиб туриб, гавдалари билан эгилиб, менга таъзим қилдилар. Бу улуғ ёшли ва машҳур кишининг таъзимидан жуда уялиб кетдим ва ўрнимдан туриб, мен ҳам кўлимни кўксимга қўйдим.

Зикрилла ака қадларини ростлаб, Марҳамат акага юзландилар:

- Марҳаматхон, мен ёзувчиман, 26 та китобим чиққан, аммо мен Маҳмуд Ҳасаний олдида таъзим қиламан!

Бу менинг ижодимга юқори баҳо, баҳо бўлганда ҳам холисона баҳо эди. Зикрилла ака шу сўзларни айтиб, кучоғларини очдилар ва

мени бағрига босдилар. Мен бундай муомалани ҳеч кимдан кўрмаган эдим. Шу куни дунёда мендан кўра бахтиёрроқ одам йўқ эди.

*Табассумдан жаҳон эриб кетади,
Дилхаста, дили қон эриб кетади.
Ширин сўзларингдан фақат инсонмас,
Инидаги илон эриб кетади.*

БЕҲУДА ҚЎРҚУВ

“Тошкент оқшоми” газетасида тиббий, кўпроқ одоб-ахлоққа оид форсча ва арабча китоблардан қилган насрий ва назмий таржималарим мунтазам босилиб турарди. Катта ишга қўл уриб қўйганим учун “Оқшом”га материал беролмай қолдим. Кунлардан бир кун заҳматкаш журналист, “Тошкент оқшоми”да “Шанба оқшоми”ни тайёрлаб берувчи Тўлқин ака Расулов телефон қилиб, материалдан ёрдам бериб юборишни қаттиқ илтимос қилди.

“Ал-Муқаттатафоти арабийя” номли арабча ҳикматлар китобини таржима қилишга киришдим.

*Маърифат тан бўлса, ҳавоси ҳикмат,
Норасо қалбларнинг шифоси ҳикмат.
Камолга етмоқни кўзласа ҳар ким,
Қуввати, мадади, давоси ҳикмат.*

Аммо, асардаги ҳикматлар ғоят қисқа эди. “Оқшом”даги одоб-ахлоққа оид китобларда битта ҳикмат келса, битта шеър берилар, ўқувчилар кўзи шунга ўрганиб қолганди. Мен нима қилишимни билмай, арабча ҳикматлар орасига ўзим ижод қилган тўртликларни жойлаштира бошладим.

*Тўртликда ёқимли бир андоза бор,
Маънони қамраган бир шероза бор.
Тўртликда яқинлик жуда ҳам яқин,
Уфат чор бўлдими, анда маза бор.*

Шарқшунос олим, қизил империя қувғинларини бошидан кечирган қария Шорасул Зуннун менга Муҳиббий деб тахаллус қўйган эди. Ҳар бир тўртликдан олдин “Муҳиббий айтади” деган жумлани қўйдим. Ҳикмату тўртликлар ҳар шанба куни босила бошлади. Таниш-билишларим: “Муҳиббий қайси асрада яшаган?” деб савол беришар, мен эса: “Қадимда яшаган” деб қўярдим.

Менинг Муҳиббий эканимни Тўлқин ака ҳам билмас эди.

Бир куни Тўлқин ака олдимга бир неча хатларни қўйди.

- Мана бу мактубларга газета орқали жавоб беришимиз керак деди у. - Мактубларда Муҳиббий ким эканлиги сўралган. Бир-икки қоғоз жавоб ёзиб келинг.

Мен жавоб ёзишни орқага сурар, сирим очилиб қолишидан қўрқар эдим. Тўлқин акада эса хатлар табора кўпайиб борарди. Бир куни олдимга беш-олтита хатни қўйиб:

- Бош муҳарриримиз Саъдулла Кароматов талаб қиляпти, хатларга жавоб бериш керак, бир икки қоғоз ёзиб бериш сизга қийин эмас-ку, - деб қолди.

Мен сирни очишга мажбур бўлдим. Бирор иш бўлса, Тўлқин ака ёрдам берар, деб умид қилдим.

- Тўлқин ака, бир айб иш қилиб қўйдим, бошида сиз билан маслаҳатлашим керак эди, сиз сўраётган Муҳиббий аслида мен бўламан.

Тўлқин ака бирпас қотиб қолди. Сўнг кулиб юборди, кейин эса:

- Жуда яхши, тўртликларингиз қадимгиларниқидан қолишмайди. Битта расм билан ўзингиз ҳақида маълумот тайёрланг, газетада бериб юборамиз, - деди.

Мен қулоқларимга ишонмас эдим. Демак бу ерда ҳеч қандай жиноят йўқ экан-да!

- Юринг, бош муҳаррирдан ҳам рухсат олайлик, - деди Тўлқин ака.

Бош муҳаррирнинг олдига кирдик. Мен ҳамон қўрқувда эдим. Тўлқин ака бош муҳаррир Саъдулла Кароматовга:

- Газетхонларимиз Муҳиббий ҳақида маълумот сўрашаётган эдилар, - деб гап бошлаган эди, бош муҳаррир: - Хабарим бор, бир-икки қоғоз маълумот бериб юборинглар, - деди.

Тўлқин ака:

- Қизиғи шуки, Муҳиббий бу Маҳмуджон Ҳасановнинг ўзи экан! - деди.

Бош муҳаррир:

- Ий-э, ростданми? - деб бироз ҳайрон бўлиб турди. Сўнг: - Майли, Маҳмуджон ҳақидаги маълумот билан бирга расмини ҳам беринг, - деди.

Шундай қилиб “Оқшом”да “Муҳиббий билан танишинг” деган мақола босилиб чиқди.

*Ёзганим “оз-оз”лаб, ёзганим ёзган,
Қаламимни созлаб, ёзганим ёзган.
Нима ёзмай, қанча ёзмай барибир,
Халқимни эъозлаб, ёзганим ёзган.*

ДАЛДА

Институтимизда А. исмли бир олим бор эди. У каттаю кичикка яхши маслаҳатлар берар, баъзан ўз жонидаги нуқсони туфайли рашк ва ҳасад тўрига илиниб ҳам қоларди. Унинг “қора дафтари” бор, деб қўйишарди.

*Нодон бойлик топса мастлик қилади,
Саховат ўрнига настлик қилади.
Ҳимматли одамнинг ҳимматига боқ,
Барчага баравар дўстлик қилади.*

Ўн икки бармоқ касали хуруж қилиб қолиб, касалхонага тушиб қолдим. Чиқаётганимда: “Оғир нарса кўтарманг” дейишди. Тасодифан шаҳар кўчаларидан бирида кетаётиб, ўша олимнинг ўғилларини кўриб қолдим, оғир бир юкни машинага ортмоқчи бўлишар, лекин жойидан жилдиришаолмас эдилар. Касалим сабабли, ёрдам бермай, ўтиб кетдим. “Улар мени тушунмай, дадаларига бориб айтсалар, таъбимни тирриқ қилади” деб ўйладим ичимда.

*Шундай йиғладимка, қон оқди кўздан,
Ҳаттоки кетибман охири ўздан.
Ўқ ебди, бир ери синибди, дема,
Ҳаммаси ножўя айтилган сўздан.*

Эртаси ҳайит эди. Институтда олимни учратдим ва ҳайит билан табрикладим. У жавоб бериш ўрнига:

- Менга қаранг, -деди ўдағайлаб. - Сиз “Оқшом”да материаллар эълон қиласиз, кўплари ноқис бўлади. Рубойилар ёзасиз, маъноси бўлмайди. Ёзсангиз Хайём каби ёзинг, ёзолмасангиз ёзманг! Сизнинг ноқис жумлаларингизни бир дафтарга йиғиб қўйганман, ишонмасангиз кўрсатаман!

Мен “хўп, хўп домла” дедим-да, кетавердим. Ичимда, ҳеч ким шу кунгача Хайёмдек ёза олмаганини наҳотки бу киши билмаса,

демак ўғиллари кечаги воқеани айтишибди-да, деб қўйдим. Шундан сўнг ростдан ҳам ёзмай қўйдим.

*Баъзан юрагимни қоплайди ҳайрат,
Бунга тушунай, деб қиламан гайрат.
Нечун ширин ёқмай баъзи инсонга,
Аччиқ нарсаларга қилади рағбат?*

Орадан бир-икки ой ўтгач, “Табобат хазинаси дурдоналаридан” номли китобим босилиб чиқди. Бу китоб охирида 50-60 та ўзимнинг тўртликларимни ҳам берган эдим. Китобдан ҳаммага совға қилдим. Эркин Воҳидовнинг биз билан бирга ишлаётган ўғли Хуршид ҳам бундан бенасиб қолмади. Бир ҳафта ўтгач, Хуршид олдимга келди.

- Дадам касалхонада эдилар, китобингизни уларга олиб бориб берган эдим, - деди у. - Кеча борганимда китобингиз ҳақида сўрадим. Дадам: “Ундаги табобатдан қилинган таржималарга сўз йўқ, бироқ ҳаммасидан мени лол қолдиргани унинг рубойлари бўлди” деди.

*Асар халқ ичига таралса асар,
Мукаррам бойлик деб қаралса асар.
Асрлар ўтса ҳам башар дилидан,
Жой олиб, йўқолмай туролса асар.*

Буни эшитиб, хурсандликдан юрагим гупиллаб уриб кетди. Эркин Воҳидов билан биз ҳечқачон учрашмаган эдик. Юзма-юз таниш бўлмаган одам ҳақида даврнинг буюк шоирининг шундай баҳо бериши унинг холис ниятли, беғараз инсон эканинига далил эди. Шоирнинг сўзи менга далда бўлди ва яна қўлимга қалам олдим.

*Хайёмдек қўлида жом деб ўйлама,
Бедилдек сўз мулки ром деб ўйлама.
Қўлимдан не келса, ўшани ёздим,
Пухта бўлмаса-да, хом деб ўйлама.*

“УСТОЗ”

“Тошкент оқшоми” муҳарририятида заҳматкаш инсон Тўлқин ака Расулов ҳузурида ўтирар эдим. Эшик очилиб, бизнинг институтда ишлайдиган кекса домламиз Шорасул Зуннун кириб келдилар. Мен Ш.Зуннун билан бирга ишласам ҳам, у киши билан ҳали яқиндан таниш эмас эдим. Домла ҳам мени юзимдан таниса-да, отимни билмас эдилар. Биз ўрнимиздан туриб, домлани кутиб олдик.

- Мана, устозингиз ҳам шу ерда, - деди Тўлқин ака домла билан кўришаётиб ва менга ишора қилди.

Мен ҳам, домла ҳам ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик. Тўлқин ака тушунтирди:

- Мана шу йигитни деб, “Оқшом”га боғланиб қолган эдингиз, шунга ҳазил қилиб, устозингиз деяпман.

Абадий бахт сари йўлловчи - устоз,

Билмагани аён айловчи -устоз.

Қалбингдан жаҳолат зангини ювиб,

Маърифат дурини жойловчи - устоз.

Домла қўлидаги материални Тўлқин акага топшириб, бир-икки оғиз сўзлашди-да, чиқиб кетдилар. Мен Тўлқин акага, нега бундай дедингиз, маъносида қарадим. Тўлқин ака:

- Домла сизнинг устингиздан бизга арз қилиб келган эдилар. Ўшанда “Ахлоқи Муҳсиний” асарини бераётган эдик. Домла: “Бу асар бошдан-оёқ подшоларнинг мақтови ҳақида, демак подшоларни қайтариб олиб келиш керак экан-да” деган эдилар. “Уни сиз билан бирга ишлаётган Маҳмуджон тайёрлаб бераялти” деган эдим, бироқ домла сизни танимади. Мен домлага: “Олим одам экансиз, бундай нарсаларга аҳамият бериш ўрнига ўзингиз одоб-ахлоқ ҳақида ёзиб беринг, халқимиз илмингиздан фойда олсин” дедим. Шундай қилиб, “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” рукни пайдо бўлди. Домла сизни танқид қилиш учун келмасалар эди, ажойиб рукн пайдо бўлмас эди. Шунинг учун, ҳазил қилиб, сизни устоз деб таништирдим.

Ҳа, Ш.Зуннун “Тошкент оқшоми”да 5-6 йилча бу рукнни олиб бордилар. Ёзганлари “Оз-оз ўрганиб доно бўлур” номи остида бир неча марта китоб ҳам бўлиб чиқди. Биз кейинчалик домла билан ота-бола бўлиб кетдик. Улар мени Муҳиббий деган тахаллус билан чақирар эдилар.

Олтин билан одам бўлмассан,

Олқин билан гамга тўлмассан.

Яхши деган ном қолдиролсанг,

Кўплар ўлар, сен-чи ўлмассан.



ЖИННИХОНА

Салоҳиятли шарқшунос олим Омонулла Бўриев билан институт остонасида гаплашиб турардик. Узоқдан Азиз Лазиззода домла кўриндилар. Бу доно инсон 26 йил қамоқда ётган ва халқ душмани тамғаси урилган эди. Қамоқдан чиққач, яна ижодга қайтган эдилар. Кекса домланинг бир неча асарлари босилган, катта кутубхонаси ва бой архиви бор эди. Домла тириклик пайтидаёқ, ўлганларидан сўнг архивини ўрганиб, нашр қилувчи ҳайъат раиси ва аъзоларининг рўйхатини тузиб қўйган эдилар. Рўйхатда мен ҳамда ёш олим Омонулла Бўриев ҳам бор эди. Домла Омонуллани жуда яхши кўрардилар.

Домла олдимизга етиб келгач, улар билан сўрашдик. Домла Омонуллага қараб дабдурустдан:

- Мен жиннихонага ётяпман, битта ўрин бор, мен билан ётмайсизми? - деб қолди.

Омонулла ралати бўлиб кетди ва “йўқ, йўқ, раҳмат” деганича, тез юриб, институтга кириб кетди. Мен:

- Домла, соғ одам қандай қилиб жиннихонага ётади? - деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

- Ий-э, - деди домла, - ҳали сизлар билмайдиганга ўхшайсизлар. Жиннихонанинг дам олишга мўлжалланган, жуда озода ва мукамал қилиб безатилган бўлими бор. Унда олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва бошқа соҳа кишилари дам олиб чиқадилар. У ерга ётиш осон эмас! Омонни яхши кўрганим учун таклиф қиляпман. Бошлиғи танишим бўлади, - дедилар-да институтга кириб кетдилар.

Балою қазодан замон асрасин,

Хоҳи ошкор, хоҳи пинҳон, асрасин.

Жиннихона агар жаннат бўлса ҳам,

Бу жаннатдан Тангри омон асрасин.

ДЎСТНИНГ ҚОЧИШИ

Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти бизнинг Шарқшунослик институтга қўшиб юборилди. Бу институт ходимларидан саккиз киши бизнинг бўлимга келиб тушди. Ходимлар собиқ институтларида ишга эркин келиш ҳуқуқига эга эканлар. Бизда эса тартиб бошқача бўлиб, ҳафтада уч кун қатъий ишга

келиш шарт эди. Тўртга аёл бунга чидай олмади. Уларнинг ичидан биттаси мамлакат Президенти номига хат ёзиб, остига қолган уч аёлнинг имзосини ҳам қўйиб, жўнатиб юборибди. Хатда институт директори, академик Музаффар Муҳиддинович Хайруллаевнинг шаънига куракда турмайдиган гаплар айтилган эди. Хатнинг иккинчи қисми менга “бағишланган” бўлиб, унда менинг “ваҳҳобий” эканлигим, аёлларни менсимайдиган феодал бўлиб, қўлёмаларни чет элга сотиб юборганлигим баён қилинган эди. Академияда тузилган махсус ҳайъат хатни текшириб, ифво хати эканлигини, унда келтирилган маълумотлар нотўғри эканлигини исботлади. Қизиғи шундаки, бу тўрт аёл хатни ёзганликларини бўйнига олмадилар.

Кейинги икки ой ичида шундай хатлардан яна тўрттаси Президент, шаҳар прокурори, академия президенти ва вице-президенти номига келиб тушди. Бу хатларда ҳам институт директорининг “айблари” фож қилинган бўлиб, мен эсам яна “ваҳҳобийликда”, китобфурушликда, феодалликда ва охириги хатда эса юқоридагиларга қўшимча равишда маънавий “нопокликда” айбланган эдим. Текширувлар бу маълумотларни туҳматдан иборат эканлигини кўрсатди. Охирида маълум бўлишича, бу хатларни уюштирган одам юқорида айтилган тўрт аёлдан бири бўлиб чиқди. Унга эса бу соҳада устаси фаранг бўлиб кетган ёзувчи эри ёрдам берар экан.

Шодликдан ҳамиша тонай десанг бўй,

Уйимда ҳар куни бўлсин десанг туй.

Ғам ила қайгулар йўқолсин десанг,

Ростгўй бўл, ростгўй бўл, ростгўй бўл, ростгўй.

Аёллар билан институт директори суҳбатлашди. Асосий мақсадлари институтга ўзлари хоҳлаган кунда келиш ва йил охирида режани бажариб, ҳисобот бериш экан. Улар бунга далил қилиб, Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёмалар институтида мавжуд бўлган тартибни рўқач қилишди. Директор бунга рози бўлмади. Иш интизоми ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Академия Президиумининг қарорини кўрсатди. Охири бу фитналарнинг асл сабабчиси бўлган аёл ишдан кетишга мажбур бўлди.

Новват нима ўзи, тотлик бўлмаса,

Ҳаёт нима ўзи, шодлик бўлмаса.

*Кишининг боридан йўғи яхшироқ,
Юз йил яшаб яхши отлик бўлмаса.*

Бир уни мазкур воқеаларни ўзга шаҳарда яшовчи кўнглимга яқин бир дўстимга айтиб бердим. Бу дўст мени шу даражада яхши кўрар эдики, уйимизда телефон кўнғироғи жирингласа, бу фалончи дер эдик, ҳақиқатдан ҳам ўша бўлиб чиқарди. У ҳар икки кунда бир кўнғироқ қилиб, аҳволимни сўрар ва соғиниб қолганидан шикоят қилар эди.

*Муҳаббатга тўла кон эрур дўстлар,
Бири ошу бири нон эрур дўстлар.
Бундан ортиқ яна таъриф қидирсанг,
Икки танда битта жон эрур дўстлар.*

У бирор баҳона чиқишини пойлар ва топилди дегунча Тошкентга ошиқарди. Ҳатто у менга жонини фидо қилишга тайёр, бир майиз топсам, икковимизга, дер эди.

*Пок ёмғир бу абри найсондан¹ келур,
Муҳаббат хайр ила эҳсондан келур.
Бировдан яхшилик кутмоқчи бўлсанг,
Яхшилик ҳаёли инсондан келур.*

Дўст менинг арзимни тинглагач, тезда жўнаб кетди. Ойлар ўтса ҳам дараги бўлмади. Кейин билсам, менинг “ваҳҳобий” деб айбланишимдан хавфга тушган, ўзини менга шерик бўлиб қолишдан қўрққан экан. Менинг “ваҳҳобий” эмаслигим эса Ойу Куёшдек барчага равшан эди.

*Дўстлик меҳнатига қилмасанг бардош,
Ҳақиқий дўст бўлмас сенга ҳеч бир бош.
Дарахтга бир боққин, қишга чидагач,
Охири баҳорга бўлади йўлдош.*

РАИС

Таътиллардан бирида Марҳаматга бордим. Катта акам Абдулхай Махдум:

- Аъзамхон раис тўй қилаётган экан, бирга бориб келайлик, - деб қолди.

¹ Абри найсон - апрел ёмғири, бу ёмғир тоза ҳисобланади ва табобатда дори тайёрлашда ишлатилади.

Аъзамхон раис хотин томондан қариндошимиз бўлиб, Ўш вилоятининг Аравон ноҳиясида яшар, узоқ йиллар колхозга раислик қилган эди. Уруш йиллари пул тўплаб, Россияга юборган ва бу пулга танк ишланган экан. Ҳозир ўша танкни Аравонга олиб келиб, ноҳия марказига ўрнатиб қўйишган.

Мен акам билан тўйга боришга рози бўлдим. Акам бироз иккиланиб:

- Бундан уч-тўрт йил аввал Аравонда бир ўтиришда раис билан бирга бўлган эдим. Журналда босилган бир ўсимликнинг дори тиги ҳақида гапираётган экан. Менинг Тошкентдаги укам ўтмиш ҳақимларининг ўсимликлар ҳақидаги сўзларини “Тошкент оқшомми”да чиқаряпти, бир ўқиб кўрсангиз бўларкан, деган эдим, у: “Мен айтаётган гапларни замонавий врач ёзган, ўтмиш ҳақимларнинг нимани биларди”, деб қўл силтаган эди. Ахир, одамларнинг ичида: “Қариндошимиз шундай нарсалар ҳақида ёзаяптими, майли, бир ўқиб кўрайлик” деб қўйса бўларди-ку! Шундан кейин, у одамдан бироз кўнглим қолган, -деди.

*Қор аста ёғару тоғ ҳосил қилар,
Дарахтлар кўпаяр, боғ ҳосил қилар.
Арзимас кўринган ҳар бир ёмон феъл
Йигилиб, юракда доғ ҳосил қилар.*

Ҳарқалай тўйга бордик. Ҳовли ўртасидаги катта сўридан жой олдик. Раис биз билан ўтирди. Одати бўйича ҳеч кимга сўз бермай, гапириб кетди. Сўзлари касаллик ва дорилар ҳақида эди.

*Дунёда ҳар ишнинг меъёри бордир,
Ортигу камликда қарори бордир.
Ойнага назар сол, меъёрни билмас,
Шунинг-чун юзида губори бордир.*

Раис бирдан менга мурожаат қилиб:

- Ука, 24 йиллик қанд касали стажига эгаман. Бормаган жойим ва ичмаган дорим қолмади. СССР дан тортиб то Чехословакиягача бориб келдим. Бўлмади. Охири бир сеҳрли дори топдим-у жоним тинчиди. Беш йилдан буён шу дори билан тирикман, - деб қолди.

Мен ҳам, бошқалар ҳам бу сеҳрлик дори нима экан, деб унга тикилиб қолдик. Буни сезган раис давом этди:

- Бир куни девор календари варағига ёзилган арпанинг хоси-

ятлари ҳақидаги нарсани топиб олдим. Шу дорини қилдим, мана беш йилдирки, азоб чекмай юрибман. Ўшда бир дўстим бор эди, у ҳам 25 йилдан бери шу касал билан оғрийди. Кўчириб ол, деб берсам, номард қайтиб бермади.

Мен раисга юзланиб:

- Ўша варақда арпа ўз тилидан, мен унга ва бунга дориман, деб гапирадими?-деб сўрадим.

- Ҳа, - деди раис, - сиз ҳам буни биласизми?

- Биласизмигина эмас, ўша нарсани мен ёзганман,- дедим. Сўнг тушунтиришга киришдим: - Андижонлик дўстим Қобилжон Аффонистонда ишлаётганда менга Эронда чиқадиган “Иттилоот” номли журналларни олиб келиб берган. Ундаги Фиёсуддин Жазоирийнинг “Забони хурокиҳо” (“Емишлар тили”) деган мазмундаги мақолаларини таржима қилиб, “Тошкент оқшоми” газетасида эълон қилганман. Девор календарисидаги мақола шу газетадан олиб босилган.

Шундай деб, акамга қарадим. Акам бирдан жонланиб:

- Раис тоға, эсингизда борми, бир ўтиришда: “Укам Тошкентда ўтмиш ҳақимларининг ёзганларини газетада бостирыпти, уни ўқисангиз бўлар экан” деганимда, қўл силтаган эдингиз, - деди.

Раис жим қолди ва менга узоқ тикилиб турди. “Менинг дорим қариндошларимнинг қўлида экан-у билмабман-да, ўшанда Абдулҳай Махсумнинг сўзига қулоқ солмай, хато қилган эканман” дейётганга ўхшарди.

Сўнг раис тилга кирди ва деди:

- Ука, бошқа табиблар ҳам бу касаллик ҳақида ёзганми?

- Бизнинг қўлёмалар фондимизда минглаб тиббий асарлар сақланади. Уларнинг ҳаммасида бу касалликка қарши махсус боблар берилган, - дедим.

- Жон ука, - ялинишга тушди раис, - бошқа дориларни ҳам менга ёзиб юборинг.

Мен ёзиб юборишга ваъда бердим.

Кетаётганимизда акам менга қараб:

- Ўшанда сўзимга қулоқ солганда катта фойда олган бўлар экан, жуда қўлга тушди-да, - деди.

Акам ўзича хурсанд, мен эса ўзимча хурсанд эдим. Менинг хурсандлигим - ёзганимнинг бекор кетмагани, бир одамнинг

бўлса-да дардига шифо бўлиб, жонига оро киргани эди.

*Сув келса, уйга зар кириб келади,
Полизга хуш самар кириб келади.
Сув катта-кичikka қарамас асло,
Ҳаммага баравар кириб келади.*

МЕН ЙЎҚ, ОЛАМ ЙЎҚ

Китобим чиқиб кўпайган сайин биродарим Саъдулла Сиёев Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишга ундар эди. Охири, қаттиқ туриб олгач, ҳужжатларимни тайёрладим ва ариза ташладим. Бир йилдан сўнг чақирди.

Ҳайбат аъзолари йиғилган хонага кириб қолибман. Саъдулла ака ёзувчилар билан таништирди ва мени уюшмага аъзо қилинишим ҳақида гапирди. Уларнинг ичида Ленин ҳақида катта достон ёзиб танилган бир шоир ҳам бор экан. Эътироз билдирди.

*Шоир бор, шайтоннинг ерда улоги,
Шоир бор, игвонинг узун қулоги.
Шоир бор, сўзлари дур ила гавҳар,
Гўёки ҳикматнинг қайнар булоги.*

У:

- Фалончиев шаҳмат ҳақида катта китоб ёзган, уни аъзоликка қабул қилишни тўрт йилдан буён орқага суриб келишади, бу йигитнинг ариза ташлаганига энди бир йил бўлибди, ҳеч бўлмаса беш йил кутсин, - деди.

- Бу йигитнинг 30 та китоби чиққан, мана иккита папкага ҳам сиғмаяпти, - деди Саъдулла ака ва папкадаги китобларимни кўрсатди.

*Китобим, барчадан бойим ўзингсан,
Тунимни ёритар Ойим ўзингсан.
Баданим илмга ташналаб бўлса,
Сугориб турувчи сойим ўзингсан.*

- Мен унинг бирорта китобини кўрган ҳам, ўқиган ҳам эмасман, - деди шоир.

- Демак, сиз янги китоб ўқимас экансиз-да! Бундан чиқди китоб магазинларига ҳам бормас экансиз! Сиз бу йигитнинг китобини кўрмаган, ўқимаган бўлсангиз, демак у олим ва таржимон

сифатида дунёда йўқ экан-да! Ўтмишда фалсафада “мен йўқ олам йўқ, мен бор олам бор” деган оқим бўлган, сўзингиз шу оқим намояндаларининг сўзларига ўхшаб кетяпти! - деди Саъдулла ака.

- Барибир, мен унга овоз бермайман, - деди шоир.

- Биз ўн иккитамиз, - деди Саъдулла ака, - сиз овоз бермасангиз, ўн биттамиз овоз берамиз.

Тасодифан хонага Ҳожиакбар Шайхов билан Ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол кириб қолди. Ҳожиакбар:

- Маҳмуд акани қачон уюшмага аъзо қиласизлар?- деб қолди.

- Бугун қабул қиламиз-да, - деди Жамол Камол.

Ўша куни уюшмага аъзо бўлдим. Мен билан бирга ариза ташлаганига бир йил ҳам бўлмаган иккита қобилиятли ёш ёзувчилар ҳам аъзо бўлишди. Ленинчи шоир айтган шахматчини барибир қабул қилишмади.

Бир гулки, бужмайган, юнгдайин эди,

Юзи доғ, қорайган тундайин эди.

Аста дедим: - Ажаб, бу қандай ҳолат?

У деди: - Отам ҳам шундайин эди!

Ташқарига чиққанда ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовни кўриб қолдим. У ҳам ҳайъат аъзоси экан. Елкамга қоқиб:

- Ҳеч ким билмаса ҳам, сизни биз биламиз! -деб кўйди.

Кейин билсам, ўша шоир мажлисда ҳақиқатдан ҳам менга қарши овоз бериб, мен уни танимайман, дебди.

Яхши ким? Тиллари баён қилади,

Яхшими-ёмонми, бир ён қилади.

Райҳонга қарагин, мақтовни шартмас,

Ўз ҳиди ўзини аён қилади.

ҚОНИҚИШ

Табобатга оид форс тилида ёзилган шеърый асарларнинг ўзбек тилига шеърый таржимасини амалга оширган эдим. Булар Шаҳобуддин ибн Абдулкаримнинг “Шифо ул-мараз” (“Касалликлар давоси”), Давоийнинг “Фавойид ул-инсон” (“Инсонларга фойдалар”) ва Ҳасратнинг “Низоми сиҳҳат” (“Саломатликни сақлаш тартиби”) каби асарлари эди. Буларнинг ҳаммасини “Тошкент оқшоми” газетаси саҳифаларида эълон қилган эдим.

Таниш-билишларим уларни тўплаб, китоб ҳолда нашр қилдиришни тавсия қилишар, мен эса бунга журъат қилолмас эдим. Ичимда, наҳотки менинг ҳам китобим чиқиши мумкин бўлса, дер эдим. Яна бирданига шеърин таржималарим-а!

Орадан бир неча йиллар ўтди. Нашриётга бориш истаги кучая бошлади. Таржималаримни “Медицина” нашриётига олиб бориб, бўлим бошлиғи Марҳамат Муслимовга кўрсатдим. Бу олижаноб ва доно инсон:

- Мен сизнинг номингизни Ўрта Осиёга ёяман! - деди. Хурсанд бўлиб кетдим.

*Фалак пештоқида, қарагин, ҳилол,
Тўлишиб, камайиб топаркан завол.
Юракдан қичқирар:-Умринг ўтмоқда,
Заволинг етмасдан топиб қол камол.*

Шундай қилиб, 1982 йилда “Ҳақимлар ҳикояти” номли митти чўнтак китобчаси дунёга келди. Шундан сўнг бошқа китобларим ҳам қаторлашиб чиқаверди.

*Ҳар ариқдан бир сув оқмоғи бордир,
Ҳар эшикни баҳор қоқмоғи бордир.
Меҳнатсевар, тўғри қалбли кишига,
Куни келиб бахтнинг боқмоғи бордир.*

1997 йили Академияда Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган умумий мажлис бўлди. Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев маъруза қилаётди: “Маҳмуд Ҳасаний фан номзоди бўлмаса ҳам, мустақиллик йилларида ўнлаб манбаларни нашр қилдирди. Мана, ишласа бўлар экан-ку!” деб қолди. Мажлис тугагач, ҳамма мени табриклай бошлади. А. Азизхўжаевнинг бу маърузаси “Халқ сўзи” газетасида ҳам босилиб чиқди.

*Ёзганим тотликда гўё бол бўлса,
Оламнинг юзида мангу хол бўлса.
Жаҳонда бор экан одамнинг зоти,
Ўқилса, ёдланса, безавол бўлса.*

Орадан бир неча кун ўтгач, кечкурун телефон жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилаётган Марҳамат ака экан. У ҳозирда “Сиҳат-саломатлик” журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлар эди.

- Табриклайман, Маҳмуджон, вазир ўринбосари сизни мақтабди, газетада ҳам босилиб чиқибди, - деди. Раҳмат айтдим. Марҳамат ака:

- Эсингизда борми, сизни Ўрта Осиёга танитаман, деган эдим. Мана айтганларим келди. Сизнинг 50 га яқин китобларингиз чиққан бўлса ҳам, биринчи фундаментни барибир “Медицина” кўйган, - деди.

Мен Марҳамат аканинг сўзларини мақтаниш эмас, балки бир маҳаллар менга қилган илтифотларидан қониқиш ҳисси деб қабул қилдим.

*Осмонда ёрқин Ой афти гўзалмиш,
Гулзорда булбулнинг савти гўзалмиш.
Ҳаммаси гўзалдир, валекин менга,
Бир инсон қалбининг тафти гўзалмиш.*

“ТАДБИРКОР” ЖИН

Бу қизнинг исми Машҳура эди. Бизнинг институтда тинчгина ишлаб юрарди. Бир куни у ишдан бўшаб кетди. Бошига оқ рўмол ёпинадиган бўлди. Кейин эшитсам, маҳалласидаги аёлларнинг маърака-мавридларини бошқарадиган отинга айланибди. Эсимда бор, бир куни менинг олдимга кириб: “Домла, қадимий китобларда жинлар, парилар, фаришталарни бошқарадиган дуолар бўлар экан, менга бирортасини топиб бермайсизми, жинлар хизматидан фойдаланмоқчиман” деган эди. Мен ўшанда: “Синглим, тинчгина ишлаб юрганингиз маъқулроқ” деган эдим.

Кейинчалик у бир куф-суф қиладиган отин аёлни топиб, ундан дуо ўрганибди ва тўрт марта чилла ўтириб, жинларни кўрадиган бўлибди. Бу ҳақда унинг ўзи телефон қилиб: “Менга дуо ўргатмаган эдингиз, мана хозир “одамларим” бор, улар билан ишляпман”- деди. Айтишича, “одами” унга тадбиркорликни ўргатмоқчи, бу орқали пул топиб, дунёдаги азиз жойларни зиёрат қилмоқчи экан. Нима ҳам дердим, омад тилаб қўя қолдим.

*Фойда учун нодон молга боқади,
Ўйлаши лаззатдир, болга боқади.
Доно интилади донолик томон,
Ботинини безар ҳолга боқади.*

Бир куни у институтга келиб қолди. Олдимга кириб, ўз ишла-

ри ҳақида гапириб берди. Айтишича, жуда камбағаллашиб қолибди, институтга келиш учун ҳам қўшнисидан қарз олибди.

- Чевар эдингиз, кўп пул топар эдингиз-ку! - дедим унга.

- Чеварликни ташлаганман, бир-икки ойдан бери жуда муҳим, жуда зарур иш билан кечаю кундуз бандман,- деди у.

- Нима, бу ишдан пул келмаяптими?

- Йўқ- деди у, - менинг “одамим” Россиядаги атом бомбалари жойлашган марказларнинг кодини ўргатмоқда. Икки ойдан буён шу иш билан бандман. Дафтарларим тўлиб кетди. Атом кодлари ҳар икки дақиқада, ойига, кунига ва соатига ўзгариб турар экан.

- Буни кимга кераги бор? - дедим.

- Ватанимизга керак, - деди у. - “Одамим”нинг ўзи рус, мен билан русча гаплашади.

Мен русдан ҳам “одам” бўлишини эшитиб ҳайрон бўлдим. ўзбек, форс ёки араблар қуриб қолган эканми?!

- Уни менга Хизр алайҳис салом олиб келиб, таништирган, - деди у.

- Ий-э, сиз хали Хизр билан ҳам танишмисиз? - дедим ажабланган бўлиб. - У билан мени учраштириб қўймайсизми?

- Кимдир азоб тортиб, қийналиб бир мақсадга етади-ю кимдир осонгина эришмоқчи бўлади, - деди у кесатиб. Сўнг асабийлашиб деди: - Мен бу ерга ади-бади айтиш учун келганим йўқ, сизнинг бошингизда оғир кулфат турибди, шу ҳақда гаплашгани келганман.

Ҳаётда аввало гаранг эзилур,

Сўнг тепса тебранмас заранг эзилур.

Ҳаммаси ҳақ, аммо менинг наздимда,

Аввало асаби таранг эзилур.

- Қўрқитманг, нима экан у ? - дедим.

- Ельцин ўзининг Жуна, Игнатенко, Чумак, Кашпировский каби дуохонларини йиғиб, нима учун Ўзбекистон яшнаб кетаётгани, Россияга бўйсунмай қўйгани ҳақида сўрабди. Улар: “Ўзбекистонда ўнбешта кучли дуохон бор, шу сабабли ривожланмоқда” дейишибди. Ельцин ўз разведкачиларини юбориб, ўша ўнбешта одамни аниқлатиб, рўйхатини туздирибди. Рўйхатнинг бошида мен, иккинчиси сиз экансиз. Ельцин ўз дуохонларига рўйхатдагиларни махсус дуолар орқали ўлдиришни буюрибди. Менинг

“одамим” қаршилик кўрсатадиган кодини берди. Ой осмонда ўнбеш кунлик бўлганда код орқали мен ўзимни қутқариб қолдим. Энди навбат сизга келди. Бугун душанба, якшанба куни сизга ҳужум бўлади ва сиз ҳалок бўласиз!

Мен бу гапларнинг бирортасига ҳам ишонмаганим учун бироз масхараомиз:

- Илтимос, синглим, мени ҳам қутқариб қолинг! - дедим.

*Дунёда ўлимга асло дармон йўқ,
Ўлим тарк айлаган ҳеч хонумон йўқ.
Ўлим бор-у, бироқ унда ҳам фарқ бор,
Элнинг фойдасига ўлсанг, армон йўқ.*

- Бу осон иш эмас, - деди у жиддийлашиб, - менинг “одамим” бу воқеаларни менга етказгач: “Ана энди сенинг тадбиркорлик билан шуғулланадиган вақтинг келди, рўйхатдаги ўнбешта дуохоннинг ҳар биридан минг доллардан олиб, ўлимдан қутқарасан. Бермаганлари ўлиб кетаверади. Олинган долларлар ҳисобига сафарга чиқасан. Аввал Туркменистоннинг Мари шаҳаридаги Хожа Юсуф Ҳамадоний, Эроннинг Машҳадидаги Имом Али Ризо, Самарқанддаги Хожа Аҳрори Валий, Бухородаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қиласан” деди. Агар сиз ҳам минг доллар берсангиз, ҳалокатдан озод бўласиз!

Бу сафсаталар жонимга теккач:

- Синглим, сиз мен ҳақимда қайғурманг, - дедим ва чўнтагимни ковлаб, беш юз сўм пул чиқардим-да:

- Мана буни йўлкира қилиб кетинг, - дедим.

У пулни санаб кўриб олдимга ташлади. Сўнг:

- Бу юқ ҳам бўлмайди, - деди-да, ирғиб туриб, эшикка йўналди ва шанғиллаб: - Одамларга яхшилик қилай десанг, устингдан кулишади! - дея жаҳл билан чиқиб кетди.

*Баданинг юрт бўлса, асабинг кўргон,
Кўргон маҳкам бўлса юрт бўлар омон.
Ғазаб сели ногоҳ ҳужум айласа,
Кўргонинг шу селга бўлади тўгон.*

Пайшанба куни телефон жиринглаб қолди. Кўтарсам, Машҳура экан.

- Маҳмуд ака, Хизр алайҳис салом билан гаплашдим, у сиз

билан учрашишга розилик берди. Бунинг учун Самарқандга бо-
риш керак. Бирга борамиз. Самарқанддаги Хизр масжидида жума
номозидан сўнг сизни Хизр кутади. Мен ўзим сизни уларнинг
олдига олиб бораман, - деди у.

Бу ҳам талбиси Иблис, яъни Шайтоннинг ҳийла найрангла-
ридан бири эди. Хизр алайҳис салом мен билан учрашмоқчи бўлса,
овора қилиб, Самарқандга чақирмас, Тошкентда ҳам учрашаве-
рар эди.

- Синглим, - дедим унга, - мен давлат ишидаги одамман. Ишим-
ни ташлаб, Самарқандга боролмайман. Майли, сиз бу ишларга
овора бўлмай қўяқолинг.

- Агар бормасангиз, - деди у, - бундан буён сиз учун бундай
шанс бўлмас экан, сирли илмлар ҳечқачон сизга насиб қилмас экан.

- Майли, қўяверинг! - дедим унга.

Машхура “тақ” этиб, телефон трубкасини қўйди.

Бу воқеаларни хотинимга айтиб берган эдим, ваҳимага ту-
шиб қолди. “Бу гаплар рост бўлса-чи?” деди ташвишланиб.

Орадан ҳафта кунлари ўтиб, Машкура “башорат” қилган
ҳалокатли якшанба ҳам етиб келди. Бироқ, ҳеч қандай ҳодиса юз
бермади. Мана орадан йиллар ҳам ўтди. Худога шукурки, соғ-са-
ломат юрибман.

*Нодон одам қуруқ қинга алданар,
Оти бўлмаса ҳам, зинга¹ алданар.
Комолотга етган пири бўлмаса,
Чилла ўтирар-у жинга алданар.*

ЎЗИМИЗНИНГ АЗАМАТ

Азамат Зиёев (Азамат Зиё) биз билан Шарқшунослик инсти-
тутида кўп йиллар бирга ишлаган эди. У тарихчи ёш олим сифа-
тида зукко табиатли, чуқур фикрли, меҳнаткаш, одамохун, ҳозир-
жавоб, айна пайтда хушчақчақ йигит эди.

*Адаб билан одам иззат топади,
Обрўю шарафу хизмат топади.
Адаб соҳиби-ла сўзлашган киши,
Руҳига дармону лаззат топади.*

¹ Зин - эгар.

У ўзининг тарих ва сиёсат соҳаларидаги кучли ва ўткир мақолалари билан тезда танилиб кетди ва Президентнинг матбуот бўйича давлат маслаҳатчиси вазифасига кўтарилди. Унинг ҳиммат дарёси янада жўшди ва саховат кафти булут каби меҳр дурларини соча бошлади.

*Ўлмай яшай десанг ном қолдириб кет,
Жамшиддек ўзингдан жом қолдириб кет.
Дунёда бир гишт бор, яхшилик лойи,
Ёу гишздан саройу том қолдириб кет.*

Бир куни у менга телефон қилиб, Шайх Хованди Таҳур ҳақида каттароқ бир мақола ёзишимни сўради. Ёздим ва элтиб бердим. Мақолага Шайх Хованди Таҳур ҳақидаги шеъримни ҳам қистириб қўйдим. Мақола “Халқ сўзи” газетасида “Сўфи бўлма, мулла бўлма, мусулмон бўл”, шеърим “Ўзбекистон овози” газетасида “Шайх Хованди Таҳур” номи билан босилиб чиқди. Азаматга телефон қилиб, ўз раҳматимни айтдим. У: “Маҳмуд ака, сиз кўп шеърлар ёзгансиз, тортиниб матбуотга бермайсиз, қачон ёрдим керак бўлса, мурожаат қилинг. Институтда сизга ўхшаган Омон Бўриев, Турғун Файзиев каби олимлар бор, уларга ёрдам бериш, бизнинг вазифамиз. Мен ҳар гал Президентимиз билан учрашганимда илм аҳлларидан ёрдамингни аяма, деб айтадилар” деди. Бундан дадилланиб, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғонийлар ҳаётини мухаммасда баён қилиб, унга олиб борган эдим, газеталарда босилиб чиқди ва илҳомимга янада илҳом қўшилди.

*Йигитнинг мардлиги ватанга фойда,
Гайрати ҳар тану баданга фойда.
Булутдан ибрат ол, ҳиммат томчиси,
Ердаги ҳар бир ўт-ўланга фойда.*

Президентимиз тарихчилар билан бўлган учрашувларида ўзбек давлатининг неча минг йилга тенглигини ўрганишга буюрган эдилар. Азамат бунга жавобан илмий тадқиқот ишини олиб бориб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва ўзбек давлатчилиги уч минг йилга тенг эканини исботлаб берди.

*АЗАМАТ ўз исму ҳам жисмига мос,
ЗИЁ тарқатмоқда эли учун хос.*

*Қилич бирла эмас, қалами бирлан,
“Ўзбек давлати” га сололди асос.*

Мен Шарқшунослик институтининг қўлэзмалар фондига бўлимига мудир бўлиб ишга ўтиб, ҳар гал қўлэзмалар орасидан ўтганимда бу асарларнинг соҳиблари мен билан унсиз тиллашаётганга ўхшар эдилар. Мен шу асарлар ҳақида тўртликлар ёза бошладим. Институтда фаолият кўрсатиб, марҳум бўлган олимлар ва ҳозирда ҳам фаолият кўрсатаётганлари ҳақида ҳам рубойлар ижод қилдим. Ходимларга ўқиб берсам, улар кўп маъқуллашди ва уларни китоб қилиб бостириб чиқаришни сўрашди. Бироқ буни бостириш осонми?

Орадан бир неча йил ҳам ўтиб кетди. Бир куни уларни тўпладим ва “Хазинадаги ўйлар” деб ном қўйиб, китоб ҳолига келтирдим. Бироқ қаерга ва кимга олиб боришни, ким билан маслаҳатлашишни билмас эдим. Бир куни ходимлар яна ўша рубойлар ҳақида сўз очиб қолишди ва охири: “Ўзимизнинг Азамат бор-ку” дейишди. Мен мана бу тўртликни ёздим-да, маслаҳат учун китобни Азаматга элтиб бердим:

*Эй Маҳмуд, сен учун бахт-иқбол ёр-ку,
Дўстларинг ёрдамга доим тайёр -ку.
Китобинг ҳақида кўп ўйлайверма,
Ахир укаҳонинг Азамат бор-ку!*

Ходимлар ўзимиздан чиққан Азамат Зиё билан доимо фахрланишади. Ажаб эмаски, унинг ҳиммат дарёси жўш уриб, институтимиз тарихини баён қилувчи бу асарнинг босилиб чиқишига ва олимларимизнинг номлари тарих саҳифаларида боқий қолишига сабаб бўлса!

*Эл учун тер тўкса агар одамзод,
Бир умр эл ичра номи бўлар ёд.
Куёшга бир қара, доим хизматда,
Шунинг-чун эл ундан кеча-кундуз шод.*

БЕТАМИЗ ЧУМЧУҚЛАР

Кичик ўрлимни уйлантириш учун Марҳаматга бордим. Тўй бўлди. Эрталаб ош бердик. Узоқ-яқиндагилар келиб, ош еб кетишди. Аммо Найман деган узоқ қишлоқдан келган Деҳқонбой номли бир танишим кетмай ўтираверди. Мен ўрта мактабни би-

тиргандан сўнг Асакададаги шофёрлик курсида у билан бирга ўқиган эдим. У мендан 20 ёшга катта эди.

Вақт ҳам физиллаб ўтиб, тушга яқинлашиб қолди. Тўйни бирга ўтказишга бел боғлаган қариндошларим ва дўстларим меҳмонхонамизда суҳбатлашиб, чой ичиб ўтиришарди. Шу пайт кимдир мени ичкарига чақирди. Кирдим, суҳбат қизғин эди. ўтирганлардан бири Деҳқонбой акага қараб:

- Узумзорингиз атрофига тўр илиб қўйинг, - деди.

- Илдим, бўлмади! - деди Деҳқонбой ака.

- Одамга ўхшатиб, кўғирчоқ “қўриқчи” ўрнатинг, - деди бошқа биров.

- Уни ҳам қилганман! - деди бўғилиб у.

- Ҳар жой, ҳар жойга ойна парчаларини илиб қўйиш керак, - деди бошқаси.

- Уни ҳам қилганман, фойдаси йў-ў-қ! - деди чўзиб Деҳқонбой ака.

- Эски пақир ичига тош боғлаб, қўнғироқ қилиш, чумчуқлар келганда, қўнғироқларни чалиш керак, - деди бошқа биров.

- Э-э, шундай қилишни билмайди, деб ўйлайсизми? - баттар асабийлашди у.

Латифу нозикдир асабнинг тори,

Бу торни узади одамнинг тори.

Торларим узилмай турсин дейилса,

Янграсин ҳамиша шодликнинг тори.

- Мен сизга бир яхши маслаҳат берайми? - деди маҳалла қассоби Мамасодиқ ака. - Бир киши Афандининг олдига бориб, уйда сичқон кўпайиб кетганидан шикоят қилибди. Афанди унга сичқон ўлдирадиган дори берибди. Бошқа куни ўша одам яна Афандининг олдига келиб, сичқонлар ўлмаётганидан шикоят қилибди. Афанди унга: “Аввал сичқонни ушлайсиз, оғзига доридан соласиз, сўнг айлантириб ерга урасиз, қарабсизки, ўлади-қолади”, деган экан. Сиз ҳам чумчуқларни ушлаб, оғзига олтингугурт солинг-да, ерга уринг!

Одамлар унинг гапидан “гур” этиб, кулиб юборишди.

Хандадан чехралар ханда қилади,

Ғамлар ўз ватанин канда қилади.

*Хушханда одамлар тезда ўзига,
Каттаю кичикни банда қилади.*

Деҳқонбой аканинг жаҳли чиқиб кетди:

- Эчкига жон, қассобга ёғ қайғу, мен нима ғамдаману сен нима ғамда, менинг жоним куйиб кетяпти-ю, сен ҳазил қиласан, аҳмоқ!
- деди.

*Шодликнинг боиси ҳазил бўлади,
Бироқ натижаси разил бўлади.
Ҳазилдан юз қизил, бу шодлик дема,
Иситма чиққанда қизил бўлади.*

- Э, эсимга тушиб қолди, - деди шу пайт кичик акам Муҳаммадхон, - дадам бир форсча китобдан ўқиётганда эшитиб қолган эдим. Қора қарғаларни тутиш учун донни олтингурурт сувида қайнатиб, уларга бериш керак экан. Улар еган жойларида ҳушидан кетиб, йиқилиб қолишар экан.

- Уни ҳам қилганман! - деди Деҳқонбой ака. - Чумчуқлар битта донни ҳам чўқишмади.

Шундай деб у менга юзланди.

- Ука, - деди у, - ҳовлим катта, бошдан-оёқ тоқзор. Чумчуқлар ҳеч кимнинг узумига қўнмай, фақат меникига келишади. Қайси донасига сув югурса, дарҳол ўшани чўқишади. Қилмаган ишим қолмади. Кеча ҳовлига чиқиб, йиғлаб юбордим. Жаҳлим чиқиб, болтани олдим-да, ҳамма тоқларни кесиб ташламоқчи бўлдим! Ахир уларга озмунча меҳнатим синганми! Менинг деҳқончилигим шу, уларни сотиб, бола-чақаларнинг тирикчилигига ишлатаман. Ҳусайни ва келинбармоғи узумларининг ҳолини кўриб, бошимни қайга уришни ҳам билмай қолдим.

*“Каттақўрғон” сари зинама-зина,
Борардим, Ҳусайни бошлади гина.
“Келинбармоқ” хафа бўлиб тебранди,
“Шибирғони”¹ деди: “Ётга санама!”*

*Сигирнинг қаймоғи оғзимда бўлса,
Лаззатнинг булоғи оғзимда бўлса.*

¹ Шибирғон - Афғонистондаги шаҳар.

*Йўқ, йўқ, кўнгиш тўлмас, яхшиси шуки,
“Келиннинг бармоги” оғзимда бўлса.*

Деҳқонбой ақанинг гапларини эшитгач:

- Мендан нима тилайсиз? - дедим.

- Чумчуқларнинг жағини боғлаб берсангиз!

Ўтирганлардан баъзилари мени нима дер экан деб, жим бўлиб қолишди. Баъзилари пиқ-пиқ қилиб кула бошлади. Қизиги шуки, бу илтимосдан ҳаммадан кўра ҳайронроқ менинг ўзим эдим. Аввал бошқаларга қўшилиб, кулмоқчи бўлдим, бироқ бу одамнинг жони оғриб турганини кўриб, ўзимни босдим. Сўнг сўрадим:

- Ўзингиз бирорта одам чумчуқларнинг жағини боғлаганини кўрганмисиз?

- Эшон маҳаллада Карим деган одам бўларди, у чумчуққа ўхшатиб сайрашни биларди, у ҳар гал сайраганда, чумчуқлар унинг олдига келиб, тўпланиб олишарди, - деди у.

- Чумчуқнинг жағини боғлаш билан сайраб, тўплаш орасида фарқ бор-ку, - дедим мен.

- Сиз кўп китоб ўқигансиз, - деди у бўш келмай. - Китобларда ҳамма нарсанинг илми ёзилган бўлади.

Мен Деҳқонбой акага чумчуқнинг жағини боғлайдиган илм йўқлигини, борди-ю шундай илм бўлганда ҳам, бундай илмни ўқимаганлигимни, одамларга бундай гапларни гапирса, кулги бўлиб қолишини эринмай тушунтирдим. Деҳқонбой ақанинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди. Қўлини силтаб:

- Ўттиз йил Тошкентда илм ўқиб, чумчуқнинг жағини боғлаёлмасангиз, сизга илм ҳайф экан! - деди-да, ўрнидан туриб, хайрни ҳам нася қилганича жўнаб қолди.

Шод яша, кулги-ю тарабни сақла,

Оила, насл ила насабни сақла.

Дунёда гим кўрмай яшайин десанг,

Аввало, аввало, асабни сақла.

Тўй тугаб, бироз тинчиганимдан сўнг, марҳум қиблагоҳим Махдум Восилийнинг мерос қолган китобхонасини кавлай бошладим. Қиблагоҳимнинг ўзлари ҳам табобат, тарих, адабиёт, шарриятга оид қирқдан ортиқ ёзган китоблари бор эди. Уларнинг ичида “Мажмаъ ул-адъийа” (“Дуолар мажмуаси”) китоблари ҳам бор

эди. Уни беихтиёр варақлай бошладим. Саҳифалардан бирида ҳай-вонот, парранда ва даррандаларнинг зарарини дафъ қиладиган дуо бўлиб, бу дуони тўртта қороз парчасига ёзиб, боғнинг тўрт томонига осиб қўйилса, боғ зарарлардан омон бўлади, дейилган экан. Бечора Деҳқонбой ака, китобларда ҳамма нарса бўлади, деганда ростдан ҳам ҳақ экан. Бироқ мен дуохонлик билан шуғуланмаганим ва бу иш менга хос эмаслигини ҳисобга олиб, бу ҳақда Деҳқонбой акага хабар қилмадим.

*Боларининг фикри доимо болда,
Нодонники эса пул ила молда.
Доно ўйлар фақат илм олишни,
Кеча-кундуз умри ўқиган ҳолда.*

ШОГИРДНИНГ “БАШОРАТИ”

Лаборант қиз Машҳура тез-тез олдимга кириб турар ва бу ерда ишлаётганларнинг арабча, форсча, ҳиндча, урдуча билишлари, араб алифбосида ёзилган эски ўзбек тилидаги асарларни бемалол ўқишлари ҳавасини келтираётгани ҳақида гапирарди. У мендан илтимос қилиб, араб алифбосини ўргатишни, Аҳмад Ясавий, Навоий, Муқимий, Фурқат асарларини асл нусхада ўқимоқчи эканини айтди.

*Илм орзу қилсанг ёшликда ўқи,
Идрок ила тўла бошликда ўқи.
Қарисанг, хотира бўлади барбод,
Ёшликда хотира тошликда ўқи.*

Қисқаси, у кўп ўтмай араб алифбосидаги асарларни яхшигина ўқийдиган бўлиб қолди.

*Илмда азоблар лим-лим бўлади,
Юрагинг тилиму тилим бўлади
Юрагинг тилиниб, багринг сўкилгач,
Шунда у лиммо-лим билим бўлади.*

Ёши бироз ўтиб қолган бу қизнинг эс-ҳуши жойида бўлса-да, бироқ феъли жуда тор эди. Одамлар: “Бу қиз билан қандай муомала қиласиз?” деб сўрашарди.

*Томчилар қўшилиб, кўлга айланар,
Ҳосиллар йигилиб, мўлга айланар.
Юрагинг бог бўлса, бадфееьллик янтоқ,
Янтоқни юлмасанг, чўлга айланар.*

Улар менга: “Бу қиз илонга ўхшайди, заҳар тили билан ҳамма-ни чақиб олади, наҳотки сизни чақмаётган бўлса?” дейишарди.

*Ёмон бўлса ҳамки ҳар қандай инсон,
Тарбия малҳамин сургин ўша он.
Илонни кўрдингми, бошин силашса,
Заҳридан эл учун бермоқда дармон.*

Унинг энг ёмон одати - отасини ёмонлаш эди. У эрталабдан олдимга кириб олар ва сўзни отасининг нуқсонларидан бошлаб, ёмонлашга киришарди.

*Ота ва она бу - икки қанотинг,
У билан муяссар лаззату тотинг.
Ризосин излагин ота-онани,
Бўлмаса булганиб ўтар ҳаётинг.*

Унинг фикрича, онаси ҳам айбу нуқсонлардан холий бўлмай, у ҳам, отаси уни ҳам Машҳурани тушунмас эмишлар.

*Азиз отам қалбим кўкида қуёш,
Онам-чи, шу қуёш ёнида йўлдош.
Қуёшу йўлдошим барқарор экан,
Иқболим қулгану муяссар бардош.*

У ҳамма одамни ёмон дерди. Айниқса эркакларнинг барчаси ёмон, шунинг учун турмушга чиқишдан воз кечиб, ёлғиз ўтишга қарор қилганмиш. У ҳар икки кунда ўзига совчилар келаётганини, бироқ уларни турли йўл билан айнаб кетишларига эришаётганини ҳикоя қиларди.

Ҳикматларда: “Агар бир одам сенга бошқа одамни ёмонлаб келса, билгинки, сени ҳам бошқа бировларга ёмонлайди” дейилди. Ичимда, бу қиз мени ҳам бошқаларга ёмонласа керак, деб ўйлардим.

Машҳура бир куни ишдан бўшаб, чеварликка ўтди. Чеварликдан отинликка ўтди. Кейинроқ эса “одамлари” билан ишлайдиган дуохонга айланди. У эркакларни ёмон кўришдан воз ке-

чибдими, ҳар қалай кимгадир турмушга чиқишга рози бўлибди, бироқ бўлғуси куёв унга уйланишдан айниб қолибди.

Бир куни олдимга таниш аёллардан бири келиб қолди. У Машҳурани тез-тез кўриб турар экан. Машҳура унга: “Мен одамларим орқали Шарқшунослик институтида бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини билиб тураман. Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтидан келган Маъмура исмли аёл Маҳмуд аканинг “ваҳобий”лигини “фош” қилиб, Президентга хат ёзган. Яқинда у ишдан кетади”, дебди.

*Баъзилар салга ҳам захрин сочишар,
Дарровда жанжалга эшик очишар.
Қарагин, саримсоқ зўр даво, бироқ,
Сассиқдир, шунинг-чун ундан қочишар.*

Менинг “ваҳобий” эмаслигимни энг кўп биладиган бу - Машҳура эди. Мен унга диний оқимлар нима, ваҳобийликнинг зарарли моҳият нимадан иборат эканлигини яхшилаб тушунтириб қўйган эдим. У: “Маҳмуд акага туҳмат қилишибди, у ваҳобий эмас, ҳақиқат қарор топиб, туҳматчи жазосини олади” дейиш ўрнига, юқоридаги “башорат”ни берибди.

*Шолизор ичида, қарасам, курмак,
Бошга донларини қилибди турмак.
“Уф” десам, шולי дер: - гам чекма бунча,
Қайда шולי бўлса, бўлмас бекурмак.*

Олдимга келган аёлга дедим:

- Бу хат аллақачон текширилиб, ифво хати эканлиги ошкор бўлган. Машҳура менинг ҳақимда “башорат” қилиш ўрнига “одамлари”дан ўзининг қачон эрга тегиши ва бахтли бўлишини сўраганда, яхшироқ бўлар эди.

*Ғайб сирин англамоқ ўта маҳолдир,
Бунга қўл урганнинг умри заволдир.
Дунёда ҳамиша яхши ният қил,
Яхши ният қилмоқ бу ярим молдир.*



ЛУҒАТ

Тил ўрганиш ва уни мукаммал эгаллаш - дунёдаги энг қийин ишлардан бири.

*Ўрганай тил десанг саёҳат кутма,
Бошингни огритмай, саодат кутма.
Жонингни қийнасанг тил ҳосил бўлар,
Тилга уриндингни, ҳаловат кутма.*

Айниқса, манбашунос олимнинг иши қийин. У нафақат тилни билиши, балки тарихни чуқур ўрганиши, ўтмишдаги халқларнинг урф-одатларини, динини, ҳатто шеваларигача мукаммал билиши керак. Араб, форс тилларидаги манбаларни чуқур тадқиқ қилишда шарқшунослар учун энг катта ҳамдам ва кўмакчи бу - луғатдир.

*Дўстиниг бўлса бир гал ҳожат чиқарар,
Гоҳ чала, гоҳ тугал ҳожат чиқарар.
Аммо лугат шундай самимий дўстки,
Туну кун, ҳар маҳал ҳожат чиқарар.*

Бир куни йирик манбашунос олим Исмадулла Абдуллаев билан сўзлашиб қолдим. Арабча бир сўз устида тортишиб қолдик.

- Тортишувни нима кераги бор, - деди Исмадулла ака.- Луғат қарайлик, ахир луғатдек улуг мададкор борми?

Луғат қарадик. Масала ҳал бўлди. Шунда Исмадулла ака:

- Менинг устозим машҳур рус олими А.И.Беляев эди. У менга луғат қарашдан ҳечқачон эринмасликни тайинлар эди. Шунинг учун, бирорта сўзда шубҳа тувилса, дарҳол луғатга қарайман ва ҳечқачон хато қилмайман. Баъзи олимлар луғатга қарашдан эриниб, кўп сўзларнинг маъносини хато беришади,- деди.

Исмадулла аканинг бу сўзи менга ибрат бўлди ва ёдимда ҳамisha сақланиб қолди.

*Сўзлар хазинаси лугатим менинг,
Олтин дафинаси лугатим менинг.
Ҳар куни юз марта тавоф қиламан,
Кўнгил Мадинаси лугатим менинг.*

Бутун дунё шарқшунослари орасида етук манбашунос олим сифатида танилган академик Убайдулла Каримовнинг 80 йиллик юбилейлари бўлаётган эди. Ҳар ким улар ҳақида ўз хотиралари

билан ўртоқлашар эди. Навойишунос олим Абдуқодир Ҳайитметов минбарга кўтарилди. Сўз орасида деди:

- Убайдулла аканинг энг ажойиб хислатларидан бири - эринмай луғат қараши эди. Бир куни улардан бир сўзнинг маъносини сўрадим. Луғат қараб айтармиз, дедилар. Луғатни ўзимиз ҳам қараб айтаверамиз, дедим. Сиз шунга йўқроқсиз-да, дедилар кулиб.

Ҳа, ҳақиқий олим учун ҳақиқий йўлдош бу луғатдир. Луғатга ружу қилган ва уни варақлашдан эринмайдиган олимгина хато қилмайди ва ҳақиқий билим хазинасига эга бўлади.

*Мушуқулиниг доим ҳал лугатинг бўлса,
Кўмакчи ҳар маҳал лугатинг бўлса.
Беминнат таржумон, дилу ақлингга-
Етади кўп сайқал лугатинг бўл*

ПИСТОНИЙ ВА БЎСТОНИЙ

Шарқшунос дўстим Асадали:

- Билим жамияти орқали Бекободга бориб, бир айланиб келмайсизми? - деб қолди. - Саёҳат бўлади, атрофларни тамоша қилиб келасиз.

Мен Расулulloҳнинг: “Саёҳат қилинглар, соғланасизлар” деган ҳадиси шарифларини эсладим ва рози бўлдим.

*Фарогатнинг тағи саёҳатдадир,
Саёҳатчи доим фарогатдадир.
Саломатлик ҳамдам саёҳатчига,
Саёҳатчи доим саломатдадир.*

Тўрт киши бўлиб, йўлга чиқдик. Тоғу боғлар орасидан ўтиб, табиат гўзалликларидан завқ ола бошладик.

*Сайр қилар жойинг доим боғ бўлсин,
Саёҳатга чиқар жойинг тоғ бўлсин.
Юз йилларни босиб ўтайин десанг,
Аччиғанма, вақтинг доим чоғ бўлсин.*

Бекободга келиб, Билим жамияти бўлимнинг раисини топдик. Асадалига таниш экан. Бир неча жамоа хўжалиқларига бориб, маърузалар қилдик. Кечқурун Билим жамиятининг раиси уйига олиб кетди. Роҳат қилиб ётдик. Ҳаво соф, юзларга жонбахш насим шамоли урилади. Қайдандир булбул овози келади.

*Нақ тонгда тугилди ажойиб бир гул,
Уйқуни тарк этиб пойлади булбул.
Уйқу бандалари гафлатда қолиб,
Ушбу воқеани сезмади буткул.*

Эрталаб уйғониб, юз-қўлимизни ювдик. Тайёрлаб қўйилган дастурхонга ўтирдик. Ҳамма жамулжам, бироқ санъатшунос олим Абдумажид Мадраимов йўқ эди. Бироздан сўнг, қўлида ҳали тўлиқ етилиб пишмаган бир бош ғўр узум билан кириб келди. У юзини ювгач, раиснинг боғига кирибди ва ҳали уй соҳиблари қўл тегизмаган ғур узумдан узиб келибди. Раиснинг қарашидан бироз норози эканини сездим. Узум пишганда эди, раиснинг ўзи узиб келган бўларди. Бундан ташқари, бирор ҳосилга уй эгалари дуою фотиҳа қилиб қўл уришлари ўзбекларда одат тусига кирган.

Биз ювиниб бўлгунимизча, уй эгаси дастурхонга бир косадан иссиқ сут келтириб қўйган экан. Ичиб олдик. Абдумажид ҳам ичди. Орқасидан ҳеч кимга бир дона ҳам илтифот қилмай, узумдан ейишга киришди. Мен унга:

- Пистоний билан бўстонийни қўшиб бўлмайди, - дедим.
- Бу нима деганингиз? - деб сўради у.
- Табобат қонуни бўйича, пистоний, яъни соғилган нарса билан бўстоний, яъни боғда етилган нарсани аралаштириб бўлмайди, - деб тушунтирдим.
- Бизнинг ошқозонимиз тошни ҳам ҳазм қилади, - деди у ва парво қилмай узумни еяверди.

Бошқа унга эътибор қилмадик, ҳар хил ширин гаплардан гапириб ўтиравердик.

*Ширин сўз мазада узум кабидир,
Қадр ила қиммати кўзум кабидир.
“Яхши”¹ бўл, бўлмаса “ях” бўлар “иш”инг,
Ях “муз”у, қиммати бир “зум” кабидир.*

Унча-мунча одамга гап бермайдиган Абдумажид жим бўлиб қолганига эътибор бердим. Сал ўтмай, у хонтахта устидан сакраб ўтиб, дераза томонга югурди. Деразадан бошини чиқариб, ҳайқириқ билан қаттиқ қусиб юборди.

¹ Мақлуб санъати бўйича, яхши сўзидан “ях” ва “иш”, “муз”дан эса “зум” чиқади.

*Оз есанг, мошинг ҳам ошга айланур,
Иззатда кўз ила қошга айланур.
Пайдарнай емаки, ел пайдо қилиб,
Ҳар мошинг ичингда тошга айланур.*

У юз-қўлини артиб, жойига келиб ўтиргач:

- Пистоний билан бўстонийни қўшманг деган эдим-ку! - дедим.

У бўш келмай:

- Шундай демаганингизда ҳазм бўлиб кетар эди! - деди.

Бу воқеа институтга ҳам етиб келибди. Эрталаб ишга келаётсам, институт директорининг муовини Баҳриддин Маннонов мени узоқдан кўриб қолиб:

- Пистоний ва бўстоний! - деб хохолаб кула бошлади.

*Ғамлар куйиб агар бўлсин десанг кул,
Уйим тўлсин десанг шодликка буткул.
Душман куйиб, дўстлар шод бўлсин десанг,
Кул доим, кул доим, кул доимо, кул.*

ТУҲФА

Марҳаматда бир қизиқ одат бор, тўйга бордингми, у қандай тўй бўлишидан қатъий назар, тўй эгасининг кўлига пул қистиришинг керак. Бу пулнинг миқдори баҳоли қудрат бўлади, кимдир эллик сўм, кимдир юз сўм, кимдир ундан кўпроқ. Каттами-кичикми, барибир, пулсиз тўйга бормайди. Тўй эгасининг чўнтаклари пулга тўлади, шунинг учун у кун иссиқ бўлишига қарамай, костюм кийиб олади. Шунда ҳам пул сизмай қолса у пайтда тўй эгасининг ёнида ишончли бир одам бўлади, тушган пулларни унга бериб туради...

Ўғлимни уйлантирмоқчи эдим. Муносиб келин топилдию тўйни ҳам бошлаб юбордик.

*Янграр карнайнинг сози, бугун тўйдир, бугун тўй,
Шўх куйларнинг парвози, бугун тўйдир, бугун тўй.
Меҳмонларни чорлабон атрофга тарқалар,
Тўйбошининг овози: "Бугун тўйдир, бугун, тўй!"*

Тонг саҳардан одамлар оқиб кела бошлади. Август ойи бўлиб, ҳаво бароят иссиқ бўлгани учун костюм киймадим. Яхшиямки, одамларнинг баъзилари мен билан пул бериб кўришса, баъзилари бўлғуси кўёв бўлмиш ўғлим билан кўришар эдилар. Ўғлим-

нинг костюм кийиб олгани бакор келди.

*Одамларни овора қилган нарса пул бўлар,
Пул бўлмаса, қарзлардан бўйнингда бир гул¹ бўлар.
Пулинг бўлса, пулдорман, дея асло керилма,
Куни келиб, пулларинг бир лаҳзада кул бўлар.*

Эрталаб одамлар келиб, ош еб, тарқалиб бўлгач, ош ейиш навбати бизга келди. Қариндош ва дўстлар билан уйга кирдик. Мириқиб ош еяётган пайтимда бир киши кириб:

- Маҳмуд ака, кўчада бир одам сизни кутяпти, зарур иши бор экан, - деб қолди.

- Киравермайдими, бугун эшигимиз ҳаммага очиқ, - дедим.

- Рози бўлмапти, - деди у.

Кўчага чиқдим. Қарасам, Аравон қишлоғида яшовчи Ботиржон деган қариндошимиз экан. У ошдан сўнг Туябўйиндаги совхозга бориши зарурлигини айтиб, ёнига “Техпомощь” деб ёзилган машинасига ўтириб, жўнаб кетган эди. Унинг олдида бордим.

- Ака, кеча Аравондан ялиниб-ёлвориб, бир справка олган эдим, уни совхозга элтиб беришим зарур эди, - деди у.

- Бунга нима тўсқинлик қилапти, ёрдам керак бўлса, айтаверинг, - дедим мен.

- Озгина англашилмовчилик юз берибди, - деди у қизариб.

Мен ҳамон тушунмай:

- Тортинмай айтаверинг, нима ёрдам керак бўлса, бажонидил, - дедим.

- Юринг, машинага ўтирайлик, - деди у.

Биргалашиб машина олдида бордик ва машина кабинасига кириб ўтирдик.

- Ака, чўнтагингиздаги пулларни чиқаринг! - деди у.

Мен ичимда, ҳа, унга пул керак бўлиб қолган экан-да, бугун менга пул тушганини билиб, тўғри менинг олдимга келибди, деб ўйладим. Аммо тўйчилик, ўзимга ҳам пул керак бўлиб қолишлигини ўйлаб, бироз иккилангандек бўлдим, лекин мендан кўра унга пул зарурроққа ўхшайди, деб “хўп, хўп” дедим-да, пулларни чиқара бошладим. Ҳали ҳаммасини чиқариб улгурмаган эдимки, у:

- Бўлди, бўлди, ака, иш битди, - деди ва пулларнинг орасидан

¹ Фул - занжир.

бир қоғозни олди. Сўнг: - Мана шу нарса керак эди, эрталаб пул ўрнига, справка билан кўришиб юборган эканман, - деди.

Мен кулиб юбордим. У справкани топганидан хурсанд эди. Чўнтагидан пул чиқарди-да, мен билан бошқатдан кўришди.

*Яна қариндошим чақирди тўйга,
Яна десам борма сен ҳар хил ўйга.
Яқинда бир кўйдан қутулган эдим,
Яна тушар бўлдим бошқа бир кўйга.*

РАСМИНИ ЯШИРГАН РАССОМ

Ёшлигимда қиблагоҳим Махдум Восилийдан эшитган эдим. Ҳадисларда, бировнинг хатини рухсатсиз ўқиш хиёнат қилиш билан тенг, дейилган экан. Қиблагоҳим айтар эдилар: “Киши бировнинг уйига кирса, уй соҳибининг ёзган нарсаларини ижозатсиз олиб ўқимаслиги керак. Фақатгина, китобларнигина рухсатсиз олиб ўқиш мумкин”

*Ёзиб ол бу сўзни юрак қатига,
Қарама бировнинг маҳрам зотига.
Китобга қарасанг, қарайвер, бироқ,
Зинҳор боқакўрма унинг хатига.*

Қиблагоҳимнинг ҳикоя қилишларича, “Қутби чаҳордахум”, яъни “Ўн тўртинчи қутб” номини олган ва ўзи Тошкентнинг Кўкча даҳасида яшаган Зайнулдин бобонинг шогирди Нуриддин Басирнинг бир ўғли бўлган экан. У ёшлигидаёқ кўп илмларни эгаллаб, машойхлар зиёратида юрган экан. Бир куни дадасига:

- Мен Туркистондаги барча шайхларни зиёрат қилиб бўлдим, фақатгина Ўзгандаги Қилич Бурҳонуддин қолди, унинг зиёрати-га боришга ижозат берсангиз, - дебди.

Отаси:

- Ўғлим, ул зотнинг жаҳллари ёмон, бормагин,-дебди.

Ўғил:

- Мен ул зот билан урушгани эмас, балки суҳбатлашгани бо-раман-ку, - дебди ва жўнаб кетибди.

Йигит Ўзганга етиб бориб, Қилич Бурҳонуддин азизнинг ҳузурига кирибди. Бироз суҳбатдан сўнг, шайх таҳоратга чиқибди. Шайх шу кунларда қандайдир китоб ёзаётган экан, йигит уни олиб

ўқибди ва ўзича бир имло хатосини қалами билан тўғрилаган бўлибди. Шайх қайтиб киргач:

- Ёзувингизда хато бор экан, тўғирлаб қўйдим, - дебди.

Шайхнинг бирданига рангги рўйи ўзгариб, йигитнинг беадаблигига ғазаби келибди. У йигитга ғазаб билан тикилган экан, йигит ўша онда жон берибди. Йигитнинг отаси Нуриддин Басир авлиёлик қуввати билан бу ҳолни кузатиб турган экан. “Биродарам Бурҳонуддин кори худро кард”, яъни “биродарим Бурҳонуддин ўзига ўзи қилди” деб, авлиёлик ўқини Бурҳонуддинга отибди. Қилич Бурҳонуддин ҳам ўша жойда вафот қилибди.

- Бу ҳикоя, - деган эдилар қиблагоҳим, - Хожа Аҳрори Валийнинг “Фақароти Аҳрориййа” китобида ёзилган. Демак йигит ёшлиқ қилиб, хатога йўл қўйган ва бировнинг хатига ижозатсиз қарагани ўзига зарар бўлган.

*Ақлнинг чангини артиб турса соз,
Ҳар ишдан бир фойда етиб турса соз.
Ҳаммаси созу соз, аммо ҳар ишнинг,
Бошида адабу тартиб турса соз.*

Қиблагоҳимнинг бу ўғитлари хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган эди. Олим дўстларимнинг хоналарига кирсам, кўзимни доим тияр, ёзган нарсаларига асло қарамас, ҳатто ёзув столига яқин бормасликка ҳаракат қилар эдим.

Бир куни ўз қўл остимда ишлайдиган бир ходим ўтирадиган хонанинг эшигини очдим. Бу ходим етук рассом бўлиб, қўлёзма асарларга миниатюра чизар эди. Ходимнинг столи эшиқдан анча нарида эди. Ходим менинг кирганимни кўриб, чизаётган расми устига чаққонлик билан газета ташлади ва мен билан кўришиш учун йўналди. Мен унинг олдига кам кирар ва кам ўтирар эдим. Бу гал ҳам бир оғиз гапни айтиш учунгина қадам қўйгандим. Керакли гапни айтдим у орқамга қайтдим.

*Ёмон иш ўзингни оқлай билмаслик,
Инсонлик одобин сақлай билмаслик.
Ёмондан ҳам ёмон бир иш борки, бу -
Дўст билан душманни фарқлай билмаслик.*

Орқамга қайтдим у юрагимда бир оғриқ сездим. Наҳотки у мени шу даражада одобсиз деб билса?

*Беадаб эл ичра забун бўлади,
Дилида ечилмас тугун бўлади.
Адабли кишининг ёронлари шод,
Юзи эса доим гулгун бўлади.*

Бошқа жиҳатдан қараганда, ўз раҳбаридан яширинча иш қилиб, давлат пул тўлаётган азиз вақтни ўзга нарсага сарфлаши ҳам инсофдан эмас эди. Нима бўлганда ҳам, бу одобсизлик менга жуда оғир ботди ва у ўтирган хонага бошқа қадам қўймайдиган бўлдим.

*Беадаб эл ичра ҳамиша хордир,
Бир огиз ширин сўз эшитмай, зордир.
Ҳеч кимга ёқмагай феълү атвори,
Кенг дунё унинг-чун бир умр тордир.*

МЕҲР

Исматулла Абдуллаев йирик арабшунос олим эди. Биз уни “Араб адабиётининг отаси” дер эдик. Наманганликлар эса уни “етимсевар олим” деб аташар экан. Бу олим ёшларга жонкуяр устоз эди:

*Одамлар мумтози - устозим менинг,
Қалбимнинг пардози - устозим менинг.
Қанчалаб ҳамрози бўлмасин дилни,
Ҳақиқий ҳамрози - устозим менинг.*

Олим одоб - ахлоқни хуш кўрар, ёшми-каттами, одобсизлик қилса, шартта юзига айтар эди

*Инсон азизлиги адаб туфайли,
Элда лазизлиги адаб туфайли.
Катта-кичик учун ёқимлилиги,
Ширин тамизлиги адаб туфайли.*

Олим ёлгонни ёмон кўрарди, ёлгон сўзлаган одамни кўрса, жон-пони чиқиб кетарди.

*Ёлгон сўздан обрў тўзон бўлади,
Умр гулзорлари хазон бўлади.
Алданган кишидан кўра алдови,
Алдовчига кўпроқ зиён бўлади.*

Олим саломга катта аҳамият берарди. Бу ҳақда қатор мақо-

лалар эълон қилганди. У хоҳ кўчада бўлсин, хоҳ ишхонада бўлсин, салом бермаган одамни уялтирар эди.

*Саломга бахиллик ҳаво¹ белгиси,
Салом камтарликнинг авло белгиси.
Кимки инсонликка белги қидирса,
Салом инсонликнинг аъло белгиси.*

Олим ваъдабозларни қаттиқ танқид қиларди. Оғзида катта ваъдаларни бериб, амалда қўлидан ҳеч иш келмайдиганларга аёв-сиз эди.

*Деди: - Қўлдан келса оби ҳайвон² бўл,
Самода порлаган ёрқин Кайвон³ бўл.
Дедим: - Бири узоқ, бири афсона,
Яхшиси бирорта уйга айвон бўл!*

Олимнинг Республика матбуотларида одоб-ахлоққа бағишланган қатор мақолалари босилиб турарди. Қисқаси, у илмда ҳам, ҳаётини масалаларда ҳам, катта-кичикка устоз эди.

*Абадий бахт сари йўлловчи устоз,
Билмаганим аён айловчи устоз.
Қалбимдан жаҳолат зангини ювиб,
Маърифат дуруни жойловчи устоз.*

Исматулла Абдуллаев менга ҳаддан ташқари меҳрибон эди. Қачон ва қаерда бўлмасин мени мақтар, қилган ишларим ва меҳнатларимни кўкка кўтарар, ишхона раҳбариятига ҳам доимо мен ҳақимда илиқ гапларни етказиб турарди. Мени кўрса, тенгдош, қадрдон дўстини кўргандек, қувониб кетарди. Буни эса атрофдагилар ҳам сезмай қолмас эдилар.

Бир куни бир гуруҳ олим йигитлар ўтирган эдик, Исматулла ака кириб қолди. Мен билан кучоқлашиб кўришиб, бошқаларга мени мақтадилар. Чиқиб кетгач, йигитлардан бири:

- Бу одам сизни нега шунча яхши кўради? - деб сўраб қолди.

- Янги ишга келган пайтим эди, - жавоб бердим мен. - Институтда ҳали ҳеч кимни танимас эдим. Бир куни бир хонадан ик-

¹ Ҳаво - манманлик, беҳудагўйлик.

² Оби ҳайвон - оби ҳаёт суви.

³ Кайвон - Сатурн сайёраси.

кинчи хонага китоб ташиётган катта ёшли кишини кўриб қолдим. Ҳеч ким унга ёрдам бермас эди. Дарров ёнига кирдим. Китоблари жуда кўп экан. Охиригача ташиб бердим. Кейин билсам, бу Исмадулла ака бўлиб, кўпчилик ўтирадиган хонадан ёлғиз ўтирадиган алоҳида хонага кўчаётган эканлар. Иш тугагач:

- Исмингиз нима, қаердан бўласиз? - деб суриштириб кетдилар. Исмадулла ака ўшандан буён мени яхши кўрадилар, меҳрларини тушиб қолган, - дедим.

- Шу арзимас яхшиликка ҳам шунча яхши кўрадиларми? - деди у.


- Ҳа-да, - дедим унга, - ахир Луқмони Ҳақимнинг ўз ўғлига қилган насиҳатини эшитмаганмисиз? У: “Ўғлим, бировга катта яхшилик қилган бўлсанг ҳам, уни унут, биров сенга кичкина яхшилик қилса ҳам, ёдингда тут” деган экан. Ҳадисларда эса: “Энг кичкина яхшиликка ҳам менсимаслик кўзи билан қараманглар” дейилган. Бу қоидалар олим инсоннинг қонига ҳам, жонига ҳам сингиб кетган.

*Шод киши ҳамманинг кулишин хоҳлар,
Баркамол камолга тўлишин хоҳлар.
Айбдор феъллига мойил бўлмаки,
Барчанинг айбдор бўлишин хоҳлар.*

АВЛИЁ БЎЛИБ ҚОЛМАСАЙДИ

Бўлимимизнинг зукко ақл соҳибаси ва меҳнатсевар қизи Мавжуда Раззоқова билан чойга ўтириб қолдим. Ўз одатим бўйича, одоб-ахлоқдан сўз очдим. Сўзимиз негадир жафокор аёлларга бориб қадалди. Хотирам саҳифаларини варақлаганим ҳолда, Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобидаги Шайх Хованди Таҳур билан боғлиқ ҳикояни тоқдим ва уни Мавжудага айтиб бердим.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Туркистон шаҳрида Тенгиз Шайх номли бир олим ва авлиё яшаган экан. Шайх Хованди Таҳур Тошкентдан йўлга чиқиб, Тенгиз Шайх ҳузурига борибди. Тасаввуф ва шариат бўйича тушунмаган нарсаларни ундан сўраб, билиб олибди. Тенгиз Шайх чой дамлаб, овқат пишириш учун ўчоққа олов ёқмоқчи бўлибди. Ўтин ҳўл бўлиб, ҳадеганда ёнавермабди. Шайх эса бошини энгаштирганча, оловни тинимсиз пуфлар экан. Шу пайт унинг хотини кириб келибди, энгашиб турган Шайхнинг орқасига



бир тепиб: “Ҳали ҳам оловни ёқмадингми?” деб ўдагайлабди.

*Тинч бўлса' кишининг гар хонадони,
Хуш ўтар умрининг ҳар бир замони.
Муҳаббатли бўлса эр ила хотин,
Хонадони эрур ҳаловат кони.*

Эртаси куни Шайх Хованди Тахур йўлга отланибди. Улови-га минишдан аввал:

- Эй Шайх, менинг барча саволларимни ҳал қилиб бердингиз, ҳал бўлмаган фақат битта савол қолди, - дебди.

- Сўранг, - дебди Шайх.

- Кучли илм ва авлиёлик қувватига эга бўлатуриб, хотиндан шунча азоб тортишнинг боиси нима? - дебди Шайх Хованди Тахур.

Шайх унга:

- Биз хотиннинг азобига чидаб, сабр қилганимиз учун ҳам шу даражага етдик! - дебди.

*Гул латиф эди-ю аҳбоб қилишди,
Туртишди, ўзича савоб қилишди.
Ўта мулойимлик хуш эмас экан,
Охири сиқишиб, гулоб қилишди.*

- Мана, кўрпясизми? - дедим Мавжудага ҳазилнамо. - Хотин азоб берса, ҳадеб уришавермай, сабр қилинса, шундай улуг даражага етишиш ҳам мумкин экан.

*Кўп эрни кўраман, жони азобда,
Дейишар норизо: “Хотин нобоб-да!”
Бесабаб юз бермас ҳеч қандайин иш,
Сендан ҳам хотиннинг жони кабоб-да!*

Мавжуда бироз ўйга толиб қолди. Сўнг:

- Институтимизда фалон ходимимиз бор-ку, наҳотки у ҳам авлиёга айланиб қолса! - деди.

- Нега у авлиёга айланар экан? - деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

- У ўта кўпол, дағал, уришқоқ бўлиб, одамларнинг дилини офритса-да, бироқ хотинидан жуда кўрқар экан, хотини ҳатто унга тушлик учун пул ҳам бермас экан, - деди Мавжуда. Сўнг давом этди: - Бу ҳақда унинг ўзи бошқа аёлларга арз қилиб гапирибди.

- Авлиё бўлса, сизга нима? - дедим мен.

- У билан орамиз чатоқроқ, - деди Мавжуда жиддий ҳолда.
Авлиё бўлиб қолса, бир қарашда ўлдириб қўйиши мумкин-да!

*Нодон ўзи учун тараф йигади,
Доно эса фазлу шараф йигади.
Баҳорда дон экиб, хабар олмаган,
Кузда дон ўрнига алаф йигади.*

СУРАЙЁ ВА ҲАЁ

Сурайё улуғ устозимиз, академик Убайдулла Каримовнинг қизлари эди. Убайдулла аканинг улкан ишларидан бири Абу Райҳон Берунийнинг “Китоб ус-Сайдана фи-т-тибб” (“Табобатда дори-шунослик китоби”) асарини тадқиқ ва таржима қилишида эди. Беруний бу асарни тугатолмай қолган экан, Убайдулла ака уни мукамал изоҳлар билан нашр қилдирганда, шарқшунослар: “Беруний тугатолмаган ишни Убайдулла ака тугатди” дейишган эди.

Устознинг қизлари биз билан ишлаб, отасининг ишларини давом эттирар, унда одамийлик ва ҳар ишни ҳаёда қилиш устун эди.

*Дорилар давоси ила ўлчанар,
Китоблар маъноси ила ўлчанар.
Одамнинг обрўйин ўлчайин десанг,
Обрўйи - ҳаёси ила ўлчанар.*

Сурайё кимё фанлари номзоди эди. Бироқ у араб ва форс тилларини мустақил ўрганиб, Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги кимёга оид асарларни тадқиқ қилди. Сурайё ўз ишига пухта, бир кесар ва қатъий аёл бўлса-да айни пайтда уятчан ва ҳаёли ҳам эди.

*Ҳаёлик уятчан тутар ўзини,
Без қилиб турмайди асло юзини.
Номозшомгулга боқ, қуёшни кўргач,
Уялиб, тезгина юмар кўзини.*

Сурайё кимё ва табобат тарихига оид рисола ва кўплаб мақолалар муаллифи бўлиб, унинг чуқур зеҳни ва ақлу идроки туфайли Илмий Кенгашнинг илмий қотиби вазифасига тайинланган эди. У арзимас бир нуқсон юз берса ҳам қаттиқ хижоларт чекар, уят ва ҳаёдан юзлари қип-қизил бўлиб кетарди.

*Шафтоли юзида кўрдим қизил ранг,
Ўзни безатибди зебою таранг.
“Юзингни мунчалар бўябсан?” десам,
Дейди: “Бу ҳаёдан нишона, гаранг!”.*

Сурайё айни пайтда бўлим бошлиғи эди. У кўпчилик олимлар билан ишлар, қўлёмаларни нашр қилиш бўлимини бошқарар эди. Унда ўзини катта олиш йўқ, ходимлари билан дўсту иноқ, барчага барабар, меҳрибон эди. Умуман, аёлларга хос бўлган фазилат, ору номус ва ҳаё унда ҳукмрон эди.

Бир куни хонамда ўтириб, “Хазинадаги ўйлар” китобим учун олимлар ва китоблар ҳақида тўртликлар тўқиётган эдим. Ҳали Сурайё ҳақида ҳеч нарса ёзмаган, бироқ шу ҳақда фикрлаб юрган эдим. Эшик очилиб, Сурайё кириб келди. Бирдан миямга келган фикрдан қувониб кетиб, қўлимга қаламни олдим, мана бу тўртликни ёзиб унга узатдим.

*Бир куни олдимга Сурайё келди,
Ярқираб, товланиб бир зиё келди.
Йўқ, йўқ, адашибман, мундоқ қарасам,
Бошдан - оёқ тўла бир ҳаё келди.*

Сурайё шеърни ўқиб:

- Жуда ошириб юборибсиз! - деди ва одатдагидек, унинг юзида яна ҳаё белгилари пайдо бўла бошлади.

*Олим бўлса, элга зиёси бўлсин,
Табиб бўлса хозиқ давоси бўлсин.
Аммо комил инсон бўлайин деса,
Авалло, аввало ҳаёси бўлсин.*

АКА

Одамларнинг акаси фақат ака бўлиши мумкин, бироқ катта акам Абдулҳай Махсум менга нафақат ака, балки энг яқин дўст ҳам эди. У мени жуда яхши кўрар, орамиз узоқ бўлгани учун тез-тез соғиниб қоларди. Бир гал уч-тўрт ой кўришмай қолдик. Ўғли Орифжонни Тошкентга юборибди.

- Дадам сизни жуда соғиниб қолдилар, - деди Орифжон, - сиздан гапирсак, кўзларига ёш оляптилар!

*Оила бошлиги энг катта ака,
Ака яхши бўлса, уйда барака.
Укалар акага қулоқ солмаса,
У уйда бошланар тезда маърака.*

Бу пайтда бошимга бир кулфат тушиб қолган эди. Қўлэма-лар институтидан бизга ўтган бир аёл иш интизомини бузиб, бошқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида директорга рапорт ёзиб, чора кўришни сўраган эдим. Аёл тухмат ва иғво хатларини аввал мамлакат президенти, сўнг академия президенти, президент ёрдамчиси ва шаҳар прокурорига ёзган, текшир-текширлар бошланиб кетган эди. Бу иғво хатларни бизнинг институтдан ҳам баъзи бировлар қўллаб-қувватлаб турган эди-ар. Шунга қарамай, ҳамма ишимни йирғитириб, Марҳаматга жўнадим. Акам мени кўриб ўзини қаерга қўйишни билмасди. Хабар топиб, акамнинг қадрдон дўсти Фатҳулла Махсум ҳам етиб келди. Бу одам мендан анча катта бўлса ҳам, мени ўзига дўстдек тутар, кўп вақтини биз билан ўтказарди. Бу одамнинг ҳаётида қизиқ ишлар кўп содир бўлар, бу воқеаларни айтиб берса, одамларнинг кулгидан ичаги узилиб қоларди.

*Асабга давонинг аълоси кулги,
Асорат қолдирмас шифоси кулги.
Асабга дорию гиёҳ излама,
Гиёҳу дорисиз давоси кулги.*

Мен Фатҳулла Махсум ҳақида “Сийпалатма Махсум ҳикоятлари” деган китоб бошлаб қўйган эдим. Бир кун ўтиришда унга бу ҳақда гапирган эдим, кулиб қўя қолди. “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида бу ҳикоялардан иккитасини бостириб, катта акамга жўнатиб юбордим. Акам унинг қизига совчи келган кун олиб бориб ўқиб берибди. Фатҳулла Махсум:

- Мен Маҳмудхон ҳазиллашяпти деб ўйлаган эдим, ростдан ҳам китоб ёзаётганга ўхшайди. Мен Сийпалатма Махсум деган номни қариндош-уруғлар ичида қандай кўтариб юраман! - дебди. Шундан сўнг мен китобнинг номини “Бир саёҳатнинг юз ҳикояти” деб ўзгартирдим. Бироқ Сийпалатма Махсум деган ном аллақачон одамлар орасига тарқалиб бўлган эди.

Катта акам Абдулҳай Махсум бировнинг ҳақини ҳечқачон

емаган, содда ва ишонувчан, оққўнгил, Худодан кўрқиб - қалти-
раб яшайдиган киши эди. Куръонни жуда чиройли ўқирди. Мен
хақимда қайғургани - қайғурган эди. Бир гал ёлғиз қолганимизда:

- Ука, душманлик бўлиб қолибсиз-ку! - деб қолди.

Душманнинг мен билан низоси нима?

Низодан кўзлаган даъвоси нима?

Кўнгил дер: “Жим бўлгин, нияти покка,

Душманнинг даъвою извоси нима!”

Мен акамнинг гапини инкор қилдим. Мақсадим уни ғамга сол-
маслик эди. Акам:

- Уларнинг ичида бир фан доктори ҳам бор экан, - деди.

Мен ҳамон инкор қилар, айти пайтда акам буларни қаердан
билди экан, деб ўйлардим.

- Ука, агар хоҳласангиз уларни ҳалокатга олиб борадиган чора
кўрамиз,- деди акам. Сўнг: - Дадамиз душманларини қандай жа-
золагани эсингиздами? - деб сўради.

Бу воқеанинг тафсилоти қуйидагича эди. Қиблагоҳимиз
ҳақида маҳалладаги бир неча чала муллалар тўпланиб олиб, ўша
давр Давлат хавфсизлик кўмитасига хат ёзишар, Совет тузумига
қарши гапларни гапирди, деб тухмат қилишарди. Бундай ҳужум-
лар йигирма йилча давом этди. Охири уй маҳбуси жазоси билан
туғалланди. Вилоят газетасида бир неча танқидий мақолалар бо-
силиб чиқди, бироқ бирортаси ҳам тасдиқланмади. Душманлар
тинимсиз ёзишар, ҳар ойда икки марта қиблагоҳимни сўроқ-са-
вол қилишарди. Бизлар ҳам қийин аҳволда қолган эдик. Охири
катта акам ҳар нарса Худодан деб, сабрни ўзига қалқон қилиб
олган қиблагоҳим ҳузурига кириб, “Талоя” дан фойдаланинг, деб
қаттиқ туриб олдилар. “Талоя” сўзи “авангард отряд” маъносини
билдиради. Қиблагоҳим “Талоя” илмини ўрганган бўлиб, бу дуо-
га боғланган муаккаллар буюрилган ҳар қандай ишни амалга оши-
рар эдилар. Қиблагоҳим оқибат натижада муаккалларини чақи-
риб, бу уч тухматчини жазолашга буюрадилар...

Мен акамдан:

- Сиз Талояни эгалладингизми? - деб сўрадим.

- Ҳа, - дедилар акам.

Акамни бу муваффақият билан табрикларим ва душманларим

борлигини қаердан билганини энди фаҳмладим. Бироқ, душман-
ним йўқ, деб инкор қилиб туриб олдим. Негаки, акамнинг таш-
вишда қолишини хоҳламас эдим. Акам:

- Майли, ўзингиз биласиз, бироқ эҳтиёт бўлинг! - деб қўйдилар.

Тошкентга қайтиб келганимдан сўнг, орадан бир-икки ой
ўтгач, қайноғам Абдулфаёз меҳмон бўлиб келди. Акамнинг аҳво-
лини сўрадим. Саломат юрган эканлар. Қайноғамга:

- Укам душманли бўлиб қолибди, кўнгилчанглигини қаранг-
ки, душманларига бирор чора кўрайлик десам, душманним йўқ
дейди, деб арз қилибдилар.

*Хаста дилга даво бергувчи Худо,
Ёмонлардан раҳо¹ бергувчи Худо.
Душманнимнинг бариин Худога солдим,
Душманнимга жазо бергувчи Худо.*

ТАЪСИР КУЧИ

Ҳадиси шарифда: “Ас-суҳбату муваассирун”, яъни “суҳбат
тасир кучига эга” дейилади. Китоб ҳам киши учун азиз суҳбат-
дош бўлиб, унинг таъсири одамнинг таъсиридан кам эмас. Му-
ҳаммад Жабалрудийнинг “Жомий ут-тамсил” китобида: “Киши
учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқ” дейилади.

Манбашунос олимларнинг асосий вазифаси ўтмишда ёзил-
ган асарларни тадқиқ қилиш, таржимасини амалга оширишдан
иборат. Улар бирорта манба устида йиллаб ишлайдилар ва ке-
чаю-қундуз фақат шу асар ҳақида фикр юритадилар. Асардаги
фикрлар, воқеалар, уламолар тарихи, шайхларнинг ибратли ҳаёти
тадқиқотчига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мен ҳар гал
Ҳамидхон Исломиининг ишлаб ўтирадиган хонаси олдидан ўта-
ётганимда беихтиёр оёғим унинг ҳузурига тортаверади. У ўз ум-
рининг кўп қисмини Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”
асари тадқиқига бағишлаган.

*Хушахлоқ одамлар муллоийим бўлгай,
Уларга мададкор Насойим бўлгай.
Хулқини ҳар кимки тозалай деса,
Дастур ул-амали “Насойим” бўлгай.*

¹ Раҳо - қутилиш.

“Насойим ул-муҳаббат”да ўтмишда яшаган улуф шайхларнинг ибратли ҳаёти, уларнинг ҳикматли гаплари ўз аксини топган. Ҳамидхон Исломиёнинг столи устида бу асарнинг дунё китоб хазинасида сақланаётган фотонусхалари, босмалари, Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалари ёйиб қўйилган. Тадқиқотчи уларнинг устига эгилиб, қиёслагани- солиштиргани- солиштирган, фарқларини тўғирлагани-тўғирлаган. Бу қўлёзмаларни аввало тўғри ўқий олиш керак, сўнг фарқларини кўрсатиб, ягона таҳрирга келтириш керак. Ҳамидхон Исломиё бу асарни ўқийвериш, улардаги шайхларнинг покиза яшаш, ҳалол еб, ҳалол ичиш, ахлоқли, покдоман инсон бўлиш ҳақидаги фикрлари бутун вужудига уриб кетган эди.

*“Насойим”дан насим жонга етади,
Ҳаловати оқиб, қонга етади.
Обиҳаёт сувин ундан ичолсанг,
Бир умрга татир онга етади.*

Ҳамидхон Исломиё битта ибратли жумлага етдими, аввало ўзи завқ олади, ундан бошқаларни баҳраманд қилишга ошиқади. У бу борада эринмайди, вақтини аямайди, сизга бу ҳикматларнинг мағзини чақиб беради. Баъзан у гапираётганда шундай берилиб кетадики, гўё ўша шайхнинг ўзига айланиб қолганга ўхшайди.

*Нодоннинг кўнглини кирга ўхшатдим,
Донинг сўзини тирга¹ ўхшатдим.
Ҳамидхон Исломиё сўзини тинглаб,
Қаршимда ўтирган тирга ўхшатдим.*

Тасаввуф бу - қалбни тозалаш, энг яхши инсоний фазилатлар билан безаниш, ҳақиқий комил инсонликка эришишдир. “Насойим” эса шундай улуф мартабага эришган инсонларнинг ҳаётини ёритиб берувчи улуф асар. Бу асарни чуқур ўрганган, тагига етган киши тасаввуф нима эканини англаб етади. Ҳамидхон Исломиё тасаввуф асарларини яхши билган давримизнинг заҳматкаш олимларидан, таъбир жоиз бўлса, пиру мурид нималигини англаб, ўзи ҳам муршид бўлиб қолай деган дўстларимиздан биридир. Бир куни у Абдуллоҳ Ансорий ва унинг сўзлари ҳақида ҳаддан ташқ-

¹ Тир-ўқ

ари тўлқинланиб сўзлаётган эди, қоғоз қалам олдим-да, мана бу тўртликни ёзиб, олдига қўйдим:

*Ҳар ким амал қилса омил бўлади,
Илмга юраги ҳомил¹ бўлади.
Ҳамидхон Исломий бир кун и келиб,
Эл ичра муришиди комил бўлади.*

Кўнгли оқ, бағри кенг ва олижаноб бу инсон ирғиб ўрнидан турди ва мени бағрига босди. Ҳа, бу заҳматкаш олим туфайли яқин вақт ичида халқимиз “Насойим”дан баҳраманд бўлади ва руҳига ундан дармон топади.

*Ҳар ким ўқимабди, залил² бўлибди,
Руҳида нуқсон у алил³ бўлибди.
Навоийнинг буюк истеъдодига,
“Насойим” китоби далил бўлибди.*

Ҳамидхон Исломий тасаввуф борасидаги рисолалари ва мақолалари билан илм аҳллари орасида таниш. Уни яна юксакка кўтарадиган иши “Насойим”нинг танқидий матни ва унинг чуқур илмий тадқиқоти бўлади.

*Омон бўлди ҳар ким - мулоим бўлди,
Илму урфон дея чун қойим бўлди.
Навоий барини тутгач Ҳамидхон,
Уни олим қилган “Насойим” бўлди.*

ҚҰНФИРОҚ

Олимлар шаҳарчасида жойлашган икки хонали хонадонимга Марҳаматдан тинимсиз меҳмонлар келиб туради. Мен уларнинг кўнглини олишга, дилларига ғубор кўндирмасликка ҳаракат қиламан.

*Уйга меҳмон келса қулиб чиқ дарров,
Шоду хуррамликка тўлиб чиқ дарров.
Бошингда чарх уриб турса-да гамлар,
Меҳмонга бошқача бўлиб чиқ дарров.*

“Оталар сўзи” номли китобда: “Меҳмонсевар кишининг емиши

¹ Ҳомил- кўтариб юриш

² Залил- хор.

³ Алил-иллатли.

бол бўлади” дейилади. “Фавоқиҳ ул-жуласо” китобида эса: “Уйинг-га меҳмон келса, очиқ чеҳра билан кутиб ол, меҳмонни очиқ юзлик билан кутиб олиш катта зиёфат бериш билан баробардир” дейиларди. Халқ тили билан айтганда: “Меҳмон - ҳадаийи Худо!”

*Мард киши ҳар ишни ҳаёда қилар,
Меҳмонга қулгисин зиёда қилар.
Мансабда бўлса ҳам отнинг устида,
Шу куни ўзини пиёда қилар.*

Яхшиямки, умр йўлдошим саховатли ва бағри кенг аёл. Меҳмонга жону дил билан хизмат қилади. Хонамиз тор бўлса ҳам, бағрини кенг қилади.

*Одамга “либосу” ёхуд “енг” бўлгин,
Каттаю кичикка феъли тенг бўлгин.
Ҳечқачон бировни олмагин малол,
Уйинг тор бўлса-да, кўнгли кенг бўлгин.*

Бир куни кечаси уйимиз олдига машина келиб тўхтади. Биринчи қаватнинг балконида ётганимиз учун машинанинг келгани ва одамларнинг тушгани эшитилиб турарди. Подъездимизга кираётган одамнинг оёқ товуши эшитилди ва сал ўтмай эшик кўнги-роғи жиринглади. Хотиним ўрнидан кўзғалиб:

- Туринг, туринг, дадам қазо қилганга ўхшайдилар, акам машина юборибди шекилли! - деди. Унинг овози ҳам, ўзи ҳам қалтирар эди. Чироқни ёқиб, соатга қарадик, тунги тўрт ярим.

- Ваҳима қилманг, эшикка қулоқ солинг! - дедим мен ва ўзимнинг ҳам титраётганимни сездим.

Хотиним эшикка бориб:

- Ким? - деди.

- Мен, бу мен, очинг! - деган овоз келди. Овозни мен ҳам, хотиним ҳам танидик. Бу Ўш шаҳрида яшайдиган Сожида исмли узоқроқ қариндошимиз эди. Хотиним, ҳанг-манг бўлиб, бироз туриб қолган эди, яна:

- Ҳимоятхон, очинг эшикни, бу менман! - деган овоз келди.

- Ҳозир, бироз шошмай туринг! - деди хотиним ва устивошларини бироз тўғрилаб олгунча яна:

- Очинг, мени танимаяпсизми? - деган овоз келди.

Хотиним эшикни очди. Аввал Сожида ола, орқасидан эри ва

яна икки эркак кириб келди. Хонтахта атрофига ўтқиздик. Энди дуо қилиб бўлган эдик, қўнғироқ яна жиринглади. Қия турган эшикдан қўшни аёлнинг овози келди:

- Ҳимоятхон, тинчликми, нима шовқин бўляпти?

Хотиним қўшни аёлни тинчитиб келди. Сожида опа шанғилаб сўз бошлади.

- Соат тўртда поезддан тушдик, вокзалнинг кутиш хонасида ўтириб турсак ҳам бўларди, тезроқ борақолайлик, дедим. Бир машинани гаплашсак, яшамагур, минг сўм берасан, деди. Олти юз сўмга кўндирдик.

Хотинимга қарадим, ҳамон қалтирар, қув ўчиб кетган ранги аслига келмаган эди. Мен Сожида опага:

- Вокзалда бироз сабр қилиб ўтирсангиз, юз сўмга келган бўлардингиз! - дедим.

- Э-э, пул кетса кетибди, мана етиб келдик-ку - деди у.

- Етиб келдингиз, рост, аммо бизнинг жонимизни чиқариб юборай дедингиз, - дедим мен, - мана, Ҳимоятга қаранг, қалтироғи ҳамон босилгани йўқ. Дадаси касал эди, ўлиб қолдими деб, жонпони чиқиб кетай деди.


- Шунга ҳам, шунчами, дадаси соппа-соғ юрибди, - деди Сожида опа парво қилмай.

Унга қондани ўргатиб қўйиш вақти келганини сездим, агар ҳозир айтмасам, кейин айтиб бўлмайди.

- Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида: “Агар сафардан кечаси қайтиб, ўз шаҳарларингизга етиб келсаларингиз, тунда уйларингизга борманглар, тонг отгунча карвонсаройда тунаб, сўнг боринглар” деганлар. Киши ўз уйига тунда бормаслиги тайинланаётган экан, ёт одамнинг бориши бутунлай мумкин эмас. Сиз нафақат бизни безовта қилдингиз, балки қўшнилариинг ҳам уйқусини буздингиз. Бир соатгина вокзалда ўтириб турсангиз, тонг отиб, олам гулистон бўлар эди. Ёки бўлмаса, телефон орқали бизникига келаётганингизни айтиб қўйсангиз биз қўрқмаган, сизларни кутиб ўтирган бўлардик.

Мен Сожида опа аразлаб, чиқиб кетмаса эди, деб қўрқиб тургандим, хайриятки, бундай бўлмади.

- Биз бу гапларни эшитмаган эканмиз, мана билиб олдик, бундан буён унга амал қиламиз. - деди.



Мен ичимда, ростдан ҳам бу аёл ўқимаган бўлса, бу қоидаларни қаердан билсин, дедим-у, гапни бошқа ёққа буриб юбордим.

*Айтилмай, ҳеч кимнинг тўйига борма,
Аммора нафсининг кўйига борма.
Кўчада ях каби қотсанг қотгин-у,
Бемаҳал бировнинг уйига борма.*

КУЛГИ

Кулги - ажойиб нарса. Кулгидан асаблар ором олади, кайфият кўтарилади, чарчоқлар кетади.

*Асабга давонинг аълоси кулги,
Асорат қолдирмас шифоси кулги.
Асабга дорию гиёҳ излама,
Гиёҳу дорисиз давоси кулги.*

Кулиб турган, очиқ юзли кишиларнинг дўсти кўп бўлади, одамлар бундай киши билан суҳбатлашишдан роҳат топадилар. Хўмрайган бадфеъл ва кўпол кишилардан ҳамма қочади.

*Юраги ёримай тундайин қолди,
Кўрслиги аримай, тундайин қолди.
Қанча илм олди, лекин кўрсликда,
Аввал қандай бўлса, шундайин қолди.*

Аммо, дунёда ҳар бир ишнинг меъёри бўлади. Меъёрдан ошдимиз, ундан фойда ўрнига зарар юзланади.

*Дедилар: - Эй рафиқ, сўзинг нега кам?
Жимсан, гапирмайсан, борми бирор гам?
Дедим: - Аравага ёнгоқ солу боқ,
Тўқи жим, пучлари шақирлар ҳар дам.*

Кулгида ҳам меъёр бор. Тинимсиз кулаверган одамнинг одамлар ичида обрўйи тушади, атрофдагиларнинг ғашига тегади.

Бир куни қиблагоҳим Махдум Восилийнинг ҳузурида бир киши беҳуда кулаверди. Бу киши ўзи гапирар, ҳеч қандай кулгига сабаб бўлмаса ҳам, ҳиринглаб кулар эди. Атрофдагилар, бу нимага куляпти экан, деб ҳайрон бўлишарди. Шунда қиблагоҳим дедилар: “Расулаллоҳдан бир ҳадис келган, унда айтилади: “Қасрат ул-заҳқи йумит ул-қалба”, яъни “Кўп кулиш қалбни ўлдира-

ди” дейилади”.

*У дилни шодликка тўлдирад эмиш,
Шунинг-чун одамни кулдирад эмиш.
Ҳадисга назар сол, ортиқча кулги,
Одамнинг қалбини ўлдирад эмиш.*

Қуръони Каримда: “Кўп йиғлаб, оз кулинглар” дейилган. Кулгининг ҳам ўз ўрни ва меъёри бўлади” дедилар яна қиблагоҳим.

*Тўлишиб камаймоқ Ойда бўлади,
Ҳайқирмоқ баҳорда сойда бўлади.
Кулгини ҳаддидан ошираверма,
Йиғи ҳам баъзида фойда бўлади.*

- Шунинг учун ҳам, - деб давом этдилар қиблагоҳим, - ҳазрати Алишер Навоий “Кулгу адаб таркига белгудурур”, - деганлар. Яъни, беҳуда ва бемеъни кулги беодоблик белгисидир. Ҳадисларда келишича, пайғамбаримиз одамлар ичида ҳечқачон қаҳ-қаҳ уриб кулмаган эканлар, бироқ лабларидан ҳечқачон табассум тушмаган экан. Шунинг учун донолар: “Табассум - ярим давлат” дейдилар.

*Табассумдан жаҳон эриб кетади,
Сиқилган, дили қон эриб кетади.
Ширин сўзларингдан фақат инсонмас,
Инидаги илон эриб кетади.*

МИННАТДОРЛИК

Олтмиш олтига кириб, юздан ортиқ катта-кичик манбаларни форс тилидан таржима ва тадқиқ қилиб, нашр қилдирдим. Менинг ҳар бир чиқарган китобларимни сабрсизлик билан кутадиган акахон биродарларим ва дўстларим бор. Айниқса, бор-йўғи иккинчи синф маълумотига эга бўлган, ҳозирда марҳум акахон биродарим Усуббек ака ҳар бир китобимни ўқиб чиқар ва кўп жойларини эсда сақлаб қолар эди. Айниқса табобатга ондларидан баъзи моддаларнинг даволик томонларини ёдлаб оларди. Ўтиришларда бирортаси мендан бирор дори ҳақида сўраса, Усуббек акага ишора қилар эдим. Усуббек ака унга тушунтириб кўярди. Шундай биродарларим ичида Фатҳулла Махсум ҳам аввалги ўринларда турарди. Бундай кишилар менинг яна китоб ёзишга илҳомлантирар эдилар. Баъзан нашриётга ҳам хатлар келиб турар ва

уларда қисқагина миннатдорчилик изҳор қилинган бўларди.

Миннатдорчилик билдирувчилар орасида менга энг кучли таассурот қолдиргани Абдулфаёзбекнинг хати бўлди. Бунинг тафсилоти шундай. 1999 йил октябр ойининг бир кунда иш кабинетда ёзиб ўтирган эдим, эшикдан ёшгина бир йигит кириб келди. Китоблар ҳақида бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Йигит кетишга шайланар экан, ёнидан конвертга солинган бир хатни чиқариб: “Ўқиб кўрарсиз, мен сизни қидирмаган жойим қолмади, охири шу ердан топдим” деди ва хайрлашиб чиқиб кетди. Мени ҳаяжонга солган бу хатни айнан, ҳеч ўзгаришсиз келтирмоқдаман:


“Хурматли Маҳмуд ака! Ушбу хатни ёзишга сабабчи бўлган сизнинг ҳар хил тиллардан таржима қилиб, эниг яхши, энг мазмунли ҳикматларни тўплаб чиқарган “Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони” деган китобингиз бўлди. Аллоҳ рози бўлсин сиздан.

Мен, Ўринов Абдулфаёзбек, 1976 йилда Ленинобод (Хўжанд) да таваллуд топганман, оддий ишчи оиласида, рус мактабида таълим олганман (ёзувимда хато учратсангиз айбга буюрманг). Кейин тақдир билан ота-онам ажралишди ва биз онамнинг юрти Андижонга кетдик. У ерда бироз яшаб, Тошкентга келдик. Мен ва укам бозорда ишляпмиз ҳозир. Ўзи китоб ўқишга жуда қизиқаман. 1996 йилгача фақат русча катобларни ўқиб келардим. Кейин чет эл фантастикасига қизиқдим. 1996 йилда Аллоҳ мени хуш кўриб, менга ҳидоят ва иймон берди (ҳар бир бандасига берсин). Кейин ўзбекча китоблар ўқишга бошладим, озгина қийинчиликлар билан. Ҳозир энди яхши ўқияпман. Китоб ўқиганда уни ёзган киши ҳақида ўйламас эдим, лекин сизнинг китобингизни ўқиётиб, “Оила, ота-она ва фарзанд” бобига келганда, ўқишни тўхтатиб, ким ёзганикан деб, уни яна бошидан ўқий бошладим. Ўзимда бор ахлоқларни ҳам учратдим, лекин яна кўпроқ одоб, ахлоқларга эга бўлдим. “Одоб буюк тождир, уни кийгин-да, қаерга борсанг, боравер”, дарҳақиқат.

Китобда ёзилган уламоларнинг сўзларидан менга кўпроқ ёққани Хожа Самандар Термизий, Хуррабий, Фаридиддин Аттот, бундай олиб қараганда, ҳаммаси зўр, ҳатто сизнинг сўзларингиз ҳам ўзига яраша:

Эл учун тер тўкса агар одамзод,

Бир умр эл ичра номи бўлар ёд...



*Уйкуга бош кўйдим, ёнимда китоб,
Китобдан ногаҳон келди бир хитоб.
-Эй инсон, гафлатнинг бандаси бўлма,
Умр оз, ўтади сув каби шитоб.*

Маҳмуд ака, қилган меҳнатингизга Аллоҳ рози бўлсин. Сиз каби инсонлар борки, бизнинг ўзбек халқимиз қийинчиликларни кечиб, (кечмай илож йўқ), келажак сари интилмоқда. Аллоҳ сафаримизни беҳатар қилсин. Сиз, мен шуни англадимки, келажакка ўз ҳиссангизни кўшиб бормоқдасиз. Сизга ҳавасим келади. Худойим сизни ўзи қўллаб-қувватласин. Сизнинг ёзган китобларингиз, қилган яхши амалларингиз қиёмат кунда ўзингизга қалқон бўлур. Бизга ҳам ўқиганимиз учун, уларга амал қилганимиз учун, иншоаллоҳ.

Бу китобдан 50.000 нусха (нашр) бўлган бўлса, ҳар бирини камида икки киши, оқил киши ўқиб, унга амал қилса, 100.000 та одобли, ахлоқли (бўлиб), сизни яхшилик билан эсга олур, сизга дуо қилурлар, мен ҳам. Мен ҳам ўз ватанимизга, эл-юртимга ўз ҳиссамни кўшмоқчиман. Худо хоҳласа, 1999 йил ташкил топган Ислом Уневерситетига кирмоқчиман. У ерда таълим олиб, ўз халқимга хизмат қиламан Аллоҳ йўлида.

*Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг, у китоб.
Сирни яширмайди ўқувчисидан,
Хабар қилар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина куради сен билан суҳбат.
Ҳеч кимдан қолишмас, билимли аҳбоб,
Ундан сўрамасанг, бермайди жавоб.*

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ“.
Конверт устига мана бу байтни ёзиб кўйибди:

*Хунарингдан бир кун етарсан бахтга,
Хунарсиз ким етар тож ила тахтга.*

Китобимнинг бир кишига шунчалик таъсир кўрсатгани, ёш йигит ахлоқининг мукаммаллашиши, одобининг гўзаллашишига сабаб бўлганини эшитиш мен учун катта бахт эди.

*Ҳаётим бир ширин тил ато қилса,
Шу тилга лойиқ бир дил ато қилса.
Умрим оз бўлса ҳам, аммо минг йилга,
Тотувчи ажойиб йил ато қилса.*

Абдулфаёзбекда менга нисбатан миннатдорчилик туйғулари пайдо бўлганидек, менда ҳам истеъдодли журналист Тўлқин Расуловга нисбатан миннатдорчилик ҳислари барқ уриб турарди. Негаки у “Тошкент оқшоми”нинг шанба саҳифаси учун одоб-ахлоққа оид материаллар сўрамаганда, мени доимо шу ишга жалб қилиб турмаганда, эҳтимол “Одоб бўстони” китоби юзага келмаган бўларди.

*Яхши бўлса агар инсон улфати,
Тобора ошади яхши хислати.
Номозшомгулга боқ, қуёшни кўргач,
Кўз юмиб ошади доим иффати.*

ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ...

Бир куни Марҳаматда қиблагоҳим Махдум Восилийнинг ҳузурларига кирсам, бир китобни кўриб ўтирган эканлар. Қандай китоблигини сўрадим.

-Бу Мақсудхўжа ибн Мансурхўжанинг “Мажмаъ ул-Мақсуд” номли асари, - дедилар қиблагоҳим. - Мақсудхўжа тошкентлик улуғ олим, у ислом фикҳи, яъни ҳуқуқшунослигига бағишланган машҳур “Мухтасар ул-Виқоя”ни ўзбек тилига таржима ҳамда шарҳ қилганлар. Асарни шарҳлашда қирқдан ортиқ фикҳий асарлардан фойдаланган. Ҳар кимнинг қўлида шу асар бўлса эди, у араб ва форс тилларида ёзилагн ислом фикҳ масалаларига оид асарларни қидириб, ўқишга вақт сарфлаб юрмас эди.

*Ислом оламида машҳур “Мухтасар”,
Фойдалар бобида тенгсиз бир асар.
Ислоний фикҳни билмоқчи бўлсанг,
Баён қилинмишидир унда сарбасар.*

Қиблагоҳимнинг бу сўзлари ёдимда қолган эди. “Мажмаъ ул-Мақсуд”нинг қирқ босма табоқдан иборат биринчи қисмини нашрга тайёрладим ва у 1996 йилда арабча матни билан бирга эллик минг нусхада босилиб чиқди.

*Кўнгулда бор эди бу улуг мақсуд,
Дунё юзин кўрди “Мажмаъ ул-Мақсуд”.
Отанг орзусига эриша олдинг,
Худога шукрлар айтгин, эй Маҳмуд!*

“Мухтасар” аслида “Виқоят ур-ривоя” номли асарнинг қис-қартмаси эди. “Виқоят ур-ривоя” эса Бурҳонуддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” номли машҳур асарига ёзилган шарҳдир. Демак, “Мухтасар” китоби “Ҳидоя” асари асосида дунёга келган. Шунинг учун ҳам, “Мажмаъ ул-Мақсуд” нашри ҳақида бир мақола ёздим ва унда Марғинович ҳамда “Ҳидоя” асари борасида ҳам билганларимни баён қилдим.

*Ҳар кимда фикҳдан бир гоя бўлгай,
Дастур ул-амали “Ҳидоя” бўлгай.
“Ҳидоя” бўлмаса киши қўлида,
Қачон бу илмга ниҳоя бўлгай.*

“Ҳидоя” асари аввало инглиз тилига, инглиз тилидан Н.И.Гродекова томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1893 йили Тошкентда нашр қилинган. 1994 йили шу таржима юридик фанлари доктори А.Х.Саидов томонидан катта сўзбоши билан нашр қилинди. Демак, “Ҳидоя” нашрларида ва бизнинг мақоламизда Бурҳонуддин Марғинович ҳақида нимаки маълум бўлса, ҳаммаси ўз ифодасини топган.

Кунлардан бир кун Олимлар шаҳарчасида автобусдан тушдим. Орқамдан Н. исмли бир таниш одам келиб:

- Марғинович ҳақида қандай янги гапларни биласиз? - деб сўраб қолди.

Мен энди сўз бошлаган эдим:

- Бу гапларни бутун дунё билади! - деди қўпол қилиб.
- Демак, биз ҳеч қандай янгиликни билмас эканмиз, - дедим унга. “Мажмаъ ул-Мақсуд”ни олдингизми? - деб сўрадим.
- Йўқ, - деди у.
- Ундай бўлса сизга янгилик шу, китобнинг чиққанига уч йил бўляпти, у ҳам “Ҳидоя”нинг шарҳи ҳисобланади, уч йилдан буён ҳамма ерда сотиляпти, китоб магазинларига юрмас экансиз-да! - дедим унга.

У ғулдираб, у-бу деган бўлди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач, бир маросимга кириб қолдим. Одамлар китоблардан гапириб беришни сўрашди. Мен “Мажмаъ ул-Мақсуд” ва “Ҳидоя”дан сўз очдим. Шу ўтиришда Н. исмли ўша танишим ҳам бор эди. Сўзни илиб кетди ва Марғиновичий ҳақида ўзича у-бу гапларни гапирган бўлди. Сўнг менга қараб:

- Сиз шарқшунослар ўтмиш алломалари ҳақида шундай ўтиришларда гапириб туришингиз керак,- деди.

Ўтирганлар:

- Олимлар шаҳарчасидаги барча ўтиришларда бу киши бизларга маъруза қилиб берадилар, радио ва телевиденида чиқадилар, ҳатто Жомеъ Масжидимизга таклиф қилиб турамиз, китоблар ва олимлар ҳақида сўзлаб берадилар, маҳалладош бўлатуриб, хабарингиз йўқ экан-да, - дейишди.

Сўзнинг ҳам ўз ўрни, ери бўлади,

Пуч сўздан хижолат тери бўлади.

Тилим бордир дея валдирайверма,

Ўрмон тинч бўлса ҳам, шери бўлади.

Эртарақ ётиб, эртарақ турадиган одатим бор эди. Бир куни ўринга ётиб, энди уйқуга кетган экаиман, эшик қўнғирочининг устма-уст жиринглашидан чўчиб уйрондим ва сапчиб ўрнимдан турдим-да, эшикни очдим. Ўша Н.исмли таниш турар эди. У шоша-пиша:

- Бу ёққа юринг! - деди ва қўли билан кўчани кўрсатди.

Унинг шошгани менга таъсир қилиб, уйку либосида квартирадан чиқдим ва кўчага йўналдим. Подъезд олдига қўйилган курсига ўтирдик. Танишнинг қўлида қорғоз ва қалам бор эди. Ғирашира ёруқда қорғозни тиззасига қўйиб, ёзишга шайланди.

- Қани, Бурҳонуддин Марғиновичий ҳақида қандай янги гап билсангиз айтинг-чи, фақат эскисини эмас! - деди у.

- “Ҳидоя”нинг русчаси борми? - дедим мен.

- Бор, - деди у, - бироқ у ерда эски гаплар.

- “Мажмаъ ул-Мақсуд”ни сотиб олдингизми? - сўрадим.

- Йўқ, вақтим бўлмади! - деди у.

- Тўрт ой ичида ҳам авқтингиз бўлмадимми? - дедим унга.

- Гапнинг қисқаси, - деди у гапимни бўлиб. - Эртага Риштонда Марғиновичийга аталган илмий анжуман бўляпти. Унга фалон-

фалон олимлар, шоирлар ва шу жумладан, мен ҳам таклиф қилинганман. Анжуманда бирор янги гап айтишим керак.

У санаган олим ва шоирлар ичида бирорта шарқшунос ёки араб ва форс тилларини биладиган, Марғиноний ижодини ўрганиб юрган кишилар йўқ эди.

- Мен “Ҳидоя”деги сўз боши ва ўзим ёзган мақоладаги маълумотлардан ортиқча нарса билмайман, бу менинг вазифамга ҳам кирмайди, менинг шуғулланадиган мавзуим бутунлай бошқа, - дедим унга.

- Бир киши менга айтган эдики, - жаҳл билан сўз бошлади у, - билиб турган нарсаларини, билмайман, деса ва билганини бошқаларга айтмаса, ҳадис бўйича, улуг гуноҳкор бўлар экан!

- Кечирасиз, касбингиз нима? - дедим мен ҳам асабийлашиб.

- Фалон соҳа бўйича фан докториман, кўпгина янгиликларнинг ижодкориман, - деди у фахрланиб.

- Жуда яхши, - дедим унга, - келинг, ҳар ким ўз ишини қилсин, ахир бежиз айтмаган-ку, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб. Сиз бу ишларни шу соҳа мутахассисларига қўйиб беринг, анжуманга боринг-да, тинчгана эшитиб, қайтиб келаверинг!

У ҳеч нарса демади, шартта ўрнидан турди-да хайрни ҳам нася қилиб, жўнаб қолди.

*Дунёда ҳунар кўп, ўз сози бўлгай,
Ва унга муносиб ҳамрози бўлгай.
Қўлингдан келмаган ишга қўл урма,
Ҳар ишнинг синалган устози бўлгай.*

Эртасига институтга келиб, бўлган воқеани шарқшунос олимларга айтиб бердим.

- Ий-э, илмда ҳам қароқчилар пайдо бўлибди-да, - дедилар кулиб академик Музаффар Муҳиддинович Хайруллаев.

*Янгилик бир овдир, уни овламоқ,
Эгов билан жонни хўп эговламоқ.
Илм майдонида, билсанг, янгилик,
Айни нина билан қудуқ кавламоқ.*



ТАРОЗИНИНГ ПАЛЛАСИ

Ўнинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда уйимизда табобатга оид бир китоб бўларди. Устига арабча ҳарфлар билан “Тибби Юсуфий” деб ёзиб қўйилган эди. Асар эски ўзбек тилида бўлиб, 1909 йилда Тошкентда чоп қилинган эди. Мен уни ҳижжалаб ўқир эдим, лекин жуда яхши кўрардим.

1968 йили ТошДУнинг Шарқ факультетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига ишга кирдим. Номзодлик диссертацияси учун бир неча йил мавзу танлаёлмай юрдим. Охири академик У.И.Каримов ҳузурига кириб, “Тибби Юсуфий”ни ишламоқчи эканимни ва домланинг устоз бўлишларини илтимос қилдим. Домла рози бўлдилар.

Кейинчалик билсам, “Тибби Юсуфий” Бобурнинг хос табиби Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравийнинг форс тилида ёзган табобатга оид шеърый асари экан. Асарда табиб ва шоир Юсуфийнинг тиббий рубойлари ўрин олган эди. Ҳар бир рубой биттадан касалликка бағишланган бўлиб, уларда касаллиқнинг номи, давоси, белгилари, ейдиган овқатларигача баён қилинарди. Ишга киришиб кетдим. Рубойларни ҳам назмий, ҳам насрий таржима қилдим, изоҳлар ёздим, тадқиқотини амалга оширдим.

Илмда азоблар лим-лим бўлади,

Юрагинг тилиму тилим бўлади.

Юрагинг тилиниб, багринг сўкилгач,

Шунда у лиммо-лим билим бўлади.

Кунлардан бир кун анчагина обрў - эътиборга эга адабиётшунос олимни учратиб қолдим. Нима иш қилаётганимни сўради. Айтиб бердим.

- Бекор қилибсиз, - деди у менга маслаҳат оҳангида. - Белинский илмий асарларини шеърда эмас, балки насрда ёзиш керак, деган. Юсуфий ҳам табобат борасидаги илмий ишни шеърда эмас, насрда ёзиши керак эди. Мен ана шу тоифадаги шоирларни танқид қилиб, янги чиқаётган китобимнинг бир бобига киритиб юборганман.

Ёш бўлганим, бу борада унча ўқувим бўлмагани ва бу гапни машҳур адабиётшунос оғзидан эшитаётганим учун ҳафсалам пир бўлди, шунча қилган меҳнатим зое кетаётганга ўхшашди. Эртасига, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек, шалвираб устоз Убай-

дулла Каримовнинг ҳузурларига кирдим. Домла ишга кўмилиб ўтирган эканлар. Белинскийнинг фикрини ва илмий асарлар на-срда ёзилиши кераклигини айтиб бердим.

- Бу гапларни сизга ким айтди? - деб сўрадилар устоз.

- Фалон адабиётшунос олим айтди, - дедим мен.

- Ўша олим (тезакни) епти! - деди устоз ва бошқа ҳеч нима демай, ишларини давом эттиравердилар. Мен ўрнимдан туриб, индамай чиқиб кетдим.

Орадан бир неча йиллар ўтиб, “Юсуф ибн Муҳаммаднинг ил-мий мероси ва унинг XVI аср Ўрта Осиё маданияти тарихида тут-ган ўрни” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладим. Кун-лардан бир кун ўша адабиётшунос олимни учратиб қолдим. Тўлқинланиб деди:

- Мен ҳозир янги китоб ёзяман. Китобимда илмий мавзулар-да назм билан ёзган Шарқ олимларининг асарларини таҳлил қилиб бермоқдаман. Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам, Навоий ҳам шеър-нинг поғонасини баланд деганлар. Ибн Сино табобатга, тасав-вуфга ва араб грамматикасига оид асарларини шеърда ёзган.

Мен бу олимнинг сўзларини жимгина тингладим, бироқ уни маломат қилмадим, аксинча, унга инсоф кириб, тўғри йўлга ту-шиб қолганига хурсанд бўлдим.

Одам кимдир ўзи, кўзига қара,

Туришини кўргил, ўзига қара.

Ички оламини билайин десанг,

Атвориға боқу сўзига қара.

БУЛУТЛАРНИ ҚУВЛАГАН КИШИ

Имом ал-Бухорийнинг “Жомий ус-Саҳиқ” китобида ёзилиши-ча, саҳобийлардан бири бир бадавий қабиланинг бошлигини чаён чақиб олганда оғриғини қолдириб қўяди. Унга бир неча қўй бе-ришади. У Расулulloҳнинг ҳузурларига келганда:

- Нимани ўқидинг? - деб сўрайдилар.

- Сураи “Фотиҳа”ни, - дейди у.

- Агар бу сура тоққа ўқилса, тоғни ҳам жилдириб юборади, - дейдилар Расулulloҳ.

Расулulloҳнинг Қуръон оятлари ва сураларидаги хосиятлар

ҳақида айтган ҳадислари жуда кўп. Ўтмишда ҳам, бизнинг даврда ҳам Қуръон оятлари билан даволаган ва даволаётганлар мавжуддир. Бунинг учун эса дуохон ҳақиқий покиза инсон бўлиши, шариат буюрган ишларни мукаммал тушунадиган, Қуръонни тажвид билан ўқийдиган бўлиши шарт.

*Дуохонлар борки, нияти покдир,
Худодан ҳамиша кўнглида бокдир¹.
Қуръони Каримни ўқир саводли,
Тилни яхши билар, соҳиб идрокдир.*

Бир куни “Сирли олам” журналининг журналхонлар билан учрашуви бўлиб қолди. Бизни олимлар сифатида ҳурматлашиб, президиумга ўтқизиб қўйишди. Сўз ола чопон кийган бир кишига берилди. У “Ёсин”сурасини ўқиб, ёмғир ёрдиргани ва тўхта-тиб қўйгани ҳақида гапирди. Сўнг ёнимга келиб ўтирди. Ундан:

- Сир бўлмаса, айтинг-чи, нималарни ўқийсиз? - деб сўрадим.
- “Қасидайи Сулаймониййа”ни, - деб жавоб берди.

Мен авлиёлар ва дуолар ҳақидаги кўпгина китобларни ўқиган ва бундай дуони эшитмаган эдим. Яна сўрадим:

- Мумкин бўлса, унинг бошланишини ўқиб беринг.

У қасиданинг бошланишини ўқиди. Бу дуо “Қасидайи Сулаймониййа” эмас, балки Абдулқодир Жилоний (Ғавс ул-Аъзам)нинг “Чил Коф” қасидаси эди. У фақат қасиданинг номини эмас, балки ўқилишини ҳам ўзгартириб юборганди.

*Булутлардан ёмғир ёгдирар эмиш,
Тугмаганни ҳатто тугдирар эмиш.
Шубҳа йўқки, унинг бу қасидаси,
Куни келиб ўзин ағдарар эмиш.*

-Бу “Қасидайи Сулаймониййа” эмас, Ғавс ул-Аъзамнинг “Чил Коф” қасидаси, - дедим унга.

- Майли-да! - деди у бепарво.

- Яна нима ўқийсиз? - деб сўрадим.

- Сураи “Ихлос”ни, - деб жавоб берди у.

- Қани ўқинг-чи, - дедим унга.

У “Аллоҳ ус-Самад” ўрнига “Облоҳ ус-Самад”, “Лам йалид”

¹ Бок - қўрқув.

ўрнига “йам йалид”, “Куфуван Аҳад” ўрнига “Куппан Аҳад” деб ўқиди. “Ёсин” сурасини ҳам шундай чала - чулпа ўқишига иймоним комил бўлди. Шарият бўйича Қуръон оятларидаги бир ҳарфни ҳам бузиб ўқиш оғир гуноҳга сабаб бўлади. Сураларни бузиб ўқиганда эса, ўз-ўзидан маълумки, сурадаги хосиятлар ўз кучини йўқотади. Демак, бу “улуғ” дуохон ёмғир ёғдирдим, тўхтатдим, деб одамларни ошқоро лақиллатиб юрган экан.

*Авлиёлар руҳи ёнида эмиш,
Анбиёлар қони қонида эмиш.
Ақл кўзи билан чуқур қарасанг,
Фирибгарлик унинг жонида эмиш.*

“БАШОРАТ” НИНГ ҚИММАТИ

Ҳадисларда баён қилинишича, бир кун одамлар Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб:

- Фолбинларга ишонайликми? - деб сўрадилар.
- Йўқ, - дедилар Расулуллоҳ.
- Уларнинг айтганлари баъзан тўғри чиқади-ку! - дейишди улар.
- Жинлар, - деб жавоб бердилар Расулуллоҳ, - битта ростни юзта ёлғонга ўраб, фолбинга етқизадилар, фолбин эса - одамларга.

Шарият фолбинларга ишонишни қатъий ман этади. Бунини эшитган кўпгина фолбинлар ҳозир ўзларига “башоратчи” ёки “экстрасенс” деб ном қўйиб, фолбинликларини бемалол давом эттирмақдалар. Аввалги фолбинлар фақат башорат билан шуғулланса, ҳозирги фолбинлар тараққий қила бориб, куф-суф қиладиган, тумор ёзиб, иситма ва совутма ҳам қиладиган бўлиб қолдилар.

*Куф-суф билан тунлар тин олмас эмиш,
Каттаю-кичикдан кин¹ олмас эмиш
Унинг қувватию қудратин кўриб,
Деву алвастию жин олмас эмиш.*

Телевизорда бир башоратчи аёлни кўрсатишди. Ўзи ҳақида тўлқинланиб сўзлар эди. Айтишича, орқасида бир қанча машоихларнинг руҳлари ҳозир турган эмиш.

¹ Кин - ўч.

*Орқасида Ғавс ул - Аъзам турармиш,
Ибни Сино бормиш, ул ҳам турармиш
Ғиждувоний билан Имоми Аъзам,
Хизмат учун шаймиш, ҳар дам турармиш.*

Аёл ўзининг орқасида машойихлар руҳи эмас, жину шайтонлар турганини билмас эди. Негаки, шариат бўйича, руҳлар фақат Аллоҳу таъолонинг изни билангина ерга тушадилар, Аллоҳ эса бу маъсияткор аёл учун ўзининг севган бандалари руҳини безовта қилиши ақлдан узоқдир.

Фолбиннинг топиб олган битта сўзи бор, яъни келганларга жин теккан деяверади. Гўёки, жинлар беморга, иши юришмаган ва бахти боғланиб қолган йигиту қизларга ёпишиб олармиш ва туну кун уларнинг ёнида юриб, зарар келтирармиш. Ваҳоланки, Қуръони Карим оятлари бўйича, жинлар одамлар каби Аллоҳга ибодат қилиш учун яратилган, уларнинг ҳам оиласи, бола-чақаси бўлиб, уларга озиқ-овқат топиши, едириб-ичириши, илм ўқитиши ва таълим-тарбия бериши зарур. Инсонлар ўз ёмонликлари учун охиратда қандай жазо олсалар, жинлар ҳам шундай жазога мустаҳиқдурлар.

*Жинлар жинни эмас, ўз иши бордир,
Касбу кори бордир, ўз кеши² бордир.
Уларни бекорчи махлуқлар дема,
Аҳли оиласи, ташвиши бордир.*

Бир профессор акахонимиз:

- Ўрлимга бир насиҳат қилиб қўйсангиз, хотини билан қўйди-чиқди бўлай деб турибди, - деб қолди. Сабабини сўрадим. Иши бироз юришмай қолган экан. Фолбинга борибди. Фолбин унга: “Хотининг илми амал қилибди” дебди. Мен ўша келинни танир эдим. Келин ўта мулойим, қўй оғзидан чўп олмаган, содда ва камтар қиз эди. Наҳотки у ўз эрининг ишлари юришиб кетишини хоҳламаса!

*Фолбин дўстлар аро нифоқ солади,
Эру хотинларга фироқ солади.
Яхшилик қилмоқда дея ўйлама,
Аслида пулингга тузоқ солади.*

Йигитнинг ўзи олдимга келиб қолди.

² Кеш - дин.

- Ака, мен сизга ишонаман, - деди у, - бу воқеа тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдим, нима қилсам экан?

Уни оддий гап билан ишонтириш қийин эди. Унга дедим:

- Яқинда фолбиннинг ўғли машинаси билан авария бўлиб, оғир хасталикка мубтало бўлган, хабаринг борми?

- Ҳа, - деб жавоб берди у.

- Агар у ҳамма нарсани билолса, нега ўғлининг аварияга учрашини олдиндан билмади? Ўғли оғир хаста бўлиб ётибди, нега уни куф-суфи ёки жинлари орқали даволамаяпти? Ўз оиласида юз берадиган воқеаларни билмаган фолбин қандай қилиб сенинг оилангда бўлаётган воқеаларни билсин? Гайб сирларини фақат Аллоҳгина билади. Қуръони Каримда: “Иннама-л-гайбу лиллаҳи” (“Гайб сирларини билиш фақат Аллоҳга хос”) дейилади. Бу мазмун форсий шеърда қуйидагича ифодаланган, деб шеърни ёддан ўқиб, таржима қилиб бердим.

*Илми гайбро кас намидонад бажуз Парвардигор,
Гар касе гуяд, ки мидонам аз у бовар мадор.
Мустафо ҳаргиз нагуфти гар нагуфти Жабраил,
Жабраилаш ҳам нагуфти то нагуфти Кардигор.*

*(Илми гайбни ҳеч киши Аллоҳдан ўзга билмагай,
Кимки билгайман деса, сўзига бовар қилмагай.
Мустафо айтмас эди, то айтмагунча Жабраил,
Жабраил айтмас эди, то айтмаса Робби Жалил¹).*

- Раҳмат, кўнглимни тинчитдингиз, мен ҳатто хотинимни талоқ қилиб юбормоқчи эдим, - деди у ва кўтаринки кайфият билан чиқиб кетди.

*Жин чалди, деб фолбин дилга гам ёқар,
Пулни камроқ берган унга кам ёқар.
Рухлар учун, мана, шам ёқдим дея,
Пулнинг совурмоққа асли шам ёқар.*



¹ Робби Жалил - яъни Аллоҳ.

АЛЛОҲНИНГ “УЛФАТИ”

Шариат аҳкомлари бўйича, бу дунёда Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони ҳеч ким кўролмади. Худо ўзини ҳеч кимга кўрсатмаган ва кўрсатмайди ҳам. Агар кўрсатганда эди, Мусо алайҳис саломга кўрсатар эди. Мусо (а.с.) Тур тоғида Худони кўрмоқчи бўлди. Унга: “Ҳеч қачон кўрмайсан” деган буйруқ келди. Аллоҳ Мусога (а.с.) нур сифатида жилва қилди.

Аллоҳ пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи саломга ҳам кўринмаган. Расулulloҳ Худо билан Жабраил (а.с.) орқалигина гаплашган. Демак, шундай экан, оддий бандаларга Худони кўриш ёки у билан гаплашишга асло йўл йўқ!

Яқинда наманганлик бир шоир йигит хузуримга кириб келди. Истеъдодли шоир экан. Шеърий тўпламини ҳада қилди. У ҳақда “Миллий тикланиш” газетасида мақола ҳам чиққан экан. “Ўқиб кўринг” деб, уни ҳам берди. Маълум бўлишича, у Еру Осмон сирларини биладиган бўлиб қолибди. Барча уламою машойихларнинг ёхуд оддий кишиларнинг руҳи билан гаплаша олар экан. Машойихлар руҳини истаган онда чақира олар ва улардан истаган нарсани била олар экан.

Арвоҳлар саф тортиб, йўлида эмиш,

Гулзорлар гул очиб, чўлида эмиш.

Валийлар ҳақида сўлаб нетасан,

Хизрнинг жилови кўлида эмиш.

Уни синаш мақсадида:

- Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг руҳларини чақириб, улардан сўранг-чи, менга қандай насиҳат ёки васиятлари бор экан,- дедим.

У кўзини юмиб, бошини қуйи солганича, узоқ ўтириб қолди.

Зерикиб кетдим. Қимматли вақтимнинг ўтаётганига жоним ачиди. Охири:

- Майли, кўяқолинг! - дедим.

У кўзини очиб, бошини кўтарди. Сўнг:

- Кимнидир хафа қилган экансиз,- деди.

“Қойил-э дедим ичимда, қиблагоҳимнинг ўлганларига йигирма йил бўлди-ю бировни хафа қилиб қўйганим учун ҳамон изтиробда эканлар”. Хотирам саҳифаларини варақлаб, бировни қаттиқ

хафа қилганим ҳақидаги хабарни тополмадим.

Шоир ўз “авлиёлиги”дан нимаики гапирса оят, ҳадис ва машойхларнинг сўзлари билан рад қилавердим ва адашганлар қаторига қўшиб қўйдим. Аммо, у бирорта айтганимни қабул қилмади.

Охири:

- Арабшунос олим Исматулла Абдуллаев сиз билан суҳбатлашишни буюрган эди, майли сизга охирги гапимни айтмай, келишдан муддаом ҳам шу гапни айтиш эди, - деди. Сўнг бироз ҳадик билан:

- Мен Аллоҳнинг ўзи билан гаплашаман, лекин бунга ҳеч кимни ишонтиролмаяман, сиз нима дейсиз? - деб сўради.

- Марғилонда бир одам ҳовлисига оқ чайла қуриб қўйган экан. Худони чайлага таклиф қилиб, у билан юзма-юз гаплашаман, деб одамларни ишонтирар экан. Сиз эса Аллоҳни кўрмай туриб, қулогингиз орқали эшитиб гаплашар экансиз, сизнинг гуноҳингиз уникдан камроқ экан, - дедим ва вақтим зиқлигини айтиб, чиқариб юбордим.

*Соглом одамларга ўхшар суварти,
Билмас, бошда бордир оғир қулфати.
Қулогингга аста сирли шивирлар,
Худо эмиш доим унинг “улфати”.*

САСИГАН ГҶШТ

Шарқ қўлэмалари фонди бўлимнинг ходимлари бир-бирига аҳил ва садоқатли эдилар. Бунинг устига саховат ҳам улардан ёт эмас эди. Саховат эса энг гўзал хислатлардан бири бўлиб, ҳадиси шарифда: “Ас-сахиййу ҳабибуллоҳи валав кона фосиқан”, яъни “Сахий киши, гарчи фосиқ, бўлса ҳам, Аллоҳнинг дўстидир” дейилади.

*Олам ичра гўзал хислат саҳодур,¹
Саҳоли кишилар гамдан раҳодур.²
Одамлар ичида иззат соҳиби,
Худонинг наздида қўп бебаҳодур.*

Ходимлар кутилмаганда бирорта овқат тайёрлаб, бўлимга олиб келишар ёки бўлим ходимларини овқатхонага таклиф қилиб, қор-

¹ Саҳо - сахийлик.

² Раҳо - қутилиш.

нини тўйғизишарди. Ичимизда Н. исмли бир қизгина бундан му-
стасно эди. Қизнинг илмий соҳада ҳам иши юришмас, ҳаётида
ҳам бир эрга ёлчимас эди. Аммо, ўтиришларда қатнашар ва зиё-
фатлардан баҳра топар эди. Оиласи бадавлат бўлишига қарамай,
ойу йиллар ўтса ҳам, ҳамкасабаларини бирор марта овқатга так-
лиф қилмаган ёки ёнидан бир тийин чиқармаган эди.

*Саховат бобидан узоқда хасис,
Ўзига ажиб йўл айлаган таъсис.
Қаердан ис³ чиқса, чопиб боради,
Бироқ чиқармагай ўзи асло ис.*

Бир куни, кесақдан ўт чиққандек, тилга кирди ва уйларида кўй
сўйилаётгани ва кўй гўшгидан икки килосини ходимларга “қурбон”
қилмоғини эълон қилди. Бироқ кунлар кетидан ойлар ўтар, ходим-
лар ўзаро шивирлашиб, зиёфат қачон бўларкин, дейишарди. Бу орада
икки ходимнинг зиёфати ўтиб кетди. Учинчи зиёфатда кимдир қизга:
“Тўшглар сасиб кетмадими?” деб ҳазил қилди. Бошқа биров эса:
“Худойидан йўллар очилади” деди. Қиз лом-лим демади.

*Эй ўзни санаган одамлар бойи,
Сенга қачон келар саховат ойи?
Хайру эҳсонларинг қувар балони,
Бекилган эшикни очар Худойи.*

Сал ўтмай, қизни кимдир чақриб чиқиб кетди. Ичимизда ёши
каттароқ опахонимиз бор эди. Оҳиста деди:

- Ўтган йилги Наврўзда институт фондидан олинган пуллар-
ни аёлларга бўлиб бердик ва ҳар бир аёл шу пулга овқат ёки ши-
ринликлар тайёрлаб келишини буюрдик. Шу қизга ҳам икки юз
сўм берилди. Ширинлик тайёрлаб келадиган бўлди. Бироқ Наврўз
куни қуруқ келди. “Вақтим бўлмади, кейинги гал” деди у. Мана,
иккинчи Наврўз ҳам ўтди-ю, ширинликдан дарак йўқ. Пулни эса
қайтармади ҳам. Кўпчиликнинг ҳақини еган одамдан қандай қилиб,
гўшт тамаъ қиласизлар?

*Ҳаромхўрлик дўзах сари йиқажаск,
Хиёнатинг сени домга тиқажаск.
Қўлни чўзма асло ўзга ҳақиға,
Ўзгаларнинг ҳақи тешиб чиқажаск.*

³ Ис - хайру эҳсон, зиёфат.

СИҶИЛГАН АЁЛ

Ҳикматларда: “Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси фарзанддир” дейилади.

*Бола борки, ёруғ ҳамиша шоминг,
Бола борки, шахдам элда хироминг.
Бола борки, ҳаёт лаззатли, тотли,
Бола борки, ўчмас эл ичра номинг.*

“Шуни чуқур англамоқ керакки, - деб ёзади Бархурдор ибн Маҳмуд “Маҳфилоро” асарида, - ота учун фарзанддан кўра яқинроқ кимса йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг юксаклигини тил баён қилишга ожиз”.

*Ақлим теранлиги отам сўзидан,
Қалбим равшанлиги отам кўзидан.
Шунчалар улгайиб, ўсганим бари,
Отам меҳнатидан, ризқи рўзидан.*

“Ақлли фарзанд, - деб ёзади Мустафо Ҳомийпошшо, - бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини ёдидан чиқармайди”.

*Боланинг бахтига йўрғак ким? - Она!
Йиқилса қаддига тирғак ким? - Она!
Тунлари бошида мижжа қоқмайин,
Қилт этса пойлаган серғак ким? - Она!*

Демак, ота-онаси бор фарзандлар энг бахтли фарзандлардир.

*Дунёда бахтимнинг доим ёрлиги,
Уйимда отаю онам борлиги.
Отаю онани хор қилганларнинг,
Ҳамиша, ҳар нафас ортар хорлиги.*

Фарзанди бор хонадон шодлик тўла гулистондир.

*Боласи бор уйнинг боли бўлади,
Уйи гам-қайгудан холи бўлади.
Отаю онани хор қилганларнинг
Оқибат аянчли холи бўлади.*

Ота-она болага аввало чиройли исм қўйиши, илм нури билан қалбини мунаввар қилиши керак.

*Болага ном кўйсанг чиройлигин кўй,
Чиройда ё куёш, ё ойлигин кўй.
Сўнг болам адашмай яшасин десанг,
Онгига маънавий руҳ бойлигин кўй.*

Фарзандга доимо ширин гапларни гапириш, тарбиясига катта аҳамият бериш, унинг қалбига меҳр уруғини экиш керак.

*Болага кулиб боқ, кулиб боқади,
Кўзлари меҳрга тўлиб боқади.
Қичқирсанг, бақирсанг юраги қотиб,
Меҳру муҳаббати ўлиб боқади.*

Болага тинимсиз қўпол муомлада бўлиш унинг ҳам қўпол бўлиб ўсишига сабаб бўлади.

*Болага бақирма безлашиб кетар,
Қўполлик танига ўзлашиб кетар.
Баҳорда селга боқ, мамақалдироқ-
Ўқирса суръати тезлашиб кетар.*

Бола ҳам отага меҳру муҳаббат билан қарасагина, отанинг меҳрини қозониши мумкин, йўқса, фарзанддан отанинг ихлоси қайтиши, меҳри нуқсонга йўл тутиши мумкин.

*Отамга айтгандим меҳр сўзини,
Табассум қоплади дарҳол юзини.
Деди: - Нима қилса бола отага,
Боласидан топар шунинг ўзини.*

Ота-она фарзандининг ҳолидан хабардор бўлиши, қаерларда юрганини билиши, ножўя ҳатти-ҳаракатларидан омон сақлаши лозим.

*Ҳар бола ёшликда осон бузилар,
Гоҳ очиқ, гоҳида пинҳон бузилар.
Чекишу ичишдан ошқозон хароб,
Мўри қурум бўлса қозон бузилар.*

Бир куни битта бўлимда ишлаётган бефарзанд аёл ишга кечикиб келди. Кайфияти ҳам ёмон эди. Нима воқеа бўлганини сўрадим.

- Уйимизга акам ва опамлар меҳмон бўлиб келишди, - деди у шикоятимиз, - болаларининг шўхлигини айтмайсизми! Уйқу беришмади. Асабим роса бузилди. Бақирсанг ҳам қулоқ солишмайди.

- Ота-онангиз ҳам хафа бўлдиларми? - деб сўрадим.

- Қаёқда дейсиз,- деди у - ота-онам жуда хурсанд, бола-ларнинг бақириб-чақиришлари парволарига ҳам келмайди. Бола-лар отамнинг бошига чиқиб олсалар ҳам, кулиб, улар билан ўйнаб ётибдилар. Онам эса уларни бағрига олиб, бошларини силайдилар. Фақат менгагина ёқмади.

Аёлнинг гапларига бепарво қулоқ солар эканман, қаламни ўйнаётган киши бўлиб, олдимда турган қоғозга қуйидаги тўртликни ёздим ва унинг олдига суриб қўйдим.

*Боласи бор уйда бозор бўлади,
Кимга роҳат, кимга озор бўлади.
Юраги торларга қиёмат бўлиб,
Юраги кенгларга гулзор бўлади.*

Аёл тўртликни ўқиб, қип-қизариб кетди. Уялганидан ҳеч нарса деёлмай, аста турди-да хонадан чиқиб кетди.

*Кишининг ҳаёти фарзанд биландир,
Қанд ила новоти фарзанд биландир.
Ўлимдан кейину тирикликдаги,
Боқий қолар оти фарзанд биландир.*

САЛОМ

Саломда буюк фазилат яширинган бўлиб, у одамларни ўзаро яқинлаштиради.

*Дил меҳригиёси - саломим менинг,
Юрагим кимёси - саломим мениг.
Ҳақ ёки ноҳақдан кўнгли синганини,
Ямар мўмиёси - саломим менинг.*

Расулаллоҳ саҳобаларга: “Сизларнинг орангизга муҳаббат соладиган нарсани айтайми? Ораларингизда саломни ёйинг” - деган эканлар. Расулаллоҳга ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган экан. Саҳобалар эса бир-бирига доимо салом беришар, ҳатто ораларига бир дарахт тушиб қолса, ундан ўтгач, яна салом берар эканлар.

*Саломга бахиллик ҳаво белгиси,
Салом камтарликнинг авло белгиси.
Кимки инсонликка белги қидирса,
Салом-инсонликнинг аъло белгиси.*

Ҳурматли қиблагоҳим Махдум Восилий катталарга биринчи бўлиб салом берардилар. Кўчада ўйнаётган болаларга ҳам салом берардилар. Бир куни улардан: “Дада, болаларга нега салом берасиз?” - дедим. Дадам: “Биринчиси - ибрат учун, иккинчиси - адаб учун, салом берсангиз сиздан ибрат оладилар, бошқа томондан адаб бўлиб, салом бериш зарурлигини тушуниб етадилар” - деб жавоб бердилар.

*Инсон шарафининг ривожини - адаб,
Қадру қимматининг гултоғини - адаб.
Балою қазодан-омон сақловчи,
Қалқону восита, иложини - адаб.*

Академиянинг Шарқшунослик институти илму маърифатнинг кони. Бу ерда юз мингдан ортиқ араб, форс, ўзбек тилидаги асарлар сақланади. Меҳнаткаш олимлар кечаю кундуз шу асарлар устида иш олиб борадилар. Институтга республиканинг турли ерларидан, Тошкентдаги илмий муассасалардан, олий ўқув юрталаридан олимлар ва талабалар келишади. Баъзан ёшларни кузатаман. Улар коридордан ўтиб боришаркан, бу ердаги олимларга дуч келишса ҳам, салом бермай ўтиб кетаверадилар. Ахир бу ерда одобли, Шарқ маданиятини яхши билган олимлар ишлайди-ку! Ахир бировнинг уйига кирганда салом бериб кирилмайдими?!

*Салом икки қалбни боғловчи йўлдир,
Саломсиз қалб ичи мисоли чўлдир.
Эл учун азизу муҳтарам бўлди,
Ҳар кимнинг тилида саломини мўлдир.*

Институтимизга гоҳида ёш йигит ва қизлар қўлёзмалардан фойдаланиш учун келадилар. Уларнинг албатта менинг олдимга киришлари шарт, негаки қўлёзмалардан фойдаланиш учун рухсатномаларига мен қўл қўйишим керак. Баъзан коридорда кетаётиб, уларга дуч келаман ва салом берармикин, деб кутаман. Кўзимга тикилиб ўтиб кетишаверади, шу ердаги бир олим одам бўлса керак, саломлашиб ўтайин, деган фикр хаёлларига ҳам келмайди. Қайтиб келсам, эшигим олдида мени кутиб турган бўлишади. Хижолат чекиб, кечирасиз, танимабман, дейишади. Салом бериш учун таниш бўлиши шартми? Баъзан уларга адаб бўлиши учун ўзим салом бераман. Ҳайрон бўлишади.

*Саломда ажойиб бир сеҳр бордир,
Зимнида туганмас бир меҳр бордир.
Саломга бахиллик қилган кишига,
Кўнгилда нафрату ҳам қаҳр бордир.*

Бир куни эшигим олдида бир киши билан гаплашиб турардим. Узоқдан бир йигит кўринди. Коридорда учраган олимларга салом бермай келарди. Эшикларга назар солганича, салом бермай, бизнинг олдимиздан ўтиб кетди. Яна орқага қайтиб келиб, хона эшигидаги менинг исмимни ўқиди-да, эшикни итарди. Эшик қулф эди. Сўнг биздан менинг қаердалигимни сўради.

- Ўзбекмисиз? - дедим унга.

- Ҳа, - деб жавоб берди у.

- Ота-онангиз борми?

- Бор, - деди у.

- Ота-онангиз, ўзингдан катталарни кўрсанг, салом бер, демаганми? Мактаб ўқитувчиларичи? Институт бу ердаги олимларнинг иккинчи хонадони. Ҳар ким бировнинг хонадонига кирса, салом бериб кирмайдими? Сиз салом бермаслик билан нафақат ўзингизни, балки ота-онангизни ҳам, таълим берган мактаб ўқувчиларини ҳам, институтдаги домлаларингизни ҳам шаънига доғ туширдигиз. Ҳадиси шарифда: “Ҳар ким сизлар билан саломлашмай туриб сўз бошласа, у билан гаплашманглар” дейилган. Агар сиз билан сўзлашишга киришсак, ҳадис ҳукмига амал қилмаган бўламиз, - дедим унга.

У дарҳол:

- Ассалому алайкум, домла, кечирасиз, менга ажойиб танбиҳ бердингиз, ҳеч ким менга бундай сўзни айтмаган эди, сўзларингизни албатта ёдимда тутаман, унга амал қиламан! - деди.

Бир куни уни бошқа қаватда кўриб қолдим. Орқасидан кузатиб турдим. У дуч келган аёл ва эркакка салом бериб кетарди.

*Буюк бир қувватга эгадир салом,
Эгилмас бўйинни эгадир салом.
Юракдан гинаю аразни қувиб,
Муҳаббат уругин экадир салом.*



СЕМИРГАН ДҮСТ

Карим деган дўстим бор эди. Келишган қоматли бу хипча йигит қорин солиб, семира бошлади.

*Бўкиб еб, ҳар кимки суяк кемирар,
Ҳар нафас, ҳар лаҳза, ҳар он семирар.
Семирса фойдаси бўлса майлийди,
Аксинча ўз танин ўзи емирар.*

Спорт машқларида ҳаммадан тез югурадиган, волейболни қойилмақом қилиб ўйнайдиган бу дўст энди ўзининг оғирлигидан, ҳансираб қолишидан шикоят қилар, аввалги соғлигию чаққонлигидан асар ҳам қолмаган эди.

*Деди: - Бу феълимда хуш одат бўлса,
Ҳаётим лиқ тўла саодат бўлса.
Дедим: - Феълнинг кенгу саодатлисан,
Борди-ю, баданинг саломат бўлса.*

Бир кун у ўтиришга борибди. Кетма-кет келаётган таомлардан мириқиб еб, бўкиб қолибди. Уйидагиларни ғамга солиб, тонг отгунча оҳ-вой қилиб чиқибди.

*Товуғу ўрдағу кўзини еди,
Туну кун лаззатнинг “кўз”ини еди.
Бир кун роса бўкиб еганди таом,
Еган таомлари ўзини еди.*

Шариат ҳукмларида қорни оғриб кетар даражада таом ейиш, яъни таомнинг ортиқча ейилгани ҳаром ҳисобланади. Ортиқча еб, бўкиб қолиш эса бундан кўра баттарроқдир.

*Меҳримни илмга тўкмоқ истайман,
Илмнинг қатърига чўкмоқ истайман.
Одамлар овқат еб, бўкса бўксинлар,
Мен эса илмдан бўкмоқ истайман.*

Табобатда, барча иллатларнинг боши бўкиб ейшдир, дейилади. Ҳар бир нарса ҳаддидан ва ўз меъёридан ошдими, ундан зарар юзланмай қолмайди.

*Сафродан “сариқлик” ханда қилармиш.
Савдо жинниликка банда қилармиш.*

*Қон инсон дўсти-ю, ҳаддидан ошса,
Юракнинг соғлигин канда қилармиш.*

Фуломжон деган табиб укахоним бор эди. Бу зукко табиатли инсон ўзи биолог олим бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва табобат бўйича кўпгина кашфиётларнинг муаллифи эди ва Луқмони Ҳаким номли илмий ишлаб чиқариш кичик корхонисини бошқарар эди. Каримни кўриб, парҳез буюрди, бироқ у бунинг уддасидан чиқмади.

*Парҳез буюрилса инсонга емиш,
Чайнашдан тўхтамас ўттиз икки тиши.
Анордан ибрат ол, юзлаб тиши бор,
Хаёлга келмайди оғзини очмиш.*

Табиб укахоним парҳез билан Каримни синаб кўрмоқчи эди. Синовдан ўтмади. Бироқ табиб унга меҳр билан боқди, ширин сўзларини ундан аямади.

*Шифокорнинг аввал кўзи шифоли,
Қолаверса очиқ юзи шифоли.
Даво учун дори-дармонидан ҳам,
Икки оғиз ширин сўзи шифоли.*

Фуломжон ҳозик табиб эди. Каримнинг нафсини синдириш ва уни тез оздиришга сабаб бўладиган дорини тавсия қилиш устида бош қотирди.

*Табиб ҳозик бўлса бадан кулади,
Шифокор кўлидан ҳар тан кулади.
Булутни кўрдингми, тоза сувидан,
Ердаги ҳамма ўт-ўлан кулади.*

Охири унга ўзи кашф қилган “Иксир” дорисидан берди. Дорини ичиш ва овқатланиш қоидаларини ўргатди. Парҳезга амал қилмаса, дорининг таъсири бўлмаслигини, озиш юз бермаслигини, у пайтда дорини эмас, ўзини айблаши зарурлигини уқтирди.

*Овқатинг шўр бўлса тузда нима айб,
Ҳосилинг гўр бўлса кузда нима айб.
Ногирон тугилсанг сабабчиси ким,
Оғиз қийшиқ бўлса сўзда нима айб.*

Орадан бир неча ойлар ўтди. Бир куни дўстларнинг бири тўй қилиб, ош берди. Ошда Каримни кўриб танимабман. Озиб, хипча

йигит бўлиб қолибди. Бошқалар ҳам уни кўриб: “Ёпирай, Карим-мисан?!” - дейишарди. Олдинга ўсиб чиққан ва устига нарса кўйса йиқилмай турадиган қориндан асар ҳам қолмабди. Ундан: “Қандай қилиб оздинг?” - деб сўрашарди. У эса: “Нафсимни тийиш билан!” - деб жавоб берарди.

*Табиат бағрида кўп қизиқ иши,
Ҳамманинг ўз ўйи, фикри, ташвиши.
Бир илон бақани ютди, портлади,
Бир кекса деди: - Бу нафс қилмиши!*

Ғуломжонни кўриб қолдим. Ундан: “Каримнинг озиши нафсини тийишими ёки дорининг ишими?” - деб сўрадим. “Ҳар иккинсининг, - деб жавоб берди у, - унинг ошқозонида еган овқатини бир онда ҳазм қилиб юборадиган ва яна овқат талаб қилдирадиган модда тўпланиб қолган эди. “Иксир” дориси моддани кесиб, эритиб, чиқариб юборди. Натижада ундаги “ёлғон иштаҳа” йўқолди, овқатга нисбатан интилиши камайди. Нафсини тийгани эса унга янада фойда бўлди ва мақсадига осонгина эришди”.

*Кўп едим, ўзимни беҳолат топдим,
Семирдим, эл ичра хижолат топдим.
Овқатни оз-оз еб, кўп озган эдим,
Ўзимни энгилу саломат топдим.*

СУТ

Университетда бирга ўқиган дўстимни кўриб қолдим. Ўтган йили тўйида бўлгандик. Бир амалдорнинг қизига тантана ва дабада билан уйланган эди. Оилавий аҳволини сўрадим.

- Ҳеч кимга айтолмайман, - деди у фифони фалакка чиқиб, - хотиним билан муносабатим ёмон.

- Ёқмай қолдимми? - деб сўрадим.

- Гап унда эмас, - деди у. - Хотиним бошқача тарбияланган экан. Ишдан кеч қолади. Йигитлар уни машинада ташлаб кетишади. Танбиҳ берсам, улар менинг дўстларим, нима сизни деб, дўстларимдан воз кечайми? - дейди.

- Ахир ўзинг кўриб, билиб олгансан-ку, - дедим унга.

- Мен қаёқдан билай, яқинда фарзандлик бўлганмиз, боласини эмизмаяпти, - деди у.

- Нега? - ҳайрон бўлдим.
- Қадди бузилар эмиш! - деди у.
- Ҳа, танлаб-танлаб тозисига учрабсан, - дедим унга.

*Бир танноз хонимнинг сути алмашди,
Гўдакнинг ризқ-рўзи, қути¹ алмашди.
“Қадди” бузилармиш бола эмизса,
Бола яхши ўсмай пути алмашди.*

ҚОМАТ

Қишлоқдан меҳмон келган эди. Айлангириб келиш учун боққа олиб чиқдим. Курсида дам олиб ўтирсак, миллати номаълум бўлган икки ёш аёл ёнимизга келиб ўтирди. Иккаласи ҳам миниюбкада бўлиб, ярим яланғоч эдилар. Меҳмондан хижолат торгдим.

- Таажжубли жойи йўқ, - деди меҳмон менинг ҳолатимни кўриб. - Агар бу аёллар чиройли бўлганда эди, ўз қоматларини яширган бўлишарди, хунук бўлганлари учун бепарво очиб юришибди.

*Дарахтдан олдимга тушди бир ёнгоқ,
“Либосин” шарт ечиб, отди нарироқ.
Сўнг деди: “Зеболар қаддин яширсин,
Бизда-чи, ҳаммаси, ҳаммаси чатоқ!”*

СУҲБАТ

Хонамга икки ҳамкасб дўстлар кириб келишди. Чой устида янги ёзган бир шеъримни ўқиб бердим. Биринчиси:

- Ёзасан, ёзасан, матбуотга бермайсан ё китоб қилиб чиқармайсан! - деб таъна қилди. Иккинчиси:

- Ёзилган нарса изсиз қолмайди, куни келиб чиқади, аммо муҳими шуки, унинг шеърлари ҳеч ерда чиқмаса ҳам, барибир ёзаверади, ташлаб қўймайди. Агар тўхтатиб қўйса, унда ёмон бўлади, - деди.

Иккинчисининг сўзлари менга ёқди.

*Қоқ тунда уйғониб солгандим қулоқ,
Ёнимда шилдираб оқарди булоқ.*

¹ Қути - овқат.

Дедим: - Бехудага мунча оқасан?

У деди: - Оқавер, ёмон тўхтамоқ!

БУЙРАК ТОШИ

Ишхонада ўтирсам, хонамга бир йигит кириб келди ва ўзини Фарҳод деб таништирди.

- Мен ёзган асарларингизнинг ашаддий мухлиси бўламан, - деди у. - Китобларингиз борми, газета ва журналлардан чиққан мақолаларингиз борми, ҳаммасини йиғиб, алоҳида жойга тахлаб қўйганман. Уларни ҳеч кимга ишонмайман ва ҳеч кимнинг қўлини тегизмайман.

- Бунинг сабаби нима? - деб сўрадим.

- Сиз менинг халоскоримсиз, сиз ҳақингизда кўп ўйладим, сиз билан учрашишни уч йилдан буён орзу қиламан, бугун охири қидириб топдим, - деди у.

- Қанақа халоскорлик ҳақида гапираяпсиз? - дедим тушунмай.

- Буйрак офриги нима эканини биласизми? - деди у.

*Буйракнинг баданга хизмати бордир,
Шунинг-чун ҳар танга иззати бордир.
Оламда буйрагинг соғ бўлсагина,
Ҳаётнинг сен учун лаззати бордир.*

- Биаламан, - дедим унга. - Лекин бунинг менга нима дахли бор?

- Буйрак иллатидан олам менга қоронғи эди, еганим тотимасди, уч марта операция бўлганман, - куйиниб гапира кетди у.

*Буйрак но'соғ бўлса ҳеч зотинг ёқмас,
Лаззату ширинлик, новвотинг ёқмас.
Ёқимли нарсани санаб нетаман,
Ҳатто яшаб турган ҳаётинг ёқмас.*

- Давом этаверинг, - дедим унга.

- Бир минг тўққиз юз саксон еттинчи йили “Табобат хазинаси дурдоналаридан” номли китобингиз чиқиб қолди. Олиб ўқидим. Буйрак тошини йўқотиш ҳақида ёзилган экан. Операция йўли билан буйрагимдан уч марта тош олишди. Энди тўртинчисини қилиш керак эди. Кел, дедим ўзимга, яна операцияга ётиш ўрнига китобда айтилганини қилиб кўрай-чи. Шундай қилиб, китобда айтилганларини қилишга киришдим.

*Қачонким, бу азиз буйракда тошдир,
Еганинг татимас, кўзингда ёшдир.
Нинадек ҳар лаҳза санчиб турси у,
Кимда чидам бўлар, кимда бардошдир?*

Бирор ҳафта ўтгач, буйрагимдан пешоб орқали йиринг аралаш бир нарса чиқа бошлади ва кўп ўтмай, пешобим тозаланди. Буйрак тошидан қутилганимни ҳис қилдим, кейинги йил яна тош пайдо бўлди, яна ўша давони қилдим. Учинчи йил яна тош пайдо бўлди, яна ўша даво билан қутилдим. Сиз ёзган даво тажрибадан тўлиқ ўтиб, ишонч пайдо бўлди. Сизни қидириб топишга ва маннатдорчилигимни изҳор қилишга шошилдим.

*Кўзлардан шўр ёшни ҳайдамоқ керак,
Буйракдан у лошни¹ ҳайди моқ керак.
Даводан сеҳрли бир тошни ясаб,
Бу тошдан у тошни ҳайдамоқ керак.*

Йигит бошидан ўтганларини ҳикоя қилар экан, хаёлимдан 1987 йил воқеалари ўта бошлади. Йил охирида муқовалари рангли, ичида бир қанча миниатюралари бор, тоза қоғозга босилган 50 минг нусхали китобим чиқди. Ҳаммага тақдим қилдим. Шу кунлари йиллик қилинган ишларни текширувчи балл комиссияси ишлаётган эди. Менга негадир ҳасад қилиб юрадиган бир аёл комиссия қотибаси эди. Ўзича ишимдан нуқсон топган бўлиб, ишни текшириш учун ўша пайтда мавжуд бўлган Халқ контролига оширди. Халқ контроли бошлиғи С.Тансиқбоева деган аёл бўлиб, ишни текширишни ўз аъзоси, таниқли шарқшунос олим Ҳ.Ҳикматуллаевга топширди.

*Душман хужум қилса, чақмайин қўймас,
Азоб оловида ёқмайин қўймас.
Ўзингни ҳимоя қила олмасанг,
Гўрингга тириклай тиқмайин қўймас.*

Ҳ.Ҳикматуллаев ишни текшириб, йиллик режа юз фойиз эмас, юз эллик фойиз бажарилгани, иш бўлим мажлисида муҳокама қилингани, иш юзасидан С.Каримова ва Ҳ.Ҳикматуллаевлар ахборот берганини, бўлим мажлиси баённомасида ишнинг сифати

¹ Лош - Улакка.

ва тўлиқ бажарилгани ўз аксини топгани ҳақида ҳукм чиқарди. Бироқ Тансиқбоева йиллик ҳисобат мажлисида воқеанинг ҳақиқатини яширган ҳолда мени айбдор сифатида текширилганимни эълон қилди. Яқин дўстим А.Ҳакимжоновнинг ҳамиятига тегиб кетиб, ирғиб турди-да, ҳисоботни қоралаб кетди. Раис иш жанжалга айланмаслиги учун уни босишга ҳаракат қилди. Мен ҳеч нарса демадим. Негаки, бўлим бошлиғи ва илмий раҳбарим У.И.Каримов бу ишларга аҳамият бермасликни, бутун кучимни илмий ишга қаратишимни уқтирган эдилар.

*Душмандан ҳазар қил, йўлинг тўсади,
Арқонсиз бир кун и дорга осади.
Душманнинг ишига бепарво бўлсанг,
Пайт пойлаб гўрингга тупроқ босади.*

Балл комиссияси котибасининг менга қўйган иккинчи айби, мен саксон еттинчи йили китоб чиқараман ва гонорар ишлайман деб, йиллик режамни бажаришда нуқсонга йўл қўйган эканман. Бу олима-котиба китобни шу йил тайёрласанг, шу йил чиқмаслигини ҳам билмас экан. Ваҳоланки ўша китоб 1983 йилда нашриётга топширилган бўлиб, 1987 йил чиққан эди.

Мен Фарҳоднинг шодлигини эшитиб, ўтган воқеаларни хотирлар эканман, кўнглимда бир қониқиш ҳис қилдим. Негаки мен чиқарган китоб кимгадир қўл келибди ва оғир қийинчиликдан қутилишга ёрдам берибди. Орадан кўп йиллар ўтди ва биз Фарҳод билан ака-ука бўлиб кетганмиз. Унда ҳозир ҳам тош пайдо бўлиб туради ва ўша давони қилиб қутилади.

Ҳозир у Қарши шаҳаридаги катта банклардан бирини бошқармоқда. Биз у билан тез-тез кўришиб тураемиз.

*Кимдир сендан гоҳ-гоҳ фойда тополса,
Ишларингдан огоҳ фойда тополса.
Бундан ортиқ яна бахтинг бўларми,
Китобингдан ногоҳ фойда тополса!*

ШАЙТОНГА ШЕРИК

Ҳадисларда: “Ёлғиз овқат еувчига Шайтон шерик бўлади” дейилади. Бу ҳадисни қиблагоҳим бизларга кўп гапирар эдилар. Жиянларим, қиблагоҳимнинг олдиларига кириб турадиган ёшлар,

ҳамсуҳбат бўлувчи кексалар ҳам бу ҳадисни қиблагоҳимдан кўп марта эшитган эдилар.

*Ёлғиз еса ҳар ким Шайтон шерикдир,
Шайтон бирга ейди, ҳар он шерикдир.
Ўзга билан уни баҳам кўрса ким,
Жаннатда ҳур ила гилмон шерикдир.*

Овқатни ёлғиз тановул қилиш, бошқа томондан, очкўзлик белгиси ҳамдир. Хасис ва очкўз одам ўз улушига бошқаларнинг шерик бўлишини ҳечқачон хоҳламайди. ўз насибасини бошқалар билан баҳам кўриш сахийлик ва олижанобликнинг ифодасидир.

*Ёлғиз емоқ очкўз одам белгиси,
Шайтонга ҳамтовоқ, ҳамдам белгиси.
Сахий одам ейди ўзгалар билан,
Бирга емоқ сахий одам белгиси.*

Қиблагоҳим айтардилар: “Расулulloҳ айтдиларки, бир кишининг овқати икки кишига, икки кишиники тўрт кишига, тўрт кишиники саккиз кишига ва ҳоказо, етади”. Демак, овқатда бахиллик қилиш ҳадисга тескари иш тутишдир.

*Эл ичра овқатга бахилни кўрдим,
Юзида нури йўқ заҳилни кўрдим.
Ўзи емай ёки ўзгага бермай,
Озиган-тўзиган бир қилни кўрдим.*

Қиблагоҳимга марҳума онам Биби Ҳамида ширин овқат тайёрлаб, ёзиб-чизиб ўтирадиган хоналарига келтириб берар, бу овқатни ўзингиз енг, атайлабдан ширин қилиб тайёрладим, дер эдилар. Қиблагоҳим “хўп” деб қўйиб, кимдир келишини кутиб ўтирардилар. Ҳеч ким келмаса, кўчага чиқиб, кўзга кўринган қўшнилардан бирини чақириб кирар ва у билан бирга ердилар. Кўчада ҳам ҳеч ким бўлмаса, аста-аста юриб бориб, қўшнимиз Қирғизвой акани чақириб келиб, у билан бирга ер эдилар. Бунни кўрган қўшнилари ҳам уйдан ўз улушларини кўтариб чиқиб, қиблагоҳим билан бирга баҳам кўрардилар. Кечқурунлари баъзан ҳаммаёқ овқатга тўлиб кетар эди.

*Овқатнинг лаззати бирга ейишда,
Одамнинг иззати бирга ейишда.*

*Савобу барака ҳамда ризойи,
“Ва Робб ул-Иззати” бирга ейишда.*

Бир кун Марҳаматда эркаклар, аёллар ва бола-чақалар автобусга ўтириб, саёҳат учун Ўзганга йўл олдик. Дарёйу боғлар тамошасини қилдик. Чархфалакка миниб, осмону фалакка кўтарилдик. Тушда чойхонада палов тайёр бўлди. Қўлларни ювиб, ейишга ўтирдик. Қорнимиз ҳаддан ташқари очган эди.

*Овқатлар шоҳидир шоҳона палов,
Лаззату шодликка баҳона палов.
Паловлар ҳаммаси зўрдиру бироқ,
Паловнинг зўрроғи - чойхона палов.*

Эркакларга тўрт лаган палов келди. Қарасак, саккиз киши эканмиз, ҳар икки кишига бир лагандан тегар экан. Менга Усуббек ака шерик бўлиб қолди. Усуббек акани олдиндан паловхўр эканини билардим, мен ҳам оч бўлганим учун, ҳозир ундан кам емайдиган даражада эдим. Паловни шиддат билан ейишга киришдик. Усуббек ака узоғи билан тўрт ёки беш ошам олди-ю:

- Нафсимни белига тепдим! - деб шартта қўлини артиб қўйди.

Ҳамма ҳайрон эди. Ҳаммадан ҳайронроғи мен эдим. Турли хаёлларга бордим, наҳотки мен билан егиси келмаётган бўлса, кўнглини айнитадиган ёки иштаҳани кесадиган бирор иш қилдимми, деб ўйлардим. Паловни бир ўзим ейишим ҳам ноқулай эди.

- Нега емаяпсиз? - дедим Усуббек акага.

- Нафсимнинг белига тепдим дедим-ку! - деди яна у.

- Сиз-ку, нафсингизнинг белига тепиб, ўзингиз учун гўё хайрли иш қилибсиз, лекин мени шайтон билан бирга ейишга мажбур қилаётганингизнинг сабаби нима? - дедим.

Ўтирганлар кулиб юборишди. Ичимизда энг кексамиз бўлган Мулла Муҳаммад Мусо тоға:

- Оз-оздан бўлса ҳам олишиб туриш керак, бир киши ўзи ейишга уялади, шериги бас қилмагунча, қўлини артмаслик лозим, - деди.

Усуббек ака қизариб кетди, бироқ барибир қўлини яна қайта лаганга солмади.

*Ўзга билан овқат еганда ҳар чоқ,
Ҳамдам бўлиб егин, бас қилма бироқ.*

*Ўзга еса, сен-чи тўхтатиб қўйсанг,
Шеригинг Шайтонга бўлур ҳамтовоқ.*

ҒИЙБАТ

Дунёдаги энг ярамас фаъллардан бири ғийбатдир. Қуръонда, ҳадисларда ва ўтмиш уламоларининг одоб-ахлоққа оид асарларида ғийбат ва ғийбатчи кескин қораланади. Аллоҳу таъоло: “Ал-ғийбату ашадду мина-з-зино” (“Ғийбат зинодан ёмон”) дейди. Ёки бошқа жойда: “Жосуслик қилманглар ва бир-бирингизни ғийбат қилманг, наҳотки сизлардан баъзиларингиз ўз биродарининг ўлган гўштини ейишни яхши кўрса?!” дейилади. Демак, ғийбат қилиш ўликнинг гўштини ейиш билан тенг экан.

*Феълларнинг ичида ёмони гийбат,
Дилларни заҳарлар замони гийбат.
Ўқ ила камонсиз ўлдирай десанг,
Ажалнинг ўқ ила камони - гийбат.*

“Фавоқиҳ ул- жуласо” китобида ёзилишича, Абу Таййиб ат-Тоҳирий дўсти Бани Сомонни тинимсиз ғийбат қилар экан. Бир куни Наср ибн Аҳмад деган киши унга: “Токайгача одам гўштига нон қўшиб ейсан?” дейди. Абу Таййиб шу кундан бошлаб ғийбат қилишни ташлаган экан.

*Гўштни есанг, жонинг оромда,
Бақувватсан доим хиромда.
Аммо, гийбат гўштини есанг,
Умринг ўтар доим ҳаромда.*

“Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир, - деб ёзади олим Хаёлиддин ал-Ҳасаний, - ғийбат оз бўлса-да, бироқ унинг зарари кўпдир”. Шунинг учун ҳам, Муъиниддин Жувайний “Равзат ул-хулд” асарида ғийбатни ёмонлаб ёзган эди:

*Одат бўлса ҳар кимга гийбат,
Ишонмагин унга ҳеч қачон.
Ёмонласа бировни сенга,
Ёмонлайди сени ҳам шу он.*

Расул алайҳис салом: “Саййид ут-таъоми-л-лаҳму” (“Овқатларнинг шоҳи гўштдир”) деганлар, гўшт кишига ором, тилга маза,

иштаҳага равонлик, баданга куч беради. Бироқ, ғийбат-ҳаром гўшт бўлиб, ундан фақт зараргина юзланади. Охунд Дарвизанинг “Иршод ут-толибин” китобида ёзилишича, бир куни ҳазрати Биби Оиша разийаллоҳу анҳо Расул алайҳис саломга: “Фалончи аёлнинг этаги жуда узун” дедилар. Расулаллоҳ: “Ерга туфла” дедилар. Улар дарҳол туфладилар. Оғизларидан хом гўшт ва қон чиқди. Ҳазрати Биби Оиша: “Бу қандай ҳол?” деб сўрадилар. Расул алайҳис салом: “Ҳар ким бировни ғийбат қилса, унинг гўштини еган бўлади” дедилар.

*Юракларнинг ороми гўштдир,
Таомларнинг кироми¹ гўштдир.
Бир гўшт борки, дунёда ҳаром,
Бу ғийбатнинг ҳароми гўштдир.*

Таътил пайтларининг бирида Марҳаматда эдим. Қиблагоҳимнинг олдиларига кирсам, бир неча киши ҳузурида ўзларига йигирма йилдан бери озор бериб юрган бир фосиқ одамнинг ярамас хулқлари ҳақида афсусланиб сўзлаётган эканлар. Орқасидан гапириш ғийбат бўлади, деб эшитганим учун ҳайрон бўлиб турган эдим, қиблагоҳимнинг ўзлари: “Уламо одам бирор киши ҳақида гапирса, ғийбат эмас, балки ўтирганларга ибрат учун гапирган бўлади, уламо ўзининг ваъзи орқали одамларнинг кўзини очади ва ёрқин мисоли туфайли элни ёмон феъдан қайтаради, бадкирдор ва ярамас одам ҳақида одамларни огоҳлантириб қўйиш-ғийбат ҳисобланмайди” деб қолдилар.

*Ҳар кишидан бир ибрат ўрган,
Уламодан маърифат ўрган.
Олимларнинг сўзлари ҳақдир,
Демак, ундан ҳақиқат ўрган.*

Қиблагоҳимнинг бу сўзлари мени кўп ўйлантириб юарди. Бир куни Охунд Дарвизанинг “Иршод ут-толибин” китобидан қуйидагиларни ўқиб қолдим ва қиблагоҳим ҳақ эканига комил ишонч ҳосил қилдим. Унда шундай дейилган эди:

“Тўрт нарса бордурким, агар бу нарсалар ҳақида ғийбат қилинса, ғийбат бўлмади. Биринчиси, амалдор золим бўлса, унинг

¹ Киром-азиз.

зулми ҳақида ғийбат қилинса, ғийбат бўлмайди. Иккинчиси, суҳбатдош дўстлар ўзаро суҳбатлашиб ўтирганда, фалончи дўстимиз фалон ярамас ишларни қилмоқда, агар у мазкур ишларни қилмаса эди, яхши бўлар эди, десалар ғийбат бўлмайди, балки ғамхўрлик бўлади. Учинчиси, агар бир киши гуноҳкор ва бадкирдор бўлса, унинг ёмонликлари тилга тушса, бу ҳам ғийбат бўлмайди, масалан, порахўрлиги, шаробхўрлиги ва бошқа ярамас ишлари. Тўртинчи, бир одам бидъатчи ва залолат аҳли бўлса, бироқ бидъатчилигини махфий тутиб юрган бўлса, бошқа киши унинг бу феълени бошқаларга зикр этса, бу ҳам ғийбат бўлмайди, балки савоб бўлади. Бу ҳақда Расулаллоҳ (с.а.в.)дан мана бу ҳадис келган: “Ман аҳона ли-аҳлил бидъати оманаҳуллоҳу минал фазаъил акбар” (“Ҳар ким бидъат аҳлини хорласа Аллоҳу таъоло уни қиёматнинг қийинчиликларидан омон сақлайди”).

Мазкур асарда яна зикр қилинишича, бировни ҳасад, гина, адоват туфайли унда йўқ нарсалар билан гапириш ёки баданида бўлган бир жисмоний айби сабабли одамларни кулдириш учун сўзлаш ғийбат ҳисобланади.

*Одамнинг ёмони ғийбатчи бўлур,
Дил тўла гумони ғийбатчи бўлур.
Ҳеч кимни кўролмас ҳасад устида,
Ранглари сомони ғийбатчи бўлур.*

Китобда кўрсатилишича, ҳар ким бировни ғийбат қилиб, сўнг пушаймон бўлса, ҳадисда келтирилган мана бу дуони ўқиса, ғийбатчини ҳам, ғийбат қилинувчини ҳам Худойи таъоло кечиради: “Аллоҳум-мағфир лано ва лиман иғтибноҳу бироҳматика ё арҳамар раҳимийн” (маъноси: “Эй бор Худоё, бизнинг гуноҳимизни ҳам ва биз ғийбат қилган кишининг гуноҳларини ҳам мағфират қилгайсан”).

Бироқ, доимо ғийбат билан шуғулланиб, тавба қилмаган одамнинг ҳолига войки, қиёмат куни уни офир азоблар кутади.

*Ғийбатчи одамнинг оғир гуноҳи,
Ҳеч кимса бўлмагай унинг паноҳи.
Қиёмат кунда кутиб олажаск,
Оғзини ланг очиб жаҳаннам чоҳи.*

ТАЪБИР КИТОБИ

Муҳаммад Тафлисийнинг форс тилида ёзилган “Комил ут-таъбир” (“Мукаммал туш таъбирномаси”) китобининг энг асосий қисмларини таржима қилиб, 1991 йили “Меҳнат” нашриёти орқали нашр қилдирган эдим. Хурсандчилик асносида бир нусхасини бир қадрдон ухахонимга совға қилдим. Худди шу йили Биноийнинг “Тушлар таъбири” китоби ҳам бир юз эллик минг нусхада босмадан чиқди.

Ухахоним ўз тушларига доимо диққат қиладиган ва улардан башоратлар излайдиган тоифадан эди. У билан ҳар гал учрашганимизда тушлари ҳақида гапирар ва Биноийда у деган, Биноийда бу деган деб кўп такрорлар эди. Аммо мен совға қилган “Комил ут-таъбир” ҳақида оғиз очмас эди. Кейин билсам, у менинг совға қилган китобимни бировга бериб юбориб, бошқа одам чиқарган Биноийни ўзида сақлаб қолган экан. Бу ҳолни мен ўзимга нисбатан ихлоссизлик, деб қабул қилдим ва кўнглим бироз оғриб қолди.

*Дўст агар қадрингга етолса дўстдир,
Ҳақ сўзни юзингга айтолса дўстдир.
Оғзингдан тўкилган дур сўзларингни,
Онзига маҳкамлаб битолса дўстдир.*

Бир куни у менга:

- Лали дегани лаганми? - деб қолди.
- Бу сўзни қаердан олдингиз? - дедим.

- Биноийда лали “лаган” деб ёзилган, - деди ва сўзини исботлаш учун дипломатидан Биноийни олиб, 51-саҳифасини очди. У ерда “Лаъоли” сўзи “лали” деб ўқилган ва қавс ичида “лаган” деб ёзилган эди. Аслида эса лаъоли сўзи луълуъ, яъни марварид сўзининг кўплиги эди. Демак, марварид сўзи лаганга айланиб қолганди. Буни ухахонимга тушунтирдим ва менинг китобимни асрагани учун ўч олмоқ мақсадидами ёки Биноийдаги хатоларни кўрсатиб қўйиш учунми, билмадим, шундай сўз бошладим.

- Азиз ухахоним, Биноий тожик шоири бўлиб, ХУ асрда яшаган ва Навоий билан кўпинча мунозарада бўлган кишидир. У ҳеч қачон туш таъбири ҳақида китоб ёзмаган. Авазхон Ҳайдар ўғли Термизий эски ўзбек тилида ёзилган бир туш таъбирини топиб олиб, ҳозирги имлога ўгирган ва “Мерос” нашриётига олиб кел-

ган. Муаллифи йўқ асарни нашриёт чоп қилишни раво кўрмагач, унга ёлғондан Биноий муаллиф қилиб кўрсатилган. Агар муаллиф ҳақиқатан Камолиддин Биноий бўлганда эди, уни Биноий эмас, Камолиддин Биноий деб тўлиқ ёзиб, муаллиф ҳақида икки оғиз сўз илова қилган бўлардилар.

Келинг, укахоним, китобнинг бошланиши (5-бети)ни очайлик. Аввало шу бетнинг ўзида нотўғри ёзилган сўзларга диққат қилинг:

муабад	- аслида:	муаббад
ашиё	- аслида:	ашё
навум	- аслида:	навм
Расуллоҳ	- аслида:	Расулуллоҳ
ал рўё	- аслида:	ар-рўё
афзалу саловот	- аслида:	афзал ус-саловот
саиди коинот	- аслида:	саййиди коинот
ловлака	- аслида:	лавлока
мутассиф	- аслида:	мутгасиф

Шу бетнинг ўзида Қуръон оятлари деярли бузиб ёзилган ва изофа занжирлари пачоқланган.

- Вой-бў, - деди укахоним ҳайрон бўлиб, - бир бетда шунча хато бўлса, охиригача қандай бўларкин!

- Энди олтинчи бетни очайлик, биринчи қатордаги алайҳис салом катта ҳарфда ёзилган, аслида кичик ҳарф билан ёзилади. Қуръон эса “Қурон” шаклида берилган. “Ёбунайё” эса аслида “ё бунайё” деб ўқилади. “Вассалам” эса “васаллам”дир. “Уйқу навлари”да эса катта ҳарф билан “Бихоратсарг” ёзилганига қаранг, бу сўз аслида “бухори сард” (совуқ буғ)дир.

7-бетга ўтайлик. Бу ерда тахаййул сўзи “юхайялу”га айланбди, “Дастур ул-илож” эса “Дастурул алаж” шаклини олибди. Яна бу ердаги соҳиби хоб (уйқу эгаси) нима сабабдан катта ҳарфларда, қўштирноқ ичида “Соҳиби Хоб” дейилганига ҳайронман. Яна шу бетда:

алайҳилаъна	- аслида:	алайҳи-л-лаъна
Саллоҳу	- аслида:	саллаллоҳу
8-бетга қаранг.		
Бу ерда: аҳлам	- аслида:	аҳлом
Лаҳул-маҳфуз	- аслида:	лавҳ ул-маҳфуз
Малакул рўё	- аслида:	Малак ур-рўё

9-бетда:

Карамаллоху - аслида: каррамаллоху

Хоййи олам - нималиги номаълум.

Укахонимга қолган бетларни ҳам очиб, хато ёзилган сўзларни кўрсатишда давом этдим.

- Қаранг, - дедим унга, - нафс (жон) сўзи “нафас” (10-б.), фил-маноми сўзи “Филноми” (12-б.), Канъон сўзи Канон (16-б.) ан-навму сўзи ан-навлу (18-б.), мудохала сўзи мудохила (20-б.), мағфур сўзи мағфир (21-б.), сахт (қаттиқ) сўзи сохт (21-б.) шаклида бузиб ўқилган. 21 - бетдан бошлаб китоб охиригача барча таъбирчилар номига “Раҳматуллоҳ алайҳис салом” жумласи қўшилган, аслида эса оддий одамларга нисбатан “Раҳматуллоҳи алайҳ” пайғамбарларга нисбатан “алайҳис салом” ишлатилади. Укахоним, мана бу ерда ангабин (асал) сўзи анкабин (26-б.) деб бузиб ёзилган бўлса, 27-бетда “марг” сўзи “тўсатдан ўлиш” деб берилган, аслида эса марг - оддий ўлимдир.

Укахоним, 35-бетда “ганж” сўзи “ёмби” деб таржима қилинган, ганж бу хазина, бойлик-ку! Ахир халқимиз: “Илон тушингда ганж, ўнгингда кўрсанг янч” дейишади-ку! 36-бетдаги сарлавҳа: “Дадҳо (баъзи бир аъзолар)” шаклида ёзилибди, аслида у: “Дарди аъзоҳо” (аъзолар оғриғи)дир. Дирҳам сўзи эса “диҳам” шаклида ёзилган. 37-бетда тавоний сўзи “тавоний” деб ўқилиб, “камбағаллик” деб таржима қилинади, ваҳоланки у “куч-қувват эгаси бўлиш” деганидир. Шунингдек, мана қаранг, “Дўхтани жома (кийим тикмоқ) жумласи “йиртиқ кийим” деб таржима қилинган (39-б.) “Душоб” (шинни) эса “сут” бўлиб қолган (39-б.)

Табдилчи “жунуб” сўзини “жалуб” деб ўқийди ва “эҳтилом” дея таржима қилади. “Эҳтилом” эркак кишининг тушида булғаниб қолишидир. “Жунуб” эса жинсий муносабатда бўлиб, ҳали ювинишга улгурмаган одам. Матнда ўқиймиз: “Агар киши жалуб қилсаю ғусл этса”. Кўриниб турибдики, бу ерда жинсий алоқадан сўнг ювиниш ҳақида сўз кетмоқда (33-б.) “Дуғ” (айрон) сўзи “даруғ” деб ўқилиб, “ёғ”га айланиб кетган (40-б.) 41-бетда эса яна “ёғ” сарлавҳасини учратамиз, “Зоғ” (қарға) “қуш” деб таржима қилинган, ахир зоғнинг “қарға” эканини ёш бола ҳам билди-ку! (45-б.) “Зирних” (маргимуш)ни “зарних” деб ўқиб, уни “ўт” (сафро) дейишибди. Демак, тушингизда маргимуш дорисини

кўрсангиз, ўт қопидаги суюқлик деб билаверасиз (47-б.) “Ларзидан” (қалтираш)ни эса бемалол “қимирлаш” деб тушунаверасиз (50-б.).

Шу сўзларни айтиб, ухахонимнинг юзига қарадим, унинг пешоналари тиришиб турарди, бу тиришиш нимадан эканини билмадим. Бироқ, у яна кейинги саҳифаларда аҳвол қандай эканини билишга қизиқиб турганини сездим.

- Энди, ўликлар ҳақидаги бобга келдик, - дедим унга. - 55 - саҳифада “мурда зиндоштан” деб ёзилибди. Буни ҳар қандай тожик ёки форсга айтсангиз ҳам таржима қилолмайди, аммо уни бу китобда бемалол таржима қилишган: “ўликни тирик кўриш”. Аслида форсий жумла: “Мурда зинда шудан” (ўликни тирилмоғи)дир. 56-бетга қаранг, бу ерда: “Мурдаи жомаи пўшидан” сарлавҳасини кўрасиз. Буни ҳам форслар тушунмайди, аммо нашрга тайёрловчилар тушуниб, “ўлганни кийимда кўриш” деб таржима қилганлар. Аслида у: “Мурда жома пушидан” (ўликнинг кийим киймоғи)дир. Яна оятни “байт” (58-б.) “нобино шудан”ни “икки кўзи кўр” (59-б.) тарзида, “обгина” (шиша)ни “обино” тарзида (60-б.) кўришингиз мумкин. Донлару унларни аралаш-қуралаш ҳам кўраверасиз. Масалан, орд сўзи “орўд” ўқилиб, “арпа” дейилган, ваҳоланки “орд” бу ундир. Уни кўрасиз-да, арпа кўрдим, деб юраверасиз. (61-б.).

Ухахоним, “рисмон” (арқон, ип)ни “рисиман” деб ўқисангиз ғалати бўлар экан. Айниқса, тушингизда “рикоб” (узанги)ни кўриб, уни “улов” деб ўйласангиз ҳам бўлаверади, негаки китобда “рикоб” (улов) деб таржима қилинган (64-б.) “Рўзҳо” (кунлар)ни “кундуз” (65-б.), 70-бетда “сохитон” “тарозу” дейилади, 77-бетда эса “тарозу” яна алоҳида келади. “Сохитон”нинг тарози эканлигини ҳозиргача тузилган луғат китобларидан топаман деб овора бўлманг. Сирка бобида келтирилган “Хайр ул-идом халлун” ҳадисининг мазмунини эшитиб, ёқангизни ушламанг. Ноширлар уни: “Яхши нон бу сирка” деб таржима қилишган. Сиз ҳар куни нон еяётган бўлсангиз, уни нон деб ўйламанг, сирка ичаётган экансиз. Аслида: “Сизларнинг энг яхши тамаддингиз бу - сиркадир” дегани, яъни сирка истеъмол қилишга тарғиб маъносидадир (71-б.). Саргин (тезак)ни бемалол “саркин” ўқисангиз ҳам бўлаверади (71-б.). Сўзанани бемалол “игна” деяверинг, унинг аслида “сўзан” эканининг аҳамияти йўқ (74-б.).

Укахоним, 80-бетга назар солинг, бу ерда “астар” ёки “устур” сўзи кўрпа ёки либоснинг “астари” деб таржима қилинган. Аслида у хачирдир. Демак, тушингизда хачирни кўриб қолсангиз, кўрпанинг астарини кўрибман, деб ўйлайверинг, бироқ эҳтиёт бўлингики, астарингиз “қайсар” бўлмасин. Чунки у ерда, “агар саркаш (қайсар) бўлса бадхуй одамга дучор бўлгай” дейилган. 81-бетда фуруд сўзи “баланддан пастга томон тушиш” деб таржима қилинади. “Фуруд” аслида “паст” дегани. Фуруд ўзига “омадан” феълини талаб қилади ва “фуруд омадан” бўлади, шунда “пастга тушмоқ” деб таржима қилинади. Яна “хорпўшт” (типратикон)ни “хаспўшт” деб ўқиб кетаверишингиз ҳам мумкин экан. 82-бетдаги “чоҳ” бобида фақат қудуқ ва унинг суви ҳақида сўз борса-да, сарлавҳада “чуқурлик” дейилгани сизни ташвишга солмасин. Бирор чуқурни кўриб қолсангиз қудуқ деб тасаввур қилаверинг. Форсчада “шона” сўзи тароқни билдиради, китобда бу сўз “бош тароқ” деб таржима қилинган, яна сиз “соқол тароқ”ни қидириб юрманг (85-б.). “Шаб” аслида тун, китобда “қоронғу” дейилганига ғашингиз келмасин (85-б.).

Укахоним, 84-бетдаги “Чашма” бобида “ислоҳ” сўзи “тўғри йўлдан озиш” деб таржима қилинган. Агар ислоҳ қилиш тўғри йўлдан озиш бўлса, асло ислоҳга уринманг. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг: “Агар кўзига сурма кўйса, далил бўлгайки, динининг ислоҳига (тўғри йўлдан озиш) юриш қилгай”. Бу жумладаги “юриш” сўзи аслида “кўшиш” (ҳаракат) сўзининг бузиб ўқилганини сизга сир сифатида айтиб кўяй. Биз сиз билан одатда “кўзи оч” ва “кўзи тўқ” деганда “очкўз” ва “очкўз бўлмаган” одамни тушунамиз. “Тўқ”нинг бошқа маъноси ҳам бор экан. Диққат қилинг: “Агар икки кўзини жуда тўқ кўрса (оқи билинмайдиган даражада), далил бўлгайки, шариасти Мустафодан бебаҳра экан”. Шарбат сўзини ўзбеклар орасида билмайдиган киши бўлмаса керак, китобда уни “ширин ёки аччиқ ичимлик” деб таржима қилинган (85-б.). Шукуфа - дарахт гули, уни “туллаган” деб таржима қилинса, аҳамият бериб ўтирманг (87-б.). 88-бетдаги “шаҳдий” сарлавҳаси “ширинлик” деб ўтирилган, ваҳоланки у асал бўлиб, бу бобда сўз бошдан-оёқ асал ҳақида кетади. 89-бетда эса “шийра” (ширинлик) деб таржима қилинади.

Укахоним, баъзан қуръон ўқиб турасиз, тавба қилинг, ғазбага учрайсиз. Ишонмасангиз, мана қаранг: “Агар ояти одобдин ўқиса, лозимдурки, тавба этсин, зероки ғазабуллога далолат қилур”

(92-б.). Кўрқиб кетдингизми? Ахир одоб ояти яхши-ку, нега энди Аллоҳ ғазаб қилади, дейсизми? Ақлингизга қойилман, шубҳангиз ўринли. “Ояти одоб” аслида “ояти азоб” (азоб ояти)дир. Уни табдилчи тўғри ўқийелмаса, “зол”ни “дол” қилиб ўқиса, кимда айб?

Овқатинг шўр бўлса тузда нима айб?

Ҳосилинг гўр бўлса кузда нима айб?

Ногирон тугилсанг сабабчиси ким,

Озинг қийшиқ бўлса сўзда нима айб?

Шу ерга етгач, китобни ёпдим. Укахоним:

- Вой-бўй, шунча хатолар билан одамлар уни ўқиб юришиб-дими? - деди.

- Биринчидан, таъбир китобларига эҳтиёж катта, ука. Иккинчидан, оддий одамлар унинг хатосини қаёқдан билсин? - дедим.

Тушида оламни кезади одам,

Таъбирга эҳтиёж сезади одам.

Яхши тушлар кўрса, шод бўлади-ю,

Ёмон тушлар кўрса - безади одам.

- Ҳали бу ҳаммаси эмас, - дедим укахонимга, - бу китобда сарлавҳалар арабча ҳарфда берилган, бироқ аксарияти ногўғри ёзилган.

Арабча билмасанг хато кўпаяр,

Форсчани билмасанг гито¹ кўпаяр.

Арабу форсийни мукамал билсанг,

Хатойинг камаяр, ато кўпаяр.

Шундай деб, китобни варақлай кетдим ва арабча ҳарфда ногўғри ёзилган сўзларни санай бошладим:

Аллоҳ таъло (20-б.), Азроил (22-б.), уламолар (24-б.), ангабин (26-б.), атр (27-б.), биринж (30-б.), вузу (33-б.), дардҳо (36-б.), жигар (42-б.), жунуб (33-б.), зимистон (49-б.), лаъолий (51-б.), мурда зинда шудан (55-б.), мурда жома пушидан (56-б.), масжид (56-б.), минора (57-б.), орд (61-б.), рақс кардан (64-б.), равған (66-б.), саргин (71-б.), сурайн (72-б.), сўзан (74-б.), салавот (74-б.), собун (77-б.), тавба (78-б.), табл (79-б.), астар (80-б.), фулс (81-б.), хорпўшт (81-б.), шукуфа (87-б.), ғута (87-б.), қози (91-б.), қайт (92-б.),

¹ гито - тўсиқ, парда

ҳажар ул-асвад (93-б.), шу сўзларнинг ҳаммаси бузиб ёзилган.

*Ҳар кимнинг оламда таҳсили камдир,
Илмлар бобида маҳсули камдир.
Кўлэзма ўқимоқ энг мушкул амал,
Бу бобда одамнинг асили камдир.*

Укахоним афсусдан бошини чайқар экан:

- Бу китобни отиб юборса ҳам бўлар экан! - деди.

- Мен ҳам шундай деган бўлардим, бироқ унга бир курсдошим “бадий қайта ишловчи ва муҳаррир” бўлган экан, фақат ундан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак, дейман холос, - дедим унга.

Орадан бир-икки кун ўтгач, укахоним билан учрашиб қолдим. У иш кабинетига эндигина кирган ва бир китобни варақлаётган экан.

- Тинчликми? - деб сўрадим.

- Тушимда баданимда шиш пайдо бўлиб, ундан йиринг оқаётганини кўрдим, жуда хавфдаман, - деди у.

- Ғам емай кўяқолинг, - дедим унга, - ёмон туш баъзан яхшига, яхши туш эса ёмонга далил бўлади, тушдаги шиш эса молу давлатни билдиради.

*Баъзилар туш кўриб, шодон бўлади,
Гўёки ғамлардан омон бўлади.
Таъбирга шошилма, ёмон туш яхши,
Яхши туш баъзида ёмон бўлади.*

Укахоним бироз енгил тортгандек бўлди. Шунга қарамай, кўлидаги китобдан шиш бобини топиб ўқиди ва кўнгли жойига тушди. Аммо не кўз билан кўрайки, унинг кўлидаги китоб энди Биноий эмас, балки мен чоп қилдирган “Комил ут-таъбир” (“Мукаммал туш таъбирномаси”) эди.

*Тушларнинг оламда китоби кўндир,
Ичида ой ила офтоби кўндир.
Китобни тушуниб, сўнг ўгирмасанг,
Авлоду аждоднинг итоби² кўндир.*



² Итоб - таъна, танбих

РАВШАН ОПА

Равшан опа Шарқ кўлёмалари фондининг ажойиб хушчақчақ аёлларидан бири эди. Опа бор жойда шодлик, опа бор жойда кулги ва қаҳқаҳа авж оларди.

*Ширин сўз давода гўё асалмиш,
Асал ширинликда элда масалмиш.
Биров кулса сен ҳам куласан ногоҳ,
Кулги одамларга юқар касалмиш.*

Опа ҳаддан тапқари тўла эди. Бу эса юриш ва туришда, кўтарилиш ва тушишда опага панд берарди.

*Шохлари кўнайса терак букилар,
Қорлари кўнайса курак букилар.
Одам кўп ейишга банда бўлсаю,
Гўштлари кўнайса юрак букилар.*

Опанинг ёши мендан анча катта бўлгани учун мен унинг олдида одоб сақлардим. Гапга кўп аралашмас эдим. Опа ҳам менинг ҳаётимни чуқур билмас, ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтмас эди.

*Эркакнинг зийнати поклиги бўлар,
Гуноҳдан хавфдаю боклиги¹ бўлар.
Аёллар зотиға шафқатда бўлиб,
Эл учун ёқаси чоклиги бўлар.*

Бир куни опа мени хузурига йўқлатибди. Кирдим. Арабча машинкада кўлёмза асарларнинг тавсиф варақаларини чоп қилиб ўтирган экан. Олдида катта ҳажмли ва чиройли муқовали бир китоб турарди.

- Шу китобни сотмоқчиман, - деди опа, - хоҳласангиз сиз олинг, бўлмаса, бирорта оладиган одам бўлса, хабарини берсангиз.

Китобни қўлга олиб кўра бошладим. У Турди Муҳаммадохуннинг “Уйғур таобатчилиги қўлланмаси” деган китоби бўлиб, 1975 йили Шинжон халқ нашриёти томонидан чоп қилинган экан. Жуда қизиқиб қолдим. Ҳаётимнинг анчагина қисми таобат тарихини ўрганишга бағишлангани учун китоб кўзимга олов бўлиб кўринди ва қонларимни қиздира бошлади. Дарҳол нархини сўрадим.

- Икки юз эллик сўм, - деди опа.

¹ Бок - кўрқув

Бу нархни эшитиб, ҳафсалам пир бўлди. Ўша пайтда оладиган ойлигим бир юз қирқ сўм эди. Харидор топиб бераман, деб чиқиб кетдим. Тиббий китобларга ўта ўч Аъзам Мирзакаримов деган отахон бор эди. Бу отахон Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институтида кўп йил ишлаган, умрини мумиёнинг хосиятларини ўрганишга бағишлаган, ҳозирда меҳнат таъгилида бўлиб, даволаш ишлари билан жиддий шуғулланар эди. Отахонга таклиф қилдим, жуда қизиқди, бироқ нархи тўғри келмади.

*Кўлни чўздим, бироқ китобга етмас,
Даво топдим, бироқ бетобга етмас.
Қушининг қаноти бор, бироқ ҳоли йўқ,
Қанча кўп учса-да, офтобга етмас.*

1987 йили рангли муқовада, тоза қоғозда, шарқ миниатюралари билан безатилган “Табобат хазинаси дурдоналаридан” номи китобим чиқиб қолди. Равшан опа ўша кунлари Қашқарнинг Ўрумчи шаҳарига қариндошларини кўргани кетаётган эди. Китобимдан барча танишларга, жумладан, опага ҳам совға қилдим.

*Меҳнатдан чаққону чуствлик ошади,
Уйингда бекаму кўствлик ошади.
Ҳадиснинг ҳукмича, совға-саломдан,
Ўзаро бузилмас дўствлик ошади.*

Орадан икки ой ўтгач, опа қайтиб келдилар. Ишга чиққан куни олдимга кирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Қўлида ўша сотмоқчи бўлган табобатга оид китоб бор эди.

- Маҳмуджон, мен сизни кўриб юрар эканман-у, бироқ танимас эканман, сизни Қашқарга бориб, таниб келдим, - деди опа ва давом этди. - Шинжонга бориб, бир танишимизнинг уйига тушдик. Танишимнинг эри Халқ табобати марказининг бошлиғи экан. Китобингизни кўрсатдим. Танишиб чиқай, деди. Шу куни бизни ётиб қолишга мажбур қилди. Эртасига ҳам ўқиди. Яна олиб қолди. Учинчи куни кечга томон рухсат берди. Китобни менга совға қилинг деб ялиниб - ёлворди. Бермадим. Сизни роса мақтади. Бу китобни ёзиш учун қанчадан-қанча форсий манбаларни кўриб чиқибди, наср билан ёзилганларини насрий йўл билан, шеърда ёзилганларини шеърий йўл билан таржима қилибди, Худо берган одам экан, мен у одам билан албатта учрашаман, деди. Эрта-кеч

овқат устида ўтирганимизда фақат сиз ҳақингизда гапирди. Мен сизни ўша ерда танидим. Мана ўша сотмоқчи бўлган китобни сизга текинга ҳадя қилмоқчиман, ўқинг, ёзинг, халққа фойда бўлсин!

Опа шундай деб, китобни қўлимга тутқазди.

*Китобхонга китоб улуг совгадир,
Маъноларга тўла тўлуғ совгадир.
Унга дуру гавҳар совга қилмагин,
Китобхонга китоб қутлуғ совгадир.*

Опанинг сўзлари мени қувонтириб юборди. Муҳажассийини китобимга берган таърифи мен учун буюк совға эди. Бунинг устига ўзим етолмаган китобнинг қўлимга тегиши хурсандчилик устига хурсандчилик эди.

Орадан 3-4 ой ўтгач, ростдан ҳам Уйғур халқ табиоти марказининг бошлиғи Тошкентга келди. Мени қидириб институтга келибди. Афсуски мен иш билан Андижонга кетган эдим. Учрашолмагани учун қаттиқ афсусланибди. Бироқ, ярим йилча ўтгач, унинг ўғли Тошкентга келди. У ҳам шифокор экан. Отасининг саломини етказди. У билан роса мириқиб суҳбатлашдик ва илмий алоқалар қилиб туришга аҳдлашдик.

*Шерик қилар сени биров нониси,
Тўғри келиб қолса жонинг жонига.
Хуш кўрмаса сени, буни сездингми,
Яқинлашма асло унинг ёнига.*

ХАВОС УЛ-АШЁ

“Хазина” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан 1990 йилда “Хавос ул-ашё” (“Ашёларнинг хосиятлари”) номли таржима асарим босилиб чиқди. Бу асар асли форс тилида ёзилган бўлиб, Тошкентда истиқомат қилувчи бир олим томонидан тайёрланган ва шу шаҳарда тошбосма усулида чоп қилинган эди.

Мазкур китобни нашрга тайёрлаган олим ўзидан олдин ўтган табибларнинг асарларини синчиклаб ўрганиб, жинсий ожизликни бартараф қилувчи ва шу иллатга йўлиққанларга куч бағишловчи барча ўсимликларни бир ерга жамлаган эди. Бу асар эркакларни даволайдиган том маънодаги бир мактаб бўлиб, ватанимиз шифокорларини биринчи марта бу ҳақда ўйлашга ва ўсимлик-

ларнинг беқиёс хосиятларини ўрганишга даъват этар эди.

*Боболар китоби - “Хавос ул-ашё”,
Бизларга хитоби - “Хавос ул-ашё”.
Йўлимиз қоронги бўлган замонда,
Ёритар офтоби - “Хавос ул-ашё”.*

Бу китобга эга бўлган шифокорлар, илм аҳллари ва оддий биродарлар ҳам раҳмат изҳор қилардилар ва шу мазмундаги асарларни нашр этиш вақти келганини таъкидлар эдилар. Бу илм, бу фан, дейишар эди улар, қанчадан-қанча эркаклар, айниқса, ёшлар бу иллатга дучор, бироқ дамлари ичида.

*“Хавос ул-ашё”дир эркаклар жони,
Боболар қолдирган даволар кони.
Бебаҳо куч ато қилгай бу китоб,
Бошларга ожизлик етган замони.*

Бир куни хонамга энг яқин синглимга айланиб қолган бир олима аёл кириб келди. Сўз “Хавос ул-ашё”га келиб тақалди.

- Кеча уч аёл гаплашиб ўтирган эдик, - сўз бошлади синглим, - фалончи опа: “Маҳмуд Ҳасанийнинг “Хавос ул-ашё” китоби чиқибди, эрим уни сотиб олибди, қўлидан қўймай ўқиб ётибди, ишга кетгач, бир эски латгани олдим-у қўлим ифлос бўлмасин деб, латта билан китобни ушладим, чанг босиб ётаверсин деб, жавоннинг устига отиб юбордим” деб қолди. Мен унга: “Ўзингиз қўлёзма манбалар ичида ишлайсиз, ота-боболаримиз бундай китобни бекорга ёзмаган бўлса керак, уларни халққа етқизиб беришсин, деб давлат бизга пул тўлаябди-ку, сизга керак бўлмаса, шундай қўлланма китобларга зориқиб юрганлар бордир” - дедим. У индамай қолди, - дея сўзини тугатди синглим.

*Нодонким, кулфати аримаёй ўлар,
Балога дуч келиб, қаримаёй ўлар.
Ҳар ишда фикрлаб, сўнг гапир, чунки,
Ўйламаёй гапирган оғримаёй ўлар.*

Орадан бирор йилча ўтгач, бир куни хонамга ўша таъриф қилинган аёл қисиниб-ҳимтиниб кириб келди.

- Ўғлим йигирма олтига кирди, - дея гап бошлади у, - уйлантириб қўяй десам, ҳеч кўнмаяпти. Қизларга қизиқиши йўқ. Дои-

мо рамгин, хаёл сургани сурган. Уйлантиришдан сўз очсак, йўқ, уйланмайман, бу ҳақда офиз очманглар, дейди. Сиз кўп китоб ўқигансиз, эҳтимол, шундай ҳолатни даволайдиган дуолар бордир, маслаҳат берсангиз.

*Дунёда йигитнинг орзуси қиздир,
Севгию муҳаббат унга азиздур.
Йигитким, қизларни хоҳламас экан,
Билгинки, бечора жинсий оғиздир.*

- Бунга дуонинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, - дедим аёлга. - Унинг яккаю-ягона дориси бор.

- Бу дорининг оти нима экан? - бутун вужуди билан қизиқиб сўради аёл.

- “Хавос ул-ашё”, - дедим унга.

Аёл қип-қизариб кетди. “Майли, раҳмат” деди-ю бошқа ҳеч нарса демай, чиқиб кетди.

*Қанчалаб йигит бор - давога муҳтож,
Айтишга қилар ор - давога муҳтож.
Жонига қасд қилган ёшларни кўрдим,
Кўзига дунё тор - давога муҳтож.*

ПИЁЛА

Шарқшунослик институтининг қўлёзмаларни рўйхатга олиш бўлимига ишга келганимда илк марта Абдулла ака Носиров билан танишган эдим. Бу ишчан олижаноб ва меҳнаткаш инсон менда катта тассурот қолдирган эди. Носихий тахаллуси билан шеър ҳам ёзиб турар эди. Абдулла ака бошини ишдан кўтармас, институт ҳамда четдан келган олимларга қўлёзмалардан маълумот топишга жон деб кўмаклашар эдилар. Биз Абдулла акани “тирик қомус” дер эдик.

*Абдуллака “тирик қомус” эдилар,
Илмгоҳга ору номус эдилар.
“Хазина”га келган ҳар бир кишига,
Йўлни ёритувчи фонус эдилар.*

Туш пайтида кўпинча раҳматли Усмон Каримов, Усмон Ҳамраев, Тешабой Зиёев ва бошқа олимлар Абдулла ака билан ўтиришиб, чойхўрлик қилишарди. Мен ҳам аксар вақт улар билан бирга бўлардим. Абдулла аканинг хитой пиёласи бўларди. Пиёла

икки ердан дарз кетган бўлиб, кўп ишлатилганидан ейилиб, қорайиб, доғ бўлиб кетган эди. Бир куни Тешавой акага:

- Абдулла акага бир янги пиёла совға қилмаймизми, меҳмонлар олдида бу пиёлада чой ичишлари яхши эмас, - дедим.

Тешавой ака:

- Абдулла аканинг олдиларида бу гапни оғзингиздан чиқарманг, - деди. - Пиёла Абдулла акага бир дўстидан ёдгорлик. Бу пиёлани узоқ вақтдан буён асраб, авайлаб ишлатиб келадилар. Биз, синиб қолмасин, деб ҳатто қўлимизни теккизгани ҳам кўрқамиз.


Бир куни чойхўрликдан сўнг, бир хизмат қилай деб, пиёлаларни ювгани олиб чиқдим. Абдулла аканинг пиёлалари қўлимдан тушиб кетиб, иккига бўлинди. Юрагим сиқилиб, босимим кўтарила бошлади. Ўзимни ўзим койий бошладим. Сўнг Тешавой акани чақириб, воқеани айтдим.

- Ишингиз чатоқ, Маҳмуд, - деди Тешавой ака. - Энди эшитадиганингизни эшитасиз. Абдулла ака бизга юз марталаб пиёлани эҳтиёт қилишни буюрар эдилар. Энди биз ҳам гап эшитадиган бўлдик. Абдулла акага бу ҳақда ўзингиз гапиринг, бу ишга мени аралаштирманг.

Ўша куни Абдулла ака пиёланинг синганидан хабар топмадилар. Эртасига уйдан ўша пиёлага ўхшаш бир пиёлани олиб келдим. Пиёла сингани ҳақида икки бетдан иборат катта “Афсуснома” шеърини тўқидим. Шеърни пиёла билан бирга Абдулла аканинг столлари устида қолдирдим. Шеърнинг айрим байтлари қуйдагича эди:

*Бугун ҳолим кўп ёмон, пиёлани синдирдим,
Қайғуга тўлди жаҳон, пиёлани синдирдим.
Йўқ бўлди зўр ёдгорлик, бу қандайин бедодлик,
Юрак бағрим лахта қон, пиёлани синдирдим.
Ўрнига келмас асло, қайдин келди бу бало,
Тор бўлди менга замон, пиёлани синдирдим.
Эй сиз Абдуллоҳ ака, ҳам Мадина, ҳам Макка,
Хафа қилдим кўп ёмон, пиёлани синдирдим...
Кечиринг бу Маҳмудни, эҳтиётсиз бехудни,
Энди йўқ менга омон, пиёлани синдирдим.*

Орадан уч кун ўтди. Абдулла ака қаттиқ гапирсалар дилим



оғриб, уларнинг суҳбатларидан маҳрум бўлиб қолмай деб, кирмай юравердим. Охири Абдулла ака Тешавойдан: “Нега Маҳмуд кўринмай қолди?” - деб сўрабдилар. “Э, пиёлани синдириб, кўрққанидан кирмай юрибди” - дебди Тешавой ака. Абдулла ака шеърни олган куниёқ бир жавоб ёзиб, менинг киришимни кутаётган эканлар. Тешавой аканинг жавобларини эшитганларидан сўнг, хонамга кириб, столим устида мана бу жавоб шеърни қолдирибдилар:

*Пиёла синса синсин, шунга ҳам шунчамидир,
Осмондаги Ойми у ё кўкда Кунчамидир?
Удир оддий пиёла, лойдан чиқар зувола,
Тенгги йўқ гулмидир ё сеҳрли гунчамидир?
Синди дебон пиёла, борманг минг хил хаёла,
Ўртада оқибатлар лаҳзаю зумчамидир?
Пиёла синса синсин, лекин кўнгил синмасин,
Носиҳий ҳеч тушунмас юраги тунчамидир?*

ҲАДИК

Тақдир тақозаси билан Шарқшунослик институтидан Р.Р.Щредер номидаги Боғдорчилик институтига ўтиб, 6-7 йил ишлашга тўғри келди.

Ўрта Осиё боғдорчилик тарихи билан шуғулланиб, XIV асрларда форс тилида ёзилган “Фанни кешту зироа” (“Экин экиш илми”) деган асарни таржима ва тадқиқ қилдим. Бу асар “Меҳнат” нашриёти орқали “Зироатнома” номи билан босилиб чиқди. Навоий даврида Ҳиротда ёзилган “Иршод уз-зироа фи-илмилхароса” (“Деҳқончилик борасида зироатга йўлланма”) номли асарни ва бошқа бир қанча асарлардан зироатга оид бобларни таржима ва тадқиқ қилдим.

Кунлардан бир кун кўчада замонанинг йирик файласуф олими, академик Музаффар Муҳиддинович Хайруллаевни учратиб қолдим.

- Шунча йил боғда ишлаганингиз етар, қайтинг, жиддий илмий иш билан шуғулланинг, - дедилар.

Қайтдим ва улуғ устоз Убайдулла Каримов бошқариётган бўлимга жойлашдим. Бироқ қайси хонада ўтирсам экан, деб бир

неча кунгача бош қотириб юрдим. Бир хона бўлсаки, дедим ичим-
да, хонадагилар вақтини гап-сўз билан беҳуда ўтказиб, тинч иш-
лашингга халақит беришмаса.

*Ёзинг ҳам келмагай дилда гам бўлсанг,
Ўқинг келмайди нур алам бўлсанг.
Фикр инжулари оқар қачонки,
Ўтирган жойингда хотиржам бўлсанг.*

Охири ҳурматли ва иззатли, кекса олим Абдулла ака Носи-
ровнинг олдиларига кирдим. Абдулла ака 130 дан ортиқ йирик
библиографик китоблар ҳамда бирқанча рисола ва мақолалар
муалифи эдилар. Эртадан кечгача бошларини ишдан кўтармас,
атрофидагиларни ҳам шундай ишлашини хоҳлар эдилар. Шарқ
қўлёмаларидаги малумотларни ҳаддан ташқари яхши билганлик-
лари учун, уларни хазиллашиб “жонли энциклопедия” ёки “тирик
қомус” дейишар эди.

*Абдуллака “тирик қомус” эдилар,
Илимгоҳга ору номус эдилар.
“Ҳазина”га келган ҳар бир киш
Йўлни ёритувчи фонус эдилар.*

- Абдулла ака, сиз билан бирга ўтирсам бўладими?-дедим
уларга.

Очигини айтсам, Абдулла ака мени ўз ўғилларидек жуда яхши
кўрардилар. Хурсанд бўлиб кетдилар. Кулиб, розилик бердилар.

*Илму урфон ақли мўлдан чиқади,
Нодон одам тезда йўлдан чиқади.
Меҳр қилсанг сен ҳам меҳр кўрасан,
Ахир қарс ҳам икки қўлдан чиқади.*

Узоқ йиллардан бери Абдулла аканинг бир одатларини би-
лардим. Столларининг устида жиринглайдиган соатлари бўлар-
ди. Унинг миллари тўрт яримга қўйилган эди. Соат жиринглаши
билан Абдулла ака уйда ишлайдиган қағозларни йиғиштириб,
тўрхалталарига солардилар-да эшикни қулфлаб, уйга кетардилар.
Хонадагилар эса Абдулла акадан олдинроқ кетиб бўлишарди.

Шундай қилиб, 62-хонага жойлашдим ва астойдил ишга ки-
ришдим. Биринчи кун эди. Тўрт яримда Абдулла аканинг соат-

лари жиринглади. Улар менга бир қараб қўйдилар-у индамай ишларини давом эттиравердилар. Ичимда, менинг кетишимни кутаётганга ўхшайдилар, деб соат бешда кетишга шайландим. Абдулла ака ҳам жўнашга тушдилар.

Эртасига яна соатлари тўрт яримда занг қоқди. Абдулла ака менга бир қараб қўйиб, ишлайвердилар. Ичимда, мен кетмасам, кетмайдиганга ўхшайдилар, деб беш яримда кетишга отландим. Абдулла ака ҳам нарсаларини йиғиштира бошладилар. Эртасига яна соатлари тўрт яримда жиринглади, кетмай ўтиравердилар. Соат олтида ишни тўхтатдим. Абдулла ака ҳам, ҳаракатга тушдилар.

Кўнглимда бир ҳадик пайдо бўлиб қолди. Абдулла ака 62-хонадаги картотека бўлимини бошқарар ва ҳар бир варақани кўз қорачуғидек асрар эдилар. Хонага ёт одамларнинг киришини ва карточкалардан нотўғри фойдаланишини ёқтирмас эдилар. Айниқса, хона соҳибларидан ҳеч ким бўлмаганда нафақат четдан келган олимларнинг, балки институт ходимларидан бирор кишининг ҳам бу хонага рухсатсиз киришини қатъий манъ қилардилар. Агар бирорта ходим карточкалар солинган яшикчаларни ўз хонасига олиб чиқиб кетганини билиб қолсалар, қиёмат қойим бўлар эди. Мен ҳам бошқа бўлим ходими эдим, демак хонани менга колдириб кетишни хоҳламай, мени жўнатиб, эшикни қулфлаб, хотиржам бўлиб кетмоқдалар.

Ёз пайти эди, эртаси куни соат олти яримгача ўтирдим. Абдулла ака ҳам ўтиравердилар. Охири тоқатим-тоқ бўлиб:

- Абдулла ака, соат тўрт яримда занг урди, нега кетмадингиз? - дедим.

- Сиз кетсангиз кетаман-да! - дедилар.

Энди менда тўлиқ ишонч пайдо бўлди. Демак, хонани менга ишониб ташлаб кетмаётган эканлар. Бироқ мен ишдан кейин ҳам қолиб ишлашни жуда хоҳлардим. Ҳар куни тўрт яримда кетаверсам, ишларим ўнадими. Энди бошқа хона қидиришга тўғри келди.

*Одамнинг қадрига етганинг яхши,
Синовдан мукамал ўтганинг яхши.
Ҳар ким сендан агар шубҳада бўлса,
Тезгина ёнидан кетганинг яхши.*

Эртасига шу хонада ўтирадиган Тешавой акага ёрилдим.

Абдулла аканинг менга ишонмаётгани ҳақида гапирдим. Тешавой ака роса мириқиб кулди. Сўнг деди:

- Бекорга ҳадик қилибсиз, агар 7-8гача ўтирсангиз, Абдулла ака ҳам ўтираверадилар.

- Нега? - ҳайрон бўлдим.

- Ёнларидаги одам ишчан бўлса, - тушунтирди Тешавой ака, - унга қизиқиб, Абдулла ака ҳам ишларини тўхтатмайдилар. Улар доимо: “Атрофингдаги одамлар ўз вақтларини беҳуда ўтказмаса, эрталабдан олтигача қимир этмай, ўтириб ишласа, сенинг ҳам ишлагинг келади. Дангасалик қилишса, эрта кетиб қолишса, уларнинг касали сенга ҳам юқади” дейдилар.

*Дангаса одамнинг юришига боқ,
Қоқилган қозиқдек туришига боқ.
Ишчан одамларнинг омади олчи,
Юлдузни бенарвон уришига боқ.*

Бу сўзлардан кейин кўнглим жойига тушди. Жой танлашда адашмаганимни сездим. Ой кетидан ойлар ўтди. Ҳечқачон соат олтидан илгари кетмас эдим. Абдулла аканинг кўп йиллик одатларида ҳам кескин ўзгариш пайдо бўлди. Соатлари энди тўрт яримда эмас, балки олтида занг урадиган бўлди.

*Носиҳий дилларда ихлос қолдирди,
Ўзидан бебаҳо мерос қолдирди.
Жилдма-жилд китоблар тасниф қилди-ю,
Бир ҳайкал тиклади - асос қолдирди.*

ЖАНОЗА

Олимлар шаҳарчасида яшайдиган Андижонлик муҳтарам бир олимнинг онаси қазо қилиб қолди. Паға-паға ёғаётган қор остида майитни Тепамасжидга жанозага олиб келишди.

*Одамнинг ҳаёти вақтинча ҳаёт,
Бир лаҳза кўз юмиб-очгунча ҳаёт.
Абадий ҳаётинг бошқа оламда,
Бу ҳаёт ажалинг етгунча ҳаёт.*

Пешин намозидан сўнг мачит имоми Абдуссамадхон қисқача панду насиҳат маърузаси билан жаноза намозини адо қилди.

*Куни келиб, тобут сенга жой бўлар,
Устига миндирар, чопқир той бўлар.
Ортингда одамлар - бири шод бўлса,
Бири гам чекару ёши сой бўлар.*

Жанозада кўплаб олимлар ҳозир бўлди.

*Кўплар оқибатни ўйламагай ҳеч,
Ўлим водийсига бўйламагай ҳеч.
Яратувчи зотга бошини эгиб,
Тазарруъ сўзларин сўйламагай ҳеч.*

Маййит машинага қўйилди. Одамларни эса юзлаб одамни ўзига сиғдириб юборадиган узун автобус кутарди. Автобусга маййитнинг эгасини танимайдиган ва умрида у билан ҳамсуҳбат бўлмаган мачит аҳллари чиқар, уларнинг аксарияти кексалар эди. Марҳум олимнинг ватандоши, ўзига тўқ андижонлик ёш йигитни танирдим. Автобус эшиги олдида унинг бошқа кишига:

- Қабристонга бориб нима қиламиз, ўликни кўмиб, қайтиб келишганда чиқиб кўямиз, - деяётганини эшитиб қолдим. Қабристонда ҳамма яққол кўзга ташланиб турарди. Қор уриб турибди. Ўша йигитни қидирдим. Одамлар орасида йўқ эди.

*Ажабо, ётмисан - ҳамшаҳармисан?
Безмисан, гунгмисан ёки кармисан?
Бошга иш тушганда қочарсан узоқ,
Асли одаммисан гову хармисан?¹*

УСМОН МАГАЗИНЧИ

Аравоннинг Чекобод деган қишлоғида Усмон магазинчи деган танишимиз бор эди. Қишлоқ марказидаги катта озиқ-овқат магазинини бошқарарди. У қиблагоҳимнинг хизматида кўп бўларди. Катта акам Абдулҳай Махсум, Фатҳулла Махсум билан бирга у билан мен ҳам тез-тез учрашиб турардим.

Усмон магазинчи бир куни менга қизиқ воқеани айтиб берди. - Кунлардан бир кун, - деди у, - ўзимда ҳорғинлик ҳис қила бошладим. Юрагим безовталана бошлади. Оёқ-қўлимдан дармон кетди. Юрагим гўёки сув ичида сузиб юраётганга ўхшарди. Врачга

¹ Гову хар - мол ва эшак.

учрашдим. Текширди, кордиограмма қилди. Ҳеч иллат йўқ, соғ, деди. Мен эса кундан-кунга озиб-тўзиб борардим. Юрагим эса сув ичида сузишини қўймасди.

*Одамнинг соғлиги юракка боғлиқ,
Қуёшу Ойлиги юракка боғлиқ.
Юрак носоғ бўлса носоғдир бадан,
Сихҳатнинг бойлиги юракка боғлиқ.*

Текширишлар ва касалхонада даволанишлар кор қилмагач, мени Тошкентга юборишди. Тошкентда ҳам ҳеч нарса маълум бўлмади. Охири Москвага юборишди. Касалхонага ётқизиб, кўп текширишди. Мен эса кундан-кунга ҳолдан тойиб борардим.

*Дардим бор-у табиб дардимни билмас,
Сабру саботимни, қадримни билмас.
Иллатдан туну кун нола чекарман,
Ҳеч кимса бу оҳи сардимни¹ билмас.*

Охири касалхона шифокорлари йиғилиб, консилиум қилишмоқчи бўлишди. Қаердандир энг катта шифокор врач келиши керак экан. Келди. Ўзаро маслаҳат қилишди. Катта шифокор касаллик тарихим билан танишиб чиқди. Сўнг:

- Бемор рус тилини биладими? - деб сўради.
 - Йўқ, - дейишди унга.
 - Беморни тезда жўнатиб юборинглар, у тез орада ўлади, - деди.
- Мен эса рус тилини яхши билардим. Тақдирга тан бердим.

*Тақдирга тан бериб яшаса одам,
Уни бука олмас на қайғу, на гам.
Сабр қилмай ҳар ким чекса кўп фарёд,
Уни йиқажасадир фироқу алам.*

Замбилга солиб, самолётга ўтқизиб юборишди. Ўғлим ёнимда эди. Ўшгача келдик. У ердан таксига ўтириб, уйга етиб келдик. Қариндошлар йиғилиб, атрофларни йиғиштириб, тартибга келтириб қўйишди. Мен эса ўлимни кута бошладим.

*Ўлимга чин дилдан тан берса киши,
Осон кечар унинг бу оғир иши.*

¹ Оҳи сард - совуқ оҳ.

*Талвасага тушиб, беқарор бўлса,
Икки бора ошар унинг ташвиши.*

Уйдагилар полга кўрпа тўшаб, девор ёнига жой қилиб беришган эди. Кўнглимга бир фикр келиб қолди. Юрагимни ўраб олган сув тик турсам ҳам пастга кетмаяпти. Оёғимни осмонга қилиб, белимни паст қилсам, эҳтимол оғзим томонга келиб, чиқиб кетар. Шу хаёлда қийинчилик билан оёғимни деворга тираб, тобора тепага кўтара бошладим. Охири оёғим тўлиқ кўтарилди. Елкамни ерга тирадим. Шу пайт юрагим атрофидаги сув овоз чиқариб оғзим томонига оққандек бўлди. Ҳатто овозини ҳам эшитгандек бўлдим. Секин-аста жойимга ётдим. Ўзимни негадир енгил ҳис қила бошладим. Кўп ўтмай, овқат егим кела бошлади. Қисқаси, бир неча ҳафтадан сўнг, оёққа туриб кетдим. Бу воқеага ҳам йиғирма йил бўлди. Мана, кўриб турибсизки, отдек юрибман.

*Дунёда иллатнинг адади² кўпдир,
Даво қабул қилмас ҳам бади³ кўпдир.
Худодан ноумид бўлмасанг агар,
Ўзи меҳрибондир, мадади кўпдир.*

Мен Усмон магазинчининг бу ҳикоясидан кейин кўпгина шифокорлар билан гаплашдим. Улар елка қиспишиб:

- Руҳий касалга учраган бўлса керак, ўз-ўзига таъсир натижаси,-деб қўж қолтишар эди.

Юракнинг сувда сузиб юриши ҳақида Ибн Синода ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. Бобурнинг хос табиби Юсуфийнинг тиббий асарлари устида илмий тадқиқот иши олиб бораётиб, унинг ўзидан кейинги табиблар ижодига таъсирини ўргана бошладим. Навбат Бобурнинг набираси Муҳаммад Акбаршоҳнинг табиби Муҳаммад Акбар Арзонийнинг асарларига келди. Унинг форс тилида ёзилган “Мезон ут-тибб” (“Ғабобат тарозуси”) асарини варақлай бошладим. Ўнинчи фаслга келдим-у, бечора Усмон магазинчининг руҳий касал эмас, балки чинакам дард ториганиянинг гувоҳи бўлдим. Бу фасл “Дар ихтиво ур-рутубат ала-л-қалб” (“Юракнинг сув билан ўралиши”) деб аталар эди.

Арзоний ёзади: “Бу шундай (иллат)ки, юрак сувга тушиб кет-

² Адам - сон

³ Бад - ёмон

гандек ва унда ҳаракат қилаётгандек туюлади. Қадимий табиблар бу иллатни хафақон турларидан деб ҳисоблаганлар. Бу иллатнинг сабаби - юракни ўраб турган парда остида сувнинг йиғилиб қолишидир”.⁴ Шундан сўнг уни даволаш усуллари берилган эди.

Орадан бир неча йил ўтгач, бир куни Усмон магазинчи билан учрашиб қолдим ва унинг касали “Мезон ут-тибб”да ёзилгани ҳақида гапириб бердим.

- Эсизгина, - деди у афсусланиб, - Шу китоблар олимларимиз томонидан тезроқ ўрганилганда эди, Беморлар шунчалик азоб тортмаган бўлар эдилар. Иккинчи томондан, ота-боболаримизга тан бераманки, ҳозирги фан билмаган касалликларни улар аллақачон ўрганиб, даволаган эканлар.

*Боболар даҳоси таҳсинга лойиқ,
Бебаҳо мероси таҳсинга лойиқ.
Табобат бобида ҳазоқати-ю,⁵
Ажойиб давоси таҳсинга лойиқ.*

ИЛМИ АМАЛ

Усмон магазинчи бир гал катта акам Абдулҳай Маҳдум билан мени Қирғизистоннинг улкан тоғлар ичида жойлашган Қорақўй деган жойига саёҳатга олиб борди. Бу ерда чекабодлик Бакр деган танишимиз асалариларни олиб бориб жойлаштирган экан. Баҳор эди. Баланд тоғлар ва қиру адирлар кўмкўк арчалар ва майсалар билан қопланган эди. Бакр ака дарҳол бир қўйни сўйиб, шўрва тайёрлашга тушди. Атрофни тамоша қилган ҳолда чой ичишга киришдик.

Шу пайт Усмон магазинчи:

- Маҳмудхон, сизга бир воқеани айтиб берайми? - деб қолди.
- Қани, айтинг-чи, - дедим қизиқиб.

Усмон магазинчи ҳикоясини бошлади:

- Бундан бир неча йил аввал Жалолободнинг Иссиққўлидаги дам олиш уйига бордим. Дам олиш уйида хизмат қиладиган бир аёл билан танишиб қолдим. Уйига ҳам таклиф этди. Ош қилиб берди. Аёл менга жуда ёқиб қолди.

⁴ Муҳаммад Акбар Арзоний. Мезон ут-тибб. Деҳли, 1892 йил, 84-бет.

⁵ Ҳазоқат - моҳирлик.

*Муҳаббат қалбимнинг шамсу қамари,
Муҳаббат инсонлик богин самари.
Муҳаббат оламни ёритувчи нур,
Муҳаббат чин инсон олтин камари.*

Кўрмасам туropolмайдиған бўлиб қолдим. Тонг отишини сабрсизлик билан кутардим. Кўзим аёлнинг йўлига тўрт бўлиб тикиларди.

*Қайларда юрибсан бошимнинг тожи,
Сенсан шодлигимнинг асл ривожи.
Қай кунки лутфингдан махрум бўлибман,
Ишнинг тўхтаб қолди божу ривожи.*

Охири аёлга муҳаббат изҳор қилдим. У ҳам мени ёқтириб қолған экан. Домлани чақириб, никоҳ ўқитдик. Дам олишим тугаб, минг дарду фироқ билан Чекободга йўл олдим. Аммо хаёлим Иссиққўлда эди. Кечки пайт магазинни ёпиб, машинага ўтириб, Иссиққўлга қатнайдиған бўлдим. Чекобод билан Иссиққўл ораси камида юз эллик километрдан ортиқ эди. Кечаси етиб бориб, тонг саҳарда изимга қайтар эдим.

*Бўлмас йўлнинг яқин-йироги,
Ўртамайди дилни фиروги.
Модомики қалбнинг ичида,
Ёниб турса ишқнинг чироги.*

Ҳаммаси ҳам майли-я, уйимда жанжал кўтарилгани ёмон бўлди. Хотиним ва ўрилларим норизо эдилар. Аёлга бўлган муҳаббатим олдида хотину фарзандларимнинг жанжаллари кўзимга кўринмас эди. Дўсту ёрларнинг маломати қулоғимга кирмас, панду насиҳатлар асло кор қилмас эди.

*Ишқ келса қўрқоқни полвон қилади,
Полвонни йиглатиб гирён қилади.
Шоҳларни гадою девона қилиб,
Гадони соҳиби даврон қилади.*

Бир йилгача ҳар куни Иссиққўлга қатнадим. Машинам эмас, ўзимнинг ҳам пачоғим чиқиб кетди. Бир куни аёлга дедим:

-Ростини айтинг, нега мен сизни шунчалик яхши кўриб қолганман? Қатнайвериб, ийиғим чиқиб кетди, ҳолдан тойдим, бу ёқда хотинимнинг жанжали. Сизни илми амал қилған, дейишади.

Илми амал қилганингиз ростми?

*Одамлар хор бўлар илми амалдан,
Тирноққа зор бўлар илми амалдан.
Дўстларинг душманга айланиб буткул,
Кенг олам тор бўлар илми амалдан.*

Аёл биров ўйланиб турди. Сўнг:

- Эртага келинг, бунинг сирини биласиз, - деди.

Эртасига кечаси етиб келдим. Уйга кирсам, бошига салла ўраган бир домла ўтирибди. Кўришдим. Домла деди:

- Мен сизга илми амал қилиб, бу аёлга иситиб қўйган эдим. Аёл аҳволингизни айтиб берди. Энди эса совитиб қўймоқчиман. Мана сув билан бир чақмоқ оққантга дам урилган. Қандни оғзингизга солиб, сувни ичиб юборсангиз илми амал ботил бўлади.

Домла шундай деб, қанд билан пиёлани узатди. Қандни оғзимга солиб эритгим ва пиёладаги сув билан ичиб юбордим. Сув томоғимдан ўтиши билан кўзим шарт очилди. Аёлга бўлган муҳаббатим бирданига сўнганини ҳис қилдим. Шунчалар йўл азобини тортганим ва уйимдаги жанжалларни ўйлаб, ўзимни койишга тушдим. Ўрнимдан туриб, хайрлашдим. Машинага ўтириб, кечаси жўнаб кетдим.

*Илми амал эрни ётил¹ қилади,
Ҳаттоки одамни қотил қилади.
Дами ўткир тоза бир мулла бўлса,
Амалнинг кучини ботил қилади.*

Усмон магазинчи шундай деб ҳикоясини тугатди.

Мен бу воқеа ҳақида узоқ ўйлаб юрдим. Илми амал билан одамни шу қўйга солиб юборадиган кучли дуохон борлигига ишонгим келмас эди. Бу ўша аёлнинг тадбири бўлиб, аёл Усмон магазинчининг қийналиб кетганини кўриб, инсофга келган ва шундай таъсир чорасини ўйлаб топган эди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Усмон магазинчининг қадрдон дўсти Фатҳулла Махсумни учратиб қолдим. Суҳбат орасида Усмон магазинчининг ҳикоясини ва домланинг совутувчи чорасини айтиб бердим.

- Э, бекор гап, - деди Фатҳулла Махсум, - Усмон ўша домла

¹ Ётил - яроқсиз

билан бўлган воқеадан кейин ҳам кўп ўтмай яна ўша аёлнинг олдига қатнашни давом эттираверди.

Шундан сўнг, ўзим қилган тахмин тўғри эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Наврўз байрами куни институтнинг Кўргазмалар зали одам билан лиқ тўла эди. Мен байрам ҳазилларини ўқий бошладим. Ҳамидхон Исломиёга келганда мана бу тўртликни ўқидим:

“Нафаҳот”ни ушлаб чун Жомий турар,

“Насойим”и қўлда Навоий турар.

Икки зотни бугун якқалам қилиб,

Йўлбарс мучал бизнинг Исломиё турар.

Ҳамидхон Исломиё Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарини қиёсий ўрганган ҳолда нашрга тайёрлаётган эди. “Насойим” эса Жомийнинг “Нафаҳот” асари асосида ёзилган. Исломиё баъзан ўзининг фақат илмда эмас, балки жисмонан ҳам бақувват эканини билдириш учун, мен йўлбарс мучалликман, деб қўяр эди.

Байрам тугагач, Қўлёмалар институтидан келган аёллар байр Исломиёга:

- Ҳамидхон ака, Маҳмуд Ҳасаний сизни тахт устига чиқариб қўйди-ку! - дейишибди.

Исломиё эса:

- Маҳмуд Ҳасаний ўзи аллақачон тахт устига чиқиб олган эди, бугун бизга тахтнинг четидан бирозгина жой ажратди халос, - деб жавоб берибди.

ХУРМО

XIII-XIV асрларда бунёд қилинган форс тилидаги “Фанни кешту зироа” (“Экин экиш фани”) номли асарни ўзбек тилига таржима қилаётган вақтим эди. Саҳифалардан бирида хурмони ҳосилдор қилиш ҳақидаги тавсияни ўқиб қолдим.

Хурмо, азиз номинг жаҳонда бордир,

Сенга муҳаббатим ҳар онда бордир.

Номинг тушган ҳатто Ҳақнинг тилига,

“Ар-Раҳмон” ичида - Қуръонда бордир.

Асарда ёзилишича, хурмо тузни жуда яхши кўрар экан. Шунинг учун хурмо остига туз солиб туриш лозим экан.

*Овқатнинг лаззати туз бўлар эмиш,
Туздан овқат иши туз бўлар эмиш.
Туздан фақат одам иши туз дема,
Туз билан хурмо туз бўлар эмиш.*

Бу ҳақдаги маълумотни таржима қилиб, конвертга солдим-у, “Фан ва турмуш” ойномасига жўнатиб юбордим. Босилиб чиқди. Орадан кўп йиллар ўтса ҳамки, бу ҳақда бирорта олим ёки боғбоннинг фикрини эшитмадим.

Бир кун бир муносабат билан уйимда хайру эҳсон барпо қилдим ва маҳалла аҳлини таклиф этдим. Дастурхонга, шубҳасиз, Арабистон хурмоси ҳамда ўзимизда етиштирилаётган хурмолардан қўйилган эди. Хурмо ҳақида гап кўзғалиб кетди. Эргашқўзи ака гап бошлади:

- Қишлоқда дўстим бор эди, меҳмонга бордим. Қарасам, хурمولари шиғил-шиғил мева боғлабди. Ҳайратдан оғзим очилиб қолди. “Нега бизнинг хурмолар сеникидек ҳосил бермайди?” деб сўрадим. “Бунинг сири бор, мен хурмоларга туз едириб тураман, хурмо тузни яхши кўради” деди у. “Тузни қандай қилиб едираман?” деб сўрадим. “Тузни сувда эритиб, хурмо остига қуяман” деди у. Шундай қилинса, хурмо серҳосил бўлар экан, деб гапини тутатди Эргашқўзи ака.

- Ундан сўрадингизми, буни кимдан ўрганган экан? - дедим мен.

- Сўрадим, буни қаердан биласан, десам, журналда ўқиганман, деб жавоб берди.

Мен ўтирганларга “Фанни кешту зироа” китобида баён қилинган маълумот ва уни “Фан ва турмуш”да бостирганим ҳақида гапириб бердим. Кўп йиллар ўтгандан кейин бўлса ҳам, ёзганим бекор кетмагани, бир одамга бўлса ҳам фойда берганини эшитиб, хурсанд бўлдим.

*Боболар кўп ишни адо қилдилар,
Роҳатдан ўзларин жудо қилдилар.
Илм деб машаққат йўлини босиб,
Эл учун жонларин фидо қилдилар.*

ЎРИК

Алишер Навоий замонида яшаган Ниёзий исмли киши томонидан “Иршод уз-зирао” (“Зироат илмига йўлланма”) номли асар ёзилган бўлиб, унда ота-боболаримизнинг зироатчиликка оид ажойиб тажрибалари баён қилинган эди. Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик институтининг раҳбари Маҳмуд Мирзаевнинг тавсияси билан шу асарни ўзбекчага ағдармоқчи бўлиб, мазмуни билан танишиб юрган пайтим эдим. Унда ўрик дарахти ҳақида ҳам ажойиб тажрибалар баён қилинган экан.

*Аллоҳнинг, эй буюк инъоми ўрик,
Каттаю-кичикнинг таоми ўрик.
Юракка кучлироқ даво йўқ сендан,
Кўнгилнинг беназир ороми ўрик.*

- Мен чет элларда кўп марталаб бўлганман, - деди менга Маҳмуд Мирзаев, - анжуманларда қатнашганман. Овруполикларнинг фикрларича, Ўрта Осиё халқлари гўё илмий деҳқончиликни билмаган эмишлар. Улар кетмон кўтариб юришдан нарига ўтмаган ва меваларнинг ҳосили ва навини кўпайтирадиган илмий тажрибаларни амалга оширмаган эмишлар ёки бу борада бирорта асар ҳам ёзмаган эмишлар.

*Илмда уммонга тенгдир боболар,
Кенг бағри осмонга тенгдир боболар.
Зироат бобида машҳури жаҳон,
Рустами Дастонга тенгдир боболар.*

- Бу бўлмаган гап, - дедим олимга, - зироатчилик ҳақида асарлар ёзилган. Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” китобининг ўзида ҳозирда унутилиб кетган полиз эканлари ва меваларнинг минглаб туринининг номини ўқиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги киши исмлари билан аталган. Бу эса илмий тажрибалар мавжудлигига гувоҳдир.

Маҳмуд Мирзаев тўлқинланиб кетди.

- Мана шу ҳақда ёзишимиз керак, - деди у. - Менга алам қиладигани шуки, Оврупо олимларидан бири Ўзбекистонга келади. Бир боғбон ўрикни каллаклаб қўйган экан. Сабабини сўрайди. Боғбон шундай қилинса, янги новдалар чиқариб, яхши ҳосил бе-

ришини айтади. Олим шу ҳодисанинг гувоҳи бўлади ва бу ҳақда мақола эълон қилади. Ота-боболаримизнинг минг йиллик бу тажриба усули ҳозирги пайтда шу овруполик олимнинг номи билан аталади.

Орадан бир неча йил ўтгач, шаҳардан ҳовли сотиб олган ёш таниш йигитнинг уйига бордим. Ҳовли ўртасида ўрик дарахти бор экан. Шохларини кесиб ташлаб, қуруқ гавдасини қолдирибди.

- Чиқариб ташламоқчимисиз? - деб сўрадим.

- Йўқ, - деди у, - ўрик қариди ва меваси кам бўлиб қолди. Шундай қилинса, янги пайдо бўлган новдалари шиғил-шиғил мева қилади.

- Буни кимдан эшитгансиз?

- Отамдан ўрганганман, - деди у, - бир йили отам ўригимизни каллаклар қўйган эди, кейинги йиллари чиқарган новдалари шиғил-шиғил мева қилди. Отам етук боғбон бўлиб, боғбонликни ўз отасидан ўрганган эканлар.

Мен шунда Маҳмуд Мирзаевнинг куюнгани ҳақ эканига яна бир карра иқрор бўлдим.

*Ҳар ишда тажрибанг бўлмаса хомсан,
Ишинг олга босмас, йўлида домсан.
Ўқисанг, ўргансанг, эътибор қилсанг,
Эл ичра кўрурсан кўп эҳтиром сан.*

“МУЎЖИЗА”

Қўлимдаги митти магнитофон радиосининг ўрта тўлқинидан Тошкентни қидираётган эдим. Қаердандир эски ўзбек шевасида гапирётган эркак суҳандоннинг сўзлари қўлоғимга кириб қолди. Суҳандон асримизда юз берган буюк Аллоҳ мўъжизаси ҳақида беш-олти дақиқа сўз юритди. Унинг сўзларига қараганда Самарқанд вилоятида яшовчи бир киши томонидан етиштирилган уруми ёки данак мағзида Аллоҳ исми ёзилган экан. Ҳатто боғбоннинг ўз оғзи билан сўзлаган сўзлари ҳам келтирилди. Кейин билсам, бу Машҳаддан берилаётган ўзбекча эшиттириш экан. Суҳандон ҳам, мева эгаси ҳам бу ҳақда ҳайратланиб гапирар эдилар.

*Буюк бир қудратга эгадир Аллоҳ,
Тимсоли Қуръону ҳам Расулulloҳ.*

*Расулдан юз берган кўлаб мўъжиза,
Аллоҳнинг улуглик васфига гувоҳ.*

Кейинги пайтда бундай хабарлар тез-тез қулоққа чалиниб тургани сир эмас. Эмишким, япон олимлари кўйни сўйиб қарашса, унинг қизилўнгачи ёки бошқа ерида “ло илоҳа иллаллоҳ” ёзилган эмиш. Бу араб ҳарфига ўхшаган ҳар хил белгилардан зўраки мўъжиза яшадан ўзга нарса эмас. Аллоҳ тавҳид калимасини одамлар парчалаб есин ёки ташлаб юборсин, деб ҳайвон ичига жойлаб қўйиши ақлдан узоқ! Чинни косалар ёки пиёлаларга ҳам араб ҳарфидаги сўзлар ёзилиб қолиши шов-шув қилинганига нима дейсиз? Идишга гул солинганда сачраган ранглар томчисини саводсиз одамлар арабча ёзув деб эълон қилганлар. Мен шундай “ёзув”ларни ўз кўзим билан кўриб, ҳеч қандай араб ёзуви эмаслигини бир неча кишига тушунтириб берган эдим. Бу нарсалар одамлар орасида шов-шув, ҳайрат ва ваҳима кўтариш учун қилинган нарсалардан ўзга нарса эмас!

*Одам яратилди - ўлмас мўъжиза,
Қуръон яратилди - сўнмас мўъжиза.
Расул юборилди, бундан ҳам ортиқ,
Буюгу каттароқ бўлмас мўъжиза.*

Мевалар уруғи ёки мағизларда Аллоҳ исмининг пайдо бўлишига келсак, бунда ҳеч қандай мўъжиза йўқ. Қазвинийнинг “Ажойиб ул-махлуқот ва ғаройиб ул-мавжудот” (“Махлуқотларнинг ажойиблари ва мавжудотларнинг ғаройиблари”) асарида бунинг сирини ёзиб қўйилган. У ерда айтилишича, тарвуз ёки қовуннинг уруғига исталган нарса, масалан, киши исмлари ёки ҳар хил нақшлар солинса, экилгандан сўнг, қовун ёки тарвузлар ичидан чиққан ҳар бир уруғда ўша исм ёки нақш мавжуд бўлади. Биз бу китобдан олинган таржималарни матбуот саҳифаларида эълон қилганимизга кўп йиллар бўлди. Демак, радиода эълон қилинган “мўъжиза” ҳам биророрта шоввознинг ишидан ўзга нарса эмас эди.

*Аллоҳ ўз ҳикматин тор қилиб қўймас,
Бандани ризқ учун зор қилиб қўймас.
Ҳар хил мағизлару уруққа битиб,
Муқаддас номини хор қилиб қўймас.*

ШАКЛГА КИРГАН ТАРВУЗЛАР

Бундан 30 йиллар аввал газеталарда бир хабар босилиб чиқди. Япониялик бир киши тўртбурчакли тарвуз етиштирибди. Газетада унинг расми ҳам берилган бўлиб, у ўзининг тўртбурчакли тарвузларини устма-уст тахлаб, бозорга сотиш учун олиб кетаётгани кўрсатилган эди. Хабар: “У ўзининг сирини ҳеч кимга айтмаяпти” деган жумла билан тугар эди.

*Буюк заковатга эгадир одам,
Унга тан бергуси бу кекса олам.
Чуқур фикри билан очажакдур у,
Сирли бўлган осмон сирларини ҳам.*

Мен ўша пайтда “Ажойиб ул-махлуқот” китобидаги “Фаллоҳат” (“Деҳқончилик”) бобини ўзбекчага таржима қилаётган эдим. Унда бобо-деҳқонларнинг ажойиб ва ғаройиб тажрибалари баён қилинган эди. Бодринг бобида: “Агар бодрингни ҳар хил шаклга киргизиш манзур бўлса, исталган шаклда идиш ясаб, бодринг найчасини унга киргизиб қўйилса, бодринг катта бўлган сари ўша идиш шаклини олаверади” дейилган эди. Япониялик деҳқоннинг иши ҳам шундан ўзга эмасди. У янгилик деб ижод қилган иши бундан минг йиллар аввал бизнинг ота-боболаримиз томонидан айтиб қўйилган эди.

*Сирлар кўп дунёда аён бўлмаган,
Китоблар ичида баён бўлмаган.
Валекин кўп сирлар, мундоқ қарасак,
Бизнинг боболардан пинҳон бўлмаган.*

УРУҒСИЗ БОДРИНГ

Марҳаматда бир ўтиришда бўлган эдим. Ўтирганларнинг кўпчилиги мўсафидлар ва деҳқончиликда суяги қотган кишилар эди. Дастурхон тўкин, мева-чевалар сероб. Эрта экилган бодринглар эндигина етилган вақти. Сўз бодринг ҳақида кетди.

*Дунёда кўп эрур Аллоҳ неъматини,
Банда учун булар Аллоҳ раҳматини.
Деҳқонга куч ато қилсин Аллоҳим,
Баланд бўлаверсин тун-кун ҳимматини.*

- Бодринг ажойиб нарса-да!
- Кони фойда.
- Чанқоқни босади.
- Ҳидини айтмайсизми.

Шу пайт маҳалла имоми мулла Абдуғани:

- Кўп еса, зарари ҳам бўлса керак, айниқса етилиб пишиб, сарғайиб қолган бодрингни ичидаги уруғи қотиб қолади, биз уни чайнаб ютиб юбораверамиз! - деб қолди.

*Нафсинг дейди сени, тинимсиз егин,
Еявер, айниқса, бўлганда текин.
Билиб қўй, зарардир меъёрдан ошса,
Нафсингга, бас қил, эй ярамас, дегин.*

- Агар уруғи зарар қилса, уруғсиз қилиб етиштириш керак, - дедим мен.

Ўтирганлар бир-бирига қарашди. Сўнг гапга тушишди.

- Бодринг ҳам уруғсиз бўладими?
- Эсимни танибманки, уруғсиз бодрингни кўрганам ҳам, эшитганим ҳам йўқ.

- Ҳозирги пайтда ҳар хил гапларни эшитаверасиз.

- Аллоҳ уни уруғли қилиб яратган, - яқун ясади мулла Абдуғани, - минг йиллар бўлибдики, одамлар уни уруғли ҳолда кўрган ва уруғли ҳолда ейди. Агар сиз уни уруғсиз қилиб етиштирган бўлсангиз, бизга ҳам ўргатиб қўйинг.

Одамлар унинг гапидан кулишди. Чунки менинг деҳқон эмаслигимни ва бу иш билан шуғуланмаганлигимни ҳамма билар эди. Ўтирганлар мenden бирор ақлли жавоб чиқармади, деб тикилиб туришар эди. Мен ҳам ортиқча интизор қилмай, сўзга киришдим.

- “Фанни кишту зироа” (“Экин экиш фани”) номли китоб бор. Унда ажодларимизнинг кўп асрли тажрибалари баён қилинган. Доно ота-боболаримиз фаннинг ҳамма соҳасида ҳам илғор бўлганлар. Деҳқончиликда ва боғбончиликда ҳам янгиликлар яратиш йўлидан борганлар.

Мен шундай деб, “Фанни кишту зироа”даги уруғсиз бодринг етиштириш усулини айтиб бердим. Чунончи, у ерда шундай ёзилган эди: “Агар ошқовоқ ва бодринг уруғсиз бўлиб пишишини хоҳласалар, уларнинг палаги бир газга яқин ўсгандан кейин, па-

лак остидан чуқур кавланади, баъзи палаклари ўша чуқурга солиниб, учи чиқиб турадиган қилиб кўмилади. Палак яна бир газ ўсгандан кейин худди юқоридаги каби йўл тутилади, яъни кўмилади. Уч мартагача шундай кўмилади. Плаклар ерда томир отгани сезилгач, ҳар уч ердан қирқилади. Палакнинг охириги учи кўмилган қисмида ҳосил бўлган меваси уруғсиз бўлади”.

Ўтирганлар ҳайрон қолишди. Мулла Абдугани Мамасодиқ деҳқонга:

-Сен катта деҳқонсан, сен бу ишни қилиб кўр!- деди.

Бошқалар ҳам бир оғиздан:

- Ҳаммамиз ҳам баҳорда еримизга бодринг экамиз, демак ҳаммамиз бу тажрибани қилиб кўраимиз! – деб ваъда беришди.

*Фикр қилса, олга интилса одам,
Унга ёр бўлажак галабалар ҳам.
Кўлни қовуштириб ўтираверса,
Фикри ўтмаслашар, ақли бўлар кам.*

АТИР ҲИДЛИ ҚОВУН

Махдуми Аъзам номи билан шуҳрат топган Аҳмад Хожагийн Косоний () Даҳбедда яшаб ижод қилди. Унинг файз осор мақбараси ҳозирда ҳам қутлуғ зиёратгоҳ ҳисобланади. Унинг 30 дан ортиқ асарлари ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Улуғ олим ва шайх ўз асарларининг баъзиларини Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ва Шайбоний хонларидан Убайдулла Султонга бағишлаган эди. Қизиғи шуки, деҳқончиликни яхши билган ва ўз қўл меҳнати билан кун кечирган шайхнинг қовунга бағишланган “Рисолаи биттихийя” (“Қовун ҳақида рисола”) номли асари ҳам бор эди. Унда ёзилишича, қовун ҳақида Расулulloҳ ҳадислари ворид бўлиб, ҳадиси шариф бўйича, қовун жаннат мевасидир.

*Лаззатнинг асоси қовунда бордир,
Роҳатнинг расоси қовунда бордир.
Жаннатнинг ҳиди-ю, неъматнинг бўйи,
Дилларнинг давоси қовунда бордир.*

Қовуннинг турлари ва хосиятлари ҳақида тарихий, жуғрофий ва зироатга онд асарлардан кўплаб маълумотларни топиш

мумкин. Бобо-деҳқонлар эса уларни яхши биладилар ва бу неъматни ҳар йили халқимизга етказиб берадилар. Ахир “босволди”дан ким ҳам лаззатланмаган дейсиз?

*Босволдининг оти нега босволди?
Босволди нимани қачон босволди?
Полизга киргандим, буни ҳис қилдим,
Босволди иштаҳа қасрин босволди!*

Борди-ю, “кўкча” қовуни ўртага келса, иштаҳа қўрғонининг қуламасдан иложи борми?

*Тошканд шаҳрида бор даҳаи Кўкча,
Бироқ, борми экан Кўкчада кўкча?
Кўкчани қидириб Кўкчага борма,
Кўкчада бозор бор, бозорда кўкча.*

“Умрвоқий” (умрбоқий) қовунининг ташқи кўринишиёқ одамга ажиб завқ бахш этади. Ундан бир тилим еган кишининг умри боқий бўлиши турган гап.

*Биласанми, қачон умр боқийдир,
Умрбоқий бўлса, умр боқийдир.
Умрбоқий агар муяссар бўлса,
Умрбоқий сенга умр боқийдир.*

Айниқса, халқимиз “кампирчопон”ни эъзозлайди. Бу қовун гарчи кампирнинг чопонини эслатса-да, бироқ лаззатда ой рухсор париларнинг завқу сафосини бахш этади.

*Кампирчопон дея кампирчопонни,
Менсимай қийнама кампирчопонни.
Кампирчопон қачон жамолин очса,
Қўлдан чиқармагин кампирчопонни.*

“Фанни кишту зироа” ва “Иршод уз-зироа” китобларида қовун ва у билан боғлиқ тажрибалар ҳақида ажойиб фикрлар ёзилган.

Бир куни умрини фақат деҳқончилик билан ўтқазган биродарим Усуббек ака мени уйига таклиф қилиб қолди. Айни қовун пишиғи эди. Хонага қадам қўйсам, уй ичини атир ҳидига ўхшаган ҳид тутиб кетибди.

- Атирни ортиқча сепиб юборибсиз! - дедим унга.

Усуббек ака ўз одати бўйича елкаларини силкитиб-силкитиб

кулди. Ўтирдик. Сочиқ билан ёпиб қўйилган ва бир тилими кесиб олинган қовуннинг устини очди ва тилимни менга узатди. Ундан гуркираб атиргулнинг ҳиди келар эди.

- Бу қандай қовун? - дедим.

- Бу ўша сиз газетада ёзиб чиққан қовун, - деди Усуббек ака.

Гапнинг нимада эканини энди тушундим. “Ажойиб ул-махлуқот” китобида ёзилишича, қовун уруғлари кузда атиргулнинг гулбарглари орасига яшириб қўйилса ва келаси йили экилса, етилган қовундан атиргул ҳиди анқиб турар экан. Мен бу маълумотни таржима қилиб, газетада бостирган ва бир нусхасини Усуббек акага берган эдим. Усуббек ака уни тажрибадан ўтказибди. Ҳадемай бошқа биродарлар ҳам етиб келишди ва атир ҳидли қовуннинг атридан баҳраманд бўлишди.

*Қовунинг ичидан таралса атир,
Лаззати бир уйча одамга татир.
Атирли қовунни аяма элдан,
Чунки нарча натир оламга татир.*

МАЗАСИ ЎЗГАРГАН АНОРЛАР

Анор Ҳақ таъолонинг бандаларга марҳамат қилган энг улур неъматларидан биридир. Аллоҳ Қуръони Каримининг “ар-Роҳман” сурасида анорни тилга олади. Ҳадиси шарифда эса, ҳар ким бир анорни тўлиғича истеъмол қилса, унинг ботинига нур бўлиб кириши ҳақида ёзилган.

*Боққа қадам қўйдим, анорни кўрдим,
Анорнинг бағрида бир норни¹ кўрдим.
Йўқ, йўқ, адашибман, дилдор бўйнида,
Осилган ёқути шаҳворни кўрдим.*

Анорнинг тиббий хосиятлари ҳақида Ибн Синодан тортиб сўнгги дар табибларигача ёзиб кетганлар. Айниқса, “Махзан ул-адвия” (“Даволар хазинаси”) китобида унинг фойда ва зарарлари мукамал баён қилинган.

*Анор хонадонга ёр бўлиб кирар,
Ейилса, давоси бор бўлиб кирар.*

¹ Нор - ёлов.

*Бироқ меъеридин оширма уни,
Бўлмаса, ичинга нор бўлиб кирар.*

Бир куни Аравоннинг Чекобод қишлоғида яшовчи биродарим Фатҳулла Махсумнинг уйига бориб қолдим. Умрини жамоа хўжалигида механик вазифасида ўтқизган бу биродар яхшигина боғбон ҳам эди. Ҳовлидаги анжир, ўрик, узум, гилос, шафтоли ва бошқа турдаги меваларига ҳафсала билан қарар ва акам Абдулҳай Махсум билан ҳар гал уникага борганимизда, уйига киришдан аввал кенг ҳовлисига олиб ўтиб, мевалардан ўз қўлимиз билан териб ейишга таклиф қиларди.

*Бог ичра товланиб турар шафтоли,
Етилиб, оғзидан томарди боли.
Қўл чўзсам, анжир дер: - Мендан емасанг,
Қиёмат кунида тутар уволи!*

Фатҳулла Махсум бу гал ҳам шундай қилди. Анор дарахтлари ёнига етганимизда:

- Анорларнинг иккинчи йил мевага кириши, бироқ ярмидан кўпи аччиқ чиқиб қолди. Берган одам, ширин деб берган эди, энди уларни чиқариб ташламоқчиман, - деб қолди.

- Унга қанчалаб меҳнатингиз сингган, чиқариб ташлаш ўрнига уни ширинга айлантириб қўя қолинг, - дедим мен.

Чекобод аҳлининг маърака-мавридларини ва тўйларини бошқарадиган, барчага ўз маслаҳатларини берадиган, доно деб ном чиқарган Фатҳулла Махсум ҳайрон бўлганича менга тикилиб қолди. Сўнг:


- Аччиқ анорни ширин қилиб бўладими? - деди.

- Ота-боболарингиз шундай қилишган, - дедим мен.

*Оламнинг туну кун ривожси бордир,
Ҳар хил кайфияту мизожси бордир.
Кириб бора олсанг моҳиятига,
Ҳар қандай мушкулнинг иложи бордир.*

- Эй тавба! - деди у ҳайрон бўлиб. - Бўлмаса, бизга ҳам ўргатиб қўйинг, уларни кўчириб ташлагандан кўра, осонгина ширин қилиб ола қолайлик.

- “Ажойиб ул-махлуқот” китобида бунинг чораси ёзилган, - дедим унга. - Агар анор аччиқ бўлса, томирларини очиб, асал



суртиш керак. Агар ширин бўлса, томирига сиркадан суртилса, аччиқ бўлади.

Фатхулла Махсумнинг ҳафсаласи пир бўлди.

- Буларга шунча асални қайдан топаман? - деди.

Ҳовли этагида йигирмага яқин яшиқ арилари бор эди. Уларга ишора қилдим.

- Ҳадеб асални ўзингиз еявермай, анорларга ҳам едиринг-да!
- дедим унга.

Фатхулла Махсум кулди. Сўнг ноиложгина:

- Майли, сиз айтгандай қилиб кўраман, бироқ ҳаммасига эмас, аввал бир-иккитасига қилиб кўраман, - деди.

Сўнг бизларни шафтоли томонга бошлаб кетди.

ЧАЛАСАВОДЛИК

Дунёдаги кўп англашилмовчиликлар чаласаводлик ёки чаламуллаликдан келиб чиқади. Баъзи соҳада озгина илмга эга бўлган ва ўзини ҳеч кимдан паст қўйишни истамаган кишилар “донолик” қиладилар. Билмаган нарсаларига тумшуғини тикадилар.

Дунёда энг ёмон иллат - нодонлик,

Тузалмас, бедармон иллат - нодонлик.

Фақат нодонгамас, балки бир бутун,

Элу юртга зиён иллат - нодонлик.

Собиқ Иттифоқ даврида атеистларнинг илғори ҳисобланган Мадумар мустақиллик даврида кескин ўзгарди. Намозга кирди, рўза тута бошлади. Елкасидаги барча қарзларидан қутулди, уйлантирадиган ўғли, чиқарадиган қизи қолмади. Уй-жойлар дангиллама, тагида машина, дўкони ишлаб турибди. Қисқаси, егани олдида, емагани кетида. Дўстлар келишди, бирга ҳаж сафарига боришни таклиф қилишди.

Муслимга орзую армон Ҳаждадир,

Гуноҳдан қутилар замон Ҳаждадир.

Юрак гуноҳлардан иллатли бўлса,

Бу дардга дорию дармон Ҳаждадир.

- Эсларинг жойидами? - деди Мадумар уларга. - Ҳажга гуноҳлардан тавба қилиш учун борилади. Хўш, мен нима гуноҳ қилибман? Менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ! Бинобарин, Ҳажга бо-

ришим ҳам шарт эмас! Ҳажни пулига маза қилиб ичиб-еб ётмай-санларми?

*Могу пул йизмоқдир нодон ташвиши,
Яхши еб-ичмоқдир нодон ташвиши.
Одамлар савобнинг гамида бўлса,
Туну кун “томоқ”дир нодон ташвиши.*

Мадумарнинг дўстлари иккиланиб қолишди. Масалани ҳал қилиш учун Жума намози куни бу ҳақда имоми хатибга савол беришди.

- Унинг ростдан ҳам гуноҳи йўқ бўлса, - деди имом, -бу сўзларидан кейин катта гуноҳга эга бўлибди. Аввало ҳеч ким менда гуноҳ йўқ деб қатъий айта олмайди. Иккинчидан, бола-чақаларининг қарзидан қутулган, соғлиғи жойида, йўл озиғи етарли одам Ҳаж қилмаса, Аллоҳ буюрган фарзни адо қилмаган бўлади ва оғир гуноҳга қолади. Учунчидан, ҳаж пулини ўзи еб, маза қилиб ётиш ўрнига бева-бечораларга, қаровсиз кишиларга, етим-есирларга едирса, ночор одамларнинг дилини шод қилса, Ҳажнинг савобини топган бўлади. Улуғ шоир Мирзо Бедил, чунончи, шундай деган:


*Дил ба даст овар, ки Ҳажжи Акбар аст,
В-аз ҳазорон Каъба як дил беҳтар аст.*

Яъни, бир бечора одамнинг дилини шод қил, бу сен учун Ҳажжи Акбар бўлади, мингта Каъбадан бир дилни овлаш яхшироқдир.

*Фарзларнинг биттаси улуғ Ҳаж бўлар,
Жойида қилинса, тўлуғ Ҳаж бўлар.
Бироқ бечоралар дилин овласанг,
Барча Ҳажларингдан қутлуғ Ҳаж бўлар.*

БАНГИЗОДА

Марҳамат қишлоғи, халқ тили билан айтганда, Улуғтоғ ёки китоб тили билан айтганда Тянь-Шан тоғ тизмалари этагида жойлашган. Ҳозирги пайтда унинг қуйи томонидан Жанубий Фарғона сойи (ёки Қувасой канали), юқори томонидан эса Каркидон сойи оқиб ўтади. Қишлоқ Дукчи Эшоннинг 1898 йилдаги кўзғолонидан сўнг пайдо бўлган. Оқпошшо Мингтепа халқини уч кун тўпга тутгандан сўнг, қолган одамларни шу тақир ерга сургун қилиб, отини Марҳамат деб атаган. Шу тақир, кимсасиз ерда ўнта



узун, кенг ва батартиб кўча бунёд қилинган ва ҳар бир кўча биринчи, иккинчи ва ҳоказо рақам билан аталган. Биз яшайдиган кўча “олтинчи кўча” деб аталарди.

Мен ёшлик пайтимда қиблагоҳимни кўп саволга тутардим ва баъзан гап эшитиб ҳам олардим. Кўчамизда ўғри, банги, кўчахўр, новча, сариқ, касал, ҳезалак, хасис, чирвон каби лақабли кишилар кўп эди. Мен бу лақаблар нима учун берилганини сўрайверар эдим. Қиблагоҳим уларни тушунтириб берсалар-да, бироқ бундай лақаблар билан аташ гуноҳ эканини таъкидлар ва Қуръони Каримдан бир оятни ўқиб, тафсир қилиб берар эдилар. Менга бу оят ёдланиб қолган эди. У “Хужарот” сурасида бўлиб, қуйидагича эди: “Ло талмизу анфусакум ва ло танобазу би-л-алқоб”, яъни бир-бирларингизни масхара қилманглар ва ҳар хил лақаблар билан атаманглар, дейилган эди.

Қиблагоҳим:

- Бироқ уста, дурадгор, темирчи, новвой, тикувчи каби касб лақабларини исмга қўшиб айтилса бўлаверади, - дер эдилар.

Қабоҳат ўйларни дилга келтирма,

Кўнгилни бу қолу қилга келтирма.

Ярамас сўзлардан қочгин-у узоқ,

Ёмон лақабларни тилга келтирма.

Бироқ халқ қўйган баъзи лақаблар бўладики, уларни йўқотиб бўлмайди, бундай лақаб ҳатто авлоддан авлодга ўтиб боради. Масалан, бир одам хасис деган лақаб олган бўлса, унинг ўғли ёки набирасини танитиш учун “фалончи хасиснинг ўғли ёки набираси” деб тилга оладилар. Одам ўлиб кетса ҳам, лақаб яна юз йиллар сақланиб қолаверади. Демак, ҳар қандай одам, ўз феъли-атвори билан ёмон лақаб олмаслик учун ҳаракат қилиши керак экан.

Элнинг назаридан қолмоқдан қочгин,

Дилга ёмон феълни солмоқдан қочгин.

Нималардан аввал қочайин десанг,

Ёмон лақабларни олмоқдан қочгин.

Кўчамизда банги деб ном чиқарган иккита кекса киши бўларди. Биз мактабдан келиб, молу қўйларимизни ўтлатиш учун тоғ томонга олиб борардик. Бу икки кекса киши кўчада ўтиришар ва ўзлари билан ўзлари сўзлашишар, одамларнинг ўтиб кетаётгани-

ни ҳам сезишмас эди.

*Беҳуда хаёллар бангида бўлар,
Заҳиллик, қарасанг, рангида бўлар.
Бангининг ақлидан янгилик кутма,
Фойда қачон темир зангида бўлар?*

Улар шу даражада озиб-тўзиб кетган эдиларки, ўринларидан куч билан зўрға туришар, беллари эгик, ранглари сарғайиб кетган эди.

*Зарарни сочади жаҳона банги,
Соглом дема уни, девона банги.
Кўкнору нашани кемиравериб,
Жаҳоннам қаърига равона банги.*

Марҳамат далаларида ёввойи нашалар кўп бўларди. Баъзан уларни шу ёввойи нашалар ичида юрганини кўрардик. Банги сўзи “банг”дан олинган бўлиб, банг эса нашанинг номидир.

*Бангилар даланинг бангини ейди,
Банглари бангининг рангини ейди.
Бангилар дунёда омондир дема,
Тез кунда Худонинг сангини¹ ейди.*

Бу икки бангидан бирининг ўғли бўлиб, оти Илкаш эди. Болалар унинг исмини мазах қилиб, кулиб юришарди. У ўрта мактабни биздан бир неча йил кейин битирган эди. Мен уни деярли 40 йилга яқин кўрмаган эдим. Бир куни биродарларим Абдулҳай Махсум, Фатхулла Махсум ва Усуббек акаларни Тошкентга таклиф қилдим. Улар тоғу боғларни томоша қилиш мақсадида автобусда кетишни орзу қилдилар. Марҳаматдан Тошкентга автобус қатнар эди. Автобусга ўтириб, йўлга тушдик. Қирқ ёшлардаги бир киши жойида ўтирмас, таниш-нотанишларга сўз отар, ҳайдовчиларнинг олдига бориб, нималарнидир дер, тебранар, маст эканлиги кўришиб турарди. Охири менинг ёнимга келиб ўтирди.

- Мени танияпсизми? - деди у.

- Йўқ, - дедим.

- Мен фалончининг ўғли Илкашман, - деди.

Мен уни энди танидим ва ҳеч ажабланмадим. Бу ўша икки

¹ Санг - тош, яъни Аллоҳ ғазабига дучор бўлади.

бангидан бирининг ўғли эди. Бангининг пуштидан алкаш чиқса нежаб.

*Бангидан оқибат банги чиқади,
Пўстаги қоқилар, чанги чиқади.
Темирким, чиригач занги чиққандек,
Бангининг ҳам бир кун занги чиқади.*

У Марҳаматдан Қўқонгача тинимсиз гапирди. Унинг тузсиз гапларидан ёнимдагилар ҳам безор бўлишди. Қўқонга келгач, автобусдан тушиб, бир дўкон олдига борди ва бир стакан вино ичиб олди. Автобусга чиқиб, бир йигит билан жанжаллашиб кетди. Ёнимга ўтирмасин деб, автобуснинг орқа томонига ўтиб кетдим ва бўш жойлардан бирига ўтириб олдим.

*Одамнинг аҳмоги банги бўлади,
Бангилар ҳар ерда ҳанги бўлади.
Бангилар қаерда пайдо бўлишса,
У ерда одамлар жангзи бўлади.*

ОНАБЕЗОРИ

Ўрта мактабнинг еттинчи синфида ўқиб юрган пайтим эди. Кўча-мизнинг энг юқорисида, тоғ томонда Абай исми ўттизлардан ошиб қолган йигит кекса онаси билан турарди. Улар ўта камбағал эдилар. Она топган-тутганини йиғиб, Абайни уйлантириб қўйди. Абайни аниқ касби бўлмагани учун дуч келган ишни қилиб юрарди.

*Жаҳонда хор бўлар касби йўқ киши,
Қайсуга ёр бўлар касби йўқ киши.
Емогу ичмогу кийинмоқда ҳам,
Ўзгага зор бўлар касби йўқ киши.*

Бир кун маҳаллада гап тарқалди. Абай ўз онасини дўппослаб урган эмиш. Бу гап тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Аёллар ўзаро сўзлашиб: “Абай ўлгур хотиннинг гапига кириб, онасини урибди” дер эдилар.

*Онани хор қилган хор бўлар охир,
Ёруғ олам унга тор бўлар охир.
Фақат ушбу олам ичида дема,
Охират онда зор бўлар охир.*

Бу воқеа менга қаттиқ таъсир қилган эди. Фарзанд қандай қилиб ўз онасини уриши мумкинлигини ақлимга сиғдирилмас эдим. Бундан ташқари, Абайнинг онаси менинг халоскорим эди. Бунинг тарихи шуки, олти ёшга тўлганимда кўз қорачуғимни “оқ” босиб қолган эди. Бу иллатни араб тилида “баёз” (оқлик), форс тилида “гул”, ўзбекчада “оқ” дейилади. Олди олинмаса, кўзда абадий қолиб кетиши ҳам мумкин. Кейинчалик тиббий асарлар билан танишганимда бу иллатнинг давоси кўп эканини кўрдим. Масалан, Шаҳобуддин ибн Абдулкарим “Шифо ул-мараз” (“Касалликлар давоси”) номли асарида ёзади:

*Одамлар кўзига тушса агар оқ,
Ҳақимлар “баёз” деб атарлар ҳар чоқ...
Иллат юз бердим қилинар даво,
Кеч тортса, даволаш қийиндир аммо.
Юмшоғу хом зира сувидан мудом,
Кўз ичра суртилса, тузалар тамом.*

Ёки:

*Оқ пиёзни олиб, яхшилаб эзинг,
Аёл сути ила кўзга томизинг.
Уч ҳафтача шундай қилинса такрор,
Кўз боғида ул “гул” турмас барқарор.*

Ўша пайтда Ўшда яшайдиган қариндошимиз Зоҳида опа меҳмон бўлиб келиб қолди. Кўзимдаги оқни кўриб, ойимизга:


- Буни даволатиш керак! - деди.

- Кўча бошида иримчи аёл бор, ўшанга олиб бориб, кўрса-тиб келинг, - дедилар ойим. Сўнг у-бу нарсалардан солиб, тугун қилиб бердилар. Уч метрлик оқ сурп ҳам қўшиб қўйдилар. Зоҳида опа мени етаклаб, Абайнинг онаси ҳузурига олиб борди. Кампир қўлимга бир пиёла сув берди, ўтқизиб, бошимга Зоҳида опа олиб келган сурпни ёпди. Мен сувга тикилиб ўтиравердим. Қанча ўтирганимни билмайман. Кампир бошимдан сурпни олди ва елкамга қоқиб:

- Ана, энди тузалиб қоласиз, - деди.

Ростдан ҳам уч-тўрт кундан сўнг кўзимдаги оқ йўқолиб кетди.

Абай онасини урибди деган гапни эшитганимда изтиробим ҳаддан ошиб кетган эди, нима қилишимни билмас эдим. Охири



туман газетасига мақола ёзмоқчи бўлдим. Мақола шеърга айланиб кетди. Мухаммас ёздим, унга бироз сўзбоши ёзиб, конвертга солдим. Бироқ юборишга кўп иккиландим. Таниш-билишларга, ака-укаларимга ўқиб ҳам бердим, натижада шеър менга тўлиқ ёд бўлиб қолган эди. Кимдир юбор, кимдир юборма, деди. Ўша мухаммаснинг бош қисми ҳозиргача эсимдан чиққан эмас. У шундай бошланарди:

*Онабезори Абай ҳар кун қизиқ атвор этар,
Онасини устига тинмайин “рафтор” этар.
Бўлмагур гаплар билан кўнглига кўп озор этар,
Хотинига юзни ёзу онасига қор этар,
Муштипар бечора она юрагини тор этар.*

Охири шеърни адабиёт ўқитувчиси, мени шеър ёзишга илҳомлантириб, мактаб деворий газетасига шеърларимни чиқариб турадиган Назиржон домла Маматқуловга кўрсатдим.

- Жуда чиройли ёзибсиз, - деди ўқитувчим, - бироқ бу ишга маҳала оқсоқоллари аралашадиган бўлди, ҳозирча уни юбормай тулинг.

Оқсоқоллар аралашувидан сўнг воқеа бироз тинчигандек бўлди. Кўп ўтмай, Абайнинг онаси вафот этди. Абайнинг ўзи эса бошқа жойга кўчиб кетди.


*Гарчи бахтинг кўкдан ўзиб кетажак,
Онанинг ноласи бузиб кетажак.
Онани огритсанг тинч хонадонинг
Арининг инидек тўзиб кетажак.*

“ТЕМИР” МАХСУМ

Катта акам Абдулҳай Махсумни, акахон биродарларим Фатхулла Махсум ва Усуббек акаларни Тошкентга, ундан Туркистонга, Аҳмад Яссавий ҳузратларининг зиёратларига, сўнг Самарқандга олиб бориб, тамоша қилдириб келишга аҳд қилдим.

*Соглик керак бўлса сайёҳат қилгин,
Оламни кўргин-у фароғат қилгин.
Сайёҳ соғланади, дедилар Расул,
Йўлга чиқ, вужудинг саломат қилгин.*

Андижонга келиб, самолётга ўтирадиган бўлдик. Ходимлар



юкларимизни текшириб, ўзларимизни темир эшикдан ўтказа бошлади. Учтамиз соғ-омон ўтиб олдик. Бироқ Фатҳулла Махсум тутилиб қолди. Темир эшик жиринглаб, унда нимадир борлигидан хабар берарди.

- Ёнингизда темир метал борми? - деб сўради аэропорт ходими.

Фатҳулла Махсум чўнтагига қўл солиб, бир неча калитларни чиқарди. Ходим калитларни четга олиб қўйди.

- Яна қайта ўтинг, - деди ходим.

Эшик яна жиринглади.

- Яна нимангиз бор? - деди ходим.

Фатҳулла Махсум костюмининг чўнтагидан кичкина пичоқчани чиқарди. Хуллас, у эшикдан беш марта ўтди ва бешинчи мартада ҳам эшик жиринглайверди. Одамлар йиғилиб қолди.

- Яширманг, нимангиз бор? - деб сўради ходим.

- Калит ва пичоқчадан бошқа ҳеч нарса йўқ, ишонмасангиз текшириб кўринг, - деди Махсум.

*Одамга ёқади риёзат тери,
Меҳнатнинг тери бу - ҳаловат тери.
Дунёда бир тер бор, жуда ёқимсиз,
Бу терни сўрасанг, хижолат тери.*

Ходим ростдан ҳам Махсумни тинтув қилиб кўрди ва ҳеч нарса топмади.

- Касбингиз нима? - деб сўради ходим.

- Умр бўйи жамоа хўжалигида механик бўлиб ишлаганман, - деди Махсум.

- Боринг, ўтаверинг, - деди ходим унга, - баданингиз темир-га айланиб кетган экан!

Бу гап кейинчалик бутун қишлоққа тарқаб кетди. Унинг Сийпалатма Махсум, Чекобод Махсум, Потпот Махсум деган лақаблари қаторига Темир Махсум деган лақаб ҳам қўшилди.

ФАТҲУЛЛА МАХСУМНИНГ ҲИЙЛАСИ

Фатҳулла Махсумнинг қизиқ одати бор эди. У бирорта одамнинг уйига ёки тўйига борса, овқат емас ва буни тақво деб атар эди. Наридан борса, майиз, pista ёки мева-чева истеъмол қиларди. Бир кун уни Ўшга бир ойлик ҳарбий хизматга чақириб қолишди.

У қутулиш учун қанча уринмасин, барибир уддасидан чиқолмади.

*Ишлар бор, ёзилмас, қаттигу чигал,
Қанчалик уринма асло бўлмас ҳал.
Ишлар бор, хамирдан қил сузургандек,
Ҳал бўлар ҳеч қандай тўсиқсиз жадал.*

Фатхулла Махсум кўй ёғи ва жизза солдириб, ўттизта патир нон қилдирди. Қопга жойлаб, Ўшга тоғлар орасига жўнади. Бир-икки кун чой билан нон еди, ошхонага чиқмади. Кечкурун командир келди.

- Нега овқатга чиқмаяпсан? - деди русчалаб.

- Нон бор, - деди русчада амаллаб Махсум ва командир уришмасин деб кўлига иккита нон тутқазди.

- Ошхонага бор, - деди командир ва чиқиб кетди.

Фатхулла Махсум эртасига ҳам ошхонага чиқмади. Командир яна келди.

- Нон бор? - деди командир.

- Бор, - деди Махсум ва яна иккита нон берди.

Бу ҳол бир неча кун такрорланди. Ноннинг ҳам чўғи камайиб, таги кўриниб қолди.

*Танинг соғу омон бўлмаса қийин,
Йўлдошинг меҳрибон бўлмаса қийин.
Қийин ишлар кўпдир беҳад жаҳонда,
Қийини - қўлда нон бўлмаса қийин.*

- Менга рухсат беринг, нон олиб келаман, - деди Махсум командирга.

Командир уч кунга рухсат берди. Уч кун ҳам ҳарна, деди ўзича Махсум ва уйига жўнади. Беш кундан сўнг қайтиб келди. Командир хабар топиб етиб келди ва дағдага қила бошлади. Махсум халтасидан ўнта жиззали нон, бир шиша идишда асал, яна бир шиша идишда сариёғ, майиз, ёнғоқ, бодом чиқариб командирга берди. Командирнинг юмшаганидан фойдаланиб:

- Менга жавоб беринг, мен бу ерда ҳаммадан қариман, машқларга ярамайман, - деди ярим ўзбекча, ярим русчалаб.

- Йўқ, - деди командир, - охиригача турасан.

Шундай деб, Махсум берган нарсаларни олиб, чиқиб кетди. Махсумнинг умиди узилди. Шу пайт унинг олдига Аҳмад исмли киши кириб қолди ва ўзининг озод қилингани ва эртага жўнаб

кетаётганини айтди. Махсум сабабини сўраган эди, у қўлини кўрсатди. Қўлига экзема (гўш) яраси тошиб кетган эди.

- Бу юкумли-ку! - деди Махсум.

- Ҳа, шунинг учун ҳам рухсат беришди-да, - деди Аҳмад.

Одамким, иллатнинг дучори бўлгай,

Одамлар ичида ночори бўлгай.

Борди-ю бу иллат юкумли бўлса,

Каттаю кичикнинг қочори бўлгай.

- Менга қаранг, - деди Махсум Аҳмадга, - келинг, қўлингизни менинг қўлимга суртинг, менга ҳам юқсин, мен ҳам кетигини хоҳлайман!

- Юққандан сўнг унинг кетиши қийин, мен кўп йиллардан буён азоб тортаман, - деди Аҳмад.

- Майли, қўяверинг, - деди Махсум.

Одамлар иллатдан кўрқиб қочишар,

Қутулмоқ йўлида пуллар сочишар.

Ажабо, дунёда одамлар борки,

Иллатга ўзлари йўллар очишар.

Махсум қўлларининг орқасини яхшилаб тимдалади. Сўнг Аҳмаднинг қўлини қўлига сурта бошлади. Ётгунча ҳам кўп марта суртди. Эртасига яна такрорлади. Орадан уч кунча ўтгач, экзема белгилари кўринди, бироқ жуда оз эди. Махсум қўлини командирга кўрсатди, сўнг дўхтирга борди. Дўхтир:

- Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, - деди.

Махсум яранинг кўпаймаётганидан жиғибийрон бўлиб, татар фаррош хотинга маслаҳат солди.

- Бундан уч юз метрча нарида булоқ бор, - деди фаррош, - тонг саҳарда ҳамма ухлаётганда булоққа боринг, суви ҳаддан ташқари совуқ, бир соатча сувга тиқиб туринг, газак олиб, йиринглаб кетади, қутуласиз.

Бошинг омон бўлса шукрлар қилгин,

Тинчлик замон бўлса шукрлар қилгин.

Иллатни ҳечқачон айлама ҳавас,

Нафас равон бўлса шукрлар қилгин.

Махсум фаррошнинг маслаҳатидан хурсанд бўлиб кетди. Биринчи ва иккинчи куни шундай қилди. Совуқ сув қўлини муз-

латиб жонидан ҳам ўтиб кетди. Учинчи куни кечаси борди. Қайтиб келиб, жойига ётди. Тонг саҳарда уйғониб, қўлларим йирингладимикан деб, пайпаслаб, силаб кўрди. Не кўз билан кўрсинки, бу бир неча дона яра тўкилиб тамом битган эди. Эрталаб фаррошни топди ва воқеани айтиб, қўлларини кўрсатди.

- Э-э, булоқ суви шифобахш экан-да, - деди фаррош хулоса қилиб.

Шундай қилиб, бизнинг Сийпалатма Махсум, э, йўғ-э, Фатхул-ла Махсум ҳарбий ўқишнинг охиригача туришга мажбур бўлди.

Бузуқ ният кимга шиор бўлгуси,

Иллат ҳужумига шикор бўлгуси.

Минг ҳийла-найрангни ишга солмасин,

Оқибат бир куни ошкор бўлгуси.

ҚУДА

Қизим Ферузахонни Аравонга турмушга узатдик. Қудам Мирзаматхон жуда одамохун чиқиб қолди. Ёши ҳам мен билан тенг экан. Савдо соҳасида ишласа-да илму маърифатга ҳаддан ташқари қизиқар экан. Ака-ука бўлиб кетдик.

Яхши одамларга тилни фарқи йўқ,

Дил дилни топади, дилни фарқи йўқ.

Ўзаро қадрдон дўст бўлмақ учун,

Ёшнинг эътибори, йилни фарқи йўқ.

Қудам менинг изимдан қувиб юрар, қаерда бўлмайин машинаси билан хизматимда шай турарди. Бирин-кетин набиралар вужудга келди. Муҳаммад Акбархон гоят ширин, қизимиз Азиза Бонунинг тили шакар эди.

Дунёда энг ширин фарзанд бўларкан,

Тотликда асалу ё қанд бўларкан.

Фарзандим нақадар ширин деб юрсанг,

Набира ундан ҳам дилбанд бўларкан.

Қудам икковимизни набиралар янада яқинлаштирган эди. Қудам билан дўстлигимизни кўрган яқинлар, буларга кўз тегмасин-да деб қўйишарди. Ростдан ҳам, кўз тегдими, билмайман, қудам икковимизнинг кўзимизда бир вақтда иллат пайдо бўлди. Қудамнинг кўзига қон қўйилиб, бир кўзи тамом кўрмай қолди. Менинг кўзимда эса босим пайдо бўлиб, чап кўзимни жарроҳлик йўли билан даволатиш-

га мажбур бўлдим ва кўриши ҳаддан ташқари пасайиб кетди.

*Оламнинг лаззати кўзга боғлиқдир,
Элу юрт хизмати кўзга боғлиқдир.
Кўзларинг кўрмаса олам қоронгу,
Вужуднинг иззати кўзга боғлиқдир.*

Мен ҳаётда эркак ва аёл қудаларнинг бу даражада дўст, бир-бирига меҳрибон ва бир-бирини кўришдан шунчалик шод эканликларини шу пайтгача кўрмаганман. Мен бу дўстликдан шу ҳикматни англадимки, агар қудалар бир-бирлари билан иноқ бўлсалар келин-куёв, ўғил-қизлари ҳам бир-бирига шунчалик яқин ва меҳру муҳаббатда яшар эканлар. Борди-ю, қудалар орасига совуқчилик тушса, демак келин-куёв орасига ҳам совуқчилик тушар экан, Илоҳо, бахтимизга қудаларимиз соф омон бўлиб, дўстлигимиз асло бузилмасин!

*Қуда аҳил бўлса ҳеч гаминг бўлмас,
Куёв-келиндан ҳам ҳеч каминг бўлмас.
Келин куёв, қуда иноқ бўлсалар,
Қайгу деган нарса ҳамдаминг бўлмас.*

ГЎДАКНИНГ АҚИДАСИ

Қудам Мирзаматхон билан қуюқ дастурхон устида суҳбатлашиб, ўтирардик. Сўз китоблар ва ўтмиш алломалари ҳақида кетарди.

*Суҳбатдан кўнгилга ором етади,
Рухингга завқу шавқ, хиром етади.
Дилга хотиржамлик, асабга тинчлик,
Юракка бебаҳо илҳом етади.*

Шу пайт набирамиз Азиза Бону кириб келди ва қудамнинг ёнига келиб ўтирди. Қудам унга дастурхондаги нозу неъматлар билан бирга бир бурда жиззали нон ҳам берди. Азиза Бону бу илтифотлардан хурсанд бўлиб, чеҳрасида шодлик аломатлари пайдо бўлди.

*Бола қалб кўкида гўёки моҳдир,
Бу сўзга ҳаётнинг ўзи гувоҳдир.
Боланинг кўнглига боқмасанг бўлмас,
Чунки, бола кўнгли оламда шоҳдир.*

Азиза Бону нонни ейман деб, ушатиб юборди. Нон ушоқла-

ри тушак ва дастурхонга тушди. Қудам:

- Азиза Бону, ноннинг ушоқларини териб олинг, увол бўлади, - деди.

Азиза Бону “йўқ” ишораси сифатида гавдасини эгиб, бошини бир томонга бурди. Қудам ўз зуғумини ўтказмоқчи бўлиб:

- Қизим, одам нон ушоқларини увол қилса, уни териб емаса, кўзи кўрмайдиган бўлиб қолади, - деди.

Азиза Бону бир менга, бир қудамга қараб:

- Сизларники шунақа бўлганми? - деди.

Мен қудам билан хохолаб кулиб юбордик. Негаки қудамнинг бир кўзи қон қуйилиши туфайли кўрмай қолган, менинг бир кўзим эса операциядан сўнг ногирон бўлиб қолган эди.

Қудам кула-кула Азиза Бонунинг бошини силар экан:

- Балки гапингиз тўғридир, - деб қўйди.

Боланинг сўзлари мисоли болдир,

Бошини силагин, бола ниҳолдир.

Сўз деса, сўзига газабинг сочма,

Чунки, бола қалби тўла саволдир.

ЯХШИЛИК МАРДЛАРНИНГ ҚЎЛИДАН КЕЛАР...

Қирғизистоннинг Чекобод қишлоғида турувчи биродаримиз Фатҳулла Махсум Ўш шаҳрида яшовчи ва ҳажга бирга борган биродарларини ўз уйига анжир сайлига чақирган экан. Мени ҳам таклиф этган эди. Бордим. Суҳбат беш соат давом этди. Мен ўзининг ёзган шеърларимдан, ҳикояларимдан ва бошқа форсий китоблардан ўқиб бердим. Савол-жавоблар бўлди. Суҳбат тугаб, ўшликларни кузатиб қўйдик. Шунда Фатҳулла Махсум:

- Расулжон сизни ўз машинасида элтиб қўяр экан, - деди.

Мен Расулжонни биринчи марта кўришим эди. Чекобод билан Марҳаматнинг ораси ўн икки километрча келар эди.

- Овора бўлманг, - дедим Расулжонга.

- Сиз каби одамларга овора бўлсак арзийди, - деди у ва машинани Марҳаматга ҳайдаш ўрнига бошқа томонга ҳайдаб кета бошлади. Сўнг тушунтирди:

- Бир халқ учун бир бино қурганман, пойи қадамингиз тегиб қолсин!

Бордик. бино бир-бирига ёнма-ён қурилган, узунлиги тахми-

нан ўттиз метрча келадиган икки бинодан иборат экан. Деворларига ҳам яхшилаб ишлов берибди. Икки бурчагига сартарошхона ва қассобхоналар бунёд қилдирибди. Айтишича, бу бинони беш йилдан буён қурдираётган экан. Бошдан-оёғигача фақат ўз пулига бунёд қилдираётган экан.

*Фойдали ҳар ишни доно қилади,
Халқни ўйлаб, багрин хино қилади.
Ким элга бир бино қурса, жаннатдан -
Ўзига бир қаср бино қилади.*

Сўнг мени уйимга элтиб қўйди. Кетаётиб:

- Агар менинг ёрдамим керак бўлса, доимо хизматга шайман, машинам сизнинг ихтиёрингизда, - деди.

Кейин билсам, у ҳаммага бирдек яхшилиқ қилар экан. Шунинг учун одамлар орасида ҳурмати ҳам баланд экан. Унинг отаси ҳам шундай хислатли бўлган экан. Мен унга атаб, “Олийҳиммат Расулжон” деган бир шеър ёзиб, Фатҳулла Махсумга ўқиб берган эдим, тез бир нусха кўчириб беринг, ҳожилар ичида ўқиб бераман, деб туриб олди. Нусха кўчириб бердим. Шеър қуйидагича эди:

*Улуғ ҳиммат бобида улуғ инсон Расулжон,
Маишатни элига қилди осон Расулжон.*

*Қишлоғида ажойиб катта бино қурибдур,
Ҳимматига каттаю кичик ҳайрон Расулжон.*

*Ўзи емай молини элига сарф айлаган,
Олийҳиммат барчадан қадри осмон Расулжон.*

*Саховату ҳимматин кўриб кўкда малойик,
Офарин дер, эй улуғ, соҳиб эҳсон Расулжон.*

*Ушбу улуғ ҳимматдан илмлар ривож топиб,
Эл кўзидан қочгуси деғу шайтон Расулжон.*

*Бу Махдум чин қалбидан дуо айлар қўл очиб,
Элу юртнинг бахтига бўлинг омон Расулжон.*

Орадан бир-икки ой ўтгач, Фатҳулла Махсумни кўриб қолдим.

- Ҳожилар ичида шеърингизни ўқиб бердим, - деди у. - Улар ҳақингизга дуолар қилишди. Айниқса Расулжон жуда хурсанд бўлди, руҳи янада кўтарилди.

*Яхши иш юраги соғдан келади,
Очиқ юзли, вақти чоғдан келади.
Номардга иш тушиб, боғдан гапирсанг,
Қошини чимириб, тоғдан келади.*

Шу кунларда Марҳаматда меҳнат таътилида эдим. Бу гапдан сўнг эртаси куни ўғлим Убайдуллахон олдимга кириб, келини-мизнинг катта бувиси ва бобоси бизларни меҳмонга таклиф қилаётганини айтди.

- Ҳовлимиздан икки-уч уй нарида Тико машинаси бор йигит бор, киракашлик қилади, машинасини гаплашиб келаман, - деди ўғлим. Ярим соатлардан сўнг шалвираб қайтиб келди. Йигит бир минг икки юз сўмга олиб бормоқчи бўлибди.

- Бизни танийдими? - деб сўрадим ўғлимдан.

- Албатта танийди, - деди ўғлим.

- Агар шунча нархни айтган бўлса, демак ундан ёруғлик чиқмас экан, - дедим ўғлимга.

Ўғлимга кўчадаги киракаш Дамас машиналаридан бирини тутишни буюрдим. Ишимиз битгач, ҳайдовчига саккиз юз сум беран эдик, аввал олгани унамади, қаттиқ туриб олган эдик, “сизлар меҳмонсизлар” деб, тўрт юз сўм олишга рози бўлди. Маълум бўлишича, Дамас ҳайдовчиси бошқа қишлоқлик бўлиб, бизни танир экан. Мен маҳалладош ҳайдовчи билан бу ҳайдовчини солиштирар эканман, маҳалладошимиздан ранжиган бўлдим. Буни эшитган кўшнимиз ўғлимга:

- Унинг дадасини Пўлат кесак дейишар эди, бировга ҳечқачон яхшилик қилмаган, бу ҳам унинг ўғли-да! - дебди.

Ичимда, фарзандлар наҳотки шу қадар ота-онага тортса-я, деб қўйдим.

*Яхшилик мард эрнинг қўлидан келар,
Мард киши тўғрилиқ йўлидан келар.
Номарднинг олдига ялиниб борма,
Уялмай фойданинг мўлидан келар.*

ИСМНИНГ ТАЪСИРИ

Универстетни битиргач, ўрта мактабда инглиз тилидан дарс бера бошладим. Мактаб директори дўстим эди. Болага исм қўйиш ҳақида баҳслашиб қолдик.

- Китобдан ўқиганман, кишига қўйилган исмнинг маъноси ўша кишининг характериға таъсир қилар экан, - дедим мен. - Шунинг учун болага яхши исм қўйиш керак. Масалан, гул деб исм қўйилса, гулдек мулойим, тош деб исм қўйилса, тошдек қаттиқ бўлади. Агар Раззоқ бўлса ризқли, Карим бўлса саховатли, Азиз бўлса иззатли бўлади.

*Чиройли қўйилса боланинг исми,
Исмига мос бўлар албатта жисми.
Хулқ учун таъсири бўлар исмнинг,
Будир улуғларнинг одату расми.*

- Э, сафсатангни қўйсанг-чи, - деди дўстим қўл силтаб. - Шундай чиройли исми кишиларни биламанки, қилган ишларини кўриб, оғзинг ланг очилиб қолади. Масалан, Латофатни қара, унда латифлик нима қилсин! Нажмуддинни қара, дин юлдузи дегани экан, бир умр атеист бўлиб ўтди-ку!

*Исмлар бордурки, Гул ила Тошдур,
Бири Ойдур, бири ёрқин Қуёшдур.
Бироқ Гулга борсанг, тош бўлиб тегар,
Аммо Тошга борсанг, гулдан ювошдур.*

Шу пайт эшик очилиб, бир қиз кириб келди ва ҳеч тап тортмасдан ўқитувчилардан бирини ёмонлаб кетди. Директор уни тўхтатмоқчи бўлар, бироқ бунинг уддасидан чиқолмас эди.

- Майли, бу ҳақда ўйлаб кўрамиз, - деди охири директор. - Бироқ ҳозир сизга бир топшириқ бор, туман маориф бўлимига бир ҳужжатни элтиб берсангиз.

- Яна менми? - деди қиз зарда билан. - Нима, мендан бошқа одам қуриб қолибдими?

Директор: “Сиз ҳаммадан ёшсиз” деб гап бошлаган эди, қиз “йўқ, бошқалар ҳам борсин” деганича эшикни шартта ёпиб чиқиб кетди.

- Кўрдингизми? - деди дўстим менга қараб. - Бу қизнинг исми Башорат, яъни “хушхабар”. У ҳар куни хушхабар ўрнига ўқитув-

чиларнинг айбини топиб, менга чақиб келади. Гийбатдан оғзи бўшамайди. Уни ишга олиб, бошим қотган. Бўшатиб юборай десам, яқин дўстим Аҳмадни қизи. Ишқилиб, шунақа қиз келининг бўлиб қолмасин-да...

Шу пайт дарсга кириш учун қўнғироқ чалиниб қолди. Билмадим, бўлмаса дўстим яна қанча вақт шикоят қиларди. Синфга томон кетар эканман, хаёлимдан мана бу тўртлик ўтарди:

*Хушхабар аслида башорат бўлур,
Ёқимли ишларга ишорат бўлур.
Бироқ Башоратни орзу қилмаки,
Бир умр багрингда шарорат¹ бўлур.*

КЕЛИН

Олимлар шаҳарчасига яқин қўшни маҳаллада турувчи Зокиржон исмли бир танишим бор эди. Унинг саксонга кирган отаси беш йилдан буён фалаж касали билан кўрпага михланиб қолган эди. Кўргани бордик. Отахон ақли илм бўлиб, шарият ва тариқатга оид кўп гапларни билар экан. Суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат қизиган сари, отахоннинг оғзидан чиқаётган ҳикматли гапларни эшитиб, кўнглимдан бир фикр ўтарди: “Наҳотки шундай доно ва ақлли одам шу даражада ожиз ва бечора бўлиб ётса!”

*Жонларни зардобга тўлдирар иллат,
Кўзларни шўр обга тўлдирар иллат.
Иллат бари ёмон, айтгин-чи, қачон,
Дилларни офтобга тўлдирар иллат?*

Отахон Зокиржон акага юзланиб:

- Ўғлим, Маҳмуджонга яхши қара, шаҳарда у мусофир, ҳолидан хабар олиб тур, уни ташлаб қўйма! - деб қаттиқ уқтирди.

Сўзлари ҳикматга тўла бундай бамаъни инсонни мен ҳаётда кам кўрганман. Уйга келиб, отахон ҳақида узоқ ўйлаб қолдим. Қўлимни дуога очиб, Аллоҳдан отахонга шифо ато қилишни сўрадим ва бемор кишиларни ҳар доим бориб кўришга аҳд қилдим. Зеро Расулуллоҳ муборак ҳадисларида: “Оид ул-маризи йамши фи махрафати-л-жаннати” (Касал кўргани борувчи жаннат боғида юргандекдир) деб марҳамат қилганлар. Шундан сўнг қўлимга

¹ Шарорат - гина, адоват, исён, бузғунчилик.

қалам олган эдим,табъимдан мана бу маснавий туғилди:

*Эй буюк, қудратли Султони Олам,
Сенгадир тилагим, фарёду нолам.
Бизни иллатларга дучор қилмагин,
Касаллик остида ночор қилмагин.
Бутун айлагайсан бизнинг кулчамиз,
Саломат қилгайсан етти муччамиз.
Дунёда касаллик қандай оғир дард,
Тоқат қила олмас унга ҳеч бир мард.
Меҳрингдан бизларга ато бер, Аллоҳ,
Барча беморларга шифо бер, Аллоҳ.
Бизлардан ўтса ҳам қанчалик хато,
Раҳиймсан, меҳрингни айлагин ато.
Биламиз, касаллик каффорат эрур,
Гуноҳлар бағрига бир горат эрур.
Лекин азобини тортмоқлик ёмон,
Илоҳим, дардларга ўзинг бўл дармон.
Ибодат бахтидан жудо қилмагин,
Ночорлик тахтида гадо қилмагин.
Илоҳим, дунёда ким бўлса бемор,
Меҳрини кўнглимга айлагайсан ёр.
Ҳиммат ато қилгин ҳолин сўрмоққа,
Ёнида юпанчи бўлиб турмоққа.
Расулнинг ҳадисин дилимга жо қил,
Унинг амалини ўзинг бажо қил.
Бемор бўлса ҳамки, ночору хароб,
Қилган дуолари эрур мустажоб.
Бемор ётар, бироқ қолмас гуноҳи,
Уни ёлғиз дема, Аллоҳ паноҳи.
Бекорга ўтмайди маҳ ила соли,
Гуноҳи тўкилур япроқ мисоли.
Гуноҳсиз одамдан тиласанг дуо,
Юзага чиқмасми ахир муддао.
Эй Маҳмуд, беморлар олдига чопгин,
Жонига дармон бўл, дуосин топгин.
Расул ҳадисига амал қил, амал,
Амалдан ишларинг бўлур мукамал.*

Бемор олдида мени янада ҳайратга солган нарса келини бўлди. Отахоннинг ўғли ишга, болалари ўқишга кетар, уйда фақат қирқ ёшлардаги келини қолар экан. Келин отахонни овқатлантирар, либосларини ювар, чойшабларини янгилар, керак пайтда ҳожат учун идиш тутар экан.

- Келинимиз барака топсин, - деди Зокиржон ака кўзи ёшла-ниб. - Укам ҳам омон бўлсин. Бизлар олиб кетиб қарайлик десак, укам рози бўлмайди. Келинимиз отамизни ўз боласидек оқ ювиб, оқ тараб келмоқда.

Келин бизнинг ҳузуримизда ҳам отахонга ширин сўзларни айтиб, кўрпа-тўшакларини тузатиб чиқиб кетди. Келиннинг бир неча қизлари ва битта ўғли бор экан. Расулуллоҳ, учта қиз тарбиялаган аёлнинг жойи жаннатда бўлади, деган эканлар. Мен келин ҳақидаги бу илиқ гапларни эшитар эканман, ҳақиқатан ҳам, жаннати аёл шу келин бўлса керак-да, деб хаёлимдан ўтказдим.

Келин яхши бўлса, хонада шодлик,

Обу овқатингда, донада шодлик.

Ота кўнгли тинчу қалби хотиржам,

Боши кўкка етар, онада шодлик.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ

Андижонлик ёзувчи Убайдулла Содиқ иш кабинетимга кириб келди.

- Сайфиддин Жалиловдан сизга салом, - деди у ва конверт узатди.

- Бу нима? - дедим.

- Ичида тибга оид форсча ғазал бор, шуни таржима қилиб берар экансиз, Сайфиддин Ҳожи сизни, халққа ҳам бир хизмат қилсин, деди.

Сайфиддин ака шарқшунос олим бўлиб, узоқ йиллар Андижондаги университетда ишлаган, тиниб-тинчимас, жонкуяр инсон эди. Тарихий мавзудаги мақолалар ва рисоалари босилиб турарди.

Айниқса унинг Бобурга бағишланган монографияси илм аҳли орасида машҳур.

*Илм нуру олим парвона бўлур,
Илмнинг йўлида девона бўлур.
Аслида танбаллик бўлса олимда,
Кеча-кундуз иши баҳона бўлур.*

Сайфиддин ака кексайиб қолишига қарамай, тинч ўтирмайди, меҳнат қилади, пулни ўйламайди.

*Ҳақиқий олимлар пулни ўйламас,
Тикондан қўрқмайди, гулни ўйламас.
Илм саҳросида кезар тинимсиз,
Саҳродан қўрқмайди, чўлни ўйламас.*

Конверт ичида қуйидаги шеър бор экан:

ҲАФТ АШЎЙИ АМОНИЙ

*Ҳарфт ашё кард маъжун аз баройи нафъи омм,
Онки Луқмон буд ҳақим андар миёни Руму Шом.
Аз ҳалила в-аз балила, омила якҷо бикун,
Занжабилу хардалу фулфул, жувона некном.
Ҳар яки бар вазни воҳид кардаи, баъдаз бикуб,
Бо асал маъжун созу рўзу шаб меҳур мудом.
Меъдаро чун соф созад, боҳро қувват диҳад,
Рўшнои чашм орад, ҳазм кардан дар таом.
Ҳар ки ин кор бандад аз алил ёбад Амон,
Хосса аз савдоу саффо, балгаму назла, зуком.*

Таржимаси:

АМОНИЙНИНГ ЕТТИ АШЎСИ

Рум ва Шом юртларида ҳақим ҳисобланган Луқмон,

*Одамлар фойда олсин учун етти нарсдан маъжун
қилди.*

*Эй яхши ном эгаси, сен ҳалила, балила ва омилани,
Занжабил, хардал ва мурч билан ўзаро қўш.
Ҳар бирининг вазнини бир хилда ол ва янчи,
Асалга қўшиб маъжун қил ва эртаю кеч е.
У меъдани тозалайди, жинсий қувватни оширади,*

*Кўз нурини кўпайтиради ва овқатни ҳазм
қилдиради.*

*Ҳар бундан ейишни одат қилса, иллатдан омонлик
топади,*

Хусусан, савдо, сафро, балгам ва тумовдан қутилади.

Мазкур ким ўсимликлар ўзбеклар орасида ҳам шу номлар билан аталгани учун уларнинг русча ва лотинча номларини ҳам илова қилиб, тайёрлаб қўйдим.

Убайдулла Содиқ бошқа гал келганда қўлига топширдим ва бунинг бир нусхасини газетага бериб юборганимни ҳам айтдим.

- Э, чатоқ қилибсиз-ку! - деди Убайдулла.

- Нега? - дедим ҳайрон бўлиб.

- Сайфиддин Ҳожи бу давони ҳеч кимга айтмасин, деган эди. Унинг айтишича, дунёда учта нарсани яшириш керак экан: мазҳабни, бойликни ва дорилар рецептини.

- Нима қипти, олим аҳли ўз қалами билан яширин нарсалардан одамларни ҳам огоҳ қилиши, фойдали нарсадан элни ҳам баҳраманд қилиши керак! - дедим мен.

Олимким, илмда қалам тортади,

Жигари эзилиб, алам тортади.

Молпараст олимнинг аҳволини кўр,

Уйига зийнату гилам тортади.

- Шундайку-я, - деди Убайдулла. - Бироқ, мен сизга Сайфиддин аканинг сўзларини етқизиб қўйдим, холос.

- Сайфиддин акага мендан салом денг, - дедим унга. - Маҳмуд Ҳасаний халққа бир хизмат қилсин деган экансиз, катта хизмат қилибди, деб қўйинг!

Олимнинг ҳаёти шамга ўхшайди,

Туну кун ишлайди, камга ўхшайди.

Дангаса олимнинг шикоятин кўр,

Бошдан-оёққача гамга ўхшайди.

ХОР БЎЛГАН КАШАНДА

Эрталаб ишга кетиб борар эдим. Йўлдаги дарахтлар орасида ғайримиллат бир киши итини айлантриб юрарди. Унинг устида эски кийим, сочлари тўзгаган, соқоллари ўсиб кетган, агар ити

бўлмаганда эди, уни кўчада санқиб юрган девона ёки алкаш деб гумон қилиш мумкин эди. У оғзидаги папиросини бурқсатиб тор-тар, судраб кетаётган ити орқасидан лўкиллаб қадам босарди.

Бурқситиб тутунни саҳар ютарди,

Гўёки ўзича шакар ютарди.

Ўйламас эдики, кечаю кундуз.

Ичига қанчалаб заҳар ютарди.

Шу пайт қаршисидан бир ўзбек йигити келиб қолди. Устида чармдан тикилган куртка, бошида қимматбаҳо телпак, оёғида ялтираб турган этик, анчагина ўзига тўқ экани кўриниб турарди. Ит етаклаган кишининг олдига бориб, бир дона папирос сўради.

- Иди к черту (Йўқол, жин урсин сени!) - деди ҳалиги киши русчалаб, Йўқол, йўқол, - деди яна қўл силтаб.

Йигит индамасдан орқага қайтди.

Мен ўзимча ўйлаб дедим: “Шу папиросни чекишдан нима фойда? Чексанг, чўнтагингга қараб чек. Туппа-тузук йигитга ўхшайсан! Кашандалик сени кимларга хор қилиб қўйди? Бу кундан ўлганинг яхши эмасми? Ирода қани? Наҳотки инсон тутунга кул бўлса?!”

Иродасиз инсон хароб бўлгуси,

Бу азиз ҳаёти сароб бўлгуси.

Ирода тизгинин торта олмаган,

Бир умр юраги кабоб бўлгуси.

ДАЛИЛЛИ ЖАВОБ

Абдусаттор акага Худо икки ўғил ато қилди. Уларнинг тарбияси билан жиддий шуғуллана бошлади. Ўғилларнинг бирин-етин бўйлари ўсиб, балоғат ёшига ҳам яқинлашиб қолдилар. Ота болаларининг ҳар бир қадамини кузатар эди.

Болага боқмасанг, болинг кетади,


Ташвишда қоласан, ҳолинг кетади.

Боланинг ортидан югуриб охир,

Уйдан баракаю молинг кетади.

Бир куни Абдусаттор ака кичик ўғли Абдуғоффордан папирос ҳиди келаётганини сезиб қолди. Ўғлининг қўлидан тутиб олиб:

- Папирос чекишни ўрганяпсанми? - деди.



- Йўқ, йўқ! - деди ўғли ваҳимада.
- Нега унда сендан папирос ҳиди келяпти? - сўради ота.
- Болалар чекиб, тутунини менга пуфлашган эди, - деди ўғли.
- Унда нега йўталайсан? - сўради ота.
- Акам орқамга уриб, ўпкамни тушириб қўйган! - деди ўғли чин дилдан ишонтирмоқчи бўлиб.

Абдусаттор ака ўғлининг жавобидан кулиб юборди. Ўғлидан ҳечқачон чекмасликка сўз олиб, аста қўлини бўшатди.

*Болани ҳар лаҳза кузатмоқ керак,
Панду ҳикмат билан узатмоқ керак.
Феълда ҳар қандай нуқсон юз берса,
Аямай, барини тузатмоқ керак.*

АСАЛ

Диққатни бир ерга жамлай олиш улуғ ишлардан ҳисобланади. Бирор нарса ҳақида фикр юритганимизда диққатимизни бир ерга тўплай олмасак асл мақсадга ета олмаймиз. Айниқса, тасаввуфда диққатни бир ерга жамлаш, фикр юритилаётган нарсанинг моҳиятига кириб бориш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

*Ҳар ишда кишига ҳикмат лозимдир,
Мақсади йўлида гайрат лозимдир.
Илмга уринган олим кишига,
Чуқур тафаккуру диққат лозимдир.*

Али Сафийнинг “Рашаҳот” номли асарида Мавлоно Исмоил деган олим ва бобоси ҳақида ҳикоя қилинади. Унда ёзилишича, бобоси беш-олти ёшли Исмоилни Хожа Аҳрори Валий ҳузурига олиб боради. Дастурхонга нозу неъматлар қўйилган бўлиб, каттагина идишда эса асал бор эди.

*Асал азиз бўлди барча замонда,
Ундан вужудимиз бўлар омонда.
Инсон учун асал буюк бир неъмат,
“Фийҳи-ш-шифо”¹ деди Худо Қуръонда.*

Исмоилнинг кўзи асалга тушиб, унга тикилиб қолади. Хожа Аҳрори Валий:

¹ Фийҳи-ш-шифо - унда шифо бордир.

- Отинг нима? - дейди.

Ёш Исмоил асалга шу қадар берилиб кетган эдики, ҳато Шайхнинг саволини ҳам эшитмайди. Шайх баландроқ овозда яна унинг отини сўрайди. Исмоил чўчиб тушади ва шоша-пиша.

- Асал! - деб жавоб беради.

Хожа Аҳрори Валий бундан мириқиб кулади ва Исмоилнинг бобосига:

- Бу болани бизнинг тарбиямизга беринг, ундан улуғ одам чиқади, - дейди.

Шундай қилиб, Исмоил Шайхнинг тарбиясида камол топиб, етук олим ва мутасаввифга айланади.

Улуғлар назарин топса ҳар инсон,

Абадий ёруғдир унга бу жаҳон.

Бир улуғ назардан қиммати йўқ тош,

Олтинга айланиб, бўлгай нурафшон.

ШАҚИҚА

Директор қабулхонасига кирсам Сурайё ўтирибди. Сурайё машҳур академик олим Убайдулла Каримовнинг қизи бўлиб, яқинда кимё тарихи бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган эди. Сурайёнинг кайфияти ғоятда ёмонлиги юзидан кўриниб турарди. Сабабини сўрадим.

Касал бўлсанг дунё хаёли ёқмас,

Эркак бўлсин ва ё аёли ёқмас.

Қўлингда бахт ила иқбол борлиги,

Ва ёки йўқлиги-заволи ёқмас.

Сурайё анча йиллардан буён боши оғриши ҳақида шикоят қилади. Эшитиб бўлгач:

- Бошингиз эрталабдан оғришга бошлаб, куннинг иккинчи ярмида тўхтаб қоладими?-деб сўрадим.

- Ҳа,-деди у

- Бу шақиқа оғриғи, - дедим унга ва тибдаги унинг баёнини гапириб бердим.

Сўнг хонамга чиқдим. Ногоҳ эшик очилиб, Карим исми бошқа ерда ишлайдиган тожик йигит кириб келди. У табобат бўйича докторлик иши қилмоқчи бўлибди. Унинг қобилятини синаб

кўришни институт директори академик М.М.Хайруллаев Сурайё билан менга топширибди.

- Сизни Сурайё ўз хонасида кутяпти, - деди у. -Текширгани форс тилида ёзилган бирорта тиббий китоб олиб бораркансиз.

Ҳаким Шаҳобуддиннинг “Шифо ул-мараз” (“Касалликлар давоси”) номли тиббий шеърый асари бор эди. Ўзим билан олиб бордим. Сурайё ҳузурида Каримга дедим:

- Кўзимни юмиб, шу китобни таваккал қилиб очаман, очилган жойнинг ўнг томонидаги биринчи сарлавҳадан ўқиб, таржима қилиб берасиз, - дедим ва китобни очиб, унинг олдида қўйдим. У ерда ҳатто нима ҳақида ёзилганига ўзим ҳам қарамадим.

Эркак бўлсин, аёл-бу жаҳондадир,

Ошкоро жойдадир ё ниҳондадир.

Уларнинг барчаси ушбу жаҳонда,

Ёхуд охиратда имтиҳондадир.

Карим “Дар баёни шақиқа”(“Шақиқа баёнида”) деб ўқий бошлади. Сурайё икковимиз бир-биримизга қарадик. Бундан ярим соат аввал Сурайёга шақиқа ҳақида гапириб берган эдим. Карим шақиқа бобини ўқиб, таржима қила бошлади. Унинг ўзбекча таржимаси қуйидагича эди:

Шақиқа белгисин то бошдан-оёқ,

Хабарин берайин, сўзга сол қулоқ.

Машириқдан нур сочиб чиққанда қуёш,

Уйқудан шақиқа кўтаради бош.

Бирдан бош ярмини тутуди олам,

Ҳаттоки эркак шер чидамас бир дам.

Мағрибга бошини қўйганда қуёш,

Ёруглик юракка бўлади йўлдош...

Менинг Сурайёга айтиб берганим тўғри чиққан эди. Ҳақиқатан ҳам, қуёш чиққанда шақиқадан бош оғрий бошлар, қуёш ботаётганда эса тўхтар эди. Карим ўқиб таржима қилар экан, Сурайё билан кўз уриштириб ҳозиргина мен унга айтган гаплар тасдиқланаётганини, ҳаммасидан ҳам, мен таваккалдан очган саҳифадан шу дарад чиқиб қолганидан кулар эдик. Карим хавфсираб бизларга қарар эди. Мен бунинг сабабини унга тушунтириб бердим.

Шундай қилиб, Карим синовдан ўтди. Унга Исмоил Журжоний-

нинг “Захираи Хоразмшоҳий” (“Хоразмшоҳлар захираси”) номли тиббий қомусий асар устида иш олиб боришга рухсат бердик.

*Сўзлар бор, ёлгондир, асоси бўлмас,
Қадри йўқ тоғ каби расоси бўлмас.
Сўзлар бор, гавҳардек, маънога тўлиқ,
Минг бора текширгин, хатоси бўлмас.*

ТАСОДИФ

Баъзан шундай тасодифий воқеалар юз берадики, бошқалар бу тасодифни айтиб ҳақиқат деб қабул қиладилар. Марҳаматда таътилда эдим. Нариги маҳаллада турадиган Мамадмусонинг хотини ўлган бўлиб, биринчи ҳайити эди. Биродарим Усуббек ака эрталаб олдимга келадиган бўлди. Чойни дамлаб, кутиб ўтирдим. Келди. Бир пиёла чой узатиб дедим:

- Усуббек ака, сиз аравачали мотоциклингиз билан доим хизматимдасиз, бунинг учун эса бензин керак, сизга бироз пул берсам-да, бензин олиб қўйсангиз, шунда менинг кўнглим тўқ бўлади.

*Семизликни одам лаззатдан топар,
Рухига оромни иззатдан топар,
Бироқ икки олам саодатини,
Эли учун қилган хизматдан топар.*

Усуббек ака бошини қўйи солганча жимиб кетди. Мен турли хаёлларга бордим, гапим оғир ботди шекилли, деб ўйладим. Анчадан сўнг у бошини кўтарди ва одати бўйича, елкаларини силкитиб кула бошлади. Сўнг:

- Маҳмудхон, гапни айлантирмай. тўғриси айтиб қўя қолсангиз бўлмайдимиз? - деди.

- Тушунмадим, - дедим унга.

- Эрталаб мотоциклини ўт олдиришдан аввал, ўзимга, бензиним тугади, сотиб олишга пулим йўқ, Маҳмудхондан беш-олти юз олиб турсаммикин, деб ўйлаган эдим, сиз буни узоқдан билгансиз, тўғриси айтиб қўя қолмай, гапни айлантиряпсиз! - деди у.

- Бу тасодиф, - дедим унга ва Усуббек аканинг кўзғолишга шошиб турганини кўрсам-да, ёнимдаги арабча китоблардан бирини олиб, ундаги Абдулқодир Гилоний (Ғавс ул-Аъзам) нинг “Қасидаи Ғавсийа” номли шеърини ўқиб, охиригача таржима

қилиб бердим. Шеър беш варақдан иборат бўлиб, уни охиригача эшитишга Усуббек ака зўрага тоқат қилиб ўтирди. Усуббек ака, шошиб турганда бу нима керак, деб уйларди ва менинг ўзим ҳам нега бунни ўқиётганимдан ҳайрон эдим.

*Ҳар ишда кўникма, одат керакдур,
Яна шароиту ҳолат керакдур.
Сув остида ётган гавҳардур илм,
Унга етмоқ учун тоқат керакдур.*

Фотиҳага ўтдик. Бир неча яқинлар сўрида ўтирган экан. Мамадмусо қайтишга қўймади.

- Кўришганимизга анча бўлди, бироз суҳбатлашайлик, - деди у. Орадан бир неча савол- жавоблар ўтди.

- Менда Имоми Аъзамнинг қасидаси бор,- деб қолди ўз-ўзидан Мамадмусо. - Уни ҳар куни китобдан ўқиб, Имоми Аъзамга дуою фотиҳа қиламан.

- Имоми Аъзам мазҳаб бошлиғи, фикҳга оид насрий асарлар ёзган, бироқ у зот шеър ёзмаганлар, - дедим мен.

*Нуъмон ибн Собит- Имоми Аъзам,
Ҳанафий мазҳабин тузди муаззам.
Орадан асрлар ўтмоқда ҳамки,
Юртимиз ичида боқий бугун ҳам.*

- Йўғ-э,-деди Мамадмусо, - мени уни қиблагоҳингиз Махдум Восилий ҳузурларида ҳам ўқиб берганман, баъзи хатоларимни тўғирлаб қўйганлар, агар ишонмасангиз ҳозир олиб чиқаман.

Шундай деб, уйдан каттагина ҳажмли қўлёзмани олиб чиқди ва ичидан қасидани топиб, қўлимга тутқазди. Мен қасида охиридаги мана бу байтларни ўқидим:

*Ва Абдулқодири машҳуру исмий,
Ва жаддий соҳибий айн ул-камоли.*

*(Менинг машҳур исми Абдулқодирдир,
Камолга етган икки зот, яъни Расул ва Али
менинг бобомлардир)*

*Ана -л-Жилийу Муҳйиддин исмий,
Ва аъломий ала раъси-л-жиболи.*

*(Ўзим Жилонданман, Муҳйиддин яна бир исми,
Менинг машҳурлигим тоғ чўққилари кабидир).*

Мамадмусо:

- Эй-э, сиз ҳам қасидани биласизми?- деди ва аввал бошидан ўқиб беришимни сўради. Қисқаси, қасидани бошдан-оёқ ўқиб, таржима қилиб бердим. Сўнг бу қасидани ўқиганда Имоми Аъзамга эмас, балки Ғавс ул-Аъзамга дуо юбораётганини айтдим.

*Ҳар банда ҳаётда Худога муҳтож,
Ҳар кимса қалбида давога муҳтож.
Ўликлар ўлди-ю кетдилар дема,
Ҳар ўлик доимо дуога муҳтож.*

Уйга қайтгач, Усуббек ака билан бироз ҳазиллашмоқчи бўлдим.

- Мен нима учун сизга “Қасидайи Ғавсиййа”ни ўқиб берган эдим? Чунки Мамадмусоникига ўтганимизда шу қасида ҳақида сўз кетишини олдиндан билардим, шунинг учун сизнинг олдингизда ўқиб, бироз машқ қилиб олгандим,- дедим.

Бу сўзга Усуббек ака чиппа-чин ишонди. Бу тасодиф эканини унга қанча тушунтирсам ҳам, бари бир қабул қилмади.

БИЛМАСКИ, ЁЛҒОНЧИ ЎЗИНИ АЛДАР

Мустабид тузум даврида тушнинг башоратли бўлиши бутунлай инкор қилинди. Ваҳоланки, кўп улуг алломалар ўз ишларида башоратли тушлардан кўп манфаат кўрганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) тушларнинг башоратли бўлиши ҳақида ҳадиси шарифларида хабар берадилар.

*Тушлар бор, сен учун башорат бўлур,
Гоҳи яхши, гоҳи шарорат бўлур.
Ғафлатда қолмаки, ҳар кўрган тушинг,
Бирорта ишингга ишорат бўлур.*

Бир куни туш кўрибман. Тушимда ижод қиладиган кичкинагина хонтахта бор эди, Устига дафтару қаламларимни қўйиб, балконга чиқдим. Шарикли ручкамни қўлимга олиб, ёзмоқчи бўлдим. Ручкадан бир томчи сиёҳ оқ қорғоз бетига оқиб тушди. Сиёҳ оста-секин қимирлаб, охири сичқонга айланди ва хонтах-

тадан осилиб тушиб, қандайдир катта шоҳқўчага чиқди. Мен ҳам унинг орқасидан кетавердим. Сичқон машиналар ўтиб турган кўчани кесиб ўтди. Темир панжара тагидан ўтиб, панжара ортида турган тўртта сичқонга бориб қўшилди. Темир панжара баланд бўлгани учун мен у ёғига ўтолмадим. Уйғонсам, туш ёдимда қолибди. “Комил ут-таъбир” китобини очиб ўқидим. Тушдаги сичқон ёлғончи аёлни билдирар экан.

*Кўп ишлар ҳаётда хушда бўлади,
Орзую фироқлар хушда бўлади,
Шодлигу хурсандлик, гаму маҳзунлик,
Одатда уйқуда тушда бўлади.*

Эрталаб тушимни хотинимга айтиб бердим. Сўнг:

- Бугун бизникига Салима келади, - дедим.

- Салима одатда якшанба кунлари келади, - деди хотиним.

бугун чоршанба-ку.

- Майли, тушни синаб кўрамиз, - дедим унга.

Тушки овқатни қилиб бўлгач, хонтахтаминг устига дафтар қаламимни қўйиб, балконга чиқдим. Қўлимга ручкани олиб, энди ёзмоқчи бўлган эдим, эшик қўнғироғи жиринглади. Хотиним эшикни очди, Салиманинг овози келди, Салима хотинимнинг узоқ қариндоши бўлиб, Андижондан келган ва Тошкентда университетда ўқир эди. Маълум бўлишича, унинг онаси қариндошлар орасида ёлғончилик ва фирибгарликда ном чиқарган экан. Салима ҳам ёш талаба бўлса-да, ёлғонни ямламай ютишини яхши билар эдик.

*Ибратли хислатлар инсонда бордир,
Бунга кўп мисоллар жаҳонда бордир.
Бироқ дилни вайрон қилар ёлғончи,
Ёвузлик у айтган ёлғонда бордир.*

Салиманинг қўлида чемодан бор эди.

- Қаёққа отландингиз? - деб сўрадик.

- Конкурсада ютиб чиқдим, Бухорога юборишмоқда. Эрталаб соат тўртда аэропортда бўлишим керак. Ухлаб қолмай, уйғотиб кўярсизлар деб, сизларникига кела қолдим, - деди у.

- Бир ўзингизми?- деб сўрадим.

- Йўқ, - деди у, -яна тўртта шеригим бор, улар мени аэропортда кутишади.

Ярим кечада уни ёлғиз кўчага чиқариб юбормаслик учун аэропортга олиб чиқиб қўйдим. Сўнг тушим ҳақида ўйлай бошладим. Ручка илм манбаи, ручкадан томган томчи эса илм бўлиб, унинг ўқишларида менинг доим ёрдам бериб туришимга ишора эди. Сичқон ёлғончи аёл, шоҳкўчадан ўтиши ва унинг орқасидан боришим эса кузатиб қўйишимни билдирарди. Панжара ортига ўтиши эса самолётда учиб кетиши, менинг панжарадан нарига ўтолмаслигим бу ерда қолишимга ишора эди. Салима уйимизга кириб келгандаёқ Ёлғон гапирган эди. У ётоқхонада ухлаб қолишдан кўрққан эмас, аслида менинг тунда машина топиб, аэропортга олиб чиқиб қўйишим учун келган эди.

*Ёлғончи одамнинг юзини алдар,
Бўридир, қўй ила кўзини алдар.
Ишни битирмоқчи бўлар ёлғондан,
Бироқ билмагайки ўзини алдар.*

СИҲҲАТ УЛУҒ НЕЪМАТ

Абдусаттор амаки касалхонага тушиб қолди. Бир вақтлар лат еган оёғи зирқираб оғрир эди. Ёнидаги беморлар билан танишиб ҳам олди. Яхши одамлар экан, маъқул бўлди. Кунларни зерикмай ўтказа бошлади.

*Сиҳҳат улуг неъмат илдам қидиргин,
Бир гал эмас, уни ҳар дам қидиргин.
Доим соғу омон бўлайин десанг,
Жондан азиз бўлган ҳамдам қидиргин.*

Бир кун машина фалокатига учраб, жарроҳлик амалидан ўтказилган йигитни Абдусаттор амаки ётган хонага жойлаштириб қўйишди. Йигит тинимсиз нола чекар ва ҳадеб “буви, буви” дер эди.

*Шодлик кунларингда ҳамдаминг келар,
Ошга шерик бўлар, ҳар дамнинг келар.
Бошингга иш тушса “улфат”лар қочиб,
Дилингга энг яқин одамнинг келар.*

Абдусаттор амаки унинг “буви”лашидан кечгача зўрға чидади. Охири:

- Эй йигитча, намунча “буви, буви” дейсан, “ойи” десанг бўлмай-дими? қийин кунда буви эмас, туққан ойи асқотади-ку!-деди.

- Водийда тукқан ойини буви дейишади-да! - деди йигит инқиллаб ва яна «буви» дейишга тушди. Абдусаттор амаки ўзининг бекорга асабийлашганидан бироз хижолат тортиб:

- Э, шундай демайсанми? - деб қўйди.

*Бошингга иш тушса парвона она,
Юраги эзилиб, гирёна она.
Бошини қайларга уришни билмай,
Ҳушини йўқотиб девона она.*

ОТА КИМ?

Абдуссатор амакини тўрт кишили палатага ётқизиб қўйишди. Даволаниш бошланди. Палатада бир ёш йигит ҳам бор эди. Отаси кўргани келди. Ўзи билан турли мевалар, чиройли нонлар, товуқ гўшти, норин, яна алланарсаларни олиб келди. Йигит отаси билан жуда совуқ муомалада бўлди. Ҳатто бирор марта ада ҳам демади. Бу ҳам Абдусаттор амакини ҳайратга солди.

*Дунёда энг азиз инсон ота-ку,
Ғам келса қилувчи осон ота-ку.
Шодли кунларингда ёнингда ҳамдам,
Ғамли кунларингда сарсон ота-ку!*

Бошқа куни бир оқсоқол кўргани келди. Ёнида иккита нон ва бир неча дона олма бор эди. Йигит оқсоқолни хурсанд бўлиб кутиб олди. “Адажон”, келинг” деб юзларидан ўпди. Очилиб-сочилиб суҳбатлашди. Ўрнидан туриб, ҳовлигача кузатиб қўйди.

*Ҳар ким ҳурмат қилса кекса кишини,
Ҳудо тўғрилайди унинг ишини.
Иzzат кўрсатолса кексага киши.
Кулфат синдирмайди унинг тишини.*

Орадан бир кун ўтгач, йигитнинг биринчи кунда келган адаси яна келди. Қўлида турли нозу неъмат ва таомлар бор эди. Йигит жуда совуқ муносабатда бўлди. Орқасидан кузатиб ҳам қўймади. Эртасига иккинчи адаси келди. Иккита нон ва икки сих кабоб олиб келибди. Йигит қучоқ эчиб кўришди. Мириқиб суҳбатлашди.

Аввал бу ишларга аралашиб нима қиламан деб ўтирган Абдусаттор амакининг сабри чидамади. Йигитга:

- Ўғлим, олдинга икки оқсоқол келади, икковини ҳам ада дейсан, бирини совуқ кутиб оласан, иккинчисини очилиб-сочилиб қаршилайсан, агар сир бўлмаса, айтиб берсанг,- деди.

- Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, - деди йигит. Биринчиси менинг ҳақиқий адам, бироқ гўдаклигимда онам икковимизни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетган. Иккинчиси ўғай адам, ёшлигимдан тарбиялаб, мени шу ёшга етқизган. Топганини аямай едириб-ичириб, ўқитган.

*Ота ким, бошингни силаса ота,
Ҳақиқий оталик қилолса ота.
Ўғай бўлса ҳамки оталик қилиб,
Меҳрини бошингга тўколса ота.*

ЯЛАНҒОЧ ОДАМ

Ҳакимжон даврада ўтирар, аммо ҳаёли қаёқлардадир кезиб юради. Тўхтавой аканинг фойдали сўзлари қулоғига кирмас эди.

*Ажиб хаёлотга эга одамзод,
Фикри бир нуқтада олмайди қарор.
Ўзи Хоразмда жим ўтирса ҳам,
Хаёли Тошкентда кезар беқарор.*

Унинг ҳолатини сезган Тўхтавой ака:

- Ҳакимжон, сен уйингда нега яланғоч юрасан? - деб қолди.

Ҳакимжон:

- Ўзимнинг уйим, ёлғиз яшайман, яланғоч юрсам нима қипти?
- деб жавоб берди.

*Ўз жойим бор, ўлан тушагим,
Истаганча яйраб яшайман.
Ҳеч кимсага тобелигим йўқ,
Ўз ошимни ўзим ошайман.*

- Ўзим ёлғизман деганинг нимаси? - деди Тўхтавой ака. - Аллоҳ таъоло ҳамиша сен билан, сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўриб туради. Инсон қалби Аллоҳ таъолонинг Арши, Аллоҳ сенга жон томирингдан ҳам яқин. Демак, сен уйда ёлғиз эмассан?

Ҳакимжон айтган сўздан уялиб қолди. Мана, бир неча йилдирки, у уйда ёлғиз қолса ҳам, одоб доирасидан чиқмайди.

*Эй ўзини ёлғиз деган эр,
Бу сўзингдан қайтгин эртарақ.
Парвардигор сен билан доим,
Буни ёддан чиқарма мутлоқ.*

ФАЛСАФИЙ МАЪРУЗА

Ботаника институтининг директори бўлим бошлиғи Ҳалим Каримовни ҳузурига чақириб:

- Ботаника соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга бағишланган илмий анжуман ўтказмоқчимиз, шунга маъруза билан тайёрларлик кўринг, - деди.

- Хўп бўлади, - деди у.

- Бироқ маърузангиз фалсафий бўлсин, - деб қўшиб қўйди директор.

Ҳалим Каримов ботаника бўйича кўплаб мақола ва илмий рисолалар ёзган, номзодлик диссертациясини ҳам ёқлаган эди. Бироқ шу пайтгача фалсафий маъруза ҳам қилмаган ва фалсафий мақола ҳам ёзмаган эди. Атрофдагилар билан маслаҳатлашди. Ҳеч ким бир аниқ маслаҳат беролмади.

*Бошингга иш тушса дўстлар билинар,
Сохтами ё бекаму кўстлар билинар.
Барчага ишониб, дўст деяверма,
Бир қуни сомону пўстлар билинар.*

Илмий анжуман қуни яқинлаша бошлагач, Ҳалим Каримов табора безовталана бошлади. Охири кўпни кўрган академик олимга телефон орқали мурожаат қилди.

- Фалсафий маъруза ёзиш жуда осон, - деди академик, - агар маърузангизни ҳамма тушунса, бу ботаник маъруза, бироқ ҳеч ким тушунмаса, бу фалсафий маъруза бўлади.

Ҳалим Каримов маъруза устида узоқ бош қотирди. Охири, нима бўлса, бўлди, деб ўз билганича ёзаверди.

*Беҳуда сўзлардан воз кечганинг соз,
Ҳикматли сўз учун йўл очганинг соз.
Бировга бир маъқул сўз айтолмасанг,
Гуриллаб ёнмасдан тез ўчганинг соз.*

Илмий анжуманда Ҳалим Каримовга сўз беришди. У ўз маъ-

рузасини ўқиб берди. Охирида деди:

- Директоримиз менга маърузангиз фалсафий бўлсин, деган эдилар. Фалсафий бўлдимми ёки йўқми, билмайман. Агар маърузамнинг маъноси сизларга тушунарли бўлса, демак у ботаник маъруза, агар ҳеч нарса тушунмаган бўлсаларингиз, демак у фалсафийдир.

Ўтирганлар кулиб юборишди. Чунки, унинг фалсафий маърузаси ҳақидаги муаммодан аллақачон ходимлар хабардор эдилар. Унга маслаҳат берган академик ҳам завқланиб кулди, негаки унинг сўзлари ҳазил тариқасида айтилган эди.

*Ҳазил қилсанг, кимдир тушунар бунни,
Оддий қабул қилар, чиқмайди уни.
Кимдир ҳазилингни кўтармас асло,
Ғазаб билан бошдан чиқар тутуни.*

Ҳалим Каримовнинг ўз маърузасидан кўнгли тўлмади. Фалсафий маъруза бўлдимми- йўқми, билмас эди. У ўз узрини баён қилиб, хижолатдан чиқишни жуда хоҳларди. Маъруза тугагач, залда яхшигина қарсак бўлди. Бироқ бу оддий қарсақлар бўлиши мумкин эди. Маърузадан сўнг ҳаммага ҳам қарсак чалаверадилар-да. Шу пайт институт директори Ҳ.Каримовга қараб:

- Фалсафий маъруза дейишдан мақсад туб маънодаги фалсафа эмас, балки чуқур маъноли, ҳар томонлама мукамал, ботаника муаммолари ва уларни ечишни ҳал этиш йўллари ҳақидаги маъруза назарда тутилган эди. Маърузангиз жуда ажойиб чиқибди, раҳмат сизга!

Ҳалим Каримов директорнинг сўзига ишониниш-ишонмаслигини ҳам билмай қолди. Иккиланган ҳолда жойига бориб ўтирди. Қисқаси, анжуман охирида мунозарага чиққан нотиклар Ҳалим Каримовнинг маърузасини энг яхши маъруза сифатида тан олдилар.


*Ҳикматли ҳар сўзни гапирса киши,
Уни қабул қилар ҳар қандай инсон.
Риёву ҳийладан холий бўлса сўз,
Ўзгалар қалбига сингади осон!*

Изоҳ учун



МУНДАРИЖА

Х.Бобобеков. Махдум Восилий	3
Ҳаёт мактаби	8
Энг бой одам	12
Филминди	13
Қўтир	14
Қароқчилар	15
Нос	16
Устознинг танбиҳи	17
Шашғол илми	18
Ким ўткир	20
Телба	21
Ота насиҳати	22
Ўроқ	23
Кўз	23
“Шамс ул-маъориф”нинг калити	25
Товуқ шўрва	28
Саводсиз жинлар	30
Хотира дориси	32
Нафсининг белига тепган киши	33
Товуқнинг қичқириши	34
Қош қўяман деб	35
Она	36
Игир қиёми	39
Миннат	41
Ёлғонни рост қилиш	44
Вақт қадри	46
Иллатнинг чораси	50
Эшон рўздор	52
“Тортиш” кучи	54
Саёҳат	56
Авлиёлик	58
Уламнинг ноласи	61
Тафтишчи чол	63
Врач	66



Нон	67
Туш	70
Инсон-жомии асрор	73
Ҳар сўзнинг жавоби бор	75
Доно Холвой	76
Чилла	78
Дуонинг баракати	80
Тутқаноқ	82
Абдужаббор табиб	84
Оҳ, ажиб замонлар	86
Қийғир домла	88
Лақаб	89
Она соғинчи	90
Алихон Соғуний	91
Меҳмон келар эшикдан	93
Умр афсуси	95
Дўкчи Эшоннинг беваси	96
Кекса султон ва қария вазирнинг толиби илмга эҳтироми	99
Луқмоннинг панди	101
Ахавайн	102
Чора	106
Аврод	107
Лаҳза	110
Уноби	110
Ризқ тилаган дўст	111
Жаннат оналарнинг	112
Сихҳат ва давлат	112
Умрнинг узоқлиги	113
Сарвиқад бўлмоқ	113
Яхши ном	114
Хотиржамлик	115
Олмоқнинг бермоғи бор	115
Гўристон	116
Кетарга кетар йўл яхши	117
Отиб қолсанг-чи	117
Эсла гоҳида	119
Хароба дўст	119

Алкаш дўст	120
Ҳикмат лаззати	120
Дўст шикояти	121
Хасиснинг овқати	122
Сув ва дарахт	122
Улуғ тоғ	123
Роз ва зор	124
Икк шогирд	125
Китоб	125
Гапнинг рости	126
Такаббур	127
Нок	128
Салом	129
Анор	129
Оғир юк	130
Чумоли	131
Олимлар	131
Тўй	132
Асар	132
Бемор дўст	132
Аччиқ сўз	133
Хотираси бузилган йигит	133
Майиз	135
Нисённинг зарари	136
Ёзувчи ва олим	137
Таъзим	138
Беҳуда қўрқув	139
Далда	141
Устоз	142
Жиннихона	144
Дўстнинг қочиши	144
Раис	146
Мен йўқ, олам йўқ	149
Қониқиш	150
“Тадбиркор” жин	152
Ўзимизнинг Азамат	155
Бетамиз чумчуқлар	157


Шогирдининг “башорати”	161
Луғат	164
Пистоний ва бўстоний	165
Туҳфа	167
Расмини яширган рассом	169
Меҳр	171
Авлиё бўлиб қолмасайди	173
Сурайё ва ҳаё	175
Ака	176
Таъсир кучи	179
Кўнғироқ	181
Кулги	184
Миннатдорлик	185
Чумчуқ сўйса ҳам	188
Тарозининг палласи	192
Булутларни қувлаган иши	193
“Башорат”нинг қиммати	195
Аллоҳнинг “улфати”	198
Сасиган гўшт	199
Сиқилган аёл	201
Салом	203
Семирган дўст	206
Сут	208
Қомат	209
Суҳбат	209
Буйрак тоши	210
Шайтонга шерик	212
Ғийбат	215
Таъбир китоби	218
Равшан опа	225
“Хавос ул-ашё”	227
Пиёла	229
Ҳадик	231
Жаноза	234
Усмон магазинчи	235
Илми амал	238
Ҳозир жавоблик	241

Хурмо	241
Ўрик	243
Мўъжиза	244
Шаклга кирган тарвузлар	246
Уруғсиз бодринг	246
Атир ҳидли қовун	248
Мазаси ўзгарган анорлар	250
Чаласаводлик	252
Бангизода	253
Она безори	256
Темир Махсум	258
Фатҳулла Махсумнинг хийласи	259
Қуда	262
Гўдакнинг ақидаси	263
Яхшилик мардларнинг қўлидан келар	264
Исмнинг таъсири	267
Келин	268
Халққа хизмат	270
Амонийнинг етти ашёси	271
Хор бўлган кашанда	272
Далилли жавоб	273
Асал	274
Шақиқа	275
Тасодиф	277
Билмаски, ёлғончи ўзини алдар	279
Сихҳат улуғ неъмат	281
Ота ким	282
Яланғоч одам	283
Фалсафий маъруза	284

Маҳмуд ҲАСАНИЙ



ОБИҲАЁТ
ТОМЧИЛАРИ



Тошкент — «Fan va texnologiya» — 2010
Муҳаррир: М. Миркомилев
Компьютерда саҳифаловчи: О. Абдуллаев
Мусахҳиҳ: М. Ҳайитова
Тех. муҳаррир: А. Майдинов

Босишга рухсат этилди 14.06.2010. Қоғоз бичими 60x84^{1/16}.
“Таймс уз” гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 18,5.
Адади 100 нусха.

Буюртма № 19. Баҳоси шартнома асосида.
«Ўз Р ФА Асосий кутубхонаси» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

ISBN 978-9943-10-347-4



9 789943 103474